



ЖАҲОН АДАБИЁТИ ХАЗИНАСИДАН

# БИР КҮНЛИК ҚҮНАЛҒА

*Жаҳон адиблари ҳикоялари*



ТОШКЕНТ  
«O‘ZBEKISTON»  
2018

УЎК 82(100)  
КБК 84(0)  
Б 71

**Тўплаб, нашрга тайёрловчилар:**

У. Бўтаев, Н. Бўтаева

**Такризчилар:**

Мархабо Қўчқорова, филология фанлари номзоди;

Гулноза Сатторова, филология фанлари номзоди.

Йигирманчи аср инсоният тарихида чуқур из қолдирган ҳолда ўтмишга айланди. Илм-фан ривожланиши, техник тараққиёт билан бир қаторда ижтимоий-сиёсий бўҳронлар, жаҳон урушлари аср кишисини саросимага солиб, миллионлаб одамларнинг ёстиғини бевақт қуритди.

Дунёнинг турли четларида яшаган турли миллат вакилларининг изтироб-қувончлари, интилишлари, қалб эврилишлари эса уларнинг мухтор вакиллари бўлмиш адиблар асарларида акс этиб, абадиятга муҳрланди. Мазкур тўплам шу маънода Сизга доимий ҳамроҳ бўлишга арзийди.

ISBN 978-9943-25-537-1

© У. Бўтаев, Н. Бўтаева (туз.), 2018

© «O‘zbekiston» НМИУ, 2018

# **Иван Бунин**

(1870 – 1953)



*Иван Бунин – атоқли рус адиби, Нобель мукофоти лауреати, шоир, таржимон. Унинг қисса ва ҳикоялари Мопассан, Тургенев, Чехов асарлари каби севиб ўқилади. Ёзувчининг, айниқса, «Хилват хийбонлар» тўплами китобхонларга яхши таниш бўлиб, унга фақат муҳаббат ҳақидаги ҳикоялар жамланган. Буниннинг ўзи худди мана шу китобини «ҳикоячилик санъати бобида баркамол» ҳисоблаган.*

## **МУЗА**

Мен ўшанда, гарчи бунинг учун ёшим ўтинкираб қолган бўлса-да, рассомлик санъатидан сабоқ олишга жазм этдим – кўнглимда аввалдан ҳам шундай ҳавас бор эди – Тамбов вилоятида ер-мулким бўла туриб, бутун кишни Москвада ўтказдим. Мени шогирдликка олган рассом нўноқ, истеъдодсиз, аммо ўзига яраша донгдор ҳам эди; у санъат аҳлига хос барча зоҳирий кўринишга эга эди: сочини елкасига жингалак қилиб ўстирганди, тишига трубка қисиб юрарди, калта, қизил баркут камзул, уринган, кулранг, узун этиккалиш киярди – мен улардан жудаям жирканардим – муомалада ҳечам истихола қилмасди, ўзганинг меҳнатига мутақаббирларча чап кўз билан қараб, худди ўзича сўзланаётгандек: «Чизганингиз муваффақиятдир...» деб қўйишга одатланган бир кимса эди.

Мен Арбат хиёбонидаги «Прага» ресторанига ёндош «Пойтахт» мусофирхонасида яшардим. Кундузи рассомникида ёхуд ўз хонамда ишлардим, кечани кўпинча овқати арзон ресторанларда, турмуши ит ётиш, мирза туришдан иборат дайди санъаткорлар орасида, ёшу қариси бир хилда пиво ва қисқичбақага муккасидан кетган янги-янги танишларим билан ўтказардим... Тўғриси, жуда зерикарли ва кўнгилсиз ҳаёт кечирардим! Ўша ўлардай бефарқ, тепса-тебранмас ирkit рассомни, унинг вайронага айланган, чангга беланган, турли-туман сохта безаклар уюми тўла устахонасини, ўша қоп-қоронғи «Пойтахт» мусофирхонасини ўйласам, фақат ансам қотади... Хотирамда ушбу лавҳалар қаттиқ сақланиб қолган: деразага қор тўхтовсиз урилади. Арбат томондан кўнғироқларини жаранглатиб ўтаётган кўнкалар – от қўшилган трамвайларнинг тарақ-туруқ товуши келади, кечаси эса хира ёритилган ресторанда пиво ва яна аллақандай раддибалонинг ачимсиқ иси анқийди... Чўнтагимда бирмунча пулим бўла туриб, нима сабабдан шундайин аянчли бир тарзда яшаганимни ҳалигача тушуниб етолмайман.

Баҳорда, март кунларининг бирида, хонамда расм чизиш билан машғул эдим; тош йўлдан эшитилаётган нағал товушлари қишдагидан бошқачароқ, кўнкалардан таралаётган мусиқавий сандолар ҳам ўзгачароқ туюларди... Нохосдан кимдир даҳлиз эшигини тақиллатди. Баланд овозда: «Ким?» деб сўрадим. Жавоб бўлмади. Бироз кутдим, кейин тагин: «Ким у?» дея қичқирдим. Яна жимлик. Сўнг яна эшик тақиллади, бориб эшикни очдим: остонада кулранг этикли, узун ва тўғри бичикли кулранг пальто кийган, қишки кулранг шляпали новчагина бир қиз турар, кўзлари шаддод боқар, юзида, узун-узун киприқларида, шляпа остидан чиқиб, ёйилган соч толаларида қор ва ёмғир нуқралари ялтирарди. У мендан кўз узмасдан:

– Мен мутаассиб бир қиз – Муза Граф бўламан, – деди. – Сиз жудаям ажойиб киши эканингизни эшитдим-у, танишгани келавердим. Қаршилигингиз йўқми?



Мен жуда хайрон бўлиб, лекин, албатта, назокат билан жавоб бердим:

– Бошим осмонга етди, жуда мамнунман. Фақат олдиндан ай-тиб қўймоғим лозим, яъни, мен тўғримда эшитганларингиз аслида бошқачарок; аслида, ҳеч қанақа ажойиблик жойим йўқ, мен – оддий бир рассомман.

– Бунинг ҳеч бир аҳамияти йўқ, муҳими, мени эшик олдида тутиб турманг, ичкарига таклиф қилинг, – деди у менга тик қараб, – ташрифимдан бошингиз осмонга етгач, эшигингизни ҳам очиб қўйинг-да, жонгинам.

У хонага кириб, ўзини худди энасининг уйида юргандек тута бошлади, четлари зарҳалланган, баъзи жойлари қорайган кўзгу рўпарасига бориб, бошидан шляпасини олди, сарғиш сочларини тутатган бўлди; пальтосини ечиб стулга ташлади, енгил жун матодан тикилган катак-катак қўйлаги дарҳол эътиборимни тортди, у диванга бориб ўтираркан:

– Калишим билан этигимни ечиб қўйинг, – деб буюрди. – Йўқ, аввал пальтомдаги дастрўмолни олиб беринг.

Унга дастрўмолни узатдим, у артиниб бўлиб, оёқларини мен томонга чўзилтирди.

– Мен сизни кеча Шоранинг концертида кўргандим, – деди у беписанд.

Мен мамнунлик ва эсанкирашдан аҳмоқона илжайганимча – бу қанақа меҳмон ўзи, ёпирай – итоаткорона киёфада унинг қўнжли калишларини бирин-кетин ечиб қўйдим.

Қизнинг вужудидан ҳалиям ташқарининг беғубор ҳавоси уфуриб турар, бу хид хаёлимни пароканда қилар, унинг рухсоридаги қарашма, бебок нигоҳларидаги нозу истиғно, узун ва чиройли қўлларидаги мафтункорлик хатти-ҳаракатларидаги мардона шаддодлик билан қўшилиб, дилимни баттар ҳаяжонга солар, ўртантирар эди.

У диванга қулайроқ ўрнашиб, бемалол-беписанда ўтириб олди, назаримда, хали-бери кетадиганга ўхшамасди. Ўйланқираб, лузум-

ли бир гап тополмасдан, у мен тўғримда кимдан нималарни эшитгани, ўзи ким, қаерда ва кимлар билан истиқомат қилишини сўрай бошладим. У шундай жавоб қилди:

– Сиз ҳақингизда кимлардан қандай гап эшитганимни айтиб ўтирмайман. Бу ерга келишимнинг бирдан-бир сабаби – сизни кеча концертда кўриб, ёқтириб қолдим, шу холос. Сиз ниҳоятда чиройли ва ёқимтойсиз. Ўзимга келсак, мен – докторнинг қизиман, уйимиз ҳам бу ердан унчалик узоқ эмас. Пречистенский хиёбонида.

Унинг сўзларида қандайдир қисқалик, кескирлик ва ногаҳонийлик бор эди. Мен уни жалб этиш учун бирор муносиб гап тополмаганимдан кейин:

– Чой-пой ичасизми? – деб сўрадим.

– Ичаман, албатта, – деди у. – Агар чўнтагингиз кўтарса, Беловнинг ранет олмасидан харид қилдириш, унинг растаси шундоққина Арбатда жойлашган. Фақат меҳмонхона ходимини тезроқ юборинг, мен жуда бесабр қизман.

– Аксинча, сиз мутлақо сипо кўринасиз.

– Кўриниш ҳам гап бўлди-ю...

Меҳмонхона ходими бир қоғозхалта олма ҳамда биқирлаб кайнаб турган самоварни олиб келгач, қиз ўрнидан туриб чой дамлади, пиёла ва қошиқчаларни бошқатдан тозалала артди... Бир пиёла чой ичиб, олма еб бўлгач, диванга чуқурроқ ўрнашиб олди, сўнг мени қўлларини ёзиб ишора қилган кўйи оғушига чорлади:

– Энди бери келинг.

Ёнига бориб ўтирдим. У мени кучоқлаб олди, шошилмасдан, оҳиста ўпди. Кейин бир муддат тикилиб қолди ва худди мен унинг лутфларига муносиб эканимга ишонч ҳосил қилгандек, кўзларини жимгина юмди ҳамда узоқ, сидқидиллик билан яна ўпди.

– Мана шундай, – деди у енгил тортган одамдай, – ҳозирча шу ҳам кифоя. Эртага бир гап бўлар.

Мусофирхона бўлмасига аллақачон қоронғилик оралаган, фақатгина кўчадаги чироқларнинг ғира-шира ёғдуси кўзга ча-

линар эди. Айни дақиқалардаги ҳолатимни, кувончимни баён этишга тил ожиз. Қаердан келди бу ногаҳоний бахт?! Ўтиб бораётган кўнкаларнинг ёд бўлиб кетган бир хилдаги жаранги ва отлар туёғининг тарақ-туруқ товуши тушимда эшитилаётгандек туюлди.

– Индинга мен сиз билан «Прага» ресторанида бирга овқатланишни истайман, – деди у, – мен у ерга ҳозиргача бир марта ҳам кирмаганман, шунингдек, тажрибасиз бир қизман. Шу тобда мен тўғримда нималарни ўйлаб ўтирганингизни тасаввур қиламан, бироқ, аслида, сиз – менинг биринчи севганим, биринчи муҳаббатимсиз.

– Қанақа севги-муҳаббат?

– Бўлмаса, буларни қандай аташ лозим?

...Шундан кейин ўқишни ҳам ташлаб юбордим. Рассомликка ҳавасим ҳам барҳам топди.

Биз у билан ҳеч ажралмасдан яшардик, ҳар хил кўрғазмаларга, концертларга, тасвирий санъат томошахоналарига борардик, ҳатто баъзан-баъзан оммавий маърузаларни тинглашга ҳам қатнаб турардик. Май ойида унинг хоҳиши билан Москва яқинидаги қўрғонга, эски бир чорбоққа кўчиб бордим: у ҳар куни олдимга келар, тунги соат бирда яна уйига – Москвага қайтиб кетарди. Умрим бино бўлиб чорбоғда яшамагандим, шундай чорбоғ эгаси бўлишни хаёлимгаям келтирмагандим. Москва яқинида, шундай ажойиб иқлимда, бизнинг чўлларимиздаги қўрғонларга мутлақо ўхшамаган, кўм-кўк дарахтзорлардан иборат қўрғонда ҳеч бир иш қилмасдан боёнлардек яшашимни эса асло кутмагандим.

Атроф қарағайзор ўрмон, уззукун ёмғир ёғади. Аҳён-аҳёнда ёрқин зангорликлар узра оппоқ булутлар тўпланади, теваракни майин бир шовқин қоплайди, кейин қуёш нурлари орасидан шаффоф ёмғир томчилари дувиллаб тўкилади, ўрмонзор тепасида хушбўй қарағайларнинг ҳовуридан юксалган улкан буғ пайдо бўлади... Атроф рутубатли: шалаббо ўт-ўланлар, дарахтлар танаси ойдин-

дагидек ялтирайди... Кўрғон теварагидаги дарахтзорлар шундай хайбатлики, бу ердаги онда-сонда қакқайиб турган чорбоғлар жуда кичкина кўринар, худди иссиқ иқлимли мамлакатлардаги улкан дарахтлар остидаги мўъжаз уйчаларга ўхшаб кетарди. Ярмигача дарахтлар сояси тушиб турган ховуз эса улкан кўзгуни эслатарди... Менинг истиқоматгоҳим ўрмонзор ёқасида, боғ этагида жойлашганди. Ёғочдан қурилаётган уй ҳали батамом битказилмаган, тахта деворларидаги ёриқ-тешиклар ҳам беркитилмаган, фаршининг тахтаси рандаланмаганди: хонада ҳеч қанақа жиҳоз йўқ, фақат биргина қопқоқсиз печка шалтайиб кўзгуга ташланарди. Каравотим остида пала-партиш ёйилиб ётадиган пойабзалларимни доимий намгарчиликдан пўпанак босиб кетганди.

Кечалари ярим тунгача зимистон бўларди; ўрмонзор узра ғарб осмонидан ҳар доим кўрингувчи нимёруғлик ойдин кечаларда ой ёғдулари билан ўшандай осуда, ҳаракатсиз, ажойиб ва афсунгар бир ҳолатда қўшилиб кетарди. Тўрт тарафда ҳоким бўлган ана шу хотиржамликни, ана шу сокинотни, мусаффо осмон ва ҳаводаги ана шу осойишталикни сеза туриб, энди ҳеч ҳам ёмғир ёғмаслиги мумкин, дея ишонардим. Аммо Музани бекатга кузатиб қўйиб, ўрнимга чўзилишим биланок, бирдан ёмғир бошланганини, томни тарақлатиб шовқин солаётганини эшитардим, ташқаридаги қоронғилик бағрида чакмоқнинг қийрихон шуълаларини кўрардим...

Эргалабки бинафшаранг заминда, рутубат оғушидаги хиёбонларда олачалпак кўланкалар ва қуёшнинг тигдор нурлари жилваланар, пашшатутарларнинг чуғур-чуғури, сайроқи қораялоқларнинг бесаранжом нағмаси янграрди. Чошгоҳга яқин тагин ўрмонзордан буғ юксалар, тагин булутлар тўдаланар ва яна ёмғир шовиллаб қоларди.

Шом олдидан ҳаммаёқ равшан тортиб, ботаётган пастак қуёшнинг олтинранг, биллурий нури япроқлар орасидан ўтиб, титраб ўйнарган, сўникаётган кундуздан хабар берди. Шу пайт мен

Музани кутиб олгани бекатга йўл олдим. Поезд келиб тўхташи билан бир тўда чорбоғчилар йўлак сари ёпирилди: паровоздан тошқўмир ва ўрмонзорнинг ғуборсиз ҳиди анқиди, нигоҳим оломон ичида келаётган, кўлида турли-туман егулик, ичимлигу мевалардан қаппайган тўрхалта, қоғоз қопчиклар кўтарган Музага тушди... Уйга келгач, юзма-юз ўтириб, бир-биримизга меҳрибонликлар кўрсатиб, яйраб овқатландик. Кечки пайт, унинг шаҳарга жўнаб кетиши олдидан, боғда сайр қилдик. У шундоққина ёнимда, бошини елкамга қўйиб олган кўйи, бу худди тушида рўй бераётгандек, беихтиёр юриб борарди. Атрофда қора кўзгули ҳовуз, юлдузлар сари қўл чўзган, асрий, илтижولي дарахтлар... Бир қарашда кўлни эслатадиган далаларда дарахтларнинг узун, поёнсиз кўлкалари ёйилган; жимжит, бепоён ва фусункор ойдин кеча...

Июнь ойида Муза мен билан Тамбов вилоятидаги қишлоғимга борди, гарчи никоҳсиз бўлса ҳам бир уйда яшай бошладик, хўжалик ишларини у ўз гарданига олди. У узун куз кунларини асло зериктирмасдан, келажак ташвишлари ва китоб мутолааси билан ўтказиб юборди. Кўни-қўшнилardan бизникига тез-тез келиб, меҳмон бўлиб турадиган одам – Завистовский деган сўққабош кимса эди: у сариқбашара, нимжон ва кўрқоқ, созандаликдан ҳам хабари бор, бизникидан икки чақирим нарида турадиган, камбағаллашган заминдор эди. Қиш бошланди, у бизникига деярли ҳар куни келарди. Мен уни болалиқдан билардим, энди эса у нусхага шундай ўрганиб қолдимки, ҳатто у келмаса, тун ғалати ўтаётгандек туюларди. У мен билан шашка ўйнарди, Муза билан эса тўрт қўллаб рояль чаларди.

Рождество ҳайити олдидан тасодифан зарурат туфайли шаҳарга жўнадим. Ой чиққан бир паллада шаҳардан қайтиб келдим. Уйга кириб, Музани тополмадим. Самовар қаршисида анчагача танҳо ўтиргач, ходимадан:

– Дуня, бека ойим қаерда? Сайрга чиқиб кетдими? – деб сўрадим.

– Билмадим. Улар эрталабдан буён уйда йўқлар.

– Кийиндилару жўнаб қолдилар, – жавоб қилди емакхонадан бо-  
шини ҳам қилиб ўтиб бораётган энагам.

«Ха-ха, Завистовскийникига кетган, – деб ўйладим, – тўғри,  
улар тезда биргалашиб келиб қолишади, ҳозир соат етти бўлиб  
қолди...» Кейин хосхонамга кирдим у бирпасда тош қотиб ухлаб  
қолдим – кун бўйи йўл юриб, ўлардай совқотгандим. Бир соатлар-  
дан сўнг калламга ногаҳонда келган таҳликали фикрдан кўзим ярқ  
этиб очилди: «Ахир, у мени ташлаб кетган бўлса-чи! Мени бу ерда  
ухлатиб қўйиб, ўзи бекаатга кетган – унинг кўлидан ҳар иш кела-  
ди! Йўк, эҳтимол, у ҳозир қайтиб келгандир». Уйни айланиб чиқ-  
дим – йўк, келмабди. «Уят-э, шалпайган хизматкорларни ҳам  
ғафлатда қолдирибди!»

Соат ўнга яқинлашди, нима қиларимни билмасдим, хайрон-  
саргардон эдим: охири, мўйнадор, калта пўстинимни кийдим-да,  
негалигини ўзим ҳам билмаган ҳолда қуролимни олдим, сўнг За-  
вистовский кўрғони томон катта йўл бўйлаб борарканман, шун-  
дай ўйлардим: «Атайлаб қилаётгандек, ҳозиргача сарикбашара  
ҳам келмади, олдинда эса менга азоб берадиган, шубҳалар билан  
қийнайдиган бутун бир қайғули тун бор! Наҳотки, Муза кетган,  
наҳотки, у мени ташлаб кетса?! Йўк, бундай бўлиши мумкин  
эмас!» Қорликлар орасидаги из тушган йўлдан ғирчиллатиб одим  
ташлаб борардим: чап тарафимда, пастаккина, ғариб ой ёғдусида  
далаларнинг қорли манзараси оқариб кўринарди... Катта йўлдан  
қайрилиб, Завистовскийнинг аянчли кўрғони сари шитоб-ла юр-  
дим: дала бўйлаб унинг ҳовлисига олиб борадиган хиёбоннинг  
икки четида яланғоч дарахтлар қаққайиб турар, эски ҳовлининг  
чап тарафида қилтиллаган уй кўринарди. Уй қоп-қоронғи... Муз-  
лаб ётган зинапоядан кўтарилиб, қопламаси кўчиб, осилиб ётган  
оғир эшикни минг азоб билан очдим – даҳлизда қизариб ёнаёт-  
ган печкага кўзим тушди, уй иссиқ, қоронғи... Зал ҳам шундай  
қоронғи эди.

– Викентий Викентич! – деб чақирдим.

Бўлма эшиги сассиз очилди, фақат ой нури ва уч тавақали кўзгунинг акс шуъласи тушиб турган остонада пиймали Завистовский кўринди.

– Э-э-э... Бу сизмидингиз... Кириг, кираверинг, мархамат... Мен, кўриб турганингиздек, чироқ ҳам йўк, тунни мана шундай қоронғиликда ўтказяпман... – дея гўнғиллади у.

Ичкарига кириб, дўмпайиб турган диванга бориб ўтирдим.

– Тасаввур қила оласизми, азизим, Муза қаёққадир ғойиб бўлибди... – дедим.

У индамади. Сўнг эшитилар-эшитилмас бир овозда:

– Ҳа, ҳа, тўғри, мен сизнинг аҳволингизни тушунаман... – деди.

– Яъни, нимани тушунасиз? – дея кескин сўрадим.

Худди шу аснода, худди Завистовскийга ўхшаб овоз чиқармасдан, уникига ўхшаш пийма кийган, елкасига шолрўмол ташлаб олган Муза ётоқхона томондан биз ўтирган бўлмага кириб келди.

– Қуролингиз ёнингиздами, – сўради у, – агар отмоқчи бўлсангиз, уни эмас, мени отинг!

Шундай деди-ю, қаршимга, бошқа диванга ўтириб олди.

Мен унинг пиймали оёқларига, кулранг юбкаси остидаги тиззаларига кўз ташладим. Деразадан муттасил сепилаётган заррин шуълаларда ҳаммаси аён кўринарди. Бирдан: «Мен сенсиз яшай олмайман, мана шу биргина тиззаларинг учун, юбка ва пийма-этикларинг учун жонимни ҳам беришга тайёрман!» дея хитоб қилгим келиб кетди.

– Ҳаммаси равшан, ҳаммаси тугади, – Музанинг совуқ, қатъий овозидан ҳушимга келдим. – Энди найрангбозлик қилиш беҳуда, – деди у.

– Одам ҳам шу қадар шафқатсиз бўладими?! – дея инграндим.

У Завистовскийга ўгирилди-да:

– Қани, папиросдан узат, – деди.

Завистовский итоатқорона эгилганича, Музага тамакидонини очди, чўнтагини тимирскилаб, гугурт ахтара бошлади.

– Сиз мен билан сизлашиб гапиришяпсиз, – дедим нафасим қисилиб, – менинг олдимда у билан сенлашиб сўзлашмаслигингиз ҳам мумкин-ку!

– Нега энди, буни қандай дахли бор, – у қошларини чимириб, папиросни лабидан узоқлаштираркан, кибор билан сўради.

Юрагим гупиллаб урар, бўғзимга тиқилгудек ҳаприкар эди. Шарт-та ўрнимдан турдим-у, гандираклаганимча уйдан чиқиб кетдим.





# Сомерсет Моэм

(1874 – 1965)



*Инглиз адабиёти тарихида машҳур ёзувчи ва драматург Сомерсет Моэм ижоди алоҳида ўринга эга. Адиб ўзининг асарларида қаҳрамонлар руҳий оламини теран очиб бергани, бадиий сўз имкониятларини юксак маҳорат билан намоиши этгани боис жуда кенг китобхонлар меҳрини қозонган.*

*Сомерсет Моэм жаҳон адабиётида ихчам ҳикояларнинг моҳир устаси сифатида тилга тушган. Бу ҳикояларида ёзувчи китобхонни инсон руҳиятининг мураккаб дунёсига олиб киради, ҳаётга янгича назар билан – ҳам куюниб, ҳам кулиб қарашига ундайди. Адиб асарларига хос бўлган жонли, аниқ-тиниқ, ростгўй ва самимий тил уларнинг берилиб, катта қизиқиши билан ўқилишини таъминлаган.*

## ТИЛАНЧИ

Мен Вера Крузга Юкатанга борадиган кемага илиниш учун Мехикодан келгандим. Лекин бир кун аввал докерларнинг<sup>1</sup> иш ташлаши бўлиб, кема портга чиқолмаслигини эшитдим. Хуллас, Вера Крузда қолиб кетдим. «Далиженсиз» меҳмонхонасидан деразалари майдонга қараган бўлма олиб, тонгни шаҳарни кезиш билан ўтказдим. Жинкўчаларда тентираб, чиройли ҳовлиларни томоша қилдим. Жимжимадор қилиб безатилган ибодатхонага кирдим. Кейин эса кўришга арзийдиган нарсани кўриб бўлганимни тушу-

<sup>1</sup> Докер – портда юк ташувчи.

ниб, кунгурали панжара деворлар билан ўралган майдондаги салқин бир жойга ўтирдим ва виски буюрдим. Куёш нурлари майдонни, у ердаги чанг босган дарахтларни аёвсиз қиздирарди. Улкан қора қарғалар дарахтларга қўниб, ерга тушишарди-да, тўкиндиларни титкилаб, ибодатхона томига учиб чиқарди.

Майдонни кесиб ўтаётган одамларни кузата бошладим: негрлар, ҳиндулар, испанлар; мум билан дандоннинг туси бир-биридан фарқ қилганидек, уларнинг ранглари ҳам бир-биридан кескин ажралиб турарди. Кун ёришиши билан одамлар атрофимдаги столларни тўлдира бошладилар. Асосан эркаклар нонуштадан аввал озроқ ичиш учун келишарди. Маҳаллий газета сотиб олганимга қарамай, болалар худди шу газетани менга тикиштира бошлашди. Гард ҳам қўнмаган туфлимни тозалашга чоғланган болаларга, чамамда, йигирма мартача «Йўк», дедим. Бор майда чақаларимни берганимдан сўнг ҳам ҳол-жонимга қўймаётган тиланчиларга бош чайқаб туришдан бошқа иложим қолмади. Боласини шолрўмол билан орқасига боғлаб олган жиккаккина ҳинду аёл чўпдек озгин қўлларини чўзди. Олдимга қандайдир сўқир кишиларни етаклаганча бир тўда бола келди, мажруҳлар ўзларининг мажруҳ жойларини кўрсатди, яримяланғоч гўдаклар эса тинмай чақа сўрарди.

Лекин кутилмаганда кўзим бир тиланчига тушди. Бошқа тиланчилар ва атрофимдаги столларда ўтирган қора сочли одамлардан фарқли тарзда унинг соч-чоколи кип-қизил эди, шунчалик қизил эдики, бир муддат кўзимни узолмай қолдим. Соқоли чигал, узун сочи эса ойлаб тароқ кўрмагандек эди. Эгнида шим билан пахталик тўқима кўйлак, бироқ бу шим билан кўйлак шунчалик увада эдики, эгнидан тўкилиб кетай деб турарди. Мен бунчалик озгин одамни аввал сира кўрмагандим: унинг оёқлари, яланғоч қўллари қоқсуяк эди, кўйлагининг йиртиқларидан қовурғалари кўриниб турарди. Тупроққа буланган оёқларининг суяқларини бемалол санай олардингиз. У қари эмасди. Нар иборса, қирқларда эди. Қандай қилиб бундай аҳволга тушган экан, деб ўйлай бошладим. Иш топса, жон деб ишласа керак, деб ўйладим. Шунча тиланчилар орасида фақат угина бир оғиз ҳам гапирмади. У миқ этмасди. Ҳатто қўлини ҳам

чўзмасди. Фақат юзингизга қараб турарди. Лекин шунақа қарар-дики, кўзларида бахтсизлигу алам қотиб қолганини сезардингиз. Нигоҳи кишини дахшатга соларди. Бир сўз демай сизга тикилганча узоқ турарди. Эътибор бермасангиз, аста юриб нариги стол томон кетарди. Агар унга ҳеч нарса беришмаса, норози бўлганини ҳам билмасдингиз. Бирор киши танга садақа қилмоқчи бўлса, у хиёл олдинга юриб, қўлини чўзарди-да, тангани олиб лом-мим демай нари кетарди. Чўнтагимда ортиқча пул қолмаганди. Шунинг учун у қошимга келганда бош чайқаб, испанлар тиланчиларга «йўк» деган-да ишлатадиган мулойим сўзни айтдим.

Лекин у бунга эътибор бермади. Мунгли нигоҳини менга қадаганча, бошқа столлар олдида қанча турган бўлса, менинг қаршимда ҳам шунча муддат турди. Унинг қиёфасида қандайдир аянчли бир ифода бор эди. Девонароқ одамга ҳам ўхшаб кетарди. Ниҳоят, у нари кетди.

Соат бир бўлди. Тушлик қилдим. Бироз мизғиб, ўрнимдан турганимда ҳаво ҳали ҳам жуда иссиқ эди, лекин кечга яқин деразадан эсаётган шабада мени яна майдонга ундади. Гумбазли дарвоза тагидаги жойимга ўтириб, виски буюрдим. Аста-секин одамлар ресторан столларини тўлдира бошлашди. Оркестр куйини чалди. Яна туфли тозаловчилар туфлимни тозалаш учун розилик сўраб ялинишди, газета сотувчи болалар газеталарини тикиштиришди, тиланчилар садақа сўрашди. Яна ўша қизилсокол ғалати кимсага кўзим тушди ва унинг ҳар бир стол олдида тўхтаб туришини кузата бошладим. У менинг қошимда тўхтамади. Чамамда, эрталаб ҳеч нарса бермаганимдан кейин мени эслаб қолиб, яна уриниш фойдасиз, деб ўйлади. Мексикаликлар орасида қизил сочлиси кам учрайди. У кемасидан айрилиб, аста-секин шундай аянчли аҳволга тушиб қолган америкалик, англиялик ёки скандинавиялик денгизчи бўлиши ҳам мумкин, деган ўй келди миямга. У қаёққадир ғойиб бўлди.

Бошқа қиладиган ишим йўқлигидан, қорним оч бўлса-да, бироз ўтирдим. Кейин овқатланиб олгач, яна бўлмамага қайтиб келдим. Уйку вақтигача чўзилдим. Бугунги кун жудаям чўзилиб кетгани

кўнглимдан кечди. Яна неча кун бу ерда қолишга мажбурлигимни хисобламоқчи бўлдим.

Бироздан кейин уйғониб кетдим ва қайтиб кўзим илинмади. Хона жуда дим эди. Деразани очиб, ибодатхона тарафга қарадим. Ой кўринмасди. Чарақлаб турган юлдузлар шуъласида ибодатхона ғира-шира қорайиб кўринарди. Томининг қирраларида ва куббасидаги хоч устида қаргалар уймаланишарди. Ҳар замон-ҳар замонда улар сал-пал кимираб кўйишарди. Бу менга ғайритабиий таъсир қилди. Нима учундир хаёлимга яна ўша қизилсоч кимса келди ва кўнглимдан кўкқисдан уни авваллари ҳам қаердадир кўрганимни ёдга солувчи бир туйғу кечди. Шу хаёл билан уйқум ҳам қочиб кетди. Қизилсоқол билан авваллари ҳам юзма-юз келганимни ҳис қилдим. Аммо бу воқеа қачон ва қаерда бўлганини эслай олмадим.

Тонгга яқин бироз салқин тушгач, ухлаб қолдим.

Вера Круздаги иккинчи куним ҳам худди биринчиси каби ўтди. Лекин энди қизил сочли тиланчини кута бошладим. У келиб ёнимдаги столлар олдида турганида тиланчига диққат билан разм солдим. Уни илгари қаердадир кўрганимга амин бўлдим. Ҳатто бир пайтлари уни таниганимни, у билан гаплашганимни ҳам эслай бошладим. Лекин буларнинг барчаси қачон ва қандай вазиятда рўй берганини сираям эслай олмаётгандим. У яна менинг қошимда тўхтамай ўтди. Кўзлари кўзимга тушганда уларга тикилиб йилт этган хотира қидирдим. Йўқ. Адашган бўлсам-чи, деб ўйладим. Лекин қачонлардир ҳаётимда унга дуч келганман, деган туйғу мени тарк этмаётганди. У ё инглиз, ё америкалик эканини аниқ билардим. Унга бир нима дейишга тортиндим. Вақтим жуда секин ўтди.

Яна бир кун келди, яна бир тонг, яна бир оқшом. Ўша куни яқшанба эди. Майдон ҳар доимгидан ҳам гавжум. Кунгурали дарвоза тагидаги столлар ҳам тўлди. Одатдагидек, қизил сочли тиланчи ҳам ўзининг аянчли сукути, увода кийимлари-ю, адоғи йўқ мусибати билан келди. Мен одамларни тиланчилардан кўриқлаб юрган полициячини кўрганимда, у икки стол нарида турганди. Полициячи

унинг елкасига бир мушт туширди. Зарбадан тиланчи гандираклаб кетди. Ўрнидан тургач, индамай аста-секин нари юрди.

Шу пайт ҳаммаси ёдимга тушди: бутунлай унутганим – исмидан бошқа ҳамма нарса. У мени таниганига шубҳам йўқ эди. Чунки йигирма йил ичида мен унчалик ўзгармагандим. Шунинг учун ҳам у, биринчи кунги эрталабни ҳисобга олмаганда, бирор марта ҳам менинг қаршимда тўхтамади. Ҳа, йигирма йил бурун мен у билан таниш эдим. Ўшанда қишни Римда ўтказаётгандим. Ҳар куни кечкурун хуштаъм макаронлари-ю, ўткир виноси билан машхур Вия Систинадаги ресторанда овқатланардим. Инглиз ва америкалик санъатшунослару уч-тўрт ёзувчи бу ерга ҳар доим келиб турардик. Тунимиз шу ерда адабиёт ва санъат ҳақидаги охири йўқ баҳсу тортишувлар билан ўтарди. У ресторанга рассом дўсти билан келарди. Ўша пайтлари тахминан йигирма икки ёшларда эди. Кўк кўзлари, қирра бурни-ю, қизил сочлари ўзига жуда ярашиб тушганди. Илгари америка боғдорчилик ташкилотида ишлагани учун Марказий Америка ҳақида жуда кўп гапирарди. Лекин кейинчалик ёзувчи бўлишга бел боғлаб, у ердаги ишидан воз кечганди. Такаббурлиги боис бизнинг даврамызга қўшилмасди. Устига-устак, бизларни бефойда одамлар деб ҳисобларди ва буни юзимизга айтишдан ҳам тоймасди. Ёзган нарсаларини бизга кўрсатмасди. Чунки бизнинг фикримиз унинг учун бир чақага ҳам қиммат эди. У ҳаддан ташқари кибрли эди. Ўзига чексиз ишончини кўрган айрим дўстлари ҳам унга таассуб қилишарди. Ундаги ўша кўтаринки кайфият, матонат, келажакка бўлган ишонч ҳозир ёдимга тушди.

Йўқ, бу тиланчи ўша йигит бўлиши мумкин эмас, дедим ўзимга ўзим. Лекин, барибир, ич-ичимдан бунга амин эдим. Ўрнимдан турдим-да, виски ҳақини тўлаб, уни топиш учун майдонга чикдим. Фикрларим чувалашиб кетган, ўзим эса эсанкираб қолгандим. Кўз олдимдан тиланчининг киёфаси кетмас, нима воқеа юз бериб у бу кўйга тушганини билишни хоҳлардим. Ўша мағрур йигитнинг шу аҳволга тушганига сира ишонгим келмасди. Эй, Худо, у нега бундай хароб ҳолга тушди, деб ўзимдан ўзим тинмай сўрардим. Қандай

кўргиликлар унинг иродасини синдирди экан? Қандай хомхаёллар кетидан бориб шу қўйга тушиб қолди экан? Унга қандай ёрдам берсам бўлади, деб сўрардим ўзимдан. Майдонни айланиб чиқдим. Бироқ кунгурали дарвоза атрофидаям у йўқ эди. Оркестр ўтирган сахна теварагидаги оломон орасида бўлиши амримахол. Кеч кира бошлади. Уни тополмайман, деб қўрқдим. Кейин ибодатхона томонга қараб юрдим ва унинг зина устида ўтирганини кўрдим. Эски танишимнинг аянчли кўринишини тасвирлаб беролмайман. Ҳаёт уни синдирган, кейин мажақлаб, мана шу ибодатхонанинг тош зиналарига улоқтирганди. Ёнига бордим.

«Рим эсингиздами?» – деб сўрадим.

У қилт этмади. Жавоб ҳам бермади. Худди ёнида мен йўқдек жим тураверди. Менга қарамади. Кўзлари зина ёнида кичкириб, ниманидир юлкишаётган қарғаларда қотиб қолганди. Нима қилишни билмадим. Чўнтагимдан пул чиқариб, қўлига тутқаздим. У пулга қарамади. Лекин қўли сал қимирлаб, чўпдек бармоқлари пулни қисди-да, ғижимлади. Кейин пулдан кичкина қоғоз коптокча ясади ва кутилмаганда уни бош бармоғига қўйиб, кичкираётган қарғалар томонга ирғитди. Беихтиёр бошимни ўша ёкка буриб, қушлардан бири пулни чўқиб учиб кетганини кўрдим. Ёнимга қараганимда эса тиланчи кетганди.

Вера Крузда яна уч кун қолдим. Уни бошқа учратмадим.



## **Жек Лондон**

(1876 – 1916)



*Жек Лондон ҳикояларида табиат ва жамият, шахс муаммоси қаламга олинади. Айниқса, «Мартин Иден» романида жамият ва санъаткор тақдири, ёзувчига хос бўлган айрича қарашлари ўз аксини топган.*

*Жек Лондоннинг «Мартин Иден», «Уч қалб» романлари, «Оқ сўйлоқ», «Аждодлар нидоси» қиссалари, қолаверса, «Шимол ҳикоялари» ҳамда «Жануб ҳикоялари»дан бир қатор ҳикоялар ўзбек тилига моҳир таржимонлар томонидан таржима қилинган.*

### **БИР КУНЛИК ҚЎНАЛҒА**

Бунақа ваҳшиёна пойгани ҳеч қачон кўрмагандим. Қўша-қўша ит қўшилган минглаб чана муз устида елиб борар, аммо ҳовур туфайли итлар кўринмасди. Шу кеча уч киши совуқда ўлиб қолди, ўн киши эса бутун умрга дард орттириб, ўпка касалига йўлиқди. Мен дарё юзидаги муз тешигидан қараб, сув тубини ўз кўзим билан кўрдим, олтиннинг кўплигидан сув туби сап-сарик эди. Шу сабабли Юкондан ўзимга жой белгилаб олдим ва талабнома ҳам бериб қўйдим. Ҳамма машмаша ўша талабномадан бошланди. Лекин кейин у ердан ҳеч нима чиқмади. Умуман ҳеч вақо топилмади. Нега шундай бўлганини ҳали-ҳануз билмайман.

*Шортининг ҳикояси*

Жон Месснер қўлқопини ечмасдан, бургич ходани бир қўллаб чангаллаганча, нартани<sup>1</sup> изга солар, иккинчи қўли билан юзи ва бурнини зўр бериб ишқаларди. Тўғрироғи, у қўлини бетидан олмас, борган сари баттар увишаётганини сезгани ҳамоно яна ҳам жазава билан ишқалашга тушарди. Мўйна шлем унинг манглайи ва қулоғини беркитганди. Қиров босган қизғиш қалин соқоли даҳанини совукдан сақларди.

Унинг орқа тарафида оғир юк ортилган юкон нарталари лапиллаб сирғалар, олдинда беш ит қўшилган чана учиб борарди. Итлар нартани тортадиган абзал Месснернинг оёғига ишқаланарди. Итлар муюлишда бурилганларида Месснер абзалнинг иккинчи томонига хатлаб ўтиб оларди. Муюлишлар кўп эди, у неча-неча марталаб хатлашга мажбур бўларди. Баъзан абзалга илиниб, йиқилиб тушишига сал қоларди: ҳаракатлари кўпол бўлиб, ҳолдан тойганини кўрсатар, нарта ўқтин-ўқтин оёғини босиб кетарди.

Тўғри йўлга чикиб олгач, нартанинг бир қанча муддат бошқарувсиз боришига имкон туғилгач, у бургич ходани қўйиб юборди ва ўнг қўли билан ходани бир неча бор урди. Қўлнинг қон айланишини тиклаш осон эмасди. Шундай бўлса ҳам у каттиқ ходани ўнг қўли билан тапиллатиб уриб турган айнаи бир паллада сўл қўли билан юзи ва бурнини тўхтовсиз ишқаларди.

– Йўқ, йўқ, бундоқ совукда сафар қилиш тентаклик, – деди Жон Месснер. Танҳоликка ўрганган одамлар каби у овозини баланд қўйиб сўзлади. – Бунақа совукда фақат жиннилар йўлга чиқади! Ҳозир совук саксон даражага етмаган бўлсаям, нақ етмиш тўққизнинг ўзгинаси.

У соатини чиқарди, қўлида айлантиргач, қалин жун курткасининг ички чўнтагига қайтариб солиб қўйди, кейин осмонга боқди, уфқнинг оқ чизигига кўз ташлади.

– Соат ўн икки, – ғудранди у. – Осмон тоза, офтоб ҳам кўринмайди.

---

<sup>1</sup> *Нарта* – шимолда: буғу ёки ит қўшиладиган чана.



Ўн дақиқача у сўзсиз борди, сўнг гўё орада ҳеч қандай сукут бўлмагандай кўшиб кўйди:

– Жойимдан кўзгалмабманам-а. Бунақа совуқда йўлга чиқиш ярамайди.

У бирдан итларга: «Та-ак!» деб бақирди ва тўхтади. Бутун вужудини кўрқув қамраб олганди, ўнг кўли батамом жонсизланиб қолаётганди. У бурғич ходани кўли билан тапиллатиб ура кетди.

– Ҳей... сен шўрликлар! – хитоб қилди дам олиш учун ўзини музга ҳорғин ташлаган итларга қараб. Увишган кўлини хомага тапиллатиб ургани сайин овози узилиб-узилиб чиқарди. – Нима гуноҳларинг борки, икки оёқлилар сенларни нартага кўшади, табиий туйғуларингни бўғиб, ўзларингни аянчли кулга айлантиради?

У бурнига жон киргизмоқчи бўлиб жазава билан ишқалай кетди. Жон Месснер музлаб қолган каттакон дарё ўзани бўйлаб борарди. Бу ўзан неча-неча бор буралиб, қорга бурканган ўрқач-ўрқач унсиз тоғлар орасида йўқолиб, неча-неча чақиримга чўзиларди. Олдда дарё ўзани бир қанча тармоққа бўлиниб, орол ҳосил қилар ва уни ўз кўксида кўтариб бораётгандай туюларди. Ороллар жимжит ва оппоқ эди. Бу сукунатни на ҳайвонлар қичқириғи ва на ҳашаротларнинг ғинғиллаши бузарди. Муздан қотган бу ҳавода биронта қуш учмасди. Бунда одам товуши эшитилмас, инсоннинг барҳаётлигидан дарак берувчи бирон кулба кўринмасди. Олам ухлар ва унинг уйкуси айнан ўлимнинг ўзгинасидек эди.

Теварак-атрофда ҳукм сурган бу сукунат Жон Месснерга ҳам ўтгандек эди. Совуқ унинг миясини танг қилмоқда эди. У бошини эгиб олганича, атрофга қарамай, бурни ва юзини беихтиёр ишқалай-ишқалай олдинга судралар, нарталар тўғри йўлга чиққанда, ўнг кўли билан ходани уради.

Аммо итлар хушёр эди ва улар бирдан таппа-тақ тўхташди. Бошларини эгалари томонга ўгириб, унга саволомуз қарашди. Уларнинг киприкларни ҳам, тумшукларини ҳам совуқ оқартириб юборган, бу оқлик ва ҳорғинликдан улар жуда қари кўринарди.

Одам итларни жадалламоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тутди ва бор кучини тўплаб, теваракка қаради. Итлар муз устидаги ўйик ёнида тўхташганди; бу муз ёриғи эмас, балки инсон қўли билан уч ярим фут<sup>1</sup> калинликдаги муз махсус чопиб ясалган ўйик эди. Янги пайдо бўлган калин муз қатлами кўпдан бери ўйикдан фойдаланилмаётганидан далолат берарди. Месснер атрофга аланглади. Итлар унга йўл кўрсатиб туришарди; уларнинг қиров боғлаган тумшуғи қорда зўрға кўз илғайдиган сўқмоққа қаратилганди; бу сўқмоқ асосий йўлдан айрилиб, орол соҳили бўйлиб тепага қараб йўналганди.

– Ҳай, майли, бечоралар, – деди Месснер. – Бориб кўриб келайчи. Ўзим ҳам сенлардан баттар чарчаганман.

У ёнбағирга кўтарилди ва ғойиб бўлди. Итлар ётиб олмади, балки тик турганларича сабрсизлик билан эгаларини кута бошлашди. У қайтиб келиб, нартанинг олд тарафига бойланган арқонни олди-да, халқани елкасига ташлади. Кейин итларни ўнгга бурди ва қирғоққа хайдади. Чаналарни тик соҳилга чиқариш амримаҳол, бироқ итлар чарчаганларини унутиб, қорда узала тушиб чўзилиб қолсалар-да, сабрсизлик ва севинчни ифодаловчи ингиллаш билан жонҳолатда тепага интиларди. Олдингилари тойганса ёки тўхтаб қолса, кейинги итлар уларнинг сонидан тишларди. Одам итларга гоҳ далда бериб, гоҳ таҳдид қилиб кичқирар ва гавдасининг бутун оғирлиги билан арқонни тортарди.

Итлар нартани шиддат билан тепага олиб чиқиб, шу заҳоти сўлга бурилдилару кичкина ёғоч кулба тарафга ғизиллатиб олиб кетдилар. Бу кимсасиз кулбада эни саккизу бўйи ўн фут келадиган битта хона бор эди. Месснер итларни бўшатди, нарталардаги юкларни туширди ва хонага эгалик қилишга тушди. Хонанинг сўнгги тасодифий эгаси ўтин қолдирган экан. Месснер хонага кичкина темир печкасини ўрнатди-да, ўт ёқди. У бешта қоқ балиқни – итлар емишини духовкага қўйди, қаҳва идишини ва пақирни муз тагидан олиб келинган сув билан тўлатди.

---

<sup>1</sup> Фут – 30,48 см.

Месснер сув қайнашини кутиб печка тепасига энгашди, соқолида музлаб сумалакка айланган ҳовур эрий бошлади. Печкага соқолидан сув томгани сайин пишиллаб буғ кўтарилади. Жон Месснер соқолидаги сумалакни юлиб олар, улар ерга тақиллаб тушар эди.

Итларнинг ҳуришини эшитиб, қилаётган ишини тўхтатди. Бегона итларнинг ингиллаши, ириллаши, кимнингдир овози эшитилди. Эшик тақиллади.

– Киринг, – деди амрона у, – ёпа қолинг эшикни.

Кирганларни буғ орасидан аниқ илғолмади. Аёлнинг боши ўраб-чирмаб ташланган, фақат қора кўзлари кўринарди. Эркак ҳам қоракўз, соқоли қиртишлаб олинганди; музлаган мўйлаби оғзини тамомила ёпиб қўйганди.

– Бу ўртада яна бирор кулба йўкми – шуни сиздан билмоқчийдик, – дея сўради эркак кулбанинг ғарибона анжомларига кўз югуртираркан. – Биз бу ерда ҳеч ким йўқ деб ўйлабмиз.

– Бу кулба меники эмас, – жавоб қилди Месснер. – Ўзим ҳам уни бир неча дақиқа бурунгина топдим. Кириб жойлашаверинглар. Жой етарли, печкангизни қўйишга зарурат ҳам йўқ. Бир амаллаб сиғишармиз.

Унинг овозини эшитиб, аёл қизиқсиниб қаради.

– Ечин, – деди аёлнинг ҳамроҳи. – Мен итларни бўшатиб, сув опкеламан, кейин овқат пиширамиз.

Месснер муздан тушиб юмшаган балиқни олиб, итларга қарагани чиқиб кетди. Қараса, бегона итлар унинг итларига ёпишиб, ириллашиб ётган экан, уларни ажратиб, кулбага қайтиб кирганида, янги келган киши нартанинг юкини тушириб, сув олиб келишга улгурган эди. Месснернинг қаҳвақайнатгичидаги сув қайнади. У қаҳва дамлади, қуйқаси тагига чўксин деб яна ярим дўлча сув қўйди-да, печкадан олди. Кейин бир неча бўлак қаттиқ нонни иситгани қўйди ва ўтган кеча пишириб, эрталабдан бери музлатиб олиб келган ловияни пақирда иситди.

Месснер янги келганлар овқат тайёрлаб олиши учун печкани бўшатиб бериб, юмалоқланган тўшакка ўтирди-да, озиқ-овқат солинган яшикни стол қилиб қўйди. Овқатланаркан, нотаниш киши билан йўл ҳақида, итлар хусусида сўзлашар, у эса печ тепасида энгашиб, мўйлабининг музини эритиш билан машғул эди. Ахийри, сумалаклардан қутулгач, нотаниш кимса тўшаклар ўрамини кулбадаги икки сўрининг бирига ташлади.

– Биз шу ерда ухлаймиз, сиз шуни танламаган бўлсангиз, албатта. Бу ерга биринчи бўлиб сиз келгансиз, хоҳлаганингизни танлашингиз мумкин.

– Менга барибир, – деди Месснер, – фарқи йўқ.

У ҳам ўз ўрнини ҳозирлади ва тўшак чеккасига ўтирди. Бегона киши ёстик ўрнига дори-дармон солинган халтачасини қўйди, устига адёлини ёпди.

– Сиз дўхтирмисиз? – сўради Месснер.

– Ҳа, – деган жавоб бўлди. – Лекин шуни айтиб қўяйки, мен Клондайкка дўхтирлик қилиш учун келган эмасман.

Ҳамроҳи печканинг оловини жўнаштираркан, аёл овқат пиширишга ҳозирлик кўра бошлади. Кулба ярим қоронғи эди, ёруғлик чўчка мойи суртилиб қоғоз ёпиштирилган кичкина дарчадангина тушар ва Жон Месснер аёлни яққол кўролмасди. У бунга уринмасдиям. Аёл уни жудаям кам қизиқтиргандек эди. Аммо аёл у ўтирган қоронғи бурчакка ўқтин-ўқтин қизиқсиниб қараб қўярди.

– Бу ерда ҳаёт қанчалар яхши-я! – деди доктор бир дақиқага пичокни печка мўрисиغا чархлашдан тўхтаб. – Тириклик учун кураш, ҳамма нарсага ўз кучинг билан эришмоқликка уриниш, бу ҳаётнинг ибтидоийлиги, унинг чинакамлиги менга ёқади.

– Ҳа, бу жойларнинг совуқлик даражаси ўта чинакам, – кулди Месснер.

– Неча даража экан, билмайсизми? – сўради доктор.

Месснер бош чайқади.

– Унда мен сизга айтай: нартамдаги спиртли термометр етмиш тўрт даража совуқни кўрсатяпти.

– Яъни музлаш нуктасидан куйида юз олтини. Сайру саёҳат учун совуқлик қилади, а?

– Ўзингни ҳалокатга дучор қилишнинг айнаи ўзгинаси, – деди доктор. – Одам жуда кўп куч сарфлайди. Оғир нафас олади, совуқ тўғри ўпкасига кириб боради ва тўқималар чеккасини совуқ олади. Одам қаттиқ-қаттиқ, куруқ йўталади, хар йўталганда балгам ташлайди ва келаси йил кўкламга бориб, нега бундай бўлганига ақли етмай хайрон қолганича, зотилжамдан ўлиб кетади. Совуқнинг даражаси камида эллик даражага тушмагунча бу кулбада бир ҳафтача қоламан.

– Қара-чи, Тэсс, – деди у бирон дақиқадан сўнг. – Менимча, қаҳва қайнаб қолди.

Аёлнинг исмини эшитиб Жон Месснер сергакланди. У аёл тарафга бир қараб қўйди, унинг юзида қачонлардир кўмиб юборилган ва тўсатдан қайта тирилган қайғунинг шарпаси пайдо бўлди. Бироқ бир дақиқа ичида у ирода кучи билан бу шарпани қувиб солди. Унинг юзи аввалгидай вазмин тус олди, лекин ёруғликнинг заифлиги туфайли аёлни яхши кўролмаётганидан ғижиниб, сергаклик билан унга тикила бошлади.

Аёл қаҳва идишини оловдан олди. Фақат шундан сўнггина у Месснерга қаради. Лекин Жон Месснер ўзини тутиб олганди. У сўрида хотиржам ўтирар ва лоқайдлик билан мўкасинини<sup>1</sup> кўздан кечирмоқда эди. Аммо аёл овқат ҳозирлашга тушганда, Месснер яна ялт этиб унга қаради, аёл ҳам худди ўшандай тез ўгирилди: нигоҳлар тўқнашди. Месснер дарҳол кўзини олиб қочиб, докторга қаради ва аёлнинг ҳийлакорлигига ўзича кулиб қўйди.

Аёл озиқ-овқат қутисидан шам олиб ёқди. Унинг шуъла тушиб турган юзига бир неча марта боқишнинг ўзи Месснерга етарли эди. Бу кичкина кулбада Месснернинг олдига келиш учун аёл бир неча одим ташлаши кифоя эди. Аёл атайлаб шамни унинг бетига яқин тутиб, кўркувдан олайган кўзларини унга тикди: уни таниди. Месснер аёлга хотиржамгина кулиб қўйди.

<sup>1</sup> *Мўкасин* – шимолий америкалик ҳиндуларнинг юмшоқ пойабзали.

– У ерда нима излаяпсан, Тэсс? – сўради аёлнинг ҳамроҳи.

– Сочтўғноғичимни, – деб жавоб берди аёл ва Месснер ёнидан нари кетиб, сўридаги нарсалар солинган қопчиғини кавлаштиришга тушди.

Улар яшиқларини стол қилдилар ва Месснер томонга қараб унинг яшиғига ўтирдилар. У эса қўлини боши тагига қўйиб, сўрида узала тушган қўйи уларга қараганча дам олиб ётди. Бу кичкина кулбада гўё учалови бир стол атрофида ўтиргандек эди.

– Қайси шаҳардансиз? – сўради Месснер.

– Сан-Францискодан, – жавоб берди доктор. – Лекин икки йилдан бери шу ердаман.

– Мен Калифорнияданман, – деди Месснер.

Аёл унга илтижолар назар ташлади, бироқ у жилмайганча, сўзини давом эттирди:

– Берклидан...

Доктор дарҳол қизиксинди.

– Калифорния университетиданмасмисиз? – сўради у.

– Ҳа, саксон олтинчи йил битирувчилариданман.

– Мен бўлсам сизни профессор деб ўйлабман. Кўринишингиз ўхшайди.

– Афсус, – дея унга жилмайди Месснер. – Ўзимга қолса, мени олтин изловчи ёки ит ҳайдовчисига ўхшатишгани маъқул эди.

– Сен дўхтирга ўхшамаганингдек, у ҳам профессорга асло ўхшамайди, – гап қўшди аёл.

– Миннатдорман, – деди Месснер. Кейин аёлнинг ҳамроҳига юзланди: – Ростдан ҳам, дўхтир, фамилиянгиз нима?

– Хейторн. Шундоқ оғзаки айтганимга ишонишингизга тўғри келади. Ташриф қоғозларимни, бу тарафга равона бўлишдан олдин, маданиятга қўшиб улоқтириб юборганман.

– Бу киши, албатта, Хейторн хоним... – Месснер жилмайиб таъзим қилди.

Аёл Месснерга шундай назар ташладики, унда илтижодан кўра ғазаб кўп эди.

Хейторн ҳам ўз навбатида ундан фамилиясини сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлагандики, Месснер ундан аввал тилга кирди:

– Сиз, дўхтир, мени қизиктирган бир масалага ойдинлик кири-толсангиз керак. Икки-уч йил муқаддам профессорлар доирасида бир жанжалли воқеа юз берганди. Профессорлардан бирининг хотини қочиб кетганди... Кечирасиз, мисс Хейторн... Сан-Францисколик бир дўхтир биланмиди, фамилияси ёдимда йўқ. Сиз шу тўғрида эшитганмисиз?

Хейторн бош ирғади.

– Бу воқеа ўша пайтларда жуда катта шов-шувга сабаб бўлди. Унинг исми Уомбл эди. Грехэм Уомбл. Тажрибали дўхтир эди. Мен уни сал-пал билардим.

– Билгим келади, унга нима бўлди экан? Балки сиз эшитгандир-сиз? Бедарак кетишди-я.

– Ҳа, боплашди, ҳеч ким билмай қолди гум бўлишганини, – Хейторн йўталиб қўйди. – Савдо кемасида жануб денгизларига жўнаб кетди, деган миш-мишлар юрганди, ўша ёқда, тўфон пайтида ҳалок бўлиб кетишди, чоғи.

– Бунақа гапларни эшитгандим, – деди Месснер. – Сиз шу воқеани эслайсизми, Хейторн хоним?

– Яхши эслайман, – деди аёл. Овозининг хотиржамлигида кўзларида ёнган ғазабнинг акси бор эди. У юзини Хейторндан яшириб, ўгириб олди.

Доктор Месснердан унинг исмини сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганди, аммо Месснер гапини давом эттираверди:

– Ўша дўхтир Уомбл... жуда чиройли бўлган, дейишади... аёллар орасида... э-э... жудаям аёлларга ёқарди, дейишармиди?

– Бўлса бордир, лекин бу воқеа обдон мазасини кетказган, – гудранди Хейторн.

– Хотини жудаям заҳар эди. Шунақа деб эшитгандим. Берклида эрининг кунини кўрсатган дейишади... шундоқ...

– Биринчи бор эшитишим, – жавоб қилди Хейторн. – Сан-Францискода бутунлай аксини гапиришарди.

– Жафокаш хотин эканми? Оилавий ҳаётнинг жабр-зулмида эзилган-а?

Хейторн бош ирғади. Месснернинг кулранг кўзлари кизиқсинишдан бўлак ҳеч нимани ифода этмасди.

– Шундоқ бўлиши керак эди – танганинг икки томони бор-ку. Берклида яшаб юриб, фақат бир томонини кўрардим. Ўша аёл Сан-Францискода тез-тез бўлса керак.

– Марҳамат қилиб, менга қахвадан куй, – деди Хейторн.

Унинг дўлчасини тўлдириб туриб, аёл ёйилиб кулди.

– Хотин-халажлардек ғийбат қиласизлар-а, – дея таъна қилди эркакларга.

– Бу жуда қизиқ-да, – жилмайди унга Месснер. Кейин яна докторга мурожаат қилди: – Эрининг Сан-Францискода унча обрўси ҳам бўлмагандир-а?

– Аксинча, уни маънавий жихатдан жуда юксак баҳолашарди, – деб юборди Хейторн ошиқча шахд билан. – Майдакаш, сусткаш одам.

– Сиз уни танирмидингиз?

– Умрим бино бўлиб кўрган эмасман.

– Яна боягидай – танганинг иккинчи томони, – деди Месснер воқеани ҳар тарафлама лоқайд муҳокама қилаётгандай. – Умуман, унча хушрўй ҳам эмасди, мен унинг ташқи қиёфасини айтпман, лекин ёмон одам эмасди. Талабалар қатори спорт билан шуғулланарди. Унча-мунча лаёқати ҳам бор эди. Диний маросимга бағишлаб ёзган пьесаси муваффақият қозонган. Уни инглиз бўлимига декан ҳам қилишмоқчи бўлишганини эшитганман, лекин шу воқеа юз бериб, истеъфога чиқиб, қаёққадир кетиб қолди. Менимча, мана шу воқеа унинг бошига етди. Ҳар ҳолда, бизнинг доирада, бундай зарбадан кейин ўзини тиклаб ололмади, деб ҳисоблашганди. У хотинини жудаям яхши кўрарди, дейишади.

Хейторн қахвани ичиб тугаллади ва лоқайдлик билан ниманидир ғўнғирлаб, трубка тутатди.



– Уларнинг бахтига фарзандлари йўқ экан, – давом этди Месснер. Хейторн печкага қараб қалпоғи ва қўлқопини кийди.

– Ўтин келтирай, – деди у. – Кейин мўкасинимни ечиб, жойлашиб ўтириб оламан.

Унинг ордидан эшик ёпилди. Орага узоқ жимлик чўкди. Месснер ҳолатини ўзгартирмай сўрида чалқанча ётарди. Аёл унинг рўпарасида, яшиқда ўтирарди.

– Нима қилмоқчисиз? – сўради аёл кескин.

Месснер эринибгина унга қаради.

– Сизнингча, нима қилишим керак? Томоша кўрсатмасман, ахир? Ўзи йўлдан чарчаб келганман, сўри дам олишга жуда қулай экан.

Аёл унсиз ғазаб ичида лабини тишлади.

– Аммо... – қизишиб гап бошлади аёл ва қўлини ишқаб жим бўлди.

– Ўйлайманки, жаноб ... ҳалиги... Хейторнни ўлдиришимни истамассиз? – деди Месснер мулойим, деярли ёлвориб. – Жудаям ачинарли бўлади бу... Умуман, керак бўлмаган нарса.

– Лекин бир нима қилишингиз керак-ку! – кичқирди аёл.

– Аксинча, умуман, ҳеч нима қилмасам керак.

– Сиз шу ерда коласизми?

Месснер бош ирғади.

Аёл ночорлик билан кулбага, нариги сўрига солинган тўшакка кўз ташлади.

– Кеч тушиб қолди. Бу ерда қолишингиз мумкин эмас. Мумкин эмас! Тушунапсизми, сираям мумкин эмас!

– Нега энди? Жудаям мумкин-да. Сизга эслатиб қўйишга ижозат беринг, кулбани биринчи бўлиб топган мен бўламан, сиз икковингиз – менинг меҳмонимсиз.

Аёлнинг кўзлари кулбани яна кезиб чиқди ва назари иккинчи сўрига тушганда, кўзларида даҳшат акс этди.

– Бўлмасам, биз кетамиз! – деди у кескин.

– Бунинг иложи йўқ. Сизда, бояги жаноб... хаҳ... Хейторн боплаб тасвирлаган курук, қаттиқ йўтал бор. Ўпкангизни аллақачон шамоллатиб олгансиз. Ахир, у дўхтир, буни тушунади. Йўлга чиқишингизга йўл қўймайди.

– Бўлмасам, сиз нима қиласиз? – яна сўради аёл бўрондан далолат берувчи кескин овозда.

Месснер юзига имкони борича ҳамдардлик ва қаноат туси беришга уриниб, унга оталарча боқди.

– Азизам Тереза, сизга боя айтдим, билмайман, деб. Мен ҳали бу ҳақда ўйлаб кўрганимча йўқ.

– Ё Раббим, мени жинни қилмоқчимисиз? – Аёл аламига чидолмай яшиқдан ирғиб турди. Қўл силкита туриб: – Илгари сиз бунақа эмасдингиз! – деди.

– Ҳа, ўлгудек юмшоқ, беозор эдим, – тасдиқлади Месснер. – Сиз мени шунинг учун ташлаб кетган бўлсангиз керак-а?

– Шунчалар ўзгариб кетибсиз! Бунчалар мудхиш хотиржамликни қаёқдан олдингиз? Мен сиздан кўрқаман! Қандайдир дахшатли бир нарсани ўйлаяпсиз. Ғазабга эрк берманг, ақл билан иш тутинг...

– Сиз кетганингиздан бери... – унинг сўзини бўлди Месснер. – Мен ортиқ ўзимни йўқотмайман.

– Жуда танг қолдиран даражада ўзгарибсиз, – деди аёл.

Унинг гапини тасдиқлаб, Месснер жилмайди.

– Нима қилишимни ўйлаб олгунимча сизга маслаҳатим шу: менинг кимлигимни жаноб... хаҳ... Хейторнга айтгансиз. Бу ҳол бизнинг кулда бўлишимизга, ҳарҳолда... эркинлик беради.

– Нега менинг кетимдан бу дахшатли ўлгага йўл солдингиз? – сўради аёл кутилмаганда.

– Сизни кидириб келди, деб ўйламанг, Тереза. Ўзингизга кўп бино қўйманг. Учрашувимиз – тасодифнинг ўзгинаси. Университет ҳаётига хотима қўйганимдан сўнг қаёққадир кетиш керак бўлди. Ростини айтсам, сизни бу ерда сира учратмаслигимга аминлигимдан Клондайкка келганман.

Зулфин шиқиллади, эшик очилди ва бир кучок ўтин кўтариб Хейторн кирди. Унинг қадам товуши эшитилгани ҳамон Тереза ҳеч нима бўлмагандек идишларни йиғиштира бошлади. Хейторн яна ўтинга кетди.

– Нега сиз бизни бир-биримизга таништирмадингиз? – сўради Месснер.

– Унга айтаман, – жавоб берди аёл бошини силкитиб. – Кўрқади, деб ўйламанг.

– Бирон нимадан кўрққанингизни мен ҳеч қачон пайқамаганман.

– Юрагингиздагини очиб солишингиздан ҳам кўрқмайман, – деди аёл. Унинг юз ифодаси юмшади, овози майинроқ эшитилди.

– Сизнинг юрак очишингиз тамагирликка, ўз фойдангизни кўзлашга, ўзингизни улуғлашга айланмасайди, деб кўрқаман.

– Бунчалик китобий қилиб сўзламанг, – деди аёл инжиқлик билан, аммо товушида мулойимлик бир қадар ошганди. – Мен унақа ақлли гап талашишни ёқтирмайман. Ундан ташқари, сиздан ўтинишдан ҳам кўрқмайман.

– Умуман олганда, сизни кечирадиган ҳеч нима йўқ, Тереза. Яхшиси, мен сиздан миннатдор бўлишим керак. Рост, аввалига анча азоб чекдим, лекин кейин – гўё кўкламнинг юмшоқ нафасидай – бахт туйғуси, катта бахт ҳиссини туйдим. Бу ғаройиб бир кашфиёт эди.

– Яна сизга қайтсам-чи? – сўради аёл.

– Бу ҳол мени анча қийин аҳволга солиб қўяди, – деди у аёлга қувлик билан мийиғида кулиб қараркан.

– Мен сизнинг хотинингизман. Ахир, сиз ажралишга ҳаракат қилмадингиз-ку?

– Ҳа, шундай, – деди у ўйчан. – Ҳаммасига менинг бепарволигим айбдор. Уйга қайтишим билан шунга ҳаракат қиламан.

Аёл унинг ёнига келди ва қўлини унинг елкасига қўйди.

– Энди сизга керагим йўқми, Жон? – деди. Аёлнинг овози майин жаранглар, қўлининг елкага қўйиши эркалашдай эди. – Агар

мен сизга, хато қилибман, десам-чи? Жудаям бахтсизлигимни тан олсам-чи? Ростдан ҳам бебахтман. Дарҳақиқат, хато қилдим.

Месснернинг қалбида қўрқув пайдо бўла бошлади. Аёлнинг қўли енгил тегиб ўтганидаёқ бўшашганини ҳис қилди. Энди у ўзини баланд тутолмас, бутун керилган хотиржамлигидан асар қолмади. Аёл унга мулойим боққани сайин бу одамнинг қатъияти эриб кетмоқда эди. У ўзини жар ёқасида ҳис қилар ва уни ўша ёққа итараётган кучга қарши курашолмасди.

– Сизнинг хузурунгизга қайтаман, Жон. Шу бугун... шу топда қайтаман... – Месснер назарида афсонавий сув қизлари – Лорелларнинг майин қўшиғини эшитаётгандай эди. Гўё узоқ-узоқларда рояль чалинаптию Тэсснинг товуши онгига зўр билан қуйиляпти.

Месснер сўридан ирғиб турди, аёл уни кучмоқчи бўлганди, итариб юборди ва эшикка тисарилди. У ўлардай қўрқиб кетганди.

– Ўзимни тутаман, деб қафил бўлолмайман! – деб қичқирди у.

– Ўзингизни тутинг, деб огоҳлантирдим-ку! – дея аёл мазах қилиб кулди ва яна идиш ювишга тутинди. – Ҳеч кимга керагингиз йўқ. Шунчаки ҳазиллашдим. Мен у билан бахтлиман.

Аммо-лекин Месснер унинг сўзига ишонмади. Бу аёлнинг доғулилигини, маккорлигини яхши биларди. Ҳозир ҳам макрини ишлатмоқчи. Мана, у – никобланган тамагирик! У бошқаси билан бахтсиз ва ўз хатосини тан оляпти. Месснернинг иззат-нафси коникди. У қайтишни истади, аммо Месснерга бунинг асло кераги йўқ. Жон Месснер беихтиёр эшик зулфинидан тутди.

– Қочманг, – дея кулди аёл, – сизни тишлаб олмайман.

– Қочаётганим йўқ, – жавоб қилди Месснер болалардек тажанглик билан, қўлқопини кияркан. – Сувга бориб келай.

У бўш пақирларни олиб, эшикни очди. Кейин орқасига ўгирилди.

– Жаноб... хаҳ... Хейторнга менинг кимлигимни айтишни унутманг.

Месснер бир соат ичида ўйиқ бетини қоплаган музни синдирди-да, пақирни тўлдирди. Лекин у орқасига, кулбага қайтишга шошилмасди. Пақирларни сўқмоққа қўйди. Совуқ қаттиқ эди. Сал

қизиш учун гоҳ олдинга, гоҳ орқага тез-тез юра бошлади. Соқолини оппоқ қиров боғлади, пешонасидаги ажинлар текисланиб, юзида қатъият пайдо бўлди. Режаси пишди, шекилли, совкотган лабларида истехзоли табассум ўйнади. У юзи музлай бошлаган пақирларни олди ва кулба томон юрди.

Эшикни очиб, печка ёнида турган докторни кўрди. Унинг юз ифодаси ясама, чучмал эди. Месснер пақирни ерга қўйди.

– Сиз билан танишишдан хурсандман, Грехем Уомбл, – уларни гўё ҳозиргина таништирганларидай такаллуф қилди Месснер.

Уомбл қўлини узатмади. Одатда ёмонлик қилган кишиларга шундай қилар, ҳозир ҳам Месснерга нафрат билан қараб, депсиниб турарди.

– Демак, ўша сиз, – деди Месснер ўзини ҳайрон қолгандай кўрсатиб. – Ҳм, ҳм... тўғриси, сиз билан танишганимдан жуда хурсандман. Менга... ихм-ихм. Сизнинг нимангиз Терезага ёққанини билгим келади, тўғрироғи, нимангиз уни қизиқтирганига ҳайронман. Ҳа, шундок...

Месснер, худди отни кўздан кечирганларидай, унга бошдан-оёқ қараб чиқди.

– Мени кўргани кўзингиз йўқлигини тушунаман... – гап бошлади Уомбл.

– Э, аҳамияти йўқ! – унинг сўзини бўлди Месснер расамади мулойимлик билан. – Гапириб ўтиришга арзимайди. Мен фақат Тереза ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдим. Умидларингиз оқландими? У ўзини қандай тутди? Сиз энди, албатта, хушбахт тушдагидай яшаётган бўлсангиз керак?

– Бўлмағур гапларни қўйинг! – гапга аралашди Тереза.

– Мен оддий одамман, нимани ўйласам, шуни гапираман! – деди Месснер ғамгин.

– Барибир ўзингизни одамдай тутмоғингиз керак, – кескин гапирди Уомбл. – Нима қилмоқчисиз, биз шуни билмоқчимиз.

Месснер нима қиларини билмаганга солиб, қўлини ёйди.

## *Жек Лондон*

---

– Билмадим. Бу шундай дардисар бир ҳолки, унинг охири нима бўлишини билмайсан киши.

– Учовлон бу кулбада тунаб қололмаймиз.

Месснер бош ирғади.

– Демак, кимдир кетиши керак.

– Ҳеч шубҳасиз, – тасдиқлади Месснер. – Уч жонки, шу бир кулбада айни бир пайтда туролмас экан, уларнинг бири ғойиб бўлмоғи керак.

– Сиз ғойиб бўлишингиз керак, – эълон қилди Уомбл. – Кейинги манзилгача яна уч чақирим бор, лекин сиз бир амаллаб етиб оласиз.

– Мулоҳазангиздаги биринчи хатойингиз шу, – эътироз билдирди Месснер. – Нега энди мен кетарканман? Кулбани биринчи бўлиб мен топганман-ку, ахир.

– Лекин Тэсс йўлга чиқолмайди, – деди Уомбл, – унинг ўпкаси шамоллаган.

– Гапингизга қўшиламан. Бу совуқда у ўн миля ҳам юролмайди. Ҳеч сўзсиз, у қолиши керак.

– Демак, шундоқ бўлади, – деди Уомбл қатъий.

Месснер йўталиб олди.

– Сизнинг ўпкангиз соғлом-а, шундоқми?

– Ҳа, нима эди?

Месснер яна йўталиб олди ва гўё ҳар бир сўзи устида мулоҳаза юритаётгандай битта-битта гапирди:

– Ҳеч нима... Фақат шуниси борки... ўзингизнинг фикрингизга кўра, бу совуқда ўн миля сайр қилсангиз, сизга ҳеч қийинчилиги йўқ. Бир амаллаб, етиб оласиз.

Уомбл Терезага шубҳа билан қаради ва унинг кўзида шодиёна ҳайрат учқунини кўрди.

– Сен нима дейсан? – сўради у.

Аёл иккиланиб, жим қолди ва Уомблнинг юзи ғазабдан қорайиб кетди. У Месснерга ўгирилди.

– Етар! Сизнинг бу ерда қолишингиз мумкин эмас.

– Йўқ, мумкин.

– Мен бунга йўл қўймайман! – Уомбл таҳдид билан елкасини керди. – Бу ишни мен ҳал қиламан.

– Мен барибир қоламан, – деб ўз сўзида туриб олди Месснер.

– Мен сизни улоқтириб ташлайман!

– Мен қайтиб кираман.

Уомбл ўзини тутиб олиши учун жимиб қолди. Кейин оҳиста, паст, бўғиқ товушда:

– Менга қаранг, Месснер, агар кетмасангиз, мен сизни калтаклайман. Биз Калифорнияда эмасмиз. Мана шу муштларим билан абжағингизни чиқараман, – деди.

Месснер елкасини қисди.

– Агар менга қўл кўтарсангиз, олтин қидирувчиларни тўплайман, ана унда биринчи учраган дарахтга сизни қандай осганларини томоша қиламан. Жуда тўғри айтдингиз, биз Калифорнияда эмасмиз. Олтин қидирувчилар оддий халқ, калтак изини кўрсатиб, ҳамма ҳақиқатни ўртага ташлаб, ўз хотинимга бўлган ҳуқуқимни айтсам бас.

Аёл бир нима демоқчи бўлди, аммо Уомбл жаҳл билан уни уришиб ташлади:

– Сен аралашма!

Месснернинг овози бошқача жаранглади:

– Марҳамат қилиб, бизга халақит қилмасангиз, Тереза.

Ғазабдан ва ҳаяжонини зўрға босиб турганидан аёлни қаттиқ, қуруқ йўтал тутди. Юзи қизарди, кўлини кўксига тутиб, хуружнинг ўтиб кетишини кутди.

Уомбл йўталга кулоқ бериб, аёлга маъюс қараб турарди.

– Бир қарорга келиш керак, – деди у. – Унинг ўпкаси совуқни кўтармайди. Ҳаво илимагунча у йўлга тушолмайди. Мен уни сизга ташлаб кетмайман.

Месснер ювошлик билан «ҳм» деб қўйди, йўталиб олди, кейин яна «ҳм» деб қўйди-да:

– Менга пул керак... – деди.

Уомблнинг юзида дарров нафратомуз ифода пайдо бўлди. Мана шу тобда Месснер унинг кўз ўнгида жуда тубанлашиб кетди, ахийри, у ўзининг пасткашлигини намоён этди-я!

– Бир халта олтин кумингиз бор, – давом этди Месснер, – нартдан тушираётганингизда кўргандим.

– Қанча берай? – сўради Уомбл, юзида намоён бўлган нафрат овозига ҳам кўчди.

– Халтангизда қанча бўлишини чамалаб кўрдим ва... ҳалиги... ўйлайманки, йигирма фут чиқиб қолса керак. Тўрт минг бўлса-чи?

– Ахир, менда бор-йўғи шунча-ку! – қичқирди Уомбл.

– Сизнинг Терезангиз бор, – юпатди уни Месснер. – Ахир, шу пулга у арзимайдими? Нимадан воз кечаётганимни бир ўйлаб кўринг-а. Тағин ҳам арзон баҳоляпман.

– Бўпти! – Уомбл олтин солинган халта ёнига борди. – Ишқилиб, тезроқ бир ёқлик қилайлик бу ишни! Эҳ, сизни қаранг-у! Пасткаш!

– Йўқ, нотўғри гапиряпсиз, – деди Месснер истехзоли кулиб. – Одоб нуқтаи назаридан қараганда, пора берган кимса пора олгандан кўра яхшими? Ўғирлик молни яширган кимса ўғридан яхшимас-ку, шундоқми? Бу кичкина келишувдаги арзимаган афзаллигингиз билан ўзингизни овутманг.

– Одоб-ахлоқингизга минг лаънат! – деди Уомбл жаҳл билан. – Бу ёққа келиб, кумни ўлчамимга қараб туринг. Яна алдаб қўймай сизни.

Аёл эса сўрига суянганича, яшикка қўйилган тарозида кум ва соф олтинни ўлчашларини дарғазаб кузатарди – бу унинг эвазига тўланаётган ҳақ эди. Тарози кичкина эди, бўлиб-бўлиб ўлчашга тўғри келарди. Месснер эса ҳар гал синчковлик билан текширарди.

– Бу олтиннинг ичида кумуш кўп экан, – деди у халтанинг оғзини боғларкан. – Ҳар унцияда<sup>1</sup> учдан бирга тўғри келса керак. Сиз менга панд бериб қўйдингиз, чоғи, Уомбл.

---

<sup>1</sup> Унция – турли мамлакатларда турли қиймагга эга бўлган оғирлик ўлчови.



У халтани қимматбаҳо нарсага кўрсатиладиган эъзоз билан кўтарди ва нартага олиб чиқиб кетди. Қайтиб келгач, идишларини йиғиштириб олди, озиқ-овқат яшигини жойлаштирди, тўшагини юмалоқлаб олди. Кейин бўҳчаларини жойлаштиргач, ғингшиётган итларини кўшди ва кўлқопини олгани яна кулбага қайтди.

– Хайр, Тэсс! – деди у остонада туриб.

Аёл унга ўгирилди, нимадир деб жавоб бермоқчи бўлди-ю, лекин қалбида қайнаган ғазабини сўз билан ифодалай олмади.

– Хайр, Тэсс! – мулойим такрорлади Месснер.

– Аблах! – дея олди ниҳоят Тэсс.

Аёл гандираклаб тўшак ёнига келди, ўзини юзтубан отди ва хўнграб йиғлаб юборди.

– Ҳайвонлар! Разил ҳайвонлар!

Жон Месснер орқасидан эшикни оҳиста ёпди ва йўлга тушиш олдидан катта қониқиш ҳисси билан кулбага ўгирилиб қаради. У қирғоқдан ўзанга тушди, нартани ўйиқ ёнида тўхтатди ва юкни тортиб турган арқонлар тагидан олтин солинган халтани олди. Сув бетини юпка муз қоплабди. У мушти билан музни синдирди ва халта боғичини тиши билан ечди-да, ичидаги олтинларни сувга ағдарди. Дарёнинг шу ери саёз бўлиб, икки фут масофадан туриб Месснер сув тубини кўрди. Сўнаётган куннинг сўнгги ёғдусида дарё туби сарғиш кўринарди. Месснер ўйиққа тупурди.

Кейин у итларни Юкон бўйлаб кўйиб юборди. Итлар хазин ингиллар ва истар-истамас югурарди. Ўнг қўли билан бургич ходани тутган, сўл қўли билан юзи ва бурнини ишқалаган Месснер дарё муюлишида итлар иккинчи томонга бурилганларида, абзалга қоқилиб кетди.

– Қани, олдинга, маймоқлар! – кичкирди у. – Қани, ҳа, олға, олға!



## *Ҳерманн Ҳессе*

*(1877 – 1962)*

---



*XX аср дунё адабиётининг атоқли намояндаларидан бири Ҳерманн Ҳессе кўплаб роман, қисса, ҳикоялар, шеърлар, сиёсий ва адабий-танқидий руҳдаги асарлар муаллифидир. Улар орасида, айниқса, «Чўл бўриси», «Маржонлар ўйини», «Демиян», «Ғилдираклар остида», «Нюрнбергга саёҳат», «Курортдаги киши» каби асарлари довруқ қозонган. Адибнинг асарлари дунё миқёсида 55 тилда жами 100 миллиондан зиёд нусхада чоп этилган. Ҳ. Ҳессе 1946 йилда Швеция Қиролик академияси томонидан «инсонпарварликнинг мумтоз гояларини ўзида тобора яққол намоён этаётган жўшқин ижоди, шунингдек, ёрқин услуби учун» Нобель мукофотига лойиқ топилган.*

### **МАРМАРТАРОШ**

Бу йилги ёз фасли ғоят гўзал келди, ажойиб об-ҳаво шу қадар барқарор бўлдики, одамларда кунма-кун эмас, балки бутун-бутун ҳафталарнинг ҳам худди шундай бирдай кетишига чуқур ишонч уйғонган, июнь ойи бошланган, пичан эндигина ўриб-йиғиб олинган пайтлар эди.

Баъзи бировлар учун жазирама иссиқлари одамнинг жон-жонидан ўтиб кетадиган, вақти келса, ҳатто нам босган тўқайзору

қамишзорларни ҳам «пов» этиб ёндириб юборадиган бундайин ёздан кўра гўзалроқ фасл бўлмаса керак. Бундай одамлар, вақт топдим дегунча, ана шундай ҳароратли дамлардан иложи бориचा кўпроқ баҳраманд бўлишга, шусиз ҳам у қадар ишчан, фаол бўлмаган ҳаётларини ўйин-кулги, кайф-сафо билан беғам-беташвиш ўтказишга интиладиларки, бу нарса бошқа айрим кишиларга ҳеч қачон насиб этмаслиги ҳам мумкин. Камина ҳам ана шундай қувноқ одамлар тоифасиданман; шунинг учун ҳам ўша ёз бошидаёқ – гарчи баъзи бир узилишлар билан бўлса-да, уларга кейинроқ тўхталаман – бениҳоя кўтаринки кайфиятда эдим.

Эҳтимол, ўша июнь оyi мен учун ўз бошимдан кечирган энг шукуҳли дамлар бўлгандирки, беихтиёр қани энди бундай чоғлар тез-тез насиб этса, дегим келаверади. Холаваччамнинг қишлоқ кўчаси ёқасида жойлашган уйи олдида мўъжазгина гулзори бўлиб, айни чокда гуллар барқ уриб очилган, теварак-атрофга муаттар бўй тараларди; бузилиб кетган боғқўрани бекитиб турган баланд ва йўғон картошкагуллар қалин ва юмалоқ ғунча ёзиб, улар орасидан сариқ, қизил ва бинафшаранг гулбарглар бўй кўрсата бошлаган. Сариқ гулли манзарали ўсимлик асал янглиғ долчинранг тусда лов-лов ёниб, шунақанги кучли ис таратардики, буни кўриб туриб, ё, тавба, баравж ўсиб кўпаяётган саёқгулларга ўз ўрнини бўшатиб беришга намунча шошилмаса, дердингиз. Қалин ўсган хинагулларнинг йўғон поялари жимгина қаққайиб турар, ёнларида эса чиройли, хаёлчан ва хушқад жонимгуллар билан бирга оч қизил тусли атиргул буталари қаровсизликдан бир-бирлари билан шўх-шодон чирмашиб ётарди. Хуллас, қафтдек очик ер кўринмас, бутун боғ торгина гулдонга солинган улкан, ранг-баранг ва қувноқ гулдаста эди гўё, гулдондаги атиргуллар орасида қизил ва сарғиш гулли бир йиллик ўсимлик – лотин чечаги ҳам бор эди, унинг қоқ ўртасида эса қатма-қат жойлашган хол-хол гулкосабарглари худди саллага ўхшаб кетадиган, чаппар очилган гуллари тебраниб, чайқалиб тургувчи ўсимлик мағрур ёлқин сочиб турарди.

Менга буларнинг барчаси ажойиб туюлар, мисли кўрилмаган даражада ёқарди, бироқ холаваччам билан деҳқонлар буни кўрмасдилар. Уларга боғ куз келиб, гулпушталарда кечки атиргул, гулҳамишабахор ва кўқонгуллар қолгандагина бироз қувонч бағишлай оларди, холос. Улар ҳар куни эртадан то кечгача далада бўлишар, қош қорайгандагина уйга ҳориб-толиб қайтишар ва бамисоли қалайи ўйинчоқ аскарлар каби ўзларини таппа ташлаб, қотиб ухлаб қолишарди. Лекин шунга қарамасдан, гарчи боғ уларга ҳеч қандай фойда келтирмаса-да, ҳар йили куз ва баҳорда беками-кўст парвариш қилинар, бироқ энг гўзал чоғларида унга деярли ҳеч кимнинг кўзи тушмас, ҳеч ким ундан баҳраманд бўлмасди.

Икки ҳафтадан бери ҳаво очик, иссик, мовий осмон эрталабдан тиниклик ва мусаффолик касб этар, аммо тушдан сўнг қайдандир зич, юмалоқ, пастак булутлар пайдо бўлиб, кўк юзини қоплаб оларди. Тунда эса яқин ва олисда момақалдиरोқ гумбурлар, лекин ҳар тонг – гарчи унинг овози қулоқларинг остида ҳамон жаранглаб турса ҳам – уйғонгач, тепангда куёш чарақлаб турганига кўзинг тушар, ҳаммаёқни яна нур ва илиқлик чулғаб олганидан қувониб кетардинг киши. Шундан сўнг каминанинг шодон ва хотиржам ёзги ҳаёти бошланарди: жазирама иссикда қизиб, қақраб ётган дала йўллари бўйлаб сайрга отланаман, ҳансираб нафас олаётган, сарғайиб бошоқлаётган экинзорлар ва улар орасидан мўралаб турган бўтакўз, ҳашаки нўхат, қорамик ҳамда печакўт сингари турли хил гиёҳ-ўсимликлар гўё каминага салом бераётгандай, бир текис чайқалади, бирпас юргач, ўрмон этақларидаги баланд ўсган майсазорлар бағрида соатлаб дам олиб, нафас ростлайман, бошим узра боларилар ғувиллаб, у ер-бу ерда кўнғизлар «ялт-юлт» қилиб, кўзга ташланади, шамолсиз дим ҳавода, пастак осмонга тегай-тегай деб турган дарахтларнинг шох-новдалари ҳам қилт этмай, тин олади; кечга томон эринчоқлик билан аста уйга қараб йўл оламан, куёш нурида чанг зарраларию қизғиш-олтинранг далалар ҳам ажиб товланади, пишиқчилик ва ҳорғинлик ҳавоси сигирларнинг маъраган

овозлари билан қўшилиб, қоришиб кетади, энг қизиғи, заранг ёхуд арғувон дарахтлари остида ёлғиз ўзинг, ёки бўлмасам, қайси бир танишинг билан сариқ шаробни майдалаб, мамнун хангомалашиб ўтираркансан, вақтнинг тез ўтганини, аллақачон тун ярмидан оққанини ҳам сезмай қоласан, шунда бирдан каерлардадир олисларда чакмоқ қақиб, илиқ шамол олиб келган илк томчилар шатиршутур қилиб қалин чанг устига туша бошлайди, аллақандай ширин, нашъали тупроқ ҳиди ҳавони тутиб кетади.

– Йўк, умрим бино бўлиб, сендақанги ялқовни биринчи кўришим, – дейди холаваччам бошини сарак-сарак қиларкан. – Эҳтиёт бўл, у ер-бу еринг узилиб кетмасин тагин!

– Ғам ема, узилмайди, – дейман уни тинчлантирган бўлиб, шу аснода унинг ҳориб-толиб, терга ботиб, «қовжираб» турганини кўриб, ичиқоралик билан ўзимча қувониб ҳам кўяман. Ахир, камина ўз қадримни ўзим биламан; имтиҳон ва бир неча оғир ой ортда қолди, ўшанда ҳар қандай қулайликлардан мосуво бўлиб, қурбонлар берганим ҳам рост гап.

Тўғри, холаваччам Килион ўйнаб-кулиб, ҳордиқ чиқаришимга монелик қилмасди. У менинг ўқимишли, билимдонлигимни ниҳоятда хурмат қилади, пешонамдаги ажинларни табаррук санайди ва албатта, камина ҳам унинг олдида ўзимни «доно» қилиб кўрсатиш учун афтимни баъзан шундай буриштирадимики, унчамунча чуқурчалар ҳам бужмайиб кетарди.

Кайфиятим ҳали ҳеч қачон бу қадар кўтаринки бўлмаганди. Кенг далалар ва ўтлоқлар, буғдойзорлар, пичанзорлар ҳамда соябонгул ўсимликлар туркумига мансуб баланд бўйли захарли гиёҳ – ширлинг оралаб аста судралиб сандироклардим, ажойиб ҳароратни ҳис этиб, ўт-ўланлар устида қимир этмай ётардим, шу тариқа иссик дамлардан баҳра олиб, лаззатланардим.

Қолаверса, ёз фаслининг ўзига хос овоз ва оҳанглари борлигини айтмайсизми! Ушбу оҳангларни тинглаб, дам хурсанд бўласан, дам маънос ўйга толасан – уларни: чирилдоқ ҳашаротлар – саратон-

ларнинг тун бўйи тинмай чириллашлари, гўё денгиз каби чайқалиб турган бўлик бошоқларнинг шовиллашлари, узоқ-узоқларда гулдураган момақалдирукнинг бўғиқ акс-садоси, кечалари чивин, искабтопарлар тўдасининг ғужғон ўйнаши, чарх теккан чалғи ўроқларнинг олисларга чорловчи ҳаяжонли саслари, тунда эса майин илиқ шамолнинг енгил эсиб, эркалашлари-ю, кутилмаганда сел, жаланинг тўсатдан тасир-тусур ёғиши – буларнинг барини бениҳоя яхши кўрадим.

Мана шу қисқа, бироқ шонли ҳафталар ичра ҳамма нарса қийғос очилиб, чаппар гуллаган, ҳаммаёққа хуш бўйлар таралган, чоратроф қизгин ва жўшқин тусга кириб, товланганини айтмайсизми! Аргувонларнинг мўл-кўл ҳидлари енгил туман аро сизиб водийларни тўлдирган, пишиб етилаётган ҳорғин бошоқларга уларнинг ёнидаги ранго-ранг дала гуллари, қир чечаклари суқланиб бокиб, куйиб-ёнганидан икки баравар кўпайишиб, ўроқ тушгунча ҳам шошиб-ҳовлиқиб, кеккайишларини кўрсангиз!

Мен йигирма тўрт ёшда эдим, дунё кўзимга ва ўзим ҳам ўзимга жуда ажойиб бўлиб кўринар, ҳаётим гўё жозибали, мароқли, мафтункор ҳаваскорлик санъати каби, асосан, эстетик нуқтаи назарга таянган ҳолда ўтарди. Фақат ишқ савдосигина менинг танловимсиз сездирмай кириб келди ва ота-боболардан қолган қадимги урф-одатлар бўйича кечди. Бироқ буни менга ҳеч ким очик-ойдин айттолмасди! Бир қадар шубҳа-гумонлар ва иккиланишлардан сўнг, камина ниҳоят, ҳаётни тасдиқловчи фалсафага берилиб, назаримда, бир неча бор қийин хулоса ва тажрибалар натижаси ўлароқ воқеа, ҳодиса, вазиятларга бирмунча вазминлик билан ва холисанилло баҳо бериб, фикр-мулоҳаза юритишни ўргандим. Бундан ташқари, имтиҳонларни муваффақият билан топшириб, икки ойлик таътилга чиққандим, қолаверса, ҳамёнимда мўмайгина чойпулим ҳам бор эди.

Эҳтимол, ҳар бир инсоннинг ҳаётида шундай бир давр бўлиши табиийдир: олдинда теп-текис, равон йўл, йўлда эса ҳеч қандай

кўлмак-тўсиқ йўқ, хатто кўкда ҳам парча булут кўринмайди. Шунда ўзингни гўё осмонда ҳис этасан, лекин бора-бора шунга амин бўласанки, ҳеч қандай бахт-омад деган тасодиф йўқ экан, балки буларнинг барчасига ва қолаверса, ярим-ёрти келажакка ҳам шунинг учун эришолгансанки, ўзинг бунга лойиқ, муносиб бўлгансан. Буни билиб, англаб, шундай хулосага келганингдан ўзингча хурсанд бўласан, чунки бунинг замирида шундайин бир бахт мужасамки, дам эртақлардаги шахзодадай шодлансанг, дам танга топган гадойга ўхшаб, терингга сиғмай кетасан, афсуски, бу ҳолат узоққа бормайди.

Икки ойлик ажойиб таътилимнинг дастлабки бир неча кунни ҳам кўз юмгунча ўтди-кетди. Лабимда сигара, калпоғим чаккасига кизғалдоқ қистириғлиқ, чўнтагимда бир қадоқ олча ва яхши бир китобча, қувноқ донишмандларга ўхшаб, водий бўйлаб у ёқдан-бу ёққа кезиниб, беғам-бамайлихотир ва шодон сайр қилиб юрардим. Йўл-йўлакай катта ер эгалари бўлмиш мулкдорлар ва далаларда ишлаётган одамлар билан самимий мулоқотда бўлардим, улар эса каминани катта-кичик базм-зиёфатларга, чўқинтириш маросимлари, ўткир пиво байрами сингари турли хил байрамларга таклиф қилишарди. Кун қиёмдан оғиб, кеч кира бошлагач, гоҳо пастор<sup>1</sup> билан отамлашиб ўтириб қолсам, ахён-ахёнда мироблар ва хатто фабрика эгалари билан хонбалиқ овлашга борар, ёши улуғ кишилар мени ўзларига тенг кўриб муомала қилишларидан ич-ичимдан хурсанд бўлардим, чунки ҳақиқатан ҳам ташқаридан қарагандагина ёш кўринардим, холос, аслида эса эркалик, шўхлик қиладиган ёшдан ўтиб, аллақачон кап-катта одам бўлиб қолгандим; балоғатга етганимдан соат сайин киши билмас завқланиб, ҳаётни от, от бўлганда ҳам гўё асов, саркаш отга менгзаган кўйи у билан абжир, чакқон чавандоз янглиғ эпчиллик ва эҳтиёткорлик билан муомала қилиш лозимлигини аста-секин англаб борардим.

<sup>1</sup> Пастор – протестантлик мазҳабидаги руҳоний.

Замин узра гўзал ёз фасли ҳукм сураб, экинзорлар сарғиш тусга кира бошлаган, пичаннинг ўткир ҳиди ҳавони тутган, япроқлар ҳамон ўз рангин тароватини йўқотмаган. Болалар далага нон ва мева шарбати олиб боришар, деҳқонларнинг қўли-қўлига тегмас, кайфиятлари чоғ, кечкурунлари эса қизлар кўчадан саф-саф бўлиб ўтиб қолар, ҳе йўқ-бе йўқ, ўзларича «пик» этиб кулишиб, кутилмаганда кўнгилни юмшатадиган «халқ кўшиқлари»дан хиргойи қилиб юборишарди. Мен бўлсам, эр йигитнинг балоғат чўққисидан туриб, уларга самимият билан боқардим, болаларга ҳам, деҳқонлару қизларга ҳам баравар чин дилдан хурсандчилик тилаб, буларнинг барчасини яхшиликка йўярдим.

Заттелбах анҳори бўйлаб ҳар икки юз кадам битта тегирмон бўлиб, шарқироқ сой суви уларни бетиним юргизар, анҳор ўрмонга туташиб кетган салқин водий дарасида эса мрамртарошлик корхонаси қад ростлаб турарди: унга қарашли бўлган аралаштириш цехи, омборхона, кўтарма дастгоҳ, ховли, турар-жой ва боғча – барчаси эскирган ҳам эмас, жуда янги ҳам эмас, аммо кўрган кўзни кувнатадиган даражада оддий ва озода, кўркам, пишиқ ва мустаҳкам эди. Корхонада мрамр бўлаклари аста-секинлик билан, пухта ва беками-кўст тахта шаклида ҳамда лаппаксимон қилиб араланар, сўнг ювилгач, уларга обдон сайқал берилар, хуллас, тинч, осойишта, беозор ва батартиб бу корхона кириб келган ҳар қандай одамда қизиқиш уйғотиши табиий эди. Бундоқ олганда, турли хил ўлчамдаги оқ йўл-йўл, кўкимтир-кулранг ва бошқа турли хил тусдаги мрамр тахталар тилиниб, чиройли тахлаб қўйиладиган, мрамр чикитларига тўла ва нафис мрамр чанги димокқа урадиган бундай ишхонанинг илонизи бўлиб буралиб кетган торгина водий узра ўсган қорақайин ва қорақарағайзорлару тасмадай чўзилиб, ястаниб ётган майсазорлар ўртасида танҳо-ёлғиз «манаман» деб савлат тўкиб туриши ғалати, ғайриоддий туюлса-да, бироқ барибир бу манзара ўзига хос, гўзал ва жозибали эди. Азбаройи қизиққанимдан бу ерга илк бор келганимда, қайтаётиб мўъжазгина, бир томони



силлиқланган оқ мрамар бўлакчасини чўнтагимга солиб олгандим; у кўп йиллар давомида ёзув столимда турди.

Мазкур мармартарошлик корхонасининг хўжайини Лампарт деган киши бўлиб, уни бу томонлардаги ғалати, қизиқ табиатли кишилардан энг ажойиби, деб аташ мумкин эди. Рафиқаси эрта ўлиб кетган, шу боис бўлса керак, анча одамови бўлиб қолганди, қолаверса, теварак-атрофдаги одамлар турмушига тааллуқли бўлмаган касб-хунари ҳам бунга қисман сабаб бўлганди. Уни одамлар жуда бадавлат дейишарди, лекин буни ҳеч ким аниқ-тиниқ билмасди, чунки бу атрофда бунақанги касб-кор қиладиган, ушбу хунарнинг сир-асроридан ёки жилла курса даромадидан бирозгина хабардор бўлган кимсани топиш амримаҳол эди. Гап нимада эканини каминанам ҳам тузук-қуруқ билмас, ҳали бунинг тагига етмагандим. Вазият жаноб Лампарт билан бошқаларга қараганда ўзгача ва ўзига хос тарзда муомала қилишни тақозо этарди. Аслида мармарчи уста ўз ҳузурига келган ҳар қандай меҳмонни самимий кутиб олар, бироқ унинг бировниқига бирров борганини ҳали ҳеч ким кўрмаганди. Қишлоқда гоҳо бирон-бир байрам бўлиб қолса, ёки овга чиқилганда, ёки савдо-сотик воситачилиги чоғида – бунақа воқеалар эса камданкам бўларди – одамлар унга ўта хушмуомалалик билан муносабатда бўлишар, чунки у одатда сипо-вазмин қиёфада пайдо бўлар, гўё ҳозиргина ўрмондан чиқиб келган ва яна ҳадемай ўша ёққа жўнаб қоладиган зоҳид одамдай, ҳаммага совуққон, лоқайд ва жиддий назар билан боқарди.

Башарти биров ундан: «Ишлар қалай?» деб сўраса, қисқагина қилиб: «Раҳмат, бўляпти», деб жавоб қайтарар, лекин ўзи қайтиб савол бермасди. «Охирги тошқин, сел ёки сўнгги сув танқислиги сизга зарар етказмадими?» деган саволга, «Раҳмат, унчалик эмас», деб қўя қолар, бироқ ўзи бировдан ҳол-аҳвол сўрашга одатланмаганди.

Ташқаридан разм солганда, у кўп ташвиш чеккан ва эҳтимол, ҳозир ҳам боши ғам-ташвишдан чикмаётган одамдай таассурот қолдирарди, аммо-лекин унинг ўз ташвиш-қувончларини биров билан баҳам кўрадиган ёки дардлашадиган одати йўқ эди.

Ўша ёз фаслида «мармар тегирмончи» хонадонига тез-тез кириб-чиқишга одатландим. Кўпинча сайр қилиб юрган пайтларим уларнинг ҳовлиси ёнидан ўтиб кетаётиб, ўн-ўн беш дақиқага кириб-чиқардим. Тош тарашлайдиган ишхона салқин ва қоронғи бўлиб, у ерда тоза, озода, сип-силлиқ пўлат тасмалар дам пастга тушиб, дам юқорига кўтарилиб, бир маромда ишлар, кум заррачаларининг ғичирлаб тўкилгани, тахта пол остидан сувнинг шилдираши эшитилар, дастгоҳлар ортида ишчилар жимгина ўз вазифаларини адо этишарди. Мен бўлсам тоштахта устига ўтирволиб, ғилдираклар ва тасмаларни кузатардим, товоним билан бирорта ёғоч ғўлачани у ёқ-бу ёққа думалатиб ўйнаганча, мармар заррачаларию учириндиларнинг ғўлача остида ғичирлашига, сувнинг шилдирашига кулоқ солардим, сигара тутатиб, бу ердаги сокин ва салқин ҳаводан бироз баҳраманд бўлгач, сўнг чиқиб кетардим. Хўжайинга эса деярли дуч келмасдим. Унинг ҳузурига – мўъжазгина, ҳамиша мудроқ уйга кирмоқчи бўлсам, бу ҳолат тез-тез такрорланиб турарди, йўлакда этикларимнинг чангини қоқиб, йўталиб олардим, шунда ё жаноб Лампарт, ёки унинг қизи эшикни очиб, менга пешвоз чиқар, стулга таклиф қилиб, олдимга бир қадаҳ шароб келтириб қўярди.

Сухбатимиз қовушгунча зил-замбил стол атрофида майдан оздан ичиб, бармоқларимни ўйнаган кўйи жимгина ўтирардим; чунки на уй соҳиби ва на қизи (одатда, уларни камдан-кам бирга учратардим) ҳеч қачон биринчи бўлиб гап бошламас, буни кўриб туриб беихтиёр ушбу хонадонда ҳар қандай мавзу ҳамиша ноўрин бўлиб келмаганмикан, дея ўйлардим. Орадан ярим соатдан мўлроқ вақт ўтар-ўтмай, сухбат ўз поёнига етар, ҳар қанча тиришмай, олдимдаги қадаҳ ҳам тезда бўшаб қоларди. Иккинчи қадахни эса беришмасди, буни ўзим ҳам сўраб ўтирмасдим, олдимдаги бўш қадаҳга термилиб ўтиравериш ноқулай бўлгани сабабли мезбонларга қўл бериб хайрлашардим-да, шляпамни кийиб, кетишга отланардим.

Қиз ҳақида гапирадиган бўлсам, унинг ўз отасига ҳайратланарли даражада ўхшашлигини ҳисобга олмаганда, аввалига унда кўзга ташланадиган ҳеч нарсани пайқамадим. Баланд бўйли, сочлари тимқора, кўзлари эса худди отасиникидек нурсиз, маъюс, бурни кичик, даҳани чиройли эди. Юриши ҳам отасиникига ўхшаб кетар, овози ҳам мулойим ва жиддий эди. Қўл узатишлари, биров билан гаплашганда суҳбатдошига кулоқ солиб кутиб туришлари ҳам отасини эслатарди. Шунчаки хушмуомалалик юзасидан бўладиган саволларга қисқа, холисона ва мулоҳазакорлик ила бироз ажабланиш билан жавоб қайтарарди.

Кўшни алеман<sup>1</sup> вилоятларига хос бўлган гўзаллик сарвқомат ва буғдойранг чехрага мутаносиб равишда унинг ташқи қиёфасидаги ўзига хос куч-қудратдан дарак берарди.

Камина уни даставвал чиройли бир сурат янглиғ томоша қилган бўлсам, бора-бора бўй етган барно қиздаги дадиллик, етуқлик ва балоғат мени ўзига ром этиб, эс-хушимни олиб қўйганди. Ошиқлигим тез орада шундай бир кучли эхтиросга айландики, буни ўзим ҳам тасаввур қилолмасдим. Агар қизнинг оғир, вазмин ва мағрур феъл-атвори ҳамда мазкур хонадонга хос бўлган сокин-совуққон вазият бўлмаганида эди (айнан мана шу ҳолат мени енгилгина енгиб, беозор ва итоаткор қилиб қўйганди), ким билади дейсиз, сирим аллақачон ҳаммага ошкор бўлармиди...

Қизга ёки унинг отасига рўбарў бўлдим дегунча, вужудимдаги бутун оташ шу заҳоти журъатсиз бир алангага айланар ва мен буни аранг яширардим. Биз ўтирган хона ҳам навкирон ошиқ тиз чўкадиган сахнага сираям ўхшамас, балки кўпроқ оғир, вазмин кучлар ҳукм сурадиган ҳамда жиддий ва чидаса бўладиган ҳаётнинг бир парчаси мужассам бўлган мўътадиллик ва садоқат маъвосини эслатарди. Бироқ шуларга қарамасдан қизнинг осуда ҳаёти орти-

---

<sup>1</sup> *Алеман* – Дунай ва Рена дарёлари бўйларида яшаган қадим олмон қабилалари.

да яширинган, жўшқин суҳбатлар чоғида тезгина имо-ишора ёки ногаҳоний ўтли нигоҳ замирида камдан-кам ҳоллардагина намоён бўладиган аллақандай таъсирчанлик, серзардаликни пайқай олишга муваффақ бўлдим.

Кўпинча бу гўзал ва жиддий қизнинг асл ботини, сийрати нимадан иборат бўлмоғи мумкин, деган саволни ўзимча ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўрардим. Аслида у серзавқ, жўшқин, эҳтиросли, ёки мунгли, маънос, ғамгин, ёхуд ҳақиқатан ҳам совуққон, лоқайд ёки тепса тебранмас бўлиши ҳам мумкин эди. Лекин ҳар ҳолда ташқи кўриниши унинг асл қиёфасини, ҳақиқий табиатини очиб беришга ожиз эди. Гарчи у сиртдан қараганда эркин фикрлай оладиган ва мустақил ҳаёт кечирадигандай туюлса-да, отанинг ўз қизи устидан чексиз ҳокимиятга эгалиги, гарчанд меҳр-муҳаббат аралаш бўлса ҳам отанинг кучли тазйиқи қизнинг асл ботиний табиатига таъсир этмай қолмаганини сезиш қийин эмасди. Башарти уларнинг бирга, ёнма-ён турганини кўрсам – бундай ҳолат эса камдан-кам содир бўларди – беихтиёр эҳтимолки, ноилож, истамаган ҳолда қилинган жабр-зулмнинг таъсирини ҳис қилгандай бўлардим, шу билан бирга, тасаввуримда ота-бола ўртасида қачонлардир кескин ва муросасиз жанжал бўлиб ўтиши керак, деган ноаниқ туйғу ҳам ногоҳ пайдо бўларди. Лекин шу жанжалга бир кун келиб ўзим сабабчи бўлишим мумкинлигини ўйласам, юрагим ҳовлиқиб, билинар-билинамас ваҳима босарди.

Жаноб Лампарт билан дўстлигимиз дўнмагани баробарида Риппах кўрғони бошқарувчиси Густав Беккер билан жуда чиқишиб қолдик. У билан соатлаб суҳбат қурадик, яқинда ҳатто брудершафт<sup>1</sup> усулида чўқиштириб ичдик, холаваччамнинг кескин танбехларига қарамасдан, бундан ўзимча ҳазилакам фахрланмадим. Беккернинг ёши тахминан ўттиз иккиларда бўлиб, ўзи ўқимишли, олий маълумотли, эпчил, уддабурон, тажрибали раҳбар эди. У ме-

---

<sup>1</sup> Қўлларни бир-бирига кийиштириб биродарона отамлашиш.

нинг эркакларга хос чиройли сўзларимни кўпинча шунчаки киноя аралаш кулимсираб тинглар, мен эса бундан хафа бўлмасдим, чунки унинг ёши анча катта ва хурматли кишиларга ҳам худди шундай кулимсираб муомала қилганини кўп кўрганман. Бунга унинг ҳаққи бор эди, негаки у нафақат мустақил маъмур, бошлиқ ва эҳтимол шу худуддаги энг катта ер-мулкнинг бўлгуси харидори, балки ўз теварак-атрофидаги кўпгина одамлардан руҳан анча устун киши ҳам эди. Уни ўлгудек ақлли одам сифатида тан олишса-да, бироқ унчалик хуш кўришмасди. Назаримда, Густав Беккерга одамлар ўзларини ундан олиб қочадигандай туюлар, шу боисданми, вақтини кўпроқ камина билан ўтказарди.

Бироқ шунга қарамай, кўпинча у мени умидсиз, тушкун бир ҳолатга ҳам солиб қўярди. Менинг ҳаёт ва инсонлар тўғрисидаги гапларимни тингларкан, кўп ҳолларда бир сўз демай, фақат захарҳанда маънодор илжайиш билангина кифояланар, шу тариқа кўнглимга шубҳа-ғулғула солиб қўяр, баъзан эса донишмандлик, фалсафанинг ҳар қанақанги кўринишини очиқдан-очиқ кулгили бир нарса-да, дея баҳолашга ҳам журъат қиларди.

Бир куни кечқурун Густав Беккер билан Адлер боғида икковлон майсазор рўпарасига қўйилган стол атрофида пиво ичиб ўтирардик. Ҳаво қуруқ, иссиқ, ҳаммаёқни заррин гард-ғубор қоплаган, арғувон маст қилгудай бўй таратар, чироқ нурининг ёруғхиралиги ҳам сезилмасди.

– Менга қаранг, Заттелбах водийсидаги анови мармартарош устани танийсизми? – дея сўрадим дўстимдан.

Трубкасини тамаки билан тўлдираркан, у менга қарамай, тасдик маъносида бош силкиди.

– Шундайми, унда айтинг-чи, у қанақа одам ўзи?

Беккер кулди ва трубка патронини нимчасининг чўнтагига солиб қўйгач:

– Ниҳоятда ақлли одам у, шунинг учун ҳам доим жимгина юради. Хўш, унда нима ишинг бор? – деди.

– Ўзим шунчаки сўраяпман. Одамда ўзига хос таассурот уйғотади.

– Ақлли одамларнинг иши бу, лекин ундайлар кўп эмас.

– Шу холосми? У ҳақида бошқа ҳеч нарса билмайсизми?

– Унинг гўзал қизи бор.

– Биламан. Буни сўраётганим йўқ. Айтинг-чи, нега у одамларга сира қўшилмайди?

– Қўшилиб нима қилади?

– Ҳа, майли. Бошидан кўп ишлар ўтганми, дейман-да?

– Э-ҳа, хаёлпарастроқ эмасми, демокчимисан? Ёки водийдаги сокин тегирмону мрамарни сўраяпсанми? Индамас таркидунёчилигиними? Ё ерга кўмилган ҳаётгий бахт ҳақида эшитмоқчимисан? Буларнинг бари сафсата. У ажойиб тадбиркор, холос.

– Буни аниқ биласизми?

– Бўлмасам-чи. У жуда пишиқ, ичидан пишган. Пул ишлашни боплайди, билдингми?

У шу гапларни айтиб, ўрнидан турди, қиладиган ишлари кўп эди. Ичган пивосининг ҳақини тўлаб, ўти ўриб олинган сайхонлик бўйлаб тўғри юриб кетаркан, унча катта бўлмаган тепалик ортида кўздан ғойиб бўлди. Шамолга юзма-юз борганиданми, трубкасининг тутуни осмонга ўрлаб, ҳавода бир дам муаллақ сузиб юрди. Молхоналардан сигирларнинг мўрагани эшитилди, қишлоқ кўчаларида ишдан қайтаётганлар кўрина бошлади. Бироздан сўнг атрофимга разм солсам, тоғлар аллақачон қора-кўкимтир тусга кирган, осмон ранги ҳам энди қизил эмас, балки оч яшил-зангори тусда, ҳадемай илк юлдузлар кўринадиган вақт бўлиб қолибди.

Бошқарувчи билан бўлиб ўтган қисқагина суҳбат каминанинг ғурурига бироз тегиб ўтганди, шундай ажойиб оқшом таъсирида, қолаверса, ўз иззат-нафсимдаги нуқсон кўзга ташланиб қолганиданми, «мрамар тегирмончи»нинг қизига бўлган муҳаббатим устун келиб, эҳтирослар билан ўйнашиб бўлмаслигини дилдан ҳис қилдим. Яна бир нечта «яримта»ни юмалатгач, аста

Ўрнимдан кўзғалдим, кўкда юлдузлар милтирай бошлаганди, қайдандир юракка кучли таъсир қиладиган халқ кўшиғи янграр, донишмандлигиму шляпамни ҳам ўтирган еримда қолдириб, қоронғиликка чўмган далалар томон югургилаб кетдим, ўз-ўзидан кўзёшларим шашқатор оқа бошлади.

Лекин бу ҳолат ажиб ёз кечасининг тароватидан баҳра олишимга монелик қилмади. Уфқда қудратли ва бир текис пўртанадай осмонга тутшиб, қатор чўзилиб кетган бепоён шудгорлар, ён тарафимда узоқ-узоқларга қадар ястаниб ётган ўрмон мудроқ нафас олар, ортимда эса деярли кўздан ғойиб бўлган қишлоқ унда-бунда милтиллаган чироқлари-ю, олис овоз-оҳанглари билан ўзига чорларди. Ҳайдалган ерлар, осмон, ўрмон ва қишлоқ, ўтлоқзорлар хиди, гоҳ у ер, гоҳ бу ердан кулоққа чалинаётган қора чигирткаларнинг чириллашлари, барча-барчаси бир бўлиб, мени қуршаб олган, кулоқларимга гўзал, қувноқ ва ғамгин наво бўлиб қуйиларди. Фақат юлдузларгина нимқоронғи кўк бағрида ҳаракатсиз нур сочарди. Шунда бирдан вужудимда журъатсиз, аммо зўр бир тилак оташ бўлиб ёнди, кўнглим ниманидир соғиниб, кўмсарди; билмадим, бу янги, номаълум қувонч ва дарду хасратларга интилишмиди ёки болаликдаги ватан сари қайтиш, ё отамдан қолган боғқўрага суянганча, марҳум ота-онам овозларини, ўлиб кетган итимизнинг акиллашларини бир дам бўлса-да, яна бир бора тинглаб, тўйиб-тўйиб йиғлаб олиш истагимиди, билолмадим.

Ҳардамхаёллик билан қуруқ шох-шаббаларни босиб, дим қоронғилик ичра йўлимда давом этдим, кутилмаганда олдимдан кенг ва ёруғ яланглик чиқиб қолди, Заттелбах водийси узра баланд қорақарағайлар ўсиб ётар, ҳов пастда Лампартнинг ҳовлиси жойлашган бўлиб, унда оқиш мрамрлар уюлган, торгина ҳовузнинг қорамтир сувлари мавж уриб турарди. Шунда тўхтаган еримда узоқ туриб қолдим ва ўз-ўзимдан уялиб, дала бўйлаб тиккалаб, энг яқин йўлдан уй томон ортимга қайтдим.

Эртаси куни эса Густав Беккер сиримдан огоҳ бўлганди.

– Ўзингни гўлликка солганинг нимаси? – деди у. – Лампартнинг кизига ошику беқарор бўлиб қолибсан-ку. Ҳай, майли, бу катта му-  
сибат эмас. Ҳали бунақанги савдоларни кўп кўрасан, чунки ҳозир  
худди шундай ёшдасан.

Бу гал ҳам иззат-нафс, ғурурим устун келди.

– Йўқ, азизим, – дедим унга, – сиз мени ҳали яхши тушунмабсиз.  
Биласиз, болаларга хос бачкана қилиқлару шилқимлик қилиш ёши-  
дан аллақачон ўтганмиз. Мен ҳаммасини обдон ўйлаб, бир қарорга  
келдим. Уйлансаммикан, девдим, ўйлаб кўрсам, ундан яхшироғини  
тополмайман.

– Нима, уйланаман, дейсанми? – кулди Беккер. – Сен бола,  
зўрсан-ку!

Унинг бу гапига ғашим келди, лекин ўзимни босдим.  
Бошқарувчига ушбу иш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларим ва режа-  
ларимни ётиғи билан тушунтира бошладим.

– Сен энг муҳимини унутяпсан, – деди у гапларимни тинглаб  
бўлгач, жиддий ва қатъий оҳангда. – Лампартлар сенга тўғри кел-  
майди, қолаверса, улар зоти, насл-насаби оғир одамлар. Албат-  
та, истаган кишингга севги изҳор қилишинг мумкин, аммо-лекин  
уйланишга келганда, одам ўйлаб иш қилиши, ўз тенгини топтоғи  
лозим.

Бу сўзларни эшитиб, афт-ангорим буришиб кетди, унинг гапини  
шартта бўлмоқчи эдим, тўсатдан кулиб юборди-да:

– Хўш, ундай бўлса, отингни қамчилай қол, бўтам, омад сенга  
ёр бўлсин! – деди.

Шу кундан эътиборан, у билан рўпара келдим дегунча, бу ҳақда  
узоқ гаплашадиган бўлдим. Ёз фаслида ишлари ниҳоятда кўпайиб,  
қўли бўшамагани боис суҳбатларимиз гоҳо йўлда, далада ёки от-  
хона, сарой ёхуд омборхоналарда бўлиб ўтарди. Ушбу мавзуда  
қанчалик кўп гаплашганим сайин бутун масала кўз ўнгимда шун-  
чалик аниқ ҳал бўлгандай туюларди. Аммо мрамор корхонага бор-  
ган пайтларимда ўзимни нимагадир руҳсиз, маънос хис қилардим,



манзил ҳали анча олис эканини сезардим. Қиз эса ҳамишагидек самимий, дадил эканидан қалбим қувончга тўлар, айти чоғда бироз хавотирга ҳам тушардим. У менга дам-бадам шодон ва синовчан назар ташлар, мени пинҳона яхши кўрадигандай туюлар, гапларимга жиддий кулоқ солиб, мени қўллаб-қувватлар, аммо орқаваротдан бутунлай бошқача фикрга эга экандек кўринарди.

Кунларнинг бирида у кутилмаганда шундай деб қолди:

– Биз аёллар ҳаётни бироз бошқачароқ тасаввур қиламиз, масалан, ўзим ҳам, чунки биз эркаклардан фарқли ўлароқ ниҳоятда кўп ишлашимизга тўғри келади. Аёллар сизларчалик эркин эмас...

Мен шунда унга ҳар кимнинг тақдири ўз қўлида, ҳар ким ўз ҳаёти учун масъулдир, деган гапларни айтиб, далда берган бўлдим.

– Балки бу нарса эркак кишининг қўлидан келар, билмадим, – деди қиз. – Аммо бизда вазият бошқачароқ. Албатта, биз ҳам ўз ҳаётимизни изга солишимиз мумкин, лекин мустақил қадам ташлашдан кўра кун тартибидаги зарурроқ ишларни ақл билан адо этишга тўғри келади, гап мана шунда.

Мен унга яна бир бор эътироз билдириб, ажойиб нутқ ирод этдим, шунда у қизишиб кетди ва эҳтирос билан бундай деди:

– Сиз ўз эътиқодингиздан чекинманг, меники билан эса ишингиз бўлмасин! Агар танлаш имкони бўлса, ҳаётдан гўзаллик қидириб топиш у қадар қийин эмас. Бироқ танлаш имконига ким ҳам эга бўла оларди дейсиз? Худо кўрсатмасин-у, башарти, сиз бугунми-эртами бирорта улов-пуловнинг тагида қолиб, қўл-оёқларингиздан ажралгудек бўлсангиз, унда ҳавойи орзуларингиз нима бўлади? Бошингизга тушган бу мусибатдан кейин яшаб кета олиш учун бирон касб-кор, хунарингиз бўлса, хўп-хўп, бундан, албатта, хурсанд бўлар эдингиз. Илойим, омадингизни берсин, сизга шуни тилайман, бахтли бўлинг!

Қиз илгари ҳеч қачон бу тарзда жўшиб сўзламаганди. Сўнг у индамай қолди, ғалати жилмайди ва кетишимга ҳам монелик

қилмади. Унинг бу сўзлари буткул хаёлимни банд этиб, юрсам ҳам, турсам ҳам уни ўйлардим. Риппах кўрғонидаги дўстим билан ҳам шу ҳақда гаплашмоқчи бўлдим, бироқ Беккернинг совуқ нигоҳига, унинг масхараомуз қимтилган лабларига кўзим тушди дегунча, хафсалам совиб қоларди. Оқибатда шундай бўлдики, фройляйн Лампарт билан қанчалик кўп суҳбатлашсам, бошқарувчи билан бу ҳақда шунчалик кам гаплашадиган бўлиб қолдим, қолаверса, бу «масала» бора-бора уни қизиқтирмай ҳам кўйди. Фақат у ер-бу ерда кўриб қолса, мрамор корхонасига ҳалиям бориб турибсанми, дея жиғимга тегиб қўярди, холос.

Бир куни уни Лампартлар хонадонида учратиб, хайрон бўлдим. Унинг ҳам олдида бир қадах шароб кўйилган, бўшагач, иккинчиси берилмаганини кўриб, бундан ўзимча қониқиш ҳосил қилдим. Лампарт банд эканми, тезда тура қолди, қиз ҳам кўринмади, шу боис мен унга эргашдим. Кўчада:

– Бу ёқларда нима қилиб юрибсиз? – деб сўрадим ундан. – Лампартни жуда яхши танийсиз, чоғи?

– Ҳа.

– Унда ишингиз бормиди?

– Ҳа, пул билан боғлиқ ишлар бор эди. Кўзичоқ бугун кўринмадимми? Шунга қайта қолдинг, шекилли?

– Қўйсангиз-чи!

Аслида эса қиз билан дўстона муносабатларимиз кучайиб, бир-биримизга ҳийла яқин, сирдош бўлиб қолгандик, лекин унга ошиқлигимни мудом сездирмасликка уриндим. Шу аснода вазият қутилмаганда бутунлай бошқача тус олиб, бутун умидларим чип-пакка чиқадигандек туюлди. Қиз табиатан тортинчоқ, одамови бўлмаса-да, бироқ аввалги ётсираши йўқ эмасди, оқибатда у билан бўладиган суҳбатларимиз умумий мазмун касб этиб, ўзаро самимий муносабатларимиз дарз кета бошлади.

Бу ҳақда ўйлаган сайин бошим қотиб, ўрмонда айланиб, миямда минглаб аҳмоқона шубҳа-гумонлар пайдо бўларди, қизга

нисбатан муомалада ўзимни лаёқатсиз ҳис этиб, бахт ҳақидаги бутун фалсафамга путур етганди. Бу орада таътилимнинг ҳам ярмидан кўпи ўтиб бўлган, мен энди қолган кунларни санаб, тентираб, сандироқлаб бефойда, бесамар ўтган ҳар бир кунни гўё у чексиз аҳамиятга эга-ю, унинг ўрнини ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайдигандай, афсус ва умидсизлик билан эслаб, хаёлимдан бир-бир ўтказа бошладим.

Воқеалар энг қизиган кунларнинг бири эди, бахт-омад боғининг дарвозаси олдида енгил тин олиб, хиёл ҳадиксираган ҳолда бир лаҳза туриб қолдим. Мармар корхонаси ёнидан ўтиб кетаётиб, бирдан Еленага кўзим тушди, у боғ ўртасида, баланд ўсган картошкагул буталари орасида турарди. Яқин бориб, салом бердим ва ётиб қолган гул поясини қозикчага боғлашда қизга ёрдамлашдим. Шу зайл унинг олдида чорак соатча қолиб кетдим. У келганимга ҳайрон бўлиб, хийла саросимада эди, бунинг замирида эса нимадир бор эдики, мен буни гўё аниқ ёзув каби ўқий олишимга ишонардим. У мени севади, буни мен қайта ва қайта ҳис қилдим, бунга ишончим комил ва ўзимда йўқ хурсанд эдим, шунданми, қизга ўзимча раҳмим келиб, ундаги саросимани сезмаганликка олдим, ўзимни гўё қаҳрамон ҳис этиб, бироздан сўнг қўл бериб хайрлашдим-да, ортимга ҳам қарамай жўнаб қолдим. Мана, энди ишларим жойида бўлади, чунки у мени севади, буни бутун вужудим билан сезиб, ҳис қилиб турардим.

Эртасига яна бир ажойиб кун бошланди. Ҳис-ҳаяжон ва ташвиш билан бўлиб, гўзал фаслни ҳам бир зум унутиб, гўё кўзларим боғлангандек санқиб юраверишман. Ана, ўрмон яна нурга тўлган, анҳор суви дам қорамтир-қўнғир, дам кумушсимон тусга кириб оқар, олис манзиллар нурли жилоланиб ўзига чорлар, дала йўлларида бораётган деҳқон аёллар кўйлақларининг этақлари гоҳ қизил, гоҳ ҳаворанг товланарди. Камина шод-хуррам, завқ-шавққа тўлганимдан ҳатто капалак тутиш ҳам эсимдан чиқиб кетганди. Ўрмон ёкасида жойлашган тепаликка терлаб-пишиб чиқиб ол-

гач, у ерда бирпас ётиб дам олдим, унумдор кенгликлару олисдаги тўнкарилган улкан коса янглиғ уфққа қадар разм солиб, ўзимни қиём қуёши нурларида тобладим, бунинг учун гўзал оламдан, ўз-ўзимдан ва барча-барчадан дилдан миннатдор эдим. Хуллас, бугунги кунни ширин хаёл суриб, хиргойи қилиб, баҳоли қудрат завқ билан ўтказганимдан ўзимда йўқ хурсанд бўлдим. Кечкурун ҳатто Адлер боғига бориб, қизил шаробнинг энг асл навидан бир дўлча «уриб» ҳам келдим.

Эртаси куни яна «мармарчи»лар ҳузурига йўл олдим, у ерда ҳаммаёқ илгари қандай бўлса, худди шундай эди. Хонадон, ундаги жиҳозлар ва оғир-вазмин Еленани кўргач, негадир ғалабага бўлган ишончим, дадиллигу довюраклигим бамисоли қокигулдай тўзиб, тарқаб кетди, уйсиз гадой, дайди-дарбадар остонада қолгани каби, бирпас ўтиргач, сўнг сувга тушган мушукдай бўшашиб, аянчли бир тарзда ортга қайтдим. Аслида эса ҳеч нима бўлгани йўқ, ҳаттоки Елена ҳам ўта самимий кайфиятда эди. Лекин менда нимагадир кечаги кўтаринки ҳис-ғуйғудан асар ҳам қолмаганди.

Шу куни мен учун иш ўта жиддий тус олди. Бахт нима эканини олдинроқ татиб кўргандим, чамаси. Энди уйқу ва хотиржамлик ҳам аллақайққа йўқолган, дарду ҳасрат каминани оч бўридай еб-ғажий бошлаганди. Теварак-атрофимдаги олам ғойиб бўлган, ёлғизлик ва жимжитлик аро сўппайиб, ўзим танҳо қолган, эҳтиросларим дам паст, дам баланд овозда кулоққа чалинар, бошқа ҳеч вақо эшитилмасди. Кўзим илиниб, туш кўрибман: новча, гўзал, вазмин бир қиз келиб, бошини кўксимга қўйиб турганмиш; қўлларимни бўшлиққа узатган кўйи йиғлаб-сиқтаб, «мармар тегирмон» атрофида кечаю кундуз худди ўғрига ўхшаб писиб, сездирмай айланиб юрaverдим.

Не тонгки, бошқарувчи Беккернинг кинояли, даҳрийларча қуруқ панд-насихатларига кулоқ осидан бошқа чорам қолмади. Чидаб бўлмайдиган жазирама иссиқда далалар бўйлаб ҳаллослаб югурдим, ўрмондаги анҳорнинг муздек сувига бағримни бериб ёт-

дим, фойдаси бўлмади. Шанба окшомида қишлоқда бўлган жанжалда муштлашиб, калтак еб, ҳаммаёғим шишиб-кўкарди ҳамки, мақсадимга эришолмадим.

Вақт эса бамисоли оқар сувдек тез ўтиб борарди. Таътилимдан ўн тўрт кун, ўн икки ва ниҳоят, ўн кун қолганди, холос! Шу орада мраммар корхонасига икки марта бориб келдим. Биринчи сафар қизнинг отасинигина учратдим, у билан арралаш цехига тушиб, мраммар лавҳаларнинг қўйилишини анқайиб кузатиб ўтирдим. Жаноб Лампарт омборхона томонга кетиб, тезда қайтавермагач, шартта ўрнимдан турдим-да, иккинчи келмаганим бўлсин, дея жўнавордим.

Бирок орадан икки кун ўтиб, яна қоққан қозикдай ўша ерда эдим. Елена ҳамишагидай кутиб олди, мен ундан нигоҳимни узолмасдим. Асабий ва беқарор кайфиятда, паришон бир ҳолатда бемаза ҳазил-ҳузул, бўлмағур сафсата ва латифалардан бир талайини айтиб, ўзимча мақтангим келди, қиз эса бундан хурсанд бўлиш ўрнига ранжиб қолди.

– Бугун нимага бунақасиз? – сўради у ниҳоят ва менга шундайин бир гўзал қараш қилдики, бундан юрагим гупиллаб уриб кетди.

– Қанақа эканман? – саволга савол билан жавоб қайтардим, негадир шу дамда жиним қўзиб, кулгим қистади.

Турган гап, бемаврид кулгим қизга ёқмади, у нима гаплигини тушунолмай елка қисди ва маънос бўлиб қолди. Шу дам миямдан, мени севади, шунинг учун ғамгин бўлиб қолди, деган ўй ўтди. Нима қилишни билмай, бир дақиқа довдираб туриб қолдим, шайтон яна орага тушиб, худди боягидай аҳмоқона кайфиятга берилиб маҳмадоналигим тутди, аммо айтилган ҳар бир сўздан наинки ўзимнинг, балки қизнинг ҳам кўнгли айниб, дили оғриди. Ёшлик – бебошлик, деб шунга айтишади-да, йўкса, тилимни тийиб, Еленадан кечирим сўраш ўрнига бемаъни майнавозчиликка берилишни, дардимни дoston қилиб, икки ўртадаги муносабатни била туриб баттар оғирлаштиришни менга ким қўйибди дейсиз?!

Шу дамда ўзимни ҳар қачонгидан ҳам кўра бахтсизроқ ҳис қилиб, нафасим бўғилди, ҳовликқанимдан шароб бўғзимга тиқилиб йўталдим ва хонани тезгина тарк этдим.

Таътил вақтимдан энди саккиз кун қолганди, холос.

Гўзал ёз фасли, у бошида шу қадар кўп умид бағишлагандики, энди эса қувончдан мосуво эдим – қолган саккиз кун ичида нима ҳам қила олардим? Яхшиси, эртагаёқ жўнаб кетишга қарор қилдим.

Бироқ аввал қизнинг олдига яна бир бориб келишим, унинг куч-қудратга тўла, гўзал чехрасига боқиб, унга: мен сени севардим, нега мен билан бунақанги ўйин қилдинг, деб айтиш учун ҳам яна бир марта ҳузурига боришим керак эди.

Энг аввало, Риппах кўрғонига – Густав Беккернинг олдига бордим. У ўзининг кенг, бироқ куп-қурук, фақирона кулбасида энсизгина баланд ёзув столида хат ёзиб ўтирарди.

– Сиз билан хайрлашгани келдим, – дедим унга, – эртага эрта-лаб жўнаб кетсам керак. Билсангиз, энди яна қаттиқ ишлашга тўғри келади.

Бошқарувчи мени лол қолдириб, бу гал ҳеч қандай ҳазил қилмади. Елкамга дўстона қоқиб қўяркан, хайрихоҳлик билан деди:

– Шунақа дегин. Балли, Худо хайрингни берсин, йигит!

Чиқиб кетаётгандим, у мени яна чақириб қолди:

– Менга қара, сенга ачинаман, лекин бу қиздан иш чиқмаслигини ўшандаёқ билганман. Сен бўлсанг, ҳикматомуз гапларни айтиб, донолик қилиб юравердинг, майли, энди бундан бу ёғига маҳкам бўл!

Бу гап тушдан олдин бўлганди. Тушдан кейин эса Заттелбах дараси узра тик тушган қияликда ўсган йўсин устида ўтирган кўйи сой ва тегирмонлар ҳамда Лампартлар ҳовлисини тепадан томоша қиларканман, ҳаммасини қайтадан ўйлаб кўришга, айниқса, боя Беккер айтган гапнинг мағзини чақишга уриниб кўрдим. Қалбимда изтироб, пастда эса ҳаёт ўз измида давом этарди, дара ва бир неча уйнинг томлари кўзга ташланар, анҳор суви ярқираб кўринар, қатнов йўли эса енгил шамолда чангиб, тўзирди; беихтиёр ўйланиб қолдим, бу ерларга яна келиш, сой, тегирмонлар ва

одамларни қачондир кўриш насиб этармикан? Эҳтимол, Елена ҳам қачонлардир тақдирга тан бериб, пешонасига ёзилган сокин-осойишта ҳаётдан воз кечар, ўз қалбига кулоқ солиб, зўр бахт-омад ёхуд изтироб оғушида ўз ният-мақсадига етар? Ким билади, балки мен ҳам бу водийнинг бетартиб, чалкаш ва чигал ўр-ўнгирилари ичра яна ўз йўлимни топиб олиб, бир кунмас-бир кун тинчлик-хотиржамликка эришарман. Яна ким билади дейсиз.

Мен бунга ишонмадим. Чинакам эҳтирос илк бор бағрига олганда, уни енгишга ўзимда етарли куч тополмадим.

Бир кўнглим, Елена билан ортиқ гаплашиб ўтирмай, жўнаб кета қолай, дедим. Бу, албатта, энг яхши йўл эди. Шу боис унинг уйи ва боғига термилиб, кунни кеч қилдим.

Ниҳоят, хаёл дарёсига фарқ бўлиб, тик жарлик ва қияликларда қоқилиб-туртиниб, урина-сурина пастга, ўрмон томон кета бошладим. Бир маҳал, оёқларим остида бир нима ғичирлагандай бўлди, қарасам – мармар синиқлари... Худди уйқудан уйғонгандек, кўзларим «ярқ» этиб очилди, ўзимни ортиқ келишни хоҳламаган жойда кўриб, даҳшатга тушдим, бироқ энди кеч эди.

Бу ерга қандай келиб қолганимни ўзим ҳам билмайман, ғирашира хонада, стол атрофида Елена менга рўбарў, индамай ўтирарди. Гўё бу ерда бир неча соатдан бери шу алфозда ўтиргандек эдим, менга ҳарҳолда шундай туюлди. Чўчиб кетдим, бу, албатта, охиргиси, ўйладим ичимда.

– Яхшимисиз? – дея олдим аранг. – Таътилим тугади, хайрлашгани келгандим.

– Э, шундайми?

Орага жимлик чўкди. Омбор тарафдан ишчиларнинг ғалағовури, кўчадан ўтиб бораётган юк машинасининг товуши эшитилди, ҳозир бу овозларни узок тинглашга тайёр эдим. Ниҳоят, кетмоқчи бўлиб ўрнимдан турдим. Дераза олдига бордим. Қиз ҳам ўрнимдан турди-да, менга қаради, нигоҳи ўткир ва жиддий эди. Узок вақт шундай тикилиб турди.

– Ўшанда боғда, – юзландим унга, – эсингиздами?

– Ҳа, эсимда.

– Елена, ўшанда мени севасиз деб ўйлагандим. Энди эса кетишим керак.

Қиз қўлимдан тутиб, мени дераза томон тортди.

– Дийдорингизга яна бир тўяй, – шундай деб чап қўли билан юзимни хиёл тепага бурди, сўнг кўзларини кўзларимга яқин олиб келиб, ғалати қараш қилди, нигоҳи ўткир, тошдек қотган, қаҳрли эди. Юзи юзимга шунчалик яқин эдики, ўзимни тутолмадим, аста лабларидан ўпдим. Қиз ҳам кўзларини юмиб, менга бўса ҳадя қилди. Қўлимни белидан оҳиста ўтказдим-да, маҳкам ўзимга тортиб кучдим ва секин сўрадим:

– Жоним, нега энди айнан бугун?

– Жим! – деди у. – Энди боринг-да, бир соат ичида яна қайтиб келинг. Мен одамларга қараб туришим керак. Отам бугун йўқ.

Водийнинг ўзимга нотаниш диққатга сазовор жойларини айланиб, булутларнинг кўзни камаштиргудек суратларини томоша қилдим, Заттелбахнинг худди тушдагидай шовиллашини тинглаб, буткул олис, аҳамиятсиз нарсалар ҳақида ўйладим – ёш болалик пайтларимда кечган ғалати, таъсирчан ва шунга ўхшаш воқеаларни эсга олдим, улар гўё булутлар орасидан ним кўриниш берар, мен англаб улгурмай, яна кўздан ғойиб бўларди. Йўлда бир қўшиқни ўзимча хиргойи қилиб кетдим. Ўзимга ёт, бегона жойларда тентираб юрарканман, вужудимни аллақандай ғалати, ширин ва ёқимли хис-ҳаяжон чулғаб олди ва хаёлимда Еленанинг бўйчан, бакуват қиёфаси намоён бўлди. Ўзимга келгач, тонг қоронғисида водийнинг куйи қисмига етиб, шодон кайфиятда уйга қайтдим.

Уйда қиз мени илҳақ кутиб ўтирарди. Ўртамизда ҳали бир сўз айтилмаёқ, қўлларимиз бир-бири билан чирмашди. Ҳаво дим, қоронғи, очик деразадан бағрига тоғ ўрмони узра ўсган азим қора қарағайларнинг ўткир учлари қадалган хира, рангпар осмоннинг энсиз бир парчаси кўзга ташланарди. Бармоқларимиз ҳамон бир-бирлари билан ўйнашар, аъзойи-баданамга титроқ қирган, ўзимни шу дамда бахтиёр хис этдим.



– Елена!

– Ҳа?..

– Эҳ, сени!..

Ўйиндан чарчаган бармоқларимиз ниҳоят тин олди. Осмоннинг оқарган бўлагига разм солдим, сўнг ўгирилиб қарасам, қиз ҳам ўша ёққа тикилиб турган экан. Кўзларида хира ёғду акс этиб, қабоғидан сизиб чиққан икки томчи ёш юмалаб тушмоқда эди, уларни оҳиста ўпиб, совуқ ва шўр эканлигидан таажжубландим. Қиз мени ўзига тортиб, эҳтирос билан ўпди, сўнг ўрнидан турди.

– Вақт бўлди, – деди у. – Энди кетишингиз керак.

Эшик олдида қиз мени беҳосдан ўзига тортиб, яна бир бор эҳтирос ила узоқ ўпди, сўнг бутун вужуди титраганини сездим, мен ҳам қалтираб кетдим, шу аснода эшитилар-эшитилмас, хиёл бўғиқ овоз билан:

– Кетинг, кета қолинг! Эшитяпсизми, энди кетинг! – деди.

Ташқарига чиққанимда, ортимдан:

– Хайр! Энди келманг, ҳеч қачон қайтиб келманг! Хайр! – деб қолди.

Бир сўз демасимдан, эшикни дарров ёпиб олди. Нафасим бўғилиб, юрагим сиқилди, бироқ йўлда кетаётиб буюк бахт туйғуси кўшқанотдек шувиллаб, мени ўз оғушига олди. Қадамларим узоқ-узоқларгача эшитилар, буни ўзим сезмасдим. Уйга етиб келгач, ечиндиму дераза олдига чўзилдим.

Бу кеча ажойиб бўлди, қани энди у яна бир бора такрорланса, дердим. Илиқ шамол баайни онамнинг қўлларидек эркалар, қорайиб кўринаётган улкан каштан дарахтлари баланд деразам оша аста шивирлар, майин эпкин далаларнинг хуш бўйини олиб келарди. Узоқ-узоқларда чакмоқ чакнар, шуъласи қоп-қора тун бағрини бир дам ёритиб ўтарди. Дам-бадам олисдан кучсиз момақалдироқ товуши эшитилар, қаерлардадир тоғу ўрмонлар мудроқ ғимирлаб, ҳорғин бир алфозда ажойиб, ғаройиб эртак сўйлаётгандай туюларди. Буларнинг барчасини камина худди қирол каби ўзимнинг юксак бахт кўрғонимда туриб кузатар ва тинглардим, буларнинг бари менга

тегишли ва гўё теран шодлигимга ажойиб макон бўлмоқ учунгина яралгандек эди. Бутун вужудим бахтдан сармаст энтикар, битмас-туганмас муҳаббат шеър бўлиб чор-атрофга таралар, қора нуктадай кўринаётган ҳар бир дарахт ва баланд чўкқиларга қадар, ҳаттоки олис-олислардаги булутларгача ҳам етиб борарди. Тасвирлашга сўз ожиз, агар бунинг имкони бўлганда эди, қоронғилик қаърига чўмган ҳар бир ўр-қир, тепалик, ҳар бир дов-дарахт учидаги сас, олисдаги чақмоқнинг қон томирлари-ю, момагулдиракнинг сир-синоатли ма-ромига қадар аниқ-тиниқ баён қилиб берган бўлардим.

Йўқ, буларни тасвирлаш кўлимдан келмайди. Юракнинг туб-тубидаги, энг гўзал ва ноёб хис-туйғуларни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Лекин ўша унутилмас тун мен учун яна бир бора қайтиб келишини чин дилдан хоҳлардим.

Агар бошқарувчи Беккер билан аввал хайрлашмаганимда, эр-таси куни, албатта, унинг олдига борган бўлардим. Бунинг ўрнига энди қишлоқ атрофида айланиб юрдим, сўнг Еленага узундан-узун мактуб ёздим. Унда кечкурун боришимни айтиб, бир талай таклиф-ларимни баён этдим, жумладан, унга ўз аҳволимни ва имкониятларимни тушунтириб, отангиз билан гаплашсам, нима дейсиз, ё мен тез орада ишга кириб, келгуси ҳаётимиз моддий таъмин этилгунга қадар кутиб турагимиз, деган савол билан мурожаат қилдим. Отаси бу гал ҳам уйда эмас эди; бир неча кун олдин ҳамкор шерикларидан кимдир келган ва у ҳозир меҳмон билан овора экан.

Гўзал маҳбубамдан бўса олиб, уни хона ичкарасига бошладим, ёзган мактубимни олибди. Хўш, энди бу ҳақда нима дейди? Қиз саволимга индамай, менга илтижо билан қаради, кистайвергандим, оғзимга кўлини қўйиб, пешонамдан ўпди-да, аста, бироқ шу қадар аянчли ихраб юбордики, нима қиларимни билмай қолдим. Эҳтиёткорлик билан бераётган барча саволларимга жавоб қайтариш ўрнига нукул бош чайқар, дард-изтироб аралаш ғалати тарзда майин ва нозик жилмайиб қўяр, кўлини белимдан ўтказган кўйи худди кечагидек вафодор ёр каби садоқат билан жимгина ўтирарди. Сўнг мени қучиб, бошини кўксимга қўйди, унга бир сўз демай юз-

кўзлари, пешонаси, ёноқлари ва сочларидан ўпа бошладим, ниҳоят, бошим айланиб, ўрнимдан сакраб турдим.

– Шундай қилиб, эртага отангиз билан гаплашайми-йўқми?

– Йўқ, – деди у, – илтимос, йўқ.

– Нега энди? Ё кўрқяписизми?

Қиз бош чайқади.

– Унда нима гап?

– Бас қилинг! Илтимос, бу ҳақда бошқа гапирманг. Яна чорак соат вақтимиз бор.

Биз шу зайлда бир-биримизни кучиб, жимгина ўтирардик. Менга маҳкам ёпишиб, ҳар гал эркалаганимда қиз негадир нафасини ичига ютиб титраб кетар, ундаги руҳсизлик, маъюслик, эзгин кайфият шу тариқа менга ҳам ўтарди. Уни ва ўзимни ҳимоя қилмоқчи бўлиб, менга, қолаверса, бахтимизга ишонишини ўтиниб сўрадим.

– Ҳа, ҳа, – бош ирғади қиз, – бу ҳақда гапирманг дедим-ку. Ҳозир ўзи шундоғам бахтиёрмиз.

Шундан сўнг қандайдир ғойибона куч ва эҳтирос билан юз-кўзим аралаш ўпа кетди ва ахийри ҳолсизланиб қолди. Кетиш учун ўрнимдан турдим, эшик олдида қўллари билан сочларимни сийпаларкан, паст овозда, деярли пичирлаб:

– Хайр, жоним. Эртага келманг! Илтимос, энди бошқа келманг! Кўриб турибсиз-ку аҳволимни, – деди.

Юрагимда чексиз дард-изтироб билан уйга қайтдим ва бу ҳақда то ярим тунга қадар ўйлаб, азобланиб чикдим. Нега энди у ишонишни ва бахтли бўлишни хоҳламаяпти, хўш, нега? Қиз бундан бир неча ҳафта олдин бир нима дегандай бўлувди, ҳозир шу гап эсимга тушди: «Биз, аёллар сизларчалик эркин эмасмиз; бошга тушганни кўз кўради, бунга кўникиш керак». Хўш, унинг бошига нима иш тушган бўлиши мумкин?

Нима бўлгандаям, буни билишим зарур эди, шунинг учун қизга эрталаб мактуб жўнатдим ва кечқурун, корхонада иш тугаб, ҳамма кетгандан сўнг, мармар тоштахталар уюлган оғборхона ортида уни кутдим. Қиз кечикиб, истар-истамас кириб келди.

– Нега яна келдингиз? Келманг, дедим-ку. Отам ҳам шу ерда.

– Йўқ, – дедим, – сиз менга аввал юрагингиздаги бор гапни, ҳамма-ҳаммасини айтишингиз лозим, унгача ҳеч қаяққа кетмайман.

Елена менга хотиржам нигоҳ ташлади, аммо ранги мрамртош каби оппоқ эди.

– Мени қийнаманг, – шивирлади у ниҳоят. – Мен сизга ҳеч нима деёлмайман, буни истамайман ҳам. Фақат бир гапни айтишим мумкин – бугун ё эртага бу ердан жўнаб кетинг ва ҳаммасини унутинг. Мен сизники бўлмайман.

Ташқарида июль ойининг илиқ, дим ҳавоси ҳукм сураб, қиз бечора эса гўё совкотгандай қалт-қалт титрарди. Умрим бино бўлиб бунақанги азобга дучор бўлмагандим, лекин индамай кетолмасдим ҳам.

– Менга ҳозироқ ҳамма гапни айтинг, мен ҳаммасини билишим керак.

Қиз менга ногоҳ шундай тикилдики, нигоҳи жон-жонимни тешиб ўтди. Бироқ сўзимдан қайтмадим.

– Гапирсангиз-чи! – дедим бироз кўполлашиб. – Йўқса, ҳозироқ отангизнинг олдига бораман.

У ҳардамхаёллик билан қаддини ростлаб, эҳтироссиз, бироқ энди баландроқ овозда гапира бошлади, ранги янаям оқариб кетган, аммо бу унинг маънос ва улуғвор гўзаллигига соя сололмасди.

– Демак, гап бундай. Бошим очиқ эмас ва сизники бўлмайман. Бошқаси бор, тушундингизми?

– Йўқ, – дедим қизнинг гапини бўлиб. – Нима, мендан бошқа севганингиз бормиди?

– Эҳ! – хўрсинди у. – Йўқ, йўқ, мен уни яхши кўрмайман. Аммо мен унга ваъда қилинганман, энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди.

– Нега ўзгартириб бўлмас экан? Ахир, уни яхши кўрмасангиз!

– Ўшанда сиз ҳақингизда ҳеч нима билмасдим. У менга шунчаки ёқарди, холос; уни яхши кўрмасдим, аммо у менга муносиб эди, чунки бошқа ҳеч кимни танимасдим. Айтдим-ку, бор гап шу ва ҳаммаси шундай бўлиб қолиши керак.

– Бундай бўлмаслиги керак, Елена. Ахир, барини бекор қилиш ҳам мумкин-ку.

– Эҳтимол, мумкиндир. Лекин гап қаллиғимда эмас, ҳамма гап отамда.

– Отангиз билан ўзим гаплашиб кўрсам-чи?

– Ёш боламисиз? Нега ҳеч нарсани тушунмайсиз?

Бир-биримизга тек қараб қолдик. Назаримда, у кулгандай бўлди.

– Отам ўзим билан бирга хоҳиш-иродамни, эркимни ҳам қўшиб сотган, пул учун. Қишда эса тўй.

Қиз юзини тескари бурди, бир неча қадам юриб, яна ортига қайтди ва:

– Азизим, дадил бўлинг! Энди бу ерга бошқа келманг! – деди.

– Ҳаммасига пул сабаб, шундайми?

Қиз билмайман, дегандек елка қисди.

– Нима сабаб, дейсизми? Отам ўз сўзидан қайтолмайди, у худди менга ўхшаб, маҳкам боғланиб қолган. Сиз уни билмайсиз! Агар уни ташлаб кетгудек бўлсам, бундан ортиқ бахтсизлик бўлмайди. Демак, мард, танти бўлинг, ақл билан иш қилинг! – Шундан сўнг тўсатдан қизишиб кетиб, қўшимча қилди: – Тушунинг, ахир, мени қийнаманг! Буни кўтаролмайман...

Бир лаҳза ҳаммаёқ шундай осуда бўлиб қолдики, ҳатто отасининг уйда у ёқдан-бу ёққа юргани ҳам эшитилди.

– Узил-кесил бир қарорга келолмаяпман, – дедим. – Унинг кимлигини айтолмайсизми?

– Уними? Э, йўқ, буни билмаганингиз яхши. Мени десангиз, бошқа қайтиб келманг!

Елена хонаси томон йўл оларкан, ортидан қараб қолдим. Мен ҳам кетмоқчи бўлдим, аммо кетолмадим, оппоқ, совуқ тошлар устига чўкдим, сувнинг шилдирашига қулоқ солдим, назаримда, ҳамма нарса бетўхтов сирғаниб, оқиб кетаётгандай туюлди. Гўё ўз ҳаётим, Еленанинг ҳаёти ҳамда бошқа кўплаб, беҳисоб инсонлар тақдири шундоқ ёнгинамдан худди сув каби бепарво ва лоқайд

дара томон, зулмат сари оқиб ўтиб кетаётгандай эди. Худди сув каби...

Уйга кеч ва ўлгудай чарчаб қайтдим, ётиб ухладим. Эрталаб тургач, нарсаларимни жомадонга жойлаб, йўл тадоригини кўришга аҳд қилдим, хиёл ўтгач, буни унутиб, нонуштадан сўнг, судралиб ўрмон томон йўл олдим. Узил-кесил, қатъий бир хулосага келолмаётгандим, фикрларим худди сув юзидаги пуфакчаларга ўхшаб дам кўринар, дам ёрилиб ғойиб бўларди.

Шундай қилиб, энди ҳаммаси тамом, ўйлардим ўзимча, аммо ҳеч қандай манзарани тасаввур қилолмасдим; биргина шу гап миямда чарх урар, енгилгина хўрсиниб, бош ирғашдан бошқа чорам йўқ эди.

Куннинг биринчи ярмида муҳаббат билан мусибат икков бир бўлиб, мени енгиллашга уринди. Бу ҳолат ҳам яхши ва тиниқ фикрларга замин бўлолмади, ўзимни зўрлаб қулай фурсат кутиб ўтириш ўрнига, шартга турдим-да, мрамор корхонаси яқинида пистирма куриб, жойлашиб олдим ва атрофни кузата бошладим. Ниҳоят, жаноб Лампарт уйдан чиққанини кўриб қолдим, у қишлоқ кўчасига бурилиб, кўздан ғойиб бўлди. Фурсатни ғанимат билиб, қиз ёнига шошилдим.

Елена мени кўриб, бақириб юборди ва ҳайрон бўлиб тикилиб қолди.

– Нега? Нега яна келдингиз? – ингради у.

Мен ўсал бўлиб, хижолат тортганимдан нима қилишни билмай, аянчли бир аҳволда қолдим. Эшик тутқичини ҳамон ушлаб турардим-у, аммо негадир қайтиб кетгим келмасди, шу боис аста кизга яқинлашдим, у мени кўрқув ва изтироб билан кузатарди.

– Кечир мени, Елена, – дея олдим аранг. – Сени севаман!..

У бош ирғаб, дам ерга, дам менга қарар, тинмай бир сўзни такрорларди: «Нега? Нега?» Афт-ангорига қараганда, ҳозир у мендан ёши улуғроқ, етукроқ ва қудратлироқ кўринар, мен эса унинг олдида деярли ёш бола эдим.

– Хўш, нима қилдик энди? – шундай деб, жилмайишга уриндим. – Менга бирон нима денг, шу билан жўнаб кетмоқчиман.

Қиз титраб, сесканиб кетди, ишқилиб, ҳозир йиғлаб юборма-сайди, деб турибман, йўк, ҳарқалай, жилмайди, шунча азоб-изти-роб ичра буни қандай уддалади, билмадим. Ниҳоят, у ўзини босиб олиб, оҳиста шивирлади:

– Кела қолинг, нега қаққайиб турибсиз?!

Бир қадам юриб, уни бағримга босдим, биз титраб-қақшаб, бир-биримизга маҳкам чирмашиб туриб қолдик, мендаги қувонч ҳадик-хавотир, кўркув ва хўрсиниш билан қоришгани сайин у кўз ўнгимда шодон кўринар, мени ёш болага ўхшаб силаб-сийпалар, ажиб ва ғаройиб сўзлар билан эркалар, қўлларимни тишлаб, турфа хил ишқий ўйинлар ўйлаб топарди. Вужудимда чуқур кўркув ҳисси оташин эҳтирос билан олишар, буни сўз билан ифодалаб бўлмас, Еленани қўйиб юборгим келмас, у эса қулиб мени эркалар, атайлаб жиғимга тегарди.

– Бирозгина бўлса ҳам хурсанд бўлсангиз-чи, ҳой, муз одам! – шундай деб, гоҳо мўйловимдан тортиб ҳам кўярди.

Мен эса ҳамон ҳадик-хавотирда эдим:

– Ҳаммаси яхши бўлишига ишонасизми? Ахир, сизники бўлолмайман, дегандингиз-ку.

У эса бошимни қўллари орасига оларкан, юзи юзимга теккудек бўлиб:

– Ҳа, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, – деди.

– У ҳолда, қолиб, эртага отангиз билан гаплашсам ҳам бўларкан-да, а?

– Ҳа, бўлади, ёмон бола, сизга ҳамма нарса мумкин. Ҳатто сюр-тук кийиб келсангиз ҳам майли, ахир, эртага якшанба.

– Хўп, – кулдим мен ва хурсандлигимдан ёш боладай ирғишлаб унинг қўлларидан тутдим-да, хона бўйлаб бирга рақсга тушиб кетдим, бир-икки айлангач, стол бурчида тўхтаб, уни бағримга босдим, пешонаси юзимга тегиб, унинг тим қора, қалин сочларини ўйнай бошладим. Хиёл ўтгач, Елена сакраб турди-да, ортга тисланиб, сочларини текислади ва бармоғини нуқиб, пўписа қилган бўлди:

– Вой, отам келиб қолиши мумкин! Ёш болага ўхшаймиз-а...

Киз менга кетма-кет бўсалар ҳадя қилгач, дераза токчасида турган гулдаста ичидан бир дона гул олиб, шляпамга қистириб қўйди.

Кун қорая бошлаган, шанба бўлгани учун Адлер ҳар турли одамлар билан гавжум эди. У ерда битта дўлчани бўшатгач, бир партия кегли<sup>1</sup> ўйнаб, эртароқ уйга қайтдим. Жавондан сюртукни олиб, стул суянчиғига илдим-да, уни баҳузур томоша қилдим. У янги эди, имтиҳонга деб харид қилинган ва ўшандан бери деярли кийилмаганди. Қора, ялтироқ мато қалбимда тантанавор фахрифтхор туйғуларини уйғотарди. Ётиб ухлаш ўрнига ўтирволиб, ўй-хаёлларга берилдим. Эртага Еленанинг отасига нима дейман, унинг олдида ўзимни камтарона тутишим керак, ўз фикр-жавобларимни, эътироз, баҳона, важ, узрларимни, шунингдек, отасининг фикрларини, важоҳатини ҳам ўзимча тасаввур қилиб кўрдим. Худди ваъз ўқиётган воизга ўхшаб, буларни зарур имо-ишоралар билан бирга овоз чиқариб машқ қилдим, эртага бўладиган суҳбатга алоқадор баъзи гапларни ухлаб қолмасимдан олдин ўринда ётволиб, яна бир бора такрорлаб чиқдим.

Ниҳоят, якшанба тонги ҳам отди. Ҳаммасини яна қайтадан бафуржа ўйлаб олиш учун черков қўнғироқлари чалингунга қадар ўрнимдан турмадим. Черковда тоат-ибодат бошланган чоғда худди имтиҳонга бораётган талабадай байрамона ясан-тусан қилиб кийиндим, соқолимни қиртишлаб, сут ичиб нонушта қилган бўлдим, юрагим эса гурсиллаб урарди. Ибодат тугашини сабрсизлик билан кутдим, қўнғироқ бонги тинган заҳоти секин йўлга чикдим. Кўринишим жиддий, Заттелбахга элтадиган кўча бўйлаб, йўлнинг чанг жойларига чап бериб борардим, ҳаво иссиқ, булутли эди. Қанча тиришмай, барибир баланд ёқали сюртукда бироз терладим.

Мармар корхонасига етгач, йўлда ва ҳовлида шу қишлоқлик одамлар уймалашиб турганини кўриб хайрон бўлдим, юрагим сиқилди, улар худди кимошди савдосидаги каби тўп-тўп бўлиб ниманидир кутиб, паст овозда гаплашиб туришарди. Нима гаплиги-

---

<sup>1</sup> *Кегли* – тик териб қўйиладиган шиша шаклидаги чиллақларни шар билан уриб йикитиш ўйини.



ни сўраб ҳам ўтирмай, улар ёнидан ўтиб, ғалати ва кўрқинчли туш кўраётган одамга ўхшаб, хайрон ва ғамгин бир ҳолатда уй эшиги томон юрдим. Кираверишда бошқарувчи Беккерга дуч келиб, баттар хижолат бўлдим, чунки у мени аллақачон жўнаб кетган деб ўйларди. Беккер ҳорғин ва толиққан киёфада, ранги бир аҳвол эди.

– Ҳа, сен ҳам шу ердამисан? – деди у мени кўриб, хийла захархандалик билан. – Азизим, бугун бу ерда ортиқчалик қилмасмикансан, деб кўрқаман.

– Жаноб Лампарт шу ердами? – сўрадим унга эътибор ҳам қилмай.

– Албатта, бошқа яна қаерда бўлиши мумкин?

– Фройляйн-чи?

У хона эшигига ишора қилди.

– Ичкаридами?

Беккер бош ирғади. Тақиллатмоқчи эдим, эшик ўзи очилиб, бир эркак киши чиқиб келди. Шунда ичкари хонада кўпчилик турганини кўрдим, жиҳозларнинг ўрни ҳам қисман ўзгариб қолганди.

Энди бутунлай ўзимни йўқотиб, довдираб қолдим.

– Беккер, менга қаранг, бу ерда нималар бўляпти ўзи? Анов одамларга нима керак? Ўзингиз нима қилиб ўтирибсиз?

Бошқарувчи мен томон ўгирилиб, ғалати қараш қилди.

– Нима, ҳеч нарсадан хабаринг йўқми? – сўради у бошқача овоз билан.

– Йўқ, ўзи нима гап?

У менга яқин келиб, юзимга тикилди.

– Унда, йўлингдан қолма, йигит, – деди у майин овозда, кўлини елкамга аста қўйиб. Шу он нафасим бўғилиб, бутун аъзойи-баданимни ногаҳоний кўрқув эгаллади. Беккер менга яна бир бор ғалати, синовчан назар ташлаб, сўнг охишта сўради: – Кеча қиз билан гап-лашганмидинг?

Беихтиёр қизариб кетганимни кўриб, у зўрма-зўраки йўталди, аммо гўё инграгандек бўлди.

– Еленага нима қилди? У қаерда? – бақириб юбордим.

Беккер у ёқдан-бу ёққа юрар, гўё мени унутгандек эди. Зина панжарасига суянганимча, нима қилишни билмай, атрофимни худди ёт-бегона, ичиқора консиз шарпалар ўраб олган-у, ҳаво етишмаётгандай бўғилардим. Шу пайт Беккер ёнимга келиб, «Юр», деди ва зинапоядан юқорига, то бурилишга қадар чикди-да, зина устига ўтирди, сюртугим ғижим бўлишига эътибор бермасдан, мен ҳам унинг ёнига чўқдим. Бутун хонадон бир зум жимжит бўлиб қолди, шундан сўнг Беккер аста гап бошлади:

– Ўзингни қўлга ол-да, тилингни маҳкам тишла, болакай. Шундай қилиб, Елена Лампарт энди йўқ, уни биз бугун эрталаб сойдан, қуйи тўғон олдидан ўлик ҳолда топдик. Жим, гапирма! Дадил бўл! Фақат сен эмас унга куядиган. Қани, мард бўлсанг, мардлигингча тур. У ҳозир хонада ётибди ва ҳамон ўз гўзаллигини йўқотмаган, аммо сувдан тортиб олган пайтимизда... билсанг... бу даҳшат эди, даҳшат... – У сўзлашдан тўхтаб, бошини сарак-сарак қилди. – Жим, дедим! Гапирма! Ҳали гаплашишга вақт бўлади. Бу сендан ҳам кўра менга муҳимроқ. Эртага сенга ҳаммасини бир бошдан гапириб бераман.

– Йўқ, – дедим, – Беккер, илтимос, ҳозир айтинг! Мен барини билишим керак.

– Ҳа, майли. Ҳозир фақат шуни айтишим мумкинки, сенинг бу хонадонга ҳар доим келиб-кетиб юрганингни кўрсам ҳам индамай юрардим, ҳолбуки, нима бўлишини олдиндан билиб бўлмас экан. Шундай қилиб десанг, Елена менга унаштирилганди, ҳали ошқора бўлмаса-да, лекин...

Шу топда бир кўнглим шартта туриб, бошқарувчининг башарасига қулочкашлаб туширгим келди, буни ўзиям сезгандай бўлди.

– Ўзингни бос! – деди у вазминлик билан ва менга қаради. – Боя айтганимдай, тафсилотларни бошқа пайт гаплашармиз.

Биз энди жимгина ўтирардик. Елена, Беккер ва мен – ўртамизда бўлиб ўтган бутун воқеа ҳозир худди шарпалар ови янглиғ кўз олдимдан тез ва аниқ ўта бошлади... Нега буни аввалроқ билмадим, нимага буни ўзим сезмадим? Бунинг учун қанча имкониятлар бор

эди-я! Биргина сўз, лоақал ишора бўлганда ҳам тинчгина ўз йўлимга кетардим, киз ҳам бу кўйга тушмасди.

Ниҳоят, ғазабим босилди. Сезиб турардим, Беккер бор гапни олдиндан пайқаши лозим эди, энди унинг зиммасига қанчалик оғир юк тушганини англадим, у ўзига ҳаддан зиёд ишониб, мени ўйнатган ва айбнинг каттароқ қисми эндиликда унинг виждонига ҳавола эди. Мен эса яна бир саволга жавоб топишим керак эди.

– Менга қаранг, Беккер, кизни севармидингиз? Уни чинданам яхши кўрармидингиз?

У бир нима демокчи бўлди-ю, бироқ овози чиқмай, икки-уч марта бош ирғай олди, холос. Унинг ҳозирги аянчли аҳволини, шундайин тиришқоқ ва қайсар одамнинг товуши ҳам чиқмай қолиб, бутун тунни бедор ўтказганидан ранги оқариб, ҳорғин юзи пирпираб турганини кўрганимдан сўнг мусибатнинг бутун даҳшати кўз олдимда яққол намоён бўлди.

Орадан хиёл вақт ўтиб, кўз ёшлар қуригач, Беккер ҳамон менинг ёнимда, кўлини мен томон чўзиб турарди. Кўлини маҳкам сиқдим, у олдимга ўтиб, қия зинадан яна пастга тушдик ва Елена ётган хонага кирдик – ўша машъум кунда у ерга сўнгги марта киришим эди.





## Лу Син

(1881 – 1936)



*Хитой ёзувчиси, публицист ва жамоат арбоби Лу Син ҳозирги замон хитой миллий адабиёти асосчисидир. «Ҳайқириқ» (1923) ҳикоялар тўплами, «Сарсонлик» (1926) новеллалар тўплами, «А-Кьюнинг чинакам ўтмиши» (1921) қиссаси, «Ёввойи ўтлар» (1927) насрий шеърлар тўплами, «Иссиқ шамол» (1925), «Қабр» (1927) каби публицистик асарлари мавжуд.*

### ТЕЛБА ХАЁЛЛАР

Ака-ука Х...лар – ҳозир исмларини айтиб ўтирмай – илгари ўрта мактабда бирга таҳсил кўрган пайтимизда менинг кадрдон дўстларим эди. Кейин ҳар ким ҳар қаёққа сочилиб кетди, орадан йиллар ўтгач, аста-секин орамиздаги алоқа ҳам узилди. Яқинда уларнинг бири оғир дардга мубтало бўлганини фавқулодда эшитиб колдим: она юртимга бораётиб, дўстларимникига бирров кириб ўтдим-у, фақат акасини учратиш насиб этди, аини ўша акаси гапириб берди укасининг хасталигини.

*«Бизни кўрай деб, бекорга овора бўлибсиз шунча йўл босиб. У аллақачон тузалиб, ҳозир Н. шахрига давлат хизматига кетди».* Кейин хоҳолаб кулиб юборди-да, укамизнинг хаста ахволини кадрдон оғайниларга айтиб қўйсақ, зиён қилмайди, деганча, кундалик шаклида ёзилган иккита дафтарни топиб чиқди. Уларни олиб

уйга қайтдим-у, ёзувларни кўздан кечирганимдан сўнг, бемор «вос-вос» касалига йўлиққан экан, деган хулосага келдим. Воқеалар чалкаш, бири боғдан, бири тоғдан, бири-бирига қовушмаган сўзлар эса қалалиб ётарди; ёзилган оғи ҳам, кунни ҳам кўрсатилмаган, сиёҳ ранги ва дастхатнинг ҳар хиллигидан узок вақт ёзилганини билиш мумкин эди. Эпақага келадиган, бир-бирига сал боғласа бўладиган жойларини териб-териб олдим-да, шифокорлар эътиборига ҳавола этиш учун уни китоб шаклига келтирдим. Лекин биронта сўзига ҳам тегмадим, гарчи зарурати бўлмаса ҳам фақат исм-шарифларни ўзгарттирдим, чунки унда тилга олинган одамларнинг бари кишлоқда яшаганлари сабабли уларни ҳеч ким танимасди. Сарлавҳасига келсак, сарлавҳаси ҳам ўзгарттирилмади, кундалик муаллифининг ўзи тузалганидан сўнг уни шундай деб номлаган экан.

1

*Еттинчи йил, тўртинчи ой, иккинчи кун.*

*Бугун тунда ҳаммаёқ сутдай ойдин.*

*Ойни кўрмаганимга ҳам ўттиз йилдан ошди, қарангки, бугун кўришим билан дилим ёришиб кетди. Ўттиз йил борлиқни зулмат босиб турганини ҳозир тушундим. Аммо жуда эҳтиёт бўлмоқ керак. Акс ҳолда Чжао ҳовлисидаги ит... Нега у менга олайиб қаради?*

*Кўрқайганим бежиз эмас...*

2

*Бугун ой чиқмади; англадимки, яхшиликка олиб келмайди бу. Эрталаб эҳтиёт бўлиб кўчага чиқдим. Чжао Гуйвэннинг қарашлари бежо: ё менадан кўрқаяпти, ё менга қасд қилмоқчи. Қолган етти-саккиз киши ҳам мен ҳақимда шивир-шивир гаплашишяпти. Пайқаб қолишимдан чўчиб, кўрқиб туришибди. Кўчада кимни кўрсам, ҳаммаси ўзини галати тутяпти. Айниқса, биттаси жудаям ёвуз: менга кўзи тушиши билан оғзининг таноби қочиб кулди. Тена сочим тикка бўлиб, титраб кетдим, баданимни совуқ тер босди, билдимки, ҳаммаси тил бириктиришган.*

Бироқ мен кўрқмай, гўё ҳеч нарса сезмагандай йўлимда кетавердим. Олдимда бораётган бир тўда болакайлар ҳам мени янишияпти. Улар ҳам худди Чжао Гуйвэндек олазарак, юзлари чўянга ўшаб қорайиб кетган. Ўйланиб қолдим: бу болаларга нима ёмонлик қилибманки, мени бунча ёмон кўришса? Охири чидолмадим ва «Ҳей, мақсадларинг нима?» дея бақриб бердим, аммо улар ура қочишди.

Яна ўйладим: бундан йигирма йил аввал Гу Цзюнинг эски киримчиқим дафтарини тепкилаганимни айтмаса, Чжао Гуйвэнга нима ёмонлик қилибман, йўлда учраган анови одамларга нима ёмонлик қилибман? Жаноб Гу Цзю анча хафа бўлганди. Чжао Гуйвён, гарчи уни танимаса ҳам, лекин, ҳойнаҳой, шу гап қулогига етган-у, Гу Цзюнинг тарафини олган: йўлдаги одамларни менга гижгижлаган ҳам ўша. Аммо болалар-чи? Ахир, улар у пайтда ҳали дунё юзини ҳам кўрмаган эдилар-ку; нега менга бугун бу қадар галати, еб қўйгудек тикилишди? Ё мenden кўрқишди, ё тагимга етишмоқчи. Шуларнинг бари юрагимга ваҳм соляпти, ҳайронман, айти пайтда жуда хафаман.

Тушундим. Ҳар қалай, ота-оналари гап ўргатишияпти уларга!

### 3

Тун узоги ухломмадим. Нимаики нарса бўлмасин, фақат синчикласанггина тагига етасан.

Ахир, бу одамларнинг бўйнига кунда осган – уезд бошлиги, юзига тарсаки урганлар – помешчиклар, хотинларини тортиб олганлар – уезд миришблари, ота-оналарини нобуд қилганлар – судхўрлар-ку, лекин афту башараларини кеча таниб бўлмасди, қутуриб кетган эдилар.

Айниқса, кўчада рўбарў келган аёл ўзини галати тутди: ўглини савалаб, «Мен сенга кўрсатаман ҳали! Сени емагунимча қўймайман!» деб бақирди-я. Шундай деб туриб, менга тикилиб қолди. Кўрқиб кетганимни ҳамма сизди. Бир гуруҳ одамлар

сўйлоқ тишиларини кўрсатиб, беибо хохолаб кулишиди. Чень Бешвой ёнимга югуриб келди-да, мени уйга судраб кетди.

Уйга судраб келди... Уйимдагилар ҳам гўё мени танимагандай лоқайд туттишиди ўзларини: худди ановилардек, бегона одамлардек талмовсираб тикилишиди менга... Кабинетга киришим билан, товуқ ё ўрдакни қафасга қамагандай, эшикни қулфлаб олишиди. Нима гаплигини тушунмай, ҳайронман.

Бундан бир неча кун олдин Бўрихона қишлоғидан бир ижарачи келиб, ҳосил унмаганидан нолиди; қишлоқдагилар ўзаро тил бириктириб, ёвуз бир ҳамқишлоқларини ўлдирганларини ҳам акамга гаптириб берди; кейин қувват бўлади деб, ўша ўлган одамнинг буйраги ва жигарини қовуриб ейишиди. Гапга аралашимоқчи бўлгандим, ўша заҳоти ижарачи ҳам, акам ҳам менга қараб-қараб қўйишиди. Кўзлари худди кўчадаги одамларникига ўхшаи бежолигини ҳам фақат бугун пайқабман.

Шу фикр хаёлимга келиши билан вужудимни қалтироқ босди.

Модомики, улар одам ея оларканлар, демак мени ҳам еб қўйишлари мумкин-да.

Сал ўйлаб кўринглар, ахир! «Емагунимча қўймайман», деб бақирган анови аёл, қоп-қора башара, сўйлоқ тишли кимсаларнинг хохолаб кулиши, акам билан ижарачининг гаплари – буларнинг бари бежиз эмас. Аёлнинг сўзи – оғу, кўчадагиларнинг кулгиси – тиг, оппоқ, ўтқир, йиртқичларникидек қарсиллаб турган тишлари эса одамларни ейишга атайлаб мосланганга ўхшайди.

Тахминимча, Гу Цзюнинг қирим-чиқим дафтарини тепкилаганимдан кейин, мени ёвуз эмас, дейишининг ўзи ҳам қийин бўлса керак. Ҳар қалай, ҳозирлик кўришяпти нимагадир, аммо нимага – билмайман. Қизиқ, бирон кишидан сал ранжидими, дарров ёвузга чиқаришади уни. Акамнинг насиҳати эсимда: у бир марта, энг яхши одамга гап қайтарсанг, дарров юзингга ташланади; лекин энг беъмани одамга, агар унинг валақлашига чидасанг, ким яхши – сен яхшисан, «Қанчалар доно ва оқил одам экан, бошқаларга ўхша-

майди», дея сени мақтайди, деганди. Хуллас, уларнинг ҳақиқий ниятини билолмай доғдаман, бунинг устига, ахир, гап одамхўрлик ҳақида боряпти-я.

Нимаики нарса бўлмасин, фақат синчикласанггина тагига етасан. Бурунги замонда одамларни кўп ейишган: сал-пал бўлса ҳам тарихдан эслаяпман буни. Янаям аниқроқ билиши учун тарих китобини очдим, китобда қуни кўрсатилмаган, аммо ҳар саҳифасида «инсонпарварлик», «адолат», «ахлоқ», «яхшилик» деган сўзлар қалашиб ётибди. Ухлолмадим, барибир ярим кечада китобни яна диққат билан ўқий туриб, мисралар орасида «одамхўрлик» деган битта сўз ҳадеб такрорланаверганини бирдан кўриб қолдим.

Бу сўз бамисоли ҳиринглаб, таъна билан менга кўзини лўқ қилиб тургандай эди. Менам одамман, улар мени ейишмоқчи!

4

Эрталаб, энди кўнглим тинчиб ўтиргандим, Чень Бешвой кириб келди. У димлама балиқ олиб кирибди: балиқнинг кўзлари оқиши, ўшишайган, оғзи эса худди анови одамхўрларникидек ваҳшиёна йирилган. Бир-икки нимтасини егандим: шилимишиқ, балиқми ё одам гўштини, билиб бўлмайди, кўнглим айниб кетди.

«Чень бобой, – дедим унга, – акамга айтинг, зерикиб ўлдим жуда, бозни айланмоқчиман». Чень индамай ташқарига чиқиб кетди. Лекин тезда эшикни очиб қайтиб кирди.

Ўрнимдан жилмай, уларни кузатяпман: нима қилишмоқчи мени? Биламан, ташқарига чиқаришмайди мени. Ана, билдингларми энди! Акам нотаниши бир мўйсафидни эргаштириб, секингина кириб келди. Чолнинг кўзлари еб қўяман дейди-ю, сезиб қолишимдан чўчиб, ерга қарайди, кўзойнаги тагидан хуфёна қараб-қараб ҳам қўяди. Акам: «Чамаси, бугун ўзингни анча яхши сезаётганга ўхшайсан-а?» деб сўради. Мен: «Ҳа», деб жавоб қайтардим. Акам: «Сени кўриб қўйиши учун дўхтир Хэни таклиф қилдим», дея гапида давом этди.



Аслида бу чол – либосини ўзгартирган жаллодлигини билиб турсам ҳам, «Майли!» деб жавоб қайтардим! У ўзини юрагим уришини санаётгандай қилиб кўрсатиб, аслида қанчалик семиз-ориқлигимни аниқламоқчи, шунда унга ҳам бирон нимта тегса керак-да. Мен мутлақо кўрқмадим. Одам гўштини емасам ҳам барибир улاردан анча довлорак эканман. Қўлимни мушт қилиб тугдим-у, чолга узатдим, нима қилишини кузата бошладим. Чол ўтириб, кўзларини юмиб олганча, анча вақт томиримни пайпаслади, анча вақт ўйланиб қолди, кейин иблисона кўзларини бакрайтириб: «Ҳеч нарсани ўйламасин, бир неча кун бутунлай осойишта боқинглар уни, шунда ҳаммаси жойига тушиб кетади», деди.

«Ҳеч нарсани ўйламасин, бир неча кун бутунлай осойишта боқинглар уни!» Тушунарли: обдан семирғунимча боқиб туришмоқчи мени, ана шунда, қарабсизки, пичоғи мойда уларнинг: лекин «ҳаммаси жойига тушиб кетади», дейишгани нимаси? Бу кимсалар шу қадар муғомбирки, ўзлари одам ейишмоқчи-ю, айни пайтда бунга яна яширмоқчи ҳам бўладилар, очиқчасига иш тутушига чўчишадиям – ўласизми-куласизми бунисига! Ўзимни тутолмай қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордим. Ҳузур қилдим роса. Кўрқмай, дангалга кулдим ўзиям. Кутилмаган бу дангаллигим ва довлораклигим таъсир қилди шекилли, чолнинг ҳам, акамнинг ҳам ранги ўчиб кетди. Бироқ мен қанчалик ботирланганим сари улар мени тезроқ ейишининг пайига туша бошладилар – довлораклигим уларга ҳам юқди-қўйди. Чол хонадан чиқди-да, эшикдан хиёл нарилаб, акамга: «Келинг, тезроқ ея қолайлик», дея шивирлади. Акам маъқуллаганча бош ирғади. «Демак, сен ҳам ўшалар билан бирга экансан-да!» Бу янгилик фавқулдга ўхшаб туюлса ҳам, аммо мантиқан тўғри эди. Мени емоқчи бўлган тўда ичида акам ҳам бор экан-а!

Акам – одамхўр!

Мен эса – одамхўрнинг инисиман!

Мени еб гумдон қилишади-ю, одамхўр аканинг укасилигимча қолавераман барибир.

Кейинги бир неча кун ичида аввалги тахминларим бироз ўзгарди: дейликки, ўша чол ниқоб кийиб олган жаллод эмас-у, ҳа, ана, чинакам табиб ҳам бўла қолсин, лекин барибир у одамхўр. Уларнинг илмидаги тир Лю Шичжень, адашимасам, ўзининг «Илдизлар ва гиёҳлар» деган китобида одам гўштини қовуриб еса бўлади, деб очиқ-ойдин айтган. Шундай экан, қандай қилиб бу муттаҳам чол одамхўр эмасман, дея олади?

Бир қориндан талашиб тушган акамга ҳам бекордан-бекор гап ташлаётганим йўқ. Қадимги ёзувлар маъносини тушунтира туриб, у ўз оғзи билан: «Болаларни алмашлаш ва уларни ейиш мумкин», деганди. Бир марта қандайдир ёмон одам ҳақида гап кетганда, акамнинг: «Уни нафақат ўлдириш, ҳатто гўштини қиймалаб еб, терисини тагинга солиб ётишинг керак», деганини ҳам эслаяпман. У пайтда мен ёш бола эдим, азбаройи кўрқиб кетганимдан анчагача юрагим дукурлаб юрган. Бир неча кун муқаддам бизникида Бўрихона қишлоғидан келган анови ижарачи «Бечоранинг юраги ва жигарини ейишиди», деб ҳикоя қилганда ҳам акамнинг ҳатто бир туки қимирламади. Аксинча, у ҳадеб бош ирғаб маъқуллайверди. Ҳойнаҳой, у ҳозир ҳам худди илгаригидай ёвуз. Модомики, у болаларни алмашлаш ва ейиш мумкин, деб ҳисобларкан, демак, унда истаган нарсани алмашлаб, истаган кимсани ейиш ҳам мумкин экан-да. Мен илгари унинг адолат ҳақидаги гапларини эшитиб, соддалигим курсин, унга шионардим, энди бўлса, гарчи адолат ҳақида гап сотса ҳам, лаб-даҳани нафақат одам ёғига булгангани, ҳатто юраги ҳам одамхўрлик ниятига тўлиб-тошганини яхши биламан.

Зимистон, кунми ё тунми, билмайман. Чжао ҳовлисидаги ит яна акиллаяпти.

Арслондек йиртқичлик, қуёндек кўрқоқлик, тулкидек айёрлик.

Мен уларнинг йўлини билдим, ошкора ўлдиришини исташмайпти ва бунга журъат ҳам этишолмайди, гуноҳга ботишдан қўрқиб. Шу сабабли улар ўзаро тил бириктиришиб, ўз оёғимдан илинишимни кўзлаб, ҳамма ёқни тузоқ, тўрға бостириб ташлашган. Бир неча кун аввал кўчада учраган анови эркаклар билан аёлларни эсланг, акамнинг галати қилиқларини ўйлаб кўринг, бир зумда ҳаммаси равшан бўлади-қўяди. Мен учун энг яхши йўли – арқон топиб, тўсинга уни маҳкам боғлаб – осилиб ўлганим тузук, шунда улар гуноҳга ботишмайди, истаклари рўёбга чиққанига қувониб, хохолаб қулишади. Бунисидан ҳам кўра, қўрқувдан ёки ғамдан эзилиб ўлган яхши: унда у қадар семирган бўлмайман-у, шундаям улар юз берган воқеани маъқуллаб, қайта-қайта бош иргашлари мумкин.

Фақат билганлари одам гўшитини ейши! Эсимда, китобларда ёзилишича, сиртлон деган махлуқ бор. Жирканч махлуқ, айниқса, кўзлари жирканч. Ўлакса ейди: чайнаб-чайнаб, катта сўнгаларни ҳам ютиб юборади. Ҳатто ўйлашга ҳам қўрқасан уни. Сиртлон – қашқирлар наслидан, қашқир эса итлар оиласидан. Чжао ҳовлисидаги ит ҳам уч кундан бери менга тикилиб қўяди, анавилар билан тил бириктиргани аниқ. Эй, сен, чол, кўзингни ерга олганинг билан, барибир, мени алдолмайсан.

Айниқса, акамга ачинаман. У ҳам одам-ку, ахир, нега зигирча бўлсаям қўрқмайди? Бу ҳам етмагандай, мени ейши учун шу тўдага қўшилганми у? Нима ўзи – одамхўрликни гуноҳ деб ҳисобламаган қадимги одатми бу ёки онгли равишда жиноят қилиб, бутунлай виждонини йўқотган кимсанинг ишимми? Мен одамхўрларни, аввало, акамни лаънатлайман: уларни одамхўрликдан қайтаршига ури-наман ва буни акамдан бошлайман.

Очигини айтганда, ушбу далиллар уларга ҳам мутлақо тушунарли бўлиши керак.

*Тўсатдан бир одам кириб келди: кўринишидан йигирма ёшларда, ундан ошиқмас. Аммо афту ангорига тузукроқ разм сололмадим. Оғзининг таноби қочиб, менга бош ирғайди. Жилмайиши ясама. Мен ундан:*

*– Одамхўрлик – тўғри ишими шу? – деб сўрадим.*

*У ҳамон жилмайганча:*

*– Нега одам ейиши керак экан? – деб жавоб берди.*

*Дарров тушундим, бу ҳам ўша тўдадан, бу ҳам одам ейиши деса, ўзини томдан ташлайдиганлардан. Ботирлигим юз чандон ошиб кетди-ю, «Тўғрими шу?» – деб қисталанг қилдим.*

*– Қўйсангиз-чи бунақа гапни? Ҳазилкашмисиз, дейман ўзиям... Ҳавонинг очиқлигини қаранг.*

*Чиндан ҳам ҳаво очиқ, сутдек ойдин эди.*

*– Йўқ, барибир жавоб берасан: тўғрими шу?*

*У нима қилишини билмай турди. Ниҳоят:*

*– Йў-ў... – дея дудуқланди.*

*– Нотўғрими? Нега унда улар одам ейишади?*

*– Бўлмаган гап.*

*– «Бўлмаган гап»? Бўрихона қишлоғида очиқчасига ейишади, бу ҳақда истаган китобингда ёзиб ташланган.*

*Унинг ранги ўчиб, башараси чўяндек қорайиб кетди. Менга синовчан тикилиб:*

*– Яхшиси, бу гапларни қўйинг, қайтага ўзингиз айбдор бўлиб қоласиз! – деди.*

*Кўзларим олайиб, сапчиб ўрнимдан турсам, ҳалиги одамдан соя ҳам йўқ. Аъзойи баданимни тер босиб кетди. Акамдан анча-мунча ёшлигига қарамай, у ҳам тўдаданлигини сира кутмагандим. Сўзсиз, ота-онаси ўргатган унга. Ўз навбатида, у ҳам ўз ўғлига ўргатиб қўймаганмикан, деган хавотирдаман, шу сабабдан бўлса керак, болалар менга ўқрайиб қарашади.*

*Бир-бирларини ейишади-да, ўзлариниям биров еб қўйишидан кўрқиб, бир-бирларига шубҳа билан қарашади...*

Қанийди, улар ёвуз фикрларидан қайтсалар, ўз юмушларини қилиб тинчгина ухлаб, ўйнаб-кулиб, еб-ичиб юрсалар, қандай до-рилзамон бўларди-я. Бунинг учун кўп нарса зарурмас, жиндек ис-такнинг ўзи кифоя. Аммо улар тўда-тўда бўлиб олиб, ҳаммалари: оталар, ака-укалар, эру хотин, дўсту биродар, муаллиму ўзаро ганим ва бир-бирини мутлақо танимайдиганлар ҳам – ҳаммаси бир-бирини бир-бирига гижгижлаб, ўлиб қолсалар ҳам тинч яшай-лик, дейишмайди.

9

Эрталаб азондан акамни қидира бошладим: у ҳовлида, теварак-атрофни томоша қилаётган экан; орқасида тўхтадим-да, гоят хотиржамлик билан, ўта мулойим овозда:

– Ака, сизда бир гапим бор, – деб мурожаат этдим.

– Марҳамат, гапир, – деди у шарт ўгирилиб, кейин бош силкиди.

– Бор-йўғи уч-тўрт оғиз сўз-у, тилим бормаяпти. Йўқ! Ака! Ҳар қалай, жамики йиртқишлар, аввалига оз-оздан бўлса ҳам, одам гўшитини тотиб кўришган. Кейинроқ, эътиқодларига қараб, ай-римлари одамхўрликдан воз кечишган, бутун фикру хаёлларини камолотга сарфлаб, охир-оқибатда, одамга, ҳақиқий инсонга ай-ланганлар, боишқалари эса ҳамон одамхўрликка ружу қўйганлар. Худди қурт-қумурсқанинг ўзи: бир хиллари тадрижан балиқ, қуш, маймун ва ниҳоят, одамга айланган, боишқалари эса такомилга ин-тилмай, ҳамон қумурсқалигича қолиб кетган. Лекин одамхўрлар шу қумурсқага қараганда ҳам осмону ер.

И Я ўз ўғлини қовуриб, Цзе ва Чжоунинг таомига қўйган, чунки қадим-қадимдан шу одам ҳукмрон эди. Паньгу осмонни ердан уз-гандан бери ва И Янинг ўғлини еганларидан; И Я ўғли воқеасидан то Сюй Силингача; Сюй Силиндан то Бўрихона қишлоғидаги одамхўрликкача, ким билади дейсиз, бу орада қанча-қанча одам-зод еб ташланганийкин? Ўтган йили шаҳарда бир жиноятчи қатл этилганда, қандайдир симён одам нон бурдасини марҳумнинг қонига булгаб, маза қилиб ялаган.

Улар мени ейишмоқчи, сиз, албатта, ёлғизсиз, қўлингиздан ҳеч нарса келмайди. Лекин нега уларнинг тўдасига қўшилиб қолдингиз? Одамхўрлардан яхшилик кутманг! Мени ея олишаркан, сизни ҳам еб қўйишлари мумкин, кейин бир-бирларини ейишади. Аммо сал нафсларини тийишса-ку, одамлар ўртасида қандай осойишталик ҳужм суларди. Майли, энг сўнгги пайтгача ҳам ҳеч нарса қилинмаган бўла қолсин, аммо, наҳотки, камолот сари интилишимизнинг иложи йўқ, ахир, айтинг-чи, наҳотки, иложи йўқ? Ака, биламан, сизнингча, бунинг сира чораси йўқ: ҳув анови куни ижарачи ҳақини па-сайтирини сўраганда, сиз унга рад жавоби бердингиз.

Акам аввалига совуқдан-совуқ илжайди, бироқ гапирган сарим афту ангори гезариб, пинҳона ниятларини фош этиб ташлай бошлаганимда эса юзи нақ қорайиб кетди.

Ташқарида одамлар уймалашиб турибди: улар орасида Чжао Гуйвэнь ҳам итини етаклаб юрибди. Ичкарига бўйинларини чўзиб, остонага суқилишади. Бир хилларининг қиёфаси, худди парда орқасидан кўрингандай, гира-шира кўзга чалинади; бир хиллари эса ҳув ўша галгидек сўйлоқ тишли, қоп-қора юзли. Улар лабларини қимтиганча, мийигида кулишяпти. Ҳаммаси бир тўдаданлигини, ҳаммаси одамхўрлигини мен биламан. Лекин ҳар хил фикрлашларини ҳам билиб олдим: айримлари одамларни еявериш керак, деб ҳисоблашади; айримлари эса одамни ейиш гуноҳлигини билиб турсалар ҳам, барибир, егилари келаверади. Аммо бу пинҳона ниятларини бошқалар сезиб қолишидан қўрқадилар, шу сабабли ҳам мен гапирганимда, тоқатлари тоқ бўлиб, лабларини қимтиб жилмайишади.

– Йўқолинглар! Ақлдан озган одамни томоша қилишга уялмай-сизларми?

Айни шу аснода уларнинг яна бир муғамбирлигини сезиб қолдим. Инсофга келиш хаёлларида ҳам йўқ, қайтага мени телба, деб бирон-бир жойга гумдон қилишмоқчи. Ана шунда мени ейишади-ю, туя кўрдингми йўқ, қабилида иш туттишади, бунинг устига, уларнинг ёнини оладиганлар ҳам топилб қолади. Ижа-

рачи ҳам худди шундай ҳодисани гапирганди. Ҳаммаси улар истагандек бўляпти.

Чэнь Бешвой газабга тўлганча ёнимга чошиб келди. Қанчалик овозимни бўғишни истасалар ҳам, барибир, уларга қарата: «Тавба қилишларингга ҳалиям кечмас, чин кўнгилдан тавба, денглар! – дегим келади. – Биласизларми, келажакда Ер қуррасида одамхўрликка ўрин қолмайди. Агар ҳақ йўлига ўтмасанглар, ўзларингни еб битиришади. Минг-минглаб тухум очсанглар ҳам ҳақиқий одамлар сенларни худди бўрини қирган овчидек қириб ташлайдилар. Худди қурт-қумурсқадек эзиб ташлайдилар!»

Чэнь Бешвой тўдани ҳайдаб юборди. Акам ҳам қаёққадир кетди. Чэнь Бешвой алдаб-сулдаб мени хонага киришига кўндирди. Хонада зим-зиё қоронғилик. Хари ва тўсинлар бошим устидан бирдан чайқалиб, анчагача қимирлаб турди ва ўзидан-ўзи катталаша бошлади...

Нимадир вужудимни тошдек босди, қимир этолмайман: улар ўлимимни қутишяпти. Кимдир мени босиб турганини ҳис этдим-у, жонҳолатда туришига уриндим. Бошимга қилич келса ҳам уларга: «Ҳозироқ тавба қилинглар, чин кўнгилдан тавба, денглар! Биласизларми, келажакда одамхўрларга ўрин йўқ...» – демоқчи бўлдим.

10

Ёруғ жаҳонни кўрмайман, эшикни очишмайди: қунига икки марта овқат беришади... Чўпқошиқни қўлга олишим билан акамни ўйлаб кетаман: жажжси сингилчамнинг ўлимига ҳам акам айбдорлигини биламан. Кўз ўнгимдан ҳали-ҳали сингилчамнинг қиёфаси кетмайди. Қанчалар ёқимтой ва гамгин қиёфа! Ахир, у бор-йўзи беш ёшда эди. Онам тўхтовсиз ҳўнграб йиғлаганди, шундай қилган тузук, деб ўйлаган бўлса керак. Бир воқеани эслаяпман, беш ёшдамидим, ё кичикроқмидим, уй олдига, шабадада ҳузур қилиб ўтирганымда, акам, агар ота ёки она дардга чалинса, ўгил ҳатто жонини аямай, танини кесиб, ота-онасига ҳадя этиши зарур: ана шундагина у ҳақиқий ўгил саналади, деганди. Онам эътироз билдирмаганди.

*Аммо бир парча гўштини ейиши мумкин бўлса, унда бутун одамни еса ҳам бўлавераркан-да. Лекин онам бечоранинг йиғлаганларини эсласам, ҳали-ҳануз юрагим тарс ёрилиб кетгудек эзилади. Чиндан ҳам бу ишлар хўп ғалати!*

11

*Ўйлашга ҳам ҳолим йўқ. Фақат бугун билибман, қаранг, мен яшаётган бу оламда тўрт минг йил давомида одамларни ейишар экан: сингилчам ўлганда, бутун рўзгор акамнинг қўлида эди, ким билади, балки у бизга синглимнинг гўшитидан едиргандир.*

*Эҳтимол, ҳеч нарсадан беҳабар, мен ҳам синглимнинг икки-уч луқма гўштини егандирман, энди бўлса, ўзимга навбат келди...*

*Тўрт минг йил одамхўрлик қилиб келганлар ичида яшаб, ҳақиқий инсонни топиш қанчалар мушкуллигини энди билибман-а.*

12

*Эҳтимол, одам емаган норасида болалар бордир ҳали?*

*Болаларни асранг!*





# Стефан Цвейг

(1881 – 1942)



Буюк адиб, мунаққид, кўплаб заройиб новеллалар муаллифи Стефан Цвейг қисқа жанр усталарининг асарларидан ажралиб турувчи ўзининг новелла андазасини яратган. Унинг новеллалари драматизмга бойлиги, ноодатий сюжетлари билан ўқувчини лол қолдириб, инсон тақдири нақадар шафқатсиз эканлиги устида бош қотиришига ундайди. Улардаги воқеалар баъзида қувноқ, баъзида хатарли саёҳат-сафарларда рўй беради, барчаси санокли дақиқаларда, инсон ўз манфаатларидан воз кечиб, ўзини қурбон қила олишига қодирлиги элакдан ўтказиладиган дамларда рўй беради. Ҳар бир ҳикоянинг мағзини эса асар қаҳрамонининг кучли ҳаяжон ёхуд жазава ҳолатида ирод этадиган монолог ташкил этади – «Нотаниш аёл мактуби», «Кутурган қотиллар», «Мураббия», «Ёндиргувчи тилсим», «Лепорелла», «Янги касб билан туйқус танишув», «Куйган кўнгил фарёди» каби новеллалар шулар жумласидандир.

## НОТАНИШ АЁЛ МАКТУБИ

Таниқли беллетрист Р. тоғ бағрида уч кун дам олиб, Венага эрта тонгда қайтиб келди. Вокзалда газета сотиб олди, шундан сўнггина бугун туғилган куни экани эсига тушди. Қирқ бир ёш, ўйлади у ўзича – бунга у на куюнди, на хурсанд бўлди. Газета саҳифаларига тез кўз югуртириб чиқди-да, таксига ўтириб, уйига йўл олди. Хиз-

маткор хўжайин йўқлигида икки киши йўқлаб келгани, бир неча марта телефон кўнғироғи бўлганини айтиб, патнисда уюлиб қолган хат-хабарларни келтириб қўйди. Ёзувчи уларни эринибгина кўздан кечирди, жўнатувчи исми-шарифи қизиқтириб қолиб, бир неча хатжилдни очди; нотаниш дастхат билан битилган қалингина мактубни эса бир четга олиб қўйди. Хизматкор чой олиб келди. Оромкурсига жойлашиб олгач, у яна газетага кўз югуртирди, ўзига юборилган каталогларни қараб чиқди, сўнгра сигара чекди ва четга қўйилган мактубни қўлига олди.

Унда ўттизга яқин саҳифа бўлиб, улар номаълум аёл дастхати билан, шошилиш тарзда ва нотекис битилганди – хат эмас, кўпроқ қўлёзма эди. Р. хатга бирон нима илова қилинмаганмикин, деб ўйлаб, беихтиёр хатжилдни яна бир бор пайпаслаб кўрди, бироқ у бўм-бўш, хатда қандай бўлса, унда ҳам худди шундай, жўнатувчининг на исм-шарифи, на манзили кўрсатилганди. Қизик, ўйлади у хатни яна қўлига оларкан. «*Сенга, мени ҳеч қачон билмаган кишига*». Ушбу сўзларни ўқиб, ҳайрон бўлди, бу мурожаат эмас, сарлавҳа ҳам эмас... Кимга тааллуқли экан бу? Унгами ёки уйдирма қахрамонгами? Бирдан Р. да буни билишга қизиқиш уйғонди ва ўқий бошлади.

\* \* \*

*Болам кеча ўлди. Унинг жажжжи, нимжон ҳаётини сақлаб қолиш учун уч кечаю уч кундуз ажсал билан олишдим; бечора боланинг мурғак жуссаси қирқ соат мобайнида иситмада ёниб тўлганди, мен олдидан бир зумга ҳам жилмадим. Чўғдек ёнаётган митти пешонасига муз қўйиб, жонсарақ жажжжи қўлчаларини кечаю кундуз бағримга босиб чиқдим. Учинчи кун кечқурун ҳолдан тойибман. Беихтиёр кўзларим юмилибди. Қаттиқ стулда ўтирган қўйим уч ёки тўрт соат мизгиб қолибман, бу орада ўлим уни бағримдан олиб кетибди. Мана, энди у, ёқимтой, шўрлик болакай торгина каравотчасида, уйғонганимда қандай кўрган бўлсам, шундай ётибди; фақат кўзларини, ақлли, қора кўзчаларини ёпиб қўйишибди, қўлчалари оппоқ қўйлаги узра йигилган, каравотчанинг тўрт тарафида тўртта шам ёниб турибди. У ёққа қарашга, жо-*

йимдан қимирлашга ҳам қўрқаман, чунки липиллаб ёнаётган шамлар ёлқинида дам-бадам жажжжи қиёфасига, қисилган лабларига кўзим тушади, шунда юз-кўзларига яна жон кираётгандек туюлаверади, у ўлмаган, мана, ҳозир уйғонади ва жарангдор овози билан болаларга хос эркаланиб, менга бир нима дейди, дея ўзимни ўзим ишонтиргим келади. Бироқ мен биламан, у ўлган, унга қарагим келмайди, ахир, энди мени умид лаззати, умидсизлик алами қийнамасин. Биламан, биламан, болам кеча ўлган – энди мен учун дунёда фақат сен, ҳаёт билан беғам ўйнашиб, дунёда борлигимдан шубҳа қилмайдиган сенгина қолдинг. Мени ҳеч қачон билмаган ва мен ҳамшиша севган фақат сенгина қолдинг.

Мен бешинчи шамни ҳам ёқиб стол устига қўйдим, мана, ҳозир ёрузида сенга ушбу мактубни ёзмоқдаман. Мен нобуд бўлган болам билан бир ўзим ёлғиз қололмайман ва бошимга тушган бу мусибат ҳақида индамай туролмайман, ушбу даҳшатли дақиқада сен билан гаплашмасам ким билан дардлашаман, ахир, ҳар доимгидек, ҳозир ҳам бор-йўгим – ўзингсан-ку! Эҳтимол, сен билан аниқ гаплашолмасман, балки мени тушунмасан – фикрларим айқаш-уйқаш, чаккам томирлари гун-гун уриб, бутун аъзойи баданим қақшаб оғрияпти. Иситмам бор, шекилли, эҳтимол, мен ҳам грипп бўлгандирман, чунки у ҳозир ҳар бир хонадонга кириб боряпти, шундай бўлса, яхши эди, негаки болам кетидан мен ҳам кетаверардим ва ҳаммаси барҳам топарди. Баъзан кўз олдим қоронғилашиб кетяпти, балки ушбу мактубни ҳам охиригача ёзолмасман, лекин азизим, сен – мени ҳеч қачон билмаган инсон билан бу гал лоақал бир мартагина гаплашиб олиши учун бутун вужудим билан ҳаракат қиламан.

Якка ўзинг билан гаплашиб, сенга илк бор ҳаммасини айтиб бермоқчиман, гарчи сен бу ҳақда ҳеч қачон билмаган бўлсанг ҳам, ҳамшиша сенга тегшли бўлган бутун ҳаётимни билиб оласан. Аммо сиримни ўлганимдан сўнгина билиб оласан – ана ўшанда саволларимга жавоб беришингга тўғри келмайди – гоҳ қизиб, гоҳ совуқдан қалтираб, безгак тутаётгани ажалим яқинлиги аломатидир.

Агар узоқроқ яшаш насиб этган бўлса, ушбу хатни йиртиб ташлайман ва ҳар доимгидек яна сукут сақлаб юравераман. Агар хат

қўлингга етиб борса, билгинки, унда марҳума бошидан то охиригача сеники, сенга тегишли бўлган ўз ҳаётини баён қилиб қолдирган. Бундан кўрқма – марҳума сендан на муҳаббат, на ҳамдардлик, на тасалли талаб қилади. Мен сендан фақат бир нарса, у ҳам бўлса, сенга интилган дард-аламли сўзларимнинг барчасига ишонишингни сўрайман. Сендан фақат бир нарсани сўрайман, бунинг барчасига ишон: ҳеч ким якка-ёлғиз фарзандидан айрилган чоғида ёлгон сўзламайди.

Мен ҳақиқатан ҳам сени билиб-таниган ўша кундангина бошланган бутун ҳаётимни сўзлаб бераман. Ўша кунгача эса хотирам сира илгاماган, қандайдир хира, гира-шира нимадир, аллатовур чанг босган, ўргимчак уяси таранг тортилган ертўлагина бор эди, холос, унда мен аллақачон қалбимдан чиқариб ташилаган одамлар яшашарди. Сен пайдо бўлганигда мен ўн уч ёшида эдим ва мен ўша, сен ҳозир истиқомат қилаётган уйда, сен ҳозир ушбу хатни – ҳаётимнинг сўнгги нафасини қўлингга тутиб турган уйда яшардим; мен худди ўша зинада, айнан сенинг хонадонинг эшиги рўпарасида турардим. Сен балки бизни, мансабдорнинг камсуқум беваси (у доим мотам тутиб юрарди) ва озгингина ўсмир қизчани эслаёлмасан – ахир, биз доим, ўз ночор мешчанлик қобигимизга ўралиб, пана-пастқамда яшардик. Сен, эҳтимол, номимизни ҳеч қачон эшитмагандирсан ҳам, чунки эшигимизда лавҳача йўқ эди ва уйимизга бизни йўқлаб ҳеч ким ҳеч қачон келмасди. Бунга анча, ўн беш, ўн олти йиллар бўлган, йўқ, сен, албатта, буни эслаёлмайсан, азизим; бироқ мен – ў, мен ҳар бир икир-чикирни, ўша кун, ўша соатни гўё ҳаммаси бугун бўлиб ўтгандек эслайман, ўшанда сен ҳақингда илк бор эшитгандим, сени илк бор кўргандим, буни қандай эсламайин, ахир, ўшанда мен учун дунё очилган эди-ку! Ижозат бер, севгилим, сенга барчасини бошидан сўзлаб берай, менга чорак соат вақтингни бағишла ва мен сени бир умр сабр-бардош ила севиб келганим ҳақидаги ҳикоямни сабр-тоқат билан тингла.

Сен биз яшаётган уйга кўчиб келмасингдан олдин эшигинг ортида жирканч, жанжалкаш, ёвуз одамлар яшашарди. Гарчи уларнинг ўзлари ҳам қашишоқ бўлсалар-да, қўшиниларнинг камбагаллигиниям

кўришолмасди, бизнинг улар билан ишимиз бўлмасди, улар бизни шунинг учун ёмон кўришарди. Оила бошлиги ичкиликбоз эди, хотинини калтаклагани-калтаклаганди; кўпинча биз ярим кечаси стулларнинг тарақ-туруғи ва синаётган ликобчалар жарангидан уйғониб кетардик; аёл ҳаммаёғи қон, бошланг, зинага югуриб чиқар, маст эр бақириб, уни қувиб солар, ўшанда қўшнилари югуриб чиқишиб, миришаб чақирамиз, дея нўписи қилиб тинчителишарди. Онам аввалданоқ бу эр-хотин билан алоқани узган ва менга ҳам болалари билан гаплашишни тақиқлаб қўйганди. Улар эса, қулай фурсат бўлди дегунча, бунинг учун менадан ўч олишарди. Кўчада ортимдан ҳар хил ифлос гаплар тарқатилишарди, бир кун мени шунақанги қорбўрон қилишидики, афтим қонга бўялди. Бутун уйдагиларнинг барчаси бу одамларни ёмон кўришарди ва кунларнинг бирида, нима бўлди-ю, ҳа, эладим, эр ўғирлик қилиб қамалди ва улар бутун лаш-луши билан кўчиб кетадиган бўлишиди – буни эшитиб, барчамиз энгил тин олдик. Икки-уч кун дарвозада ижарага топириши ҳақидаги эълон осиглиқ турди, кейин эса уни олиб ташилашди ва шундан сўнг уй бошқарувчи орқали хонадонни аллақандай ёзувчи, ёлғиз, обрўли, нуфузли жаноб ижарага олаётгани ҳақидаги хабар тарқалди. Ўшанда мен сенинг исмингни илк бор эшитган эдим.

Орадан яна икки-уч кун ўтиб, бўёқчилар, сувоқчилар, дурадгорлар, мебел қопловчи усталар келишиди ва хонадонни олдинги эгалари қолдириб кетган аиқол-даиқолдан тозалай бошлашди. Улар таққилатишар, ювишар, супуриб-сидиришарди, онам эса бундан ўзида йўқ хурсанд, мана, ниҳоят, тартибсизлик ҳамда бемазагарчиликларга ҳам чек қўйилди, дея гапиргани-гапирган эди. Кўчиб келиш пайтида ўзингни кўролмадим, барча ишларга хизматкоринг – пастроқ бўйли, вазмин, сочи оқарган камердинер<sup>1</sup> бош-қош эди, у ҳаммага юқоридан қуйига қараб чиқар, барча ишларни жиддийлик билан шовқин-суронсиз бошқарарди. У жуда ёқиб қолганди, чунки, биринчидан, камердинер бизда, чекка жойларда кам учрай-

<sup>1</sup> Шахсий уй хизматкори.

диган ҳодиса, қолаверса, у барча билан фавқулодда хушмуомалада бўлар, айни пайтда эса оддий хизматкорлар билан ўзини билиб, бир қирда, бир сирда муомала қилар, улар билан элакишиб кетавермасди. Онам билан у биринчи кунданоқ, худди хонимдек, ҳурмат-эҳтиром билан саломлашар, ҳатто менга, қиз болага ҳам жиддий ва самимий муносабатда бўларди. Сенинг исмингни у ҳар доим қандайдир алоҳида ҳурмат билан, деярли эъзозлаб тилга оларди ва бу хизматкорнинг ўз хўжайинига бўлган шунчаки одатдаги садоқати эмаслиги яққол кўриниб турарди. Шундай қилиб, мен кейинчалик кекса ва дилкаш Йоханни, гарчи ҳаммиша сенинг ёнингда бўлиши ва сенга хизмат қилишига ҳасад қилсам ҳам, барибир яхши кўриб қолдим.

Мен сенга, азизим, буларнинг барчасини, кулгули майда-чуйдаларигача шунинг учун айтяпманки, токи сен аввалданоқ мендек кўрқоқ, юрак олдириб қўйган болага қандай қилиб ўз хукмингни ўтказолганингни тушуниб етгин. Сен ҳаётимга кириб келмасингдан анча олдинроқ атрофингда қандайдир бойликлар, фавқулодда, галати сир-синаотлар мавжуд эди ва биз барчамиз, чеккадаги кичкинагина уйда яшовчилар, келишингни сабрсизлик билан кутардик. Ахир, ўзинг биласан-ку, кичкина, тор оламда яшовчи одамлар ҳар нарсага қизиқувчан бўлишади. Кунларнинг бирида, мактабдан қайтаётиб, уй олдида жиҳозларга тўла фургон-арава турганини кўриб, сенга қизиқувчанлигим нақадар авж олганини билсанг эди! Оғир нарсаларнинг каттагина қисмини ҳаммоллар юқорига олиб чиқиб бўлишган, энди эса айрим майдароқ ашёларни ташишарди; мен эшик олдида тўхтадим, чунки буларнинг барчасини кўргим келарди, боиси барча нарсаларинг мени фавқулодда ҳайратга соларди, мен бунақанги нарсаларни ҳеч қачон кўрмагандим: бу ерда ҳинд маъбудалари ҳайкалчаларини, Италия ҳайкалчаларини, улкан, ҳайратланарли даражада ажойиб суратларни ва ниҳоят, китобларни кўриши мумкин эди, китоблар шунақанги кўп ва шунақанги чиройли эдики, кўриб кўзларимга ишонмасдим. Улар эшик олдига

тўп-тўп қилиб тахлаб қўйилганди, хизматкор уларни қабул қилиб оларкан, ҳар бирини супургича билан авайлаб елиб қўярди. Азбаройи ҳайратим ортганидан кетолмай, улар атрофида айланиб юрардим. Хизматкор мени ҳайдамади, рўйхушлик ҳам бермади, шунинг учун, гарчи юмшоқ чарм муқоваларни жуда-жуда ушлаб кўргим келиб турган бўлса ҳам, бирортаям китобга тегинишга журъат қилолмадим. Мен фақат уларни ён томонда туриб, қўрқангиса кўздан кечира бошладим – бу ерда францuzча, инглизча китоблар бор эди, баъзилари эса умуман тушуниб бўлмайдиган тилларда ёзилганди. Мен уларни соатлаб завқ билан томоша қилишига тайёр эдим, лекин шу пайт онам мени чақириб қолди. Менинг ўзимда ўнтакча арзон китоб бўлиб, муқовалари титилиб кетганди. Мен уларнинг барчасини яхши кўриб, қайта-қайта ўқирдим.

Мана энди, ҳали билмай-танимай туриб, тун узоги сен ҳақингда ўйлаб чиқдим. Бутун хаёлимни бир фикр мутлоқ эгаллаб олганди: шундай гўзал китобларни мутолаа қилган, шунча тилларни биладиган, айна пайтда шу қадар бой ва шу қадар ўқимшили одам қандай бўлиши лозим экан-а? Мен бундай олим бўлиши фақат гайритабиий мавжудотнинг қўлидан келади, холос, деб ўйлардим. Хаёлан портретингни чизишга уринардим. Мен сени жўзрофия ўқитувчимизга ўхшаган, кўзойнак таққан, соч-соқоли оқарган чол қиёфасида тасаввур қилардим, фақат сен ҳийла меҳрибонроқ, келишганроқ ва юмшоқроқ эдинг. Неғалигини билмадим-у, сени шундай тасаввур қилган тақдиримда ҳам барибир ишончим комил эдики, сен келишган инсон эдинг. Ўшанда, ўша оқшом, ҳали сени билмай туриб, сени илк бор тушимда кўрибман.

Эртаси кунни кўчиб келдинг, бироқ ҳар қанча ҳаракат қилмай, юзингга сира қараёлмадим, бу эса қизиқувчанлигимни баттар оширди. Ниҳоят, учинчи кун сени кўрдим. Шунда бутунлай бошқа, болаларча тасаввуримдаги «илоҳ» қиёфасига сираям ўхшамайдиган инсон эканлигингни кўриб, ҳайратдан лол қолдим. Мен кўзойнак тақиб олган хушфеъл қария ҳақида хаёл сурардим,

сен эса, худди бугунгидек, сира ўзгармайдиган эдинг, сенга ҳатто йиллар ҳам соя сололмасди! Эгингда ажойиб оч-жигарранг спорт кийими бор эди, сен йигитлардек енгил қадам ташлаб, зинадан сакраб, юқорига чиқиб кетдинг. Қўлингда иляпа ушлаб олгандинг, мен хушрўй, шодмон чехрангни, оқ-сарик сочларингни кўриб ҳайрон қолдим. Гапларимга ишон, тўғриси, кўрқиб кетдим, шу қадар навқирон, келишган, шунчалик хушбичим, хушқад эканлигингни кўриб, ҳаяжондан қалбим ларзага келди. Ахир, галати эмасми? Илк лаҳзадаёқ мен шуни аниқ-равшан сездимки, мени ҳам, бошқаларни ҳам ҳайрон қолдирган нарса – бу икки тарафламалигинг экан: сен – гайратли, енгилтак, ўйин ҳамда саргузаитларга берилган йигит ва айна пайтда ижодда қатъий ва жиддий, бурчига содиқ, кўп ўқиган, маълумотли инсонсан. Иккиёқлама ҳаёт кечиршингни бошқалар қатори мен ҳам гайришуурий равишда тушуниб етдим: унинг ёрқин, ранг-баранг томони ташқи дунёга қаратилган, бошқа, қоронги тарафини эса ёлғиз ўзинг биласан; бундай чуқур иккиланишини, ҳаётингнинг бу сирини мен, сенга мафтун бўлиб қолган ўн уч ёшли қизча, бир қараишдаёқ сезгандим. Севгилим, мен, қиз бола учун қанчалик мўъжизага, жумбоққа айланганингни энди тушунармикинсан? Китоблар ёзганинг, менга бегона бўлган кенг оламда машҳур бўлганинг учун олдингда бош эгиб, таъзим қилишади, шу боис бирданига ёшариб, йигирма беш яшар йигитлардек қувноқ олифтага айланиб ўтирсанг-а! Мана шу кундан бошлаб уйимизда, тор, ночор бўлган бутун болалик оламимда хаёлимни фақат сен эгаллаб олганингни, мен эса бутун қатъият билан, ўн уч яшар қизчага хос қайсарлик билан фақат сен ҳақингда, ҳаётинг ҳақида ўйлардим, энди шуни айтишим керакмиди? Мен одатларингни, олдинга келган одамларни ўрганардим ва буларнинг барчаси нафақат қизиқувчанлигимни қондирар, балки уни янада кучайтирарди. Чунки иккиёқламалигинг олдинга келувчиларнинг хилма-хиллигида аниқ-тиниқ акс этарди. Ёшлар, ошналаринг келишарди, улар билан кулишиб, ҳазиллашардинг; йиртиқ-сиртиқ кийинган талабалар келишарди; автомобилларда хонимлар келишарди; бир куни опера



театри директори, машҳур дирижёр келди, мен уни узоқдан қўлида дирижёрлик таёғи билан кўргандим; савдо-сотиқ мактабида ўқийдиган ёш-ёш қизлар келишарди, улар хижолат бўлишганидан «лип» этиб ўзларини ичкарига уришарди – умуман кўп, жуда кўп хотин-қизлар келишарди. Мен бу ҳақда алоҳида ўйлаб ўтирмасдим, ҳаттоки бир куни эрталаб, мактабга кетаётганимда, сеникидан чиқаётган юзига қалин тўр тортган хонимни кўрганимда ҳам. Мен эндигина ўн учга кирган эдим ва мен сени эҳтиросли қизикувчанлик билан пойлаб, кузатаётганимнинг ўзи муҳаббат эканини ҳали билмас эдим.

Лекин мен, азизим, сенга бутун жону дилим билан умрбод берилган пайтимни куну соатигача аниқ биламан. Сайрдан қайтгач, мен ва мактабдош дугонам уйга кираверишда лақиллашиб турардик. Худди шу пайт автомобиль гизиллаб келиб қолди, тўхтаб улгурмасидан сен ўзингга хос тезлик ва чаққонлик билан ундан сакраб тушидинг. Сенга очилиш учун беихтиёр эшик томон интилдим, шунда сал бўлмаса, тўқнашиб кетаёздик. Сен менга илиқ, майин, эсхушини олгувчи назар ташилаб, ёқимли жилмайдинг, ҳа, менга айнан ёқимли жилмайдинг ва паст овоз билан самимий оҳангда: «Катта раҳмат, фройлайн», – дединг.

Бор гап шу, қадрдоним; бироқ худди ўша дақиқадан бошлаб, майин, ёқимли нигоҳингни ҳис этганимдан буён, сеники бўлгандим. Кейинроқ эса, ҳатто жуда тез орада қучиб, қамраб, чулғаб оладиган, айни пайтда чорловчи, йўлдан оздирувчи нигоҳинг-ла ёнингдан ўтаётган ҳар бир аёлни, дўкондаги сотувчи хотинни, сенга эшик очаётган ҳар бир оқсоч ходимани баҳраманд этишингни билиб олдим – бу нигоҳ иродангга боғлиқ эмаслигини ва ҳеч қандай ҳис-туйғуларни ифода этмаслигини, қачонки уни аёлларга қаратганинда, доимий равишда ўз-ўзидан илиқ ва ёқимли бўлаверишини ҳам билиб олдим. Лекин мен, ўн уч ёшли қиз, бундан шубҳаланмасдим – оташин нигоҳ мени оловдек кўйдирган эди. Ўйлардимки, бу илтифот фақат мен, ёлғиз мен учунгина эди ва мана шу лаҳзада менда – ўсмир қизчада аёллик ҳислари уйғонди ва у тоабод сеники бўлди.

«Ким бу?» – деб сўради дугонам. Дарров жавоб беролмадим. Исмингни тилга олишига ўзимни зўрлаёлмадим: шу онда исминг мен учун сирга айланиб, муқаддас бўлиб қолганди. «Уйимизда яшовчилардан бири», – ўнғайсизланиб мингирладим. «Унда нега бунчалик қизариб кетдинг?» – болаларча ичқоралик билан кулди дугонам. У устимдан кулиб, сиримни тилга олганидан қоним қайнаб кетди. Довдираб қолганимдан кўрслик билан қичқирдим: «Ғирт аҳмоқсан!» Шу онда уни бўғишига тайёр эдим, у эса мазах қилиб янада қаттиқроқ кула бошлади; ниҳоят, иложсиз газаб ёшлари кўзларимга қалқди. Тескари бурилдим-да, юқорига югуриб кетдим.

Шу лаҳзадан бошлаб сени севиб қолдим. Биламан, аёллар бу сўзларни сенга, ўз эркатойларига кўп марта айтишиган. Лекин гапларимга ишон, ҳеч ким сени шу қадар қўлларча садоқат, шу қадар фидокорлик билан, муте мавжудотга ўхшаб севмаган, ўша мавжудот мен эдим ва сен учун ҳамини шундай бўлиб қолгандим. Чунки дунёда ҳеч нарса боланинг кишибилмас севгиси билан тенглашолмайди. У шу қадар камсуқум, фидойи, шу қадар кўнгишчан, ҳушёр, сезгир, жўшқинки, ҳеч қачон – майли, гайришуурий бўлсин – катта ёшдаги аёлнинг ошиқ-маъшуқликка интилган муҳаббатидек талабчан бўлмайди. Фақат ёлғиз болаларгина эҳтиросларини буткул ўзларида сир сақлай оладилар, бошқалар эса ўз туйғуларини дугоналарига ошкоралаб, ўтмас қилиб қўядилар – улар муҳаббат ҳақида кўп ўқишган ва эшитишган, барча инсонлар учун муқаррар қисмат эканини яхши билишади, у билан ўйинчоқдек овунишади, ўғил болалар биринчи чекилган папирослари билан гердайганларидек, у билан мақтанишади. Бироқ менда бунақаси бўлмаган, мен кимга ҳам ишона олардим, ҳеч ким менга йўл-йўриқ кўрсатмас, ҳеч ким мени хавф-хатарлардан огоҳ этмасди, мен тажрибасиз, содда, гўл эдим; худди жарга улоқтирилгандек, ўз тақдиримга ташлаб қўйилгандим. Ичимда нималар қайнаб, нималар пишиб-етилганганини ёлғиз ўзим билардим. Ширин хаёлларим билан яшардим; отам аллақачон вафот этган, нафақаси билан кун кўриб, боши

ташвишидан чиқмайдиган онам – бечора бева аёлдан узоқда эдим, енгилтак мактабдош дугоналаримдан эса кўнглим қолганди, чунки улар мен учун олий ҳис-туйғу бўлган нарса билан бепарво ўйнашардилар; қалбимдаги парчаланиб, майдаланиб йўқ бўлган, аммо-лекин бесабрлик билан ёриб чиқаётган барча ҳис-туйғуларим сенга қаратилган эди. Сен мен учун – қандай тушунтирсам экан? (алоҳида олинган ҳар қандай муқояса жуда тор, чекланган) – сен мен учун айнан ҳамма нарса, бутун ҳаётим эдинг. Ҳамма нарса фақат сенга алоқаси борлиги сабаблигина мавжуд эди, ҳаётимдаги ҳамма нарса сен билан боғлиқ бўлган тақдирдагина маъно касб этарди. Сен бутун ҳаётимни ўзгартириб юбординг. Шу пайтгача лоқайд ва ўртамиёна ўқувчи эдим, кутилмаганда синфда биринчи бўлиб олдим; мен юзлаб китобларни ўқирдим, ярим кечагача ўқирдим, чунки китобларни севишингни билардим, бирданига роялда ҳам қаттиқ зайрат билан машқ қила бошлаганимга онам ҳам ҳайрон эди, чунки мусиқани яхши кўрасан, деб ўйлардим. Мен кўйлақларимни тозалаб, тузатардим, кўзларингга пала-партиши кўрунишини истамасдим. Мактаб фартугимдаги онамнинг эски кўйлагидан солинган тўртбурчак ямоқчадан қаттиқ изтиробга тушардим. Шу ямоқчани кўриб қолиб, мендан нафратланмасанг деб роса кўрқардим, шунинг учун зинадан чиқаётганимда доим сумкани чап биқинимга тақаб олган кўйи кўрқувдан қалтирардим. Бироқ бу кўрқув нақадар кулгили эди – ахир, сен ҳеч қачон, деярли ҳеч қачон менга қарамасдинг-да!

Шундай бўлса ҳам кун бўйи қиладиган ишим сени пойлаб, билдирмасдан қузатиши эди. Эшигимизда мис гардишли юмалоқ кўзча бўларди, шу орқали эшигингни бемалол кўриши мумкин эди. Бутирқиши – йўқ, кулма, азизим, ҳатто ҳозир ҳам, ҳатто ҳозир ҳам унинг ёнида ўтказган соатларимдан уялмайман! – менинг дунё томон деразам эди; у ерда, муздек, совуқ даҳлизда, онам пайқаб қолишидан кўрқиб, пистирмада ўтиргандек, қўлимдан китобни қўймай, кечалари билан ўтириб чиқардим. Мен бамисоли таранг тортилган тор эдим. Сен яқинлашишинг билан титрай бошлардим. Мен ҳеч қачон сени таш-

лаб қўймасдим; сира ҳам чекинмасдан, зўр диққат билан сени кузатишида давом этардим, аммо-лекин бу сен учун ўзинг чўнтагингда олиб юрадиган ва кунларингни қоронғиликда санаб-ўлчаб ҳамда йўлларингда сенга юракнинг оҳиста тепишига монанд ҳамроҳлик қиладиган соат пружинаси таранглигидек сезилмасди. Фақатгина миллиондан бир сониялардагина уларга бирров қараб қўясан, холос. Сен ҳақингда ҳамма нарсани билардим, барча одатларингни, барча бўйинбоғларингни, барча костюмларингни билардим; барча танишларингни билардим ва тез орада уларни бир-биридан фарқлашни ҳам ўрганиб олдим, мен уларни иккига – менга ёқадиганлар ҳамда мен ёмон кўрадиганларга бўлиб чиқдим; ўн уч ёшдан то ўн олти ёшгача мен фақат сен билан яшадим. Эҳ, қанчадан-қанча тентакликлар қилмадим! Мен қўлинг теккан эшик тутқичини ўпардим, сен чекиб ташлаган сигара қолдигини териб юардим, у мен учун муқаддас эди, чунки унга лабларинг теккан эди. Оқшомлари қайси хонангда чироқ ёниб турганини кўриши, нафасингни зойибона бўлса-да, кучлироқ ҳис этиши учун бирор баҳона қилиб, юз марта-лаб кўчага чиққандирман. Йўқлигингда, ҳар гал юрагим кўрқувдан қисилиб кетарди – ҳаётим неча ҳафталаб тўхтаб қолар ва ҳар қандай маънодан мосуво бўлар эди. Зерикканимдан замга ботиб, дарғазаб бўлиб, уйда у ёқдан-бу ёққа бориб келаверар, ишқилиб, йиғидан қизарган кўзларимни онам кўриб қолмасин-да, деб доимий кўрқувда бўлардим.

Биламан: сенга айтиб бераётганларимнинг барчаси – кулгили ва бачкана қилиқлардан ўзга нарса эмас. Бундай қилмаслигим керак эди, лекин бундан уялмайман, чунки сенга бўлган муҳаббатим ўша завқли болалик давримдагидек безубор ва оташин бўлмаган. Ўшанда фақат сен билангина андармон бўлиб яшаганимни соатлаб, бир неча кунлаб ҳикоя қилиб беришим, ҳаётинг тақвимини тўласинча олдинга ёйиб-очиб қўйишим мумкин. Бироқ жонингга тегиб, сени қийнамоқчимасман. Фақатгина болалигимдаги энг кувончли воқеа ҳақида ҳикоя қилмоқчиман ва сендан устимдан

кулмаслигингни сўрайман, чунки у қанчалик арзимас бўлмасин – мен учун бу чексиз бахт эди. Бу воқеа, афтидан, якишанба кунларининг бирида рўй берганди; сен жўнаб кетгандинг, хизматкоринг ўзи қоқиб тозалаган оғир гиламларни ичкарига ташиётган эди. Қария қийналаётганини кўриб, туйқус яқин бордим-да, ёрдамлашворайми, деб сўрашга журъат этдим. У ҳайрон бўлди, лекин ёрдамимни рад қилолмади, шундай қилиб, мен, агар таъбир жоиз бўлса, нақадар ҳурмат-эҳтиром, иззат-икром ва ҳаяжсон билан хонадонинг ичкарисига, сенинг оламингга, сен ўтириб ишлайдиган, кўм-кўк биллур вазада гуллар қўйилган ёзув столигга, жавонларингга, расмларинг ва китобларингга назар ташиладим. Ҳаётингга кўз қирим билан бирров назар ташилашга улгурдим, холос, негаки содиқ Йўҳанн яқинроқ бориб, диққат билан разм солишимга барибир руҳсат бермаган бўларди, бироқ шундай бўлса ҳам мана шу бирдан-бир ягона нигоҳим билан мен хонадонингдаги бутун муҳитни ўзимга сингдириб олдим, бу эса сен ҳақингдаги ўнгим ва тушимда кечадиган чексиз ширин орзу-хаёлларимга бой озуқа берди.

Бу воқеа, бу қисқа фурсат болалигимдаги энг бахтли лаҳза эди. Бу ҳақда шунинг учун ҳикоя қиляпманки, токи сен, мени билмасанг ҳам, ёнгинангдаги инсон ҳаёти қандай ёниб, адо бўлаётганини, ниҳоят, ҳис қила олгин. Мен мана шу ва бошқа, афсуски, даҳшатлироқ бир воқеа ҳақида сўзлаб беришни истардим. Илгари айтиб ўтганимдек, сени деб ҳамма нарсани унутгандим, онамни ҳам пайқамасдим ва ҳеч кимга, ҳеч нимага эътибор бермай қўйган эдим. Ёши ўтган бир жаноб, инсбруклик савдогар, онам томонидан узоқ бир қариндошимиз бизникига тез-тез келадиган ва узоқ ўтириб кетадиган бўлиб қолди; мен буни пайқамасан бўлсам-да, қайтанга севиндим, чунки у баъзан ойимни театрга олиб тушар, мен эса, ўзим ёлғиз қолиб, сен ҳақингда бемалол хаёл суриб, сени пойлаб, кузата олардим, бу эса мен учун бирдан-бир, ягона, олий бахт эди. Шундай кунларнинг бирида онам мени қандайдир тантанаворлик билан ўз хонасига чақириб қолди ва мен билан жиддий гаплашиб

олиши кераклигини айтди. Шунда юрагим қаттиқ уриб, рангим оқариб кетди – бирон нимани сезиб, шубҳаланиб қолмадимикан мабодо? Миямга келган биринчи фикр сен ҳақингда, сен билан боғлиқ эди. Бироқ онамнинг ўзи паришон кўринарди; меҳрибонлик билан мени бир неча бор ўпди (ҳеч қачон бунақа қилмасди), ёнига – диванга ўтқазиб, бева қариндоши оила қуриши ҳақида таклиф қилгани ва у, асосан мени деб, сўзини ерда қолдирмасликка қарор берганини қизарганича тутила-тутила айта бошлади. Онамга фақат биргина фикр, сен ҳақингдаги фикр билангина жавоб қайтаролдим. «Шу ерда қоламизми, ахир?» – аранг сўрай олдим. «Йўқ, Инсбрукка кўчиб кетамиз. У ерда Фердинанднинг ажойиб вилласи бор». Бошқа сўз қулогимга кирмади. Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Кейин билсам, ҳушимдан кетибман. Онам эшик ортида кутиб турган бўлажак ўгай отамга бирдан ўзимни четга олиб, қўлларимни силтаб кўтарганимча, полга йиқилганимни паст овозда гапириб бераётганини эшитиб қолдим. Тез кунда нималар бўлганини, мен бечора бола катталарнинг ҳар нарсага қодир иродасига қарши қандай курашганимни сенга тасвирлаб беролмайман. Ҳатто ҳозир, бу ҳақда ёзаётганимда ҳам қўлим қалтирайди. Мен ўз сиримни ошкор қилолмасдим, шунинг учун қаршилигим шунчаки инжиқлик, сержаҳл қайсарлик бўлиб туюларди. Ҳеч ким мен билан ортиқ гаплашмай қўйди, ҳамма иш менга билдирмай, орқаваротдан қилина бошланди; ҳар куни, уйга келгач, яна бир буюм сотилгани ёки олиб кетилганига кўзим тушарди. Хонадонимиз кўз ўнгимда вайрон бўлиб борар, у билан бирга менинг ҳаётим ҳам барбод бўлаётганди ва бир куни уйимизга мебелни ўраб-жойловчи ишчилар келиб, ҳамма нарсани ташиб кетганини билиб қолдим. Бўм-бўи хоналарда жўнатишга тайёрлаб қўйилган сандиқлар ҳамда онам ва мен учун иккита йиғма каравот турарди: биз бу ерда яна бир кечани ўтказиб, эрта-лаб Инсбрукка жўнаб кетишимиз лозим эди.

Сендан узоқда яшаёлмаслигимни мана шу сўнгги кунда тўла ва яққол тушуниб ўйладим; умуман, ана шу тушкунлик дамла-

рида оқилона фикр юрита олармидим-йўқми, буни мен ҳеч қачон билолмайман, ўшанда онам қаёққадир чиқиб кетди – шунда бирданига ўрнимдан ирғиб туриб, мактаб кийимимни ечмаёқ олдинга бордим. Йўқ, бормадим, аллақандай енгилмас куч мени эшигинг томон судрарди; мен дир-дир титраб, увишиб қолган оёқларимни аранг босардим. Мен ҳамма нарсага – нимани хоҳлаётганимни ўзим аниқ билмасдим – оёқларингга йиқилиб, мени уйингда хизматкор, чўри қилиб олиб қолишингни ялиниб, илтижо қилиб сўрашга тайёр эдим! Ўн беш яшар қизалоқнинг савдойилигидан куласанми, деб қўрқардим; бироқ, азизим, агар сен ўшанда совуқ майдончада қўрқувдан қалт-қалт учиб, шундай бўлса-да, қандайдир сирли кучга бўйсуниб, титраб турган қўлимни гўё танамдан узиб олгандек бўлиб, анча вақт давом этгандек туюлган қисқа шафқатсиз курашдан сўнг қўнғирогинг тугмачасини босишга журъат этганимни билганингда, кулмаган бўлардинг. Қўнғироқнинг ўткир жаранги шу кунгача қулогимдан кетмайди, ундан кейинги сукунат-чи, юрагим уришдан тўхтагудек бўлиб умидланиб, диққат билан йўлингга қулоқ солганларимни айтмайсанми!

Лекин сен чиқмадинг. Ҳеч ким чиқмади. Афтидан, уйда йўқ эдинг, Йоҳанн эса нималарнидир харид қилгани кетганди, чамаси. Битта-битта қадам босиб, хароб бўлган, ҳувиллаган хонадонимизга қайтдим, қулоқларим остида ҳамон қўнғироқ жаранги аксадо берарди, ҳолсизланиб, қандайдир бўхчага туртиниб йиқилдим. Тўрт қадам юриб, қалин қорда бир неча соат юргандан ҳам кўпроқ чарчадим. Бироқ ҳеч нарсага қарамай, мени бу ердан олиб кетмасларидан бурун сени кўриши, сен билан гаплашиши истаги тобора дадилроқ ва қатъийроқ авж ола бошлаганди. Онт ичаман, менда бошқача ҳеч қандай фикр йўқ эди, мен ҳеч нимани билмасдим, чунки сендан бошқа ҳеч нима ҳақида ўйламасдим; мен фақат сени кўришни, яна бир бор кўришни, яқинлигингни ҳис қилишни истардим. Туни бўйи, мана шу узоқ, даҳшатли тун бўйи мен сени маҳтал бўлиб кутдим, севгим! Онам ўринга ётиб, уйкуга кетиши биланоқ

сездирмай даҳлизга чиқиб, келяпсанми-йўқми, қулоқ сола бошладим. Бутун тун бўйи, январ ойининг муздек совуқ тунда бедор кутдим.

Мен чарчагандим, бутун аъзойи-баданим зирқираб оғрирди, ўтириш учун ҳатто стул ҳам йўқ эди; шунда мен шартта муздек полга ётиб олдим, энди эшик остидан ҳам қаттиқ совуқ кирарди. Қаттиқ полда юпқагина кўйлакда ётардим – ҳатто адёл ҳам ёпинмабман, сабаби исигач, мудраб қолиб, қадамларингни эшитмай қоламанми, деб кўрқибман. Ҳаммаёгим оғрир, кўлларим қалтирар, титраб-қақшаб, оёқларимни йиғиштириб ўтирардим; бу даҳшатли қоронги хона шунақа совуқ эдики, лоақал оз-моз исиниб олиш учун дам-бадам ўрнимдан туришимга тўғри келарди. Бироқ мен кутардим, сени ўз тақдиримдек кутардим.

Нихоят – чамаси, соат икки ёки учлар бўлса керак – пастда эшик тарақлагани ва зинада қадам товушлари эшитилди. Шу ондаёқ совуқни сезмай қолдим, қизиб кетиб, астагина эшикни очдим, шу лаҳзада пешвоз чиқиб, оёқларингга йиқилишига тайёр эдим... Эҳ, ўшанда мен, эси йўқ бола, нима қилишимни ҳам билмасдим. Қадамлар яқинлашиб келарди, шам ёруғи кўринди. Қалтираган кўйи эшик тутқичини ушлаб турардим. Бу сенмидинг ёки бошқа бировмиди?

Ҳа, бу сен эдинг, азизим, аммо ёлғиз эмасдинг. Асабий бўғиқ кулги, шойи кўйлак шитирлаши ва пичирлаганингни эшитиб турардим – уйга аллақандай аёл билан қайтаётган эдинг...

Ўша кечани қандай ўтказдим, билмайман. Эрталаб соат саккизда мени Инсбрукка олиб кетишиди; ортиқ қаришлик кўрсатишига мадорим қолмагани.

Болам кеча оқшом ўлди – агар менга яна яшаиш nasib этган бўлса, мен энди яна якка-ёлғизман. Эртага қора кийинган бегона, бетакалуф одамлар келишади, ўзлари билан тобут олиб келиб, унга боламни, бечора, якка-ю ягона фарзандимни солишади. Эҳтимол, дўстларим ҳам ҳозир бўлишар, гулчамбарлар опкелишар, аммо тобут олдида гулларга на ҳожат? Менга тасалли бе-



ришади, аллақандай сўзларни, сўзларни, сўзларни гапиришади; лекин булардан менга не наф? Биламан, барибир яна ўзим якка-ёлғиз қоламан. Одамлар орасида ёлғиз қолишдан кўра даҳшатлироқ нарса йўқ, ахир. Мен буни ўшанда, Инсбрукда ўтказган ўн олти ёшимдан ўн саккизгача бўлган охир-поёни йўқ ўша икки йил мобайнида ҳўрланган одамдек яшаганимда билганман. Жуда оғир, вазмин, камгап ўгай отам менга яхши муносабатда бўларди; онам, худди билмасдан қилган гуноҳини текисламоқчи бўлгандек, барча хоҳиш-истакларимни муҳайё қилар эди; ёш-яланглар кўнглимни овлашга ҳаракат қилишар, мен эса уларни қандайдир қатъий қайсарлик билан рад этиб, ўзимдан нари қочирардим. Сендан узоқда бахтли бўлишини истамасдим, мамнун бўлишини хоҳламасдим. Мен ўз-ўзимни азоблаш учун ёлғизликнинг зимистон оламида атайлаб ўралашиб қолгандим. Менга атаб олинган янги кўйлақларни киймасдим; концерт ва театрларга бориш, боғ сайрларида иштирок этишдан бош тортардим. Уйдан ташқарига деярли чиқмасдим, ишонасанми, севгим, бутун икки йил мобайнида ўзим яшаган мана шу кичкина шаҳарчанинг ўнтача кўчасини ҳам билмасам керак. Қайғурганим-қайғурган эди, дард-аламнинг ҳар томчиси баттар таъбимни бузарди, сени кўролмаётганим – кўнглимдан чиқариб бўлмайдиган мусибатимни баттар кучайтирар эди. Бундан ташқари, ўз эҳтиросимдан алаҳситишларини истамасдим, мен фақат сен билан андармон бўлиб яшашни тилардим. Уйда ёлғиз ўтириб, бутун кунлар мобайнида ҳеч нарса қилмасдим, фақат сени ўйлардим, сен ҳақингдаги минглаб майда хотираларни, ҳар бир учрашувни, ҳар бир кутган онларимни бир-бир эслайверардим; бу барча майда, аҳамиятсиз воқеаларни ўз тасаввуримда худди саҳнадагидек ижро этардим. Ўтган дамларни бетўхтов эслаб, ёдлайверганимдан, бутун болалигим хотирамда шу қадар ёрқин муҳрланиб қолганки, ўша олис йилларда бошимдан ниманики кечирган бўлсам, барчасини худди кечагина бўлиб ўтгандек, ҳамон аниқ ва равшан, энтикиб ҳис қиламан.

Ўша пайтда фақат сен билангина андармон бўлиб яшардим. Барча китобларингни сотиб олардим; номинг газетада тилга олинган бўлса, бу мен учун байрам эди. Ишонасанми, мен барча китобларингни ёддан биламан, уларни қайта-қайта ўқиб чиққанман. Агар мени кечаси уйғотиб, хоҳлаган сатрингни ўқиб беришса, мен уни ҳозир, орадан ўн уч йил ўтгандан сўнг ҳам тутилмай давом эттириб кетишим мумкин; ҳар бир сўзинг мен учун бамисоли Инжил, бамисоли дуодир. Бутун дунё мен учун фақат сен билангина мавжуд эди; Вена газеталарини фақат концерт ва премьераларнинг қайси бири сени жалб қила оларкин, деган ўй билан ўқирдим, кеч тушгач эса сенга узоқдан туриб ҳамроҳлик қилардим: мана, сен залга кириб, ўз жойингга ўтирясан. Бунини мен минг марталаб ўзимча тасаввур қилардим, чунки атиги бир мартагина концертга тушганингни кўргандим.

Лекин буларнинг барчаси ҳақида, ёлғиз қизалоқнинг асабий, фоживий, бемақсад ўз-ўзини азоблаши ҳақида гапириб ўтиришининг нима кераги бор, ҳеч қачон ҳеч нимадан шубҳаланмаган кимсага бу ҳақда сўзлаб беришдан не наф? Қолаверса, мен ўшанда ҳали ҳам бола эдимми? Мен атиги ўн етти-ўн саккиз ёшга тўлгандим, кўчада йигитлар менга кўз ташлай бошлагандилар, аммо бу нарса фақат жаҳлимни чиқарарди, холос. Сендан бошқа бирор кимсага нисбатан муҳаббат ёки ишқ ўйини – бу мен учун ақлга сизмас, бўлиши мумкин бўлмаган нарса, бу ҳақда биргина ўйлашининг ўзини ҳам мен хиёнат деб ҳисоблаган бўлардим. Қизгин муҳаббатим барқарор вафоли бўлиб қолаверарди, аммо болалигим ниҳоясига етгач, ҳис-туйғулар уйғониши билан у янада оташин, аёлларга хос латиф ҳамда дунёвий бўла борди. Беихтиёр ҳаяжонга берилиб, эшигинг олдида қўнғироқ чалган қиз бола тушуниб етмаган нарса энди бирдан-бир ўй-хаёлимга айланди: ўзимни сенга бағишлаш, инон-ихтиёримни сенга топшириш.

Атрофимдагилар мени қўрқоқ деб ўйлашар, одамёввойи деб аташарди, чунки мен тишларимни маҳкам қисиб, сир сақлардим. Бора-

бора менда темирдек мустаҳкам қатъият етила борди. Барча ўй-фикрларим ва интилишларим энди бир нарсага қаратилганди: Венага, сенинг ҳузурингга қайтиш. Хулқ-атворим нақадар беъмани ва ғалати туюлмасин, ўз мақсадимга эришдим. Ўгай отам бойбадавлат одам эди, у мени ўз қизидек кўрарди. Лекин мен ўз тирикчилигимни ўзим ўтказаман, деб сўзимда қаттиқ туриб олдим ва ниҳоят, Венага қайтиш насиб этди: бир қариндошимизнинг тайёр кийимлар дўконига ишга кирдим.

Туманли куз оқишомида – ниҳоят, ниҳоят! – Венага етиб келгач, биринчи навбатда қай тарафга йўл олганимни сенга айтиб ўтиришим керакмикан? Жомадонларни вокзалда қолдириб, трамвайга сакраб чиқдим – назаримда, у судралиб борарди, ҳар бир бекат қонимни қайнатарди – ва эски уйимиз томон ошиқдим. Деразаларингда чироқ ёниқ экан, буни кўриб қалбим сел бўлиб кетди. Шунақанги совуқ ва беъмани шовқин-сурони билан қулоқни қоматга келтириб қарши олган шаҳар мана, энди жонланган, яқинлигини ҳис этиб, эндигина жоним кирганди. Мен олисда, тоғлар, водийлар ва дарёлар ортида сенга бегона эканлигимни англамаган эканман, мана, энди сендан чақноқ нигоҳимни ёритилган юққагина ойна ажратиб турарди, холос. Мен ҳамон интиқланиб юқорига қарардим; у ерда ёруғлик, қадрдон уй, сен, бутун олам мужассам эди. Мана шу фурсатни икки йил орзу қилгандим, мана, энди у менга тортиқ қилинди. Деразанг остида узоқ давом этган, илиқ, зуборли бутун оқшом бўйи чироқ ўчмагунча турдим. Шундан сўнгина янги турар-жойимни излаб кетдим.

Ҳар оқшом деразанг тагида шундай муштоқ кутдим. Соат олтигача дўконда банд бўлардим, ишим оғир, машаққатли эди; аммо мана бу беором машғулотдан хурсанд эдим, чунки у мени ботинимдаги қийнаб, азоб берадиган безовталикдан чалгитарди. Ортимдан темир эшиклар шарақ-шуруқ ёпилди дегунча, уйинг томон югурардим. Сени ақалли бир марта узоқдан бўлса ҳам кўриш, чехрангга назар ташлаш, сен билан учрашиш бирдан-бир тилагим эди. Орадан бирор ҳафта ўтди чамаси, ниҳоят, мен сени учрат-

дим, ўзим кутмаган ҳолда, тасодифан учратиб қолдим. Мен уйинг олдида, деразаларингга қараб турардим, худди шу дақиқада сен кўчани кесиб ўтдинг. Шунда мен яна ўн уч яшар қизалоққа айландим – ёноқларимга қон гупиллаб урилганини ҳис қилдим ва беихтиёр, ўзимда нигоҳингни ҳис этишидек зўр истак-иштиёққа хилоф равишда, бошимни қуйи солиб, ёнингдан ўқдек учиб ўтиб кетдим. Кейин эса мана шу иродасизларча қочишимдан ўзим уялдим – ахир, мактаб ўқувчиси эмасдим ва нимани хоҳлаётганимни яхши билардим: узоқ давом этган қайғу-ҳасратли йиллардан сўнг сен билан учрашишни истардим, мени билишингни, менга эътибор бериб, мени севиб қолишингни хоҳлардим.

Бироқ сен, гарчи ҳар оқшом бадан-баданан ўтиб кетадиган қаттиқ Вена бўрони ва шамолига қарамай кўчангда турсам-да, узоқ вақтгача мени сезмадинг. Баъзан сени соатлаб беҳуда кутардим, баъзан эса, ниҳоят, оиналаринг ҳамроҳлигида чиқиб келардинг, икки марта аёллар билан бирга кўрдим; шунда энди қизча эмаслигимни яна бир бор ҳис қилдим. Қандайдир янгиликни, сенга бўлган муҳаббатимдаги аллақандай ўзгаришни кашф этдим; сен билан бемалол қўл ушлашиб бораётган бегона аёлни кўрдим дегунча, қўққисдан қаттиқ оғриқ пайдо бўлиб, юрагимни тилка-пора қиларди. Бу нарса мен учун кутилмаган воқеа эмасди: ахир, болалигимданоқ сеникига аёллар доим келиб туришини яхши биламан-ку. Аммо энди бу менга жисмонан озор етказарди ва бу ошкора, апоқ-чапоқ яқинликка ич-ичимдан ғайирлигим келарди. Бир куни – асли болаларга ўхшаб қайсар ва мағрур эмасманми, балки ҳозир ҳам шундайдирман – азбаройи аччигим чиққанидан уйингга бормадим; лекин ўша оқшом менга нақадар қуруқ, беъмани ва беҳуда бўлиб туюлганини билсанг эди! Эртаси куни эса мен яна деразанг остида итоаткорона турардим, мен учун берк бўлган ҳаётинг олдида бутун умрим бўйи қандай турган бўлсам, шу кўйи турардим.

Ва ниҳоят, сен менга эътибор берган ўшал оқшом келди. Сени узоқдан кўрдим ва сен билан бўлажак учрашувдан ўзимни олиб

қочмаслик учун бутун иродамни ишга солдим. Кўчага қандайдир аравадан юк туширишарди, шунинг учун ёнгинамдан ўтишингга тўғри келди. Сен менга бепарволик билан бир қараб қўйдинг, бироқ диққат билан тикилаётганимни сезганинг ҳамона, кўзларингда менга таниши бўлган ўша ифода пайдо бўлди – ў, буни эслаш мен учун нақадар даҳшатли! – бу ўша, аёлларга аталган, ёқимли, чулғаб оладиган ва айни пайтда киши ихтиёрини олиб қўядиган, ўтқир, мени – ёш қизалоқни қачонлардир севгувчи аёлга айлантирган ўша нигоҳ эди. Бу нигоҳдан яна бир сония кўз узолмай туриб қолдим – мана, ёнимдан ўтиб кетдинг. Юрагим шиддат билан урарди; бе-ихтиёр қадамимни секинлатиб, енгиб бўлмас қизиқувчанлик устун келдим, қайрилиб қарадим: сен тўхтаб, орқамдан қараб турардинг. Менга разм солиб қарашингдан дарҳол билдимки, мени танимадинг.

Сен мени на ўшанда, на кейин ҳам танидинг; сен мени ҳеч қачон билмагансан. Ўша дақиқада бутунлай ҳафсалам тир бўлганини сенга қандай баён қилсамийкин, азизим? Ахир, ўшанда тақдир мени неларга дучор қилганини илк бор бошимдан кечиргандим – сен мени бутун умр, ўла-ўлгунча танимай ўтдинг. Кўнгиш қолиши нималигини сенга қандай тасвирлай? Кўряпсанми, Инсбрукдаги икки йиллик ҳаётим мобайнида сен ҳақингда тинмай ўйлаб қилган бор-йўқ ишим Венадаги бўлажак учрашувимизни орзу қилишдан иборат бўлган экан, демак, кайфиятимга қараб, энг ёқимли суратлар қаторида ўзим учун энг ғамгин манзараларни ҳам чизган эканман. Барчаси хаёлдан бир-бир ўтганди; қайғули дақиқаларда сен мени ўзингдан қочириб, мендан нафрат-ла юз ўгириб кетишингни олдиндан сезгандим, чунки мен ҳаддан зиёд ҳақир, хунук, хира одамман. Сенинг совуқ муносабатинг, бепарволигинг, лоқайдлигинг сабаб бўлган барча азобларга хаёлан чидадим, аммо ҳаттоки муҳаббатингга номуносиблигимни чуқур ҳис қилган умидсизлик онларида ҳам энг даҳшатли, ўта кўнгишсиз нарса: дунёда мавжудлигимни умуман пайқамаганлигинг ҳақидаги фикрни мутлақо ха-

ёлимга ҳам келтирмадим. Мана, энди тушуняпман – о, сен мени тушунишга ўргатдинг! – эркак учун вояга етган қиз, аёл қиёфаси нақадар ўзгарувчанлик касб этаркан, чунки у кўп ҳолларда дам эҳтирос, дам болаларча инжиқлик, дам руҳий толиқишни акс эттирадиган нақ кўзгунинг ўзгинаси экан ва ана шу кўзгудаги акс янглиг хиралашиб, осонгина ёддан кўтарилар ҳам экан, шунинг учун эркак киши, агар йиллар аёл қиёфасидаги нур ва соялар ўйинини ўзгартирган, агар либос унга янгича рафтор бахш этган бўлса, уни таниши қийин кечган. Чинданам тақдирига тан берган одамгина доно ҳисобланади. Бироқ мен ҳали жуда ёш эдим ва сенинг фаромушхотирлигинг сабабини тушуниб етмасдим, бунинг устига, сен ҳақингда муттасил ўйлайвериб, сен ҳам мени тез-тез эслаб турасан ва мени кутяпсан, деган хаёл билан ўзимни алдаб юраверибман; ахир, мен сен учун ҳеч ким эканлигимни: мени бир зум бўлса-да, эслаб қўйиши ҳатто хаёлингга ҳам келмаслигини билмагандим, акс ҳолда қандай яшай олган бўлардим! Мени ёдингга соладиган ҳеч нарса, ҳаттоки ҳаётимни сен билан боғлаб турадиган ҳеч қандай ришта йўқлигини намоён қилган, нигоҳингда акс этган мана шу ҳақиқат – тақдиримдаги илк шафқатсиз зарба кўнглимдан кечган биринчи ҳодиса эди. Сен мени ўша сафар танимадинг. Орадан икки кун ўтиб яна учрашганимизда эса менга деярли танишдек қараб қўйган бўлсанг-да, бироқ барибир сени севган қизни эмас, балки бундан икки кун олдин худди ўша жойда учраган ўн саккиз яшар келишган қизни танидинг, холос. Сен менга ҳайрон бўлиб, очиқ чеҳра билан қараб турардинг, лабларингда енгил табассум ўйнардди. Сен яна ёнимдан ўтдинг ва худди аввалгидек, ўша заҳоти секинладинг, мен шодланганимдан титраб, гап бошлашингни кутиб, ичимда илтижо қила бошладим. Ўзим сен учун тирик мавжудот эканлигимни илк бор англадим; сендан қочмай, аста юравердим. Шунда тўсатдан ортимдан келаётганингни сезиб қолдим: қайрилиб қарамасам-да, ҳозир биринчи марта сўз қотишинг ва ёқимли овозингни эшитишимни фаҳмладим. Шу умидда донг қотиб қолгандим, юрагим

эса шунақанги дукиллаб урардики, сал бўлмаса, йўлимда тўхтаб қолаёздим, лекин шу дам сен етиб келдинг-да, мен билан қутилмаганда эмин-эркин ва қувноқ оҳангда гаплашиб кетдинг, гўё биз эски танишлар эдик – эҳ, ахир, мен ҳақимда ҳеч нарса билмасдинг, сен менинг ҳаётим ҳақида ҳеч қачон ҳеч нима билмагансан! – мен билан шундай дилбар гаплашардингки, ўзимда сенга жавоб қайтаришига ҳам куч тополдим. Кўчанинг у бурчига етиб борганимиздан сўнг бирга овқатланмаймизми, деб сўрадинг; «Майли», дедим орзиқиб, «Йўқ» дейишига қандай ҳам журъат қила олардим?

Мўъжазгина ресторанда иккаламиз кечки овқатни бирга едик – қаердалигини эслаёласанми? Э, йўқ, сен бу кечани шунга ўхшаши боиқаларидан фарқлай олмасанг керак, эҳтимол, негаки мен ўшанда сенга ким эдим ўзи? Юзтадан биттаси, тасодифий саргузашт, поёнсиз занжирнинг бир ҳалқаси, холос. Мени сенга яна нима ҳам эслата оларди? Мен деярли гапирмасдим, сен билан ёнма-ён ўтириши, овозингни тинглаш – бу жуда катта бахт эди. Мен бирорта ҳам қимматбаҳо лаҳзани бой бермаслик учун савол бериши, ортиқча сўз айтиб қўйишдан қўрқардим. Эъзозлаб кутган умидларимни қанчалик тўла-тўкис оқлаганингни, қанчалик сезгир, гамхўр, оддий ва табиий, ҳар қандай шилқимлик, суйиб-эркалашлардан холи, дастлабки дақиқаларданоқ эмин-эркин ва дўстона суҳбатлашиганингни ҳамиша миннатдорлик билан эслайман, агар барча ўй-хаёлларим билан, бутун вужудим билан сеники бўлмаган тақдиримда ҳам биргина шунинг ўзи биланоқ мени мафтун қилган бўлардинг. Эҳ, беш йиллик умидимни йўққа чиқармасдан, мен учун қандай буюк орзуни амалга оширганингни сен қаёқдан ҳам билардинг!

Ўрнимиздан турганимизда, алламаҳал бўлиб қолганди. Ресторандан чиқаётганимизда яна бироз вақтим бор-йўқлигини сўрадинг. Сен билан кетишига шай эканлигимни яшира олармидим?! Ҳали вақтим бемалол эканини тортинмай айтдим. Шунда сен, бир дақиқа тутилиб, бизникида гаплашиб ўтирмаймизми, деб

сўрадинг. «Жоним билан!» деганча ҳиссиётга берилиб жавоб бердим ва шу заҳоти шоиқалоқлигим сени ранжитмагани, хурсанд ҳам қилмагани, аммо ҳайрон қолдирганини аниқ сездим. Ўшанда ажабланганинг сабабини энди тушуняпман: биламан, аёллар одатда ичида жон деб турса ҳам ўз розилиklarини сир тутадилар, ўзларини қўрқайтган ёки даргазаб қилиб кўрсатадилар ва фақат қатъий илтимос, сўз бериши, қасам ҳамда ёлгон ваъдалардан сўнггина кўнадилар. Биламан, эҳтимол фақат муҳаббатни касб қилиб олганларгина, фақат фоҳишаларгина ёки жуда ёш, мутлақо тажрибасиз қизларгина шу хилдаги таклифларга дарҳол рози бўла қоладилар. Бироқ менинг жавобимда – бундан қандай шубҳа қила олардинг? – сўз орқали ифодаланган кучли ирода, юракни эзадиган минглаб оғир кунларнинг гам-алами мужассам эди. Ҳар ҳолда, қандай бўлмасин, менга қизиқиб, маҳлиё бўлиб қолдинг. Мени кўз қиринг билан қизиқсиниб кузатаётганингни сезиб турардим.

Нихоят, хонанга чиқдик. Сеникида тун бўйи қолиб кетдим. Эрталаб кетишга шошилдим. Дўконга ўз вақтида етиб боришим керак эди ва бундан ташқари, хизматкоринг келиб қолмасидан бурун кетишга аҳд қилгандим – у мени кўриб қолишини истамасдим.

Биз яна учрашишга келишдик. Мен келдим ва яна олам гулистонга эврилди. Сен менга яна бир, учинчи кечани ҳадя этдинг. Кейин жўнаб кетишинг кераклигини айтдинг – бу саёҳату сафарларни болалигимданоқ қандай ёмон кўрардим! – ва уйга қайтгач, дарҳол хабар беришга ваъда қилдинг. Мен сенга манзилимни бердим – йўқлаб олинадиган эди у; сенга исмимни айтишини хоҳламадим. Ўз сиримни ошкор қилмадим, хайрлашув олдидан яна атиргуллар ҳадя қилдинг – хайрлашув олдидан!

Болам кеча ўлди – бу сенинг ҳам боланг эди. Бу сенинг ҳам боланг эди, азизим – ўлим олдидан ёлгон гапирмайдилар.

Сен бечора нуридийдамизни билмасдинг – уни сендан яшириб келганимга бугун пушаймондаман, ахир, сен уни суйиб-эркалаган бўлардинг. Афсус, бечора ўғлимизни билмасдинг, уни ҳеч қачон



кўрмаган эдинг, жилмайишлари, ўйчан, қора кўзларини катта-катта қилиб очишларини кўрсанг эди – нақ сенинг кўзларинг! – улар қувончдан порлаб, мени ва бутун оламни мунаввар айларди. Эҳ, у шунчалик қувноқ, шунчалик ёқимтой эдики...

\* \* \*

Болам кеча ўлди, у бизники эди, энди бу ёруғ оламда сендан бошқа суянадиганим қолмади. Бироқ сен мен учун, мени ҳеч қачон билмайдиган, ёнимдан гўё тиниқ сувдек ўтиб кетадиган, мени тошдек босиб ўтадиган, ҳамиша ҳижрону абадий кутишларга дучор қиладиган сен кимсан ўзи? Ҳаётда мени сендек тутқич бермас бола ушлаб тургандек туюларди. Бу, ахир, сенинг боланг эди: у мени ташлаб, саёҳатга жўнаб кетди, у мени унутиб, қайтишни ҳам ўйламаяпти. Мен яна ёлғизман, ҳар қачонгидан ҳам ёлғизман, менда ҳеч нарса, сендан ҳеч нарса қолмади: на бола, на сўзлар, на сатрлар, ҳеч қандай хотира, агар сен исмиمنى эшитиб қолганингда ҳам, у сен учун ҳеч нимани англамайди. Нега энди ўзимга ўлим тиламайин, ахир, сен учун ўлган бўлсам, нега кетмайин, ахир, сен мени ташлаб кетган бўлсанг! Йўқ, азизим, мен таъна қилаётганим йўқ, қувонч тўла уйингга гам-аламимни тўкиб солмоқчи ҳам эмасман. Қўрқма, ортиқ хиралик қилмайман; мени кечир, болам ўлими боис бироз юрагимни ёздим, холос. Атиги бир бора айтишим лозим эди – ана ундан кейин яна зимистон ичра зойиб бўламан ва сенинг қошингда ҳар доим қандай сукут сақлаб келган бўлсам, шундай сукут сақлайман. Бироқ тирик эканман, нолаларимни қайтиб эшитмайсан, васиятномани, сени бошқалардан кўра кўпроқ севган ва сен ҳеч қачон танимаган, бутун умр сени кутган ва муҳаббатингга етишолмаган аёл васиятномасини ўлганимдан сўнггина оласан. Эҳтимол, балки ўшанда мени чорларсан ва шунда сенга бўлган садоқатимга илк бор путур етар: қабрда ётганимда сени эшитолмасман. Сен менга ҳеч нарса қолдирмаганингдек, мен ҳам сенга на сурат, на бирор хотира белгиси қолдиряпман; мени ҳеч қачон тани-

ёлмайсан, ҳеч қачон. Ҳаётда қисматим шундай экан, қазойим ҳам шундай бўла қолсин. Сўнги дамда сени чақирмайман, мен кетяпман ва сен менинг на исмимни, на чеҳрамни билоласан. Осонгина жон бераман, буни узоқда туриб ҳис қилолмайсан. Ўлимимдан озор чекадиган бўлсанг, жон узолмасдим.

Ортиқ ёзолмайман... бошим зилдек оғирлашиб кетди, бутун аъзойи-баданым зирқираб оғрияпти, ёниб кетяпман... озгина чўзилмасам бўлмайди, шекилли. Эҳтимол, ҳаммаси тугар, балки тақдир раҳм қилар ва фарзандимни олиб кетаётганларини кўрмасман... Ортиқ ёзолмайман... Хайр, азизим. Алвидо, раҳмат сенга. Нимаики ўтган бўлса, ҳаммаси жойида, мен сендан сўнги нафасимгача миннатдорман. Мен яхшиман – мен бор гапни айтиб бўлдим, энди биласанки, йўқ, сени қанчалик қаттиқ севганимни энди-энди англаяпсан, айни пайтда севгим малол келмайди. Энди йўқлигим билинмайди – бундан кўнглим таскин топди. Гўзал, ёруғ ҳаётингда ҳеч нарса ўзгармайди... ўз ўлимим билан уни хиралаштирмайман... бу менга тасалли беради, азизим.

Бироқ энди тугилган кунингда сенга оқ атиргулларни ким... ким юборади? Эҳ, гулдон бўш қоладиган бўлди, у ҳаётимнинг йилда бир эсадиган енгил эпкени эди, энди у ҳам йўқ бўлади! Азизим, қулоқ сол, сендан илтимос... Бу биринчи ва сўнги илтимосим... мен учун адо эт: ҳар йили, тугилган кунингда – атиргул харид қил-да, кўк гулдонга солиб қўй. Шу ишни қилгин, азизим, шундай қилгинки, гўё бошқалар ўтган азиз кишиларига йилда бир маросим уюштириларига ўхшаб кетсин. Лекин мен ортиқ Худогога ишонмай қўйдим ва маросимларни ҳам хоҳламайман, мен фақат сенга ишонаман, мен фақат сени севаман ва фақат сен билан яшашни истайман... Эҳ, йилда атиги бир мартагина, кўринмасдан ва оҳистагина, гўё шундоқ ёнгинангда тургандек... Илтимос, йўқ дема, севгим... бу менинг биринчи ва охирги илтимосим... раҳмат сенга... сени севаман, севаман... алвидо...

\* \* \*

У, қўллари қалтираб, мактубни четга олиб қўйди. Сўнг ўйга чўмганча, узоқ ўтирди. Қўшни қиз ҳақидаги, тунда ресторанда бирга бўлган аёл ҳақидаги ғира-шира воқеалар элас-элас эсига туша бошлади, бироқ улар сув остидаги тош каби ноаниқ, мубҳам, узуқ-юлуқ, айқаш-уйқаш хотиралар эди. Соялар бирин-кетин липиллаб кўринар ва йўқоларди, қиёфа эса ҳадеганда намоён бўлавермади. Тасаввурида бир нималар ғимирлар, бироқ у нима ҳақда, буни эслай олмасди. Буларнинг барчасини қаттиқ уйқу орасида, тушида, фақат тушида кўргандек туюларди.

Тўсатдан нигоҳи ёзув столи устида турган кўк гулдонга тушди. Гулдон бўм-бўш, кўп йиллардан буён туғилган кунда биринчи марта бўм-бўш турарди. У чўчиб тушди: кўққисдан кўринмас эшик очилиб, сокин хонага ўзга оламдан совуқ шамол бостириб киргандек туюлди. Ўлимнинг совуқ нафаси ва абадий муҳаббатнинг қайноқ тафтини ҳис қилди; қалбида нимадир уйғониб, ўтган умри ҳақида ўйлади, у гўё шарпани эслатар, олисда янграган мусиқага ўхшар эди.





## *Жеймс Жойс*

*(1882 – 1941)*



*XX аср модернизм адабиёти даргаларидан бири Жеймс Жойс Дублин яқинидаги Ратгар шаҳарчасида таваллуд топган. Ижодкор фикри, гоёси, қолаверса, дунёқарашини ифода этишининг умум-эътироф қилинган услубларини рад этган Жойс ўзининг билим даражаси, илмий ва маданий савияси ўлароқ, «Навқирон санъаткорнинг сийрати», «Улисс саргузаштлари», «Финнеган маърақаси» «Дублинликлар», «Камер мусиқаси» каби қатор бошқотирмаларга, жумбоқларга, турфа ранг ва хилма-хил афсонавий, рамзий, мажозий маънолар, жаҳон адабиёти намуналаридан олинган ўнлаб персонажлар, юзлаб келтирилган иқтибослар ва аллюзиялар, турлитуман тиллар қоришмасидан ҳосил бўлган ўзига хос «алкимёгарлар филологияси»га, матнлар замиридаги матнга, шунингдек, билимнинг турли соҳаларидан олинган маълумотлар хазинасига айланган асарлар яратган.*

### **ЭВЕЛИН**

Эвелин дераза олдида шом қоронғуси кўчани қандай забт этаётганига қараб ўтирарди. У боши билан дераза пардасига суялиб олган, димоғи чанг босган газлама ҳидини туярди. У чарчаганди.

Кўчадан бир неча йўловчи ўтди. Охирги уйда яшайдиган киши ҳам уйи томон кетди. Эвелин унинг семон йўлкада тўкиллашиб қадам ташлаганини, кейин эса янги қизил уйлар олдидаги тошқол тўшалган йўлакни шиғирлатиб ўтганини эшитди. Илгарилари бу жойлар яланглик эди. Улар ҳар куни кечқурун шу эгасиз бўш ялангликда бошқа болалар билан ўйнашарди. Кейин белфастлик бир киши бу жойни сотиб олиб, уч-тўртта уй қурдирди. Ялтироқ томли, ғиштдан ясалган қизил рангли бинолар уларнинг пасткам кулранг кулбаларига ўхшамайди. Кўчанинг болалари – Дэвинлар, Уотерлар, Даннлар, кичкина Кео майриқ, Эвелин ва унинг ака-укалари, сингиллари шу ялангликда бирга ўйнашарди. Лекин Эрнест ўйинга кўшилмасди, унинг бўйи чўзилиб қолганди. Отаси тоғолчадан ясаб олган таёғини кўтариб, нукул болаларни ялангликда қуваларди. Ҳар сафар кичкина Кео сергак туриб, отасига тақлид қилиб қичқириб унинг келаётганини билдиришга улгурарди. Барибир ўшанда ҳартугул яхши яшашарди. Ўша пайтлари отаси ҳозиргидек баджаҳл эмас, онаси ҳам ҳаёт эди. Ҳаммаси ўтиб кетди. Эвелин ҳам, ака-ука ва сингиллари ҳам вояга етди, онаси вафот этди. Тиззи Данн ҳам ўлди, Уотерлар эса Англияга қайтиб кетишди. Ҳамма нарса омонат. Энди Эвелин ҳам бошқаларга ўхшаб уйдан кетмоқчи.

Уй! У хонага разм солиб, бунча чанг қаердан кираркан, деб ажабланди, шунча йиллардан буён ҳар ҳафта чангини артиб, тозалаб кўядиган, кўзига сингиб қолган буюмларга қаради. Бир куни уларни ташлаб кетиши хаёлига ҳам келмаганди, балки энди бу буюмларни ҳеч қачон кўрмас. Ахир, шунча йиллар ўтиб ҳам у бузук мусиқа асбоби устида, авлиё Маргарита-Мария Алакокнинг<sup>1</sup> номига битилган шаҳодатномаларнинг рангли тошбосма лавҳаси ёнида осифлик – сарғайиб кетган суратдаги руҳонийнинг исм-шарифини билолгани йўқ. Руҳоний отасининг мактабдош дўсти эди. Отаси ҳар гал келган меҳмонга суратни кўрсатиб беписанд оҳангда: «У ҳозир Мелбрунда», деб кўярди.

<sup>1</sup> *Маргарита-Мария Алакок* (1647–1690) – роҳиба, католик черковидаги энг машҳур маросимлардан бири – Муқаддас юрак ибодатининг асосчиси.

Эвелин уйини ташлаб кетишга рози бўлди. Бирок бу ақлданми? У вазиятни ҳар тарафлама ўйлаб кўришга уринди. Нима бўлганда ҳам бошпанаси бор, ейдиган нони беминнат, атрофида умр бўйи бирга яшаб келаётган жигарлари бор. Тўғри, уйда ҳам, ишда ҳам тинмай азият чекишга мажбур, албатта. Дўкондагилар унинг бегона бир йигит билан қочиб кетганини билишса, нима дейишаркан? Аҳмоқ экан, дейишса керак; кейин эълон бериб, ўрнига бошқа одам топишади. Мисс Гэйвен хурсанд бўлади. У доим Эвелиндан айб кидиради, айниқса, кимдир эшитиб турган бўлса.

«Мисс Ҳил, кутиб турган хонимларни кўрмайсизми?»

«Тезроқ қаранг, Мисс Ҳил», қабилида туртиб қўяди.

Эвелин дўкондан кетаётганига афсусланмайди.

Унинг янги уйида, олисдаги номаълум мамлакатда ҳаммаси бошқача бўлади. Кейин у – Эвелин турмушга чиқади. Одамлар унга ҳурмат билан мурожаат қиладиган бўлишади. Унга онасига муомала қилгандек қўпол муомала қилишмайди. Ўн тўққиздан ошганига қарамай, ҳатто ҳозир ҳам Эвелин баъзан отасининг кош-қовоғидан кўрқади. Юрагининг тез уриб кетадиган бўлиб қолганига ҳам шу сабаб эканини билади. Болалигида отаси уни, у қиз бола бўлгани учун, Гарри ва Эрнестни калтаклагандек қаттиқ калтакламасди, лекин охири пайтлари отаси мархум онасининг ҳурмати ҳақи уни урмаётганини таъкидлаб, пўписа қила бошлади. Ҳозир Эвелинни химоя қиладиган кимса йўқ. Эрнест ўлган, Гарри эса доим шаҳар ташқарисида, церковларни безаш билан кун кўриб юради. Устига-устак, ҳар шанба оқшоми пул устида бўладиган жанжал Эвелиннинг тинкасини қурита бошлаганди. У доим ишлаб топгани – етти шиллинг<sup>1</sup> бус-бутун ўртага ташлайди. Гарри ҳам топган-тутганини жўнатади, лекин отасидан пул олиш ўлимдан оғир. Отаси пулни бекорга совуриясан, сенда мия йўқ, деб ўшқирар, тер тўкиб топган пулни кўчага сочиб келишга йўл қўймаслигини айтиб, яна алламбалолар деб қизини койишга тушарди; ҳар шанба куни

---

<sup>1</sup> *Шиллинг* – Англия пул бирлиги.

кечкурун, айникса, унинг феъли буткул айнирди. Бироқ охир-оқибат у, барибир, Эвелинга пул бериб, якшанбага тушлик учун бирор егулик келтириш ниятинг борми, деб сўрарди. Шунда Эвелин оёғини қўлига олиб югурар, оломон орасидан туртиниб-суртиниб, қора чарм ҳамёнини қўлида маҳкам сиқимлаб бозор-ўчар қилар ва озиқ-овқатларни бир амаллаб кўтарганча, кеч кирганда уйга қайтарди. Эвелин рўзгорни тебратиш ва она меҳрига тўймаган икки норасидани вақтида едириб-ичириб, кечиктирмай мактабга жўнатиш учун кўп овора бўларди. Бу жуда оғир, сермашаққат ҳаёт. Лекин ҳозир уйни тарк этиб кетаётган паллада унга бу ҳаёт мутлақо нажотсиз бўлиб туюлмаётганди.

Эвелин Фрэнк билан бирга янги ҳаёт қурмоқчи. Фрэнк жуда меҳрибон, довюрак ва очиққўнгил йигит. Эвелин Фрэнк билан кечки кемада кетмоқчи, унга эрга тегиб, уларни кутиб турган Буэнос-Айресдаги уйда у билан бирга яшамоқчи. Фрэнкни биринчи марта учратганида қай ҳолатда кўрганини жуда яхши эслайди; йигит Эвелин баъзан кириб ўтадиган марказий кўчадаги уйда вақтинча яшаб турганди. Гўё бу кечагина, бир-икки ҳафта бурун бўлиб ўтгандек. Фрэнк дарвоза ёнида турганди, кепкаси энсасига сурилган, сочининг бир тутами куёшда мисранг тусга кирган юзига тушган. Кейин улар танишишди. У ҳар куни кечкурун Эвелинни дўконнинг олдида кутиб олиб, уйигача кузатиб қўя бошлади. «Лўли қиз»га<sup>1</sup> олиб тушганда эса олдин кўрмаган қулай ўриндиқларга жойлашиб ўтирган қизнинг боши осмонга етди. Фрэнк мусиқани жон-дилидан яхши кўрар ва баъзан ўзи ҳам хиргойи қилиб турарди. Одамлар уларнинг бирга юришганини билишарди ва Фрэнк «Денгизчининг қаллиғи»<sup>2</sup> деган ашулани айтганда Эвелин уялинқираб жилмаярди. Эвелинни ҳазиллашиб Қизғалдоқ, дерди Фрэнк. Бошида хуштор орттиргани Эвелинни ташвишга солди, лекин кейинчалик у Фрэнкка кўнгил

<sup>1</sup> Ирланд композитори ва опера кўшиқчиси Майкл Уилям Балфнинг (1808–1870) М. Сервантес новелласи сюжети асосидаги машҳур операси.

<sup>2</sup> Инглиз композитори ва драматурги Чарльз Дибдиннинг (1745–1814) ашуласи.

кўя бошлади. Фрэнк узоқ-узоқлардаги мамлакатлар ҳақида гапириб берарди. У денгизчиликни Аллен<sup>1</sup> йўналиши бўйича Канадагача сузиб борадиган кемада, ойига бир фунт эвазига дастёрликдан бошлаганди. У Эвелинга ўзи сузган кемаларнинг, денгиз йўлларининг номларини айтиб берарди. Бир пайтлари Магеллан бўғозида сузганди ва қизга қўрқинчли патагонияликлар ҳақидаги ривоятларни сўзлаб берарди. Ўзининг айтишича, у Буэнос-Айресда қўним топган, ватанига эса фақат дам олиш учун келган экан. Албатта, Фрэнк билан ўрталаридаги муносабатдан хабар топгач, отаси Эвелинга бу йигит билан гаплашишни тақиқлаб қўйди.

«Мен бу олифта денгизчиларни жуда яхши биламан», – деди отаси.

Бир куни отаси Фрэнк билан тортишиб қолди, шундан сўнг Эвелин севгилиси билан яширинча учрашиб юришга мажбур бўлди.

Кўчада қоронғулик қуюклашди. Эвелиннинг тиззасида ётган иккита хатнинг оқ доғлари чаплаша бошлади. Уларнинг бири Гаррига, иккинчиси отасига ёзилганди. Эвелиннинг Эрнестга меҳри бўлакча эди, лекин у Гаррини ҳам яхши кўрарди. Эвелин отасининг тез қариётганини ўйлади. У қизини соғиниб азобланади, албатта. Баъзан қария жуда меҳрибон бўлиб қолади. Яқинда Эвелин тоби қочиб бир кун уйда ётиб қолганида отаси унга арвоҳлар ҳақида хикоя ўқиб берди, кейин қизига ўчоқда бўғирсоқ пиширди. Бир сафар, онаси тириклигида, улар ҳаммаси бирга Хаут-Хиллга<sup>2</sup> дам олгани боришганди. Ўшанда отаси болаларини кулдириш учун онасининг шляпасини кийиб олганини у жуда яхши эслайди.

Вақт зиқ, шошилиши керак, лекин у ҳалиям дераза пардасига суялиб, чанг босган газлама ҳидини ҳидлаб ўтирибди. Кўчадан шарманка<sup>3</sup> овози эшитилди. Унга бу куй таниш эди. Қизик, шарманка Эвелинга иложи борица рўзгорга кўз-қулоқ бўлиб туриш ҳақида

---

<sup>1</sup> Англияни Канада ва АҚШ билан боғлайдиган денгиз йўли.

<sup>2</sup> Дублин бўғозидаги унча катта бўлмаган тоғ.

<sup>3</sup> Шарманка – қути шаклида, бураб чалинадиган мусика асбоби.



онасига берган ваъдасини эслатиб кўймоқчидек айнан бугун оқшом куй таратаётир. У бетоб онасининг охирги тунини эслади. Эвелин дахлизнинг нариги тарафидаги қоронғи, дим хонада ўтирганди. Ташқаридан италянча ғамгин куй эшитилди. Шарманкачига майда пул бериб ҳайдаб юборишди. Эвелин отасининг: «Лаънати италянлар! Шу ергаям етиб келишибди!» – дея ғўддайиб бемор ётган хонага кирганини эслади.

У онасининг манглайига тамғадек босилган уқубатли турмуш ҳақида ўйлади. Мудом йўқотишу етишмовчиликлар билан ўтган бу умр охир-оқибат онасини ақлдан оздирганди.

«*Derevaun Seraun! Derevaun Seraun!*»<sup>1</sup>

Онасининг бу гапни телбаларча ўжарлик билан қайта-қайта айтган овозини эшитиб, Эвелин сесканиб кетди.

Кутилмаганда уни ваҳима босиб, ўрnidан сапчиб турди. Қочиш керак! Қочиши керак! Уни Фрэнк қутқаради. У Эвелинни бахтли қилади, эҳтимол, меҳр-муҳаббатини ҳам аямас. Унинг яшагиси келади. Нега энди у бахтсиз бўлиши керак? Бахтли бўлишга ҳаққи бор-ку! Фрэнк уни қўлидан маҳкам тутади, бағрига босади. У Эвелинни қутқаради.

Эвелин Норт-Уолдаги бандаргоҳда, бесаранжом оломон орасида турарди. Фрэнк унинг қўлидан ушлаб олганди. У оғзи тинмай қизга сафарлари ҳақида бир нималарни қайта-қайта тушунтирарди. Бандаргоҳ жигарранг халта кўтарган аскарларга тўла. Эвелин кенг бино эшиги орқали қирғоққа қадалиб турган, қалин ойнали дарчалари ёруғ кеманинг ҳайбатли қорасини кўрди. Эвелин оғиз очмади. Ёноқларидан қони қочиб, юзи оқариб кетганини ҳис этди ва иккиланиш умидсизликдан чарчаб, тўғри йўлни кўрсатишини, бурчидан огоҳ этишини сўраб Худога ёлворди. Кема қоронғи осмонга қарата узок, мунгли гудок берди. Агар Эвелин кетса, эртага Фрэнк билан денгизда, Буэнос-Айресга қараб сузаётган бўлади. Улар кемага патта олишган. Фрэнкнинг шунча яхшиликларидан кейин у ортга чекиноладими? Умидсизлик юрагини алағда қилиб, Эвелиннинг кўнгли

<sup>1</sup> «Рохатнинг охири – азоб!» (ирланд тилида бузиб айтилган).

айний бошлади, лекин у пичирлаганча бор кучи билан Худога ёлво-ришда давом этди.

Кўнгиروق жаранги юрагини тилиб юборгандек бўлди. У Фрэнк кўлини сиққанини пайқади.

*«Кетдик!»*

Дунёдаги жамики денгизлар гўё Эвелиннинг юрагида кўпириб тошаётгандек бўлди. Фрэнк уни ўша денгизлар қаърига тортқилаёттир. Уни чўктириб юборади. Эвелин икки кўли билан темир тўсиққа ёпишиб олди.

*«Кетдик!»*

*Йўқ! Йўқ! Йўқ! Бунинг иложи йўқ.* Қиз титраб-қақшаб темир тўсиқни маҳкам чангаллаб олди. Денгизлар қаърига азобли фарёдини отди.

*«Эвелин! Эви!»*

Фрэнк тўсиқни ошиб ўтиб, Эвелинни чақирди. Йигитга тезроқ кемага чиқиб олиши кераклигини айтишди, лекин у тинмай қизни чақирарди. Эвелин худди чорасиз қолган жонивордек докадек оқариб кетган юзини йигит томонга бурди. Қизнинг нигоҳидан унинг Фрэнкка муҳаббатини ҳам, видолашаётганини ҳам, уни илғаётганини ҳам билиб бўлмасди.



**Жуброн Халил**  
**Жуброн**  
(1883 – 1931)

---



*XX аср араб адабиётининг йирик вакили Жуброн Халил Жуброн Лубнон пойтахти Байрутда зиёли оиласида туғилган. Унинг оиласи мустамлакачилар таъқибидан қочиб, АҚШга кўчиб кетади. Жуброн Халил мусофирликда яшаб, араб, инглиз, француз тилларида ижод қилди. Санъатни яхши тушунган америкалик бадавлат зиёлilar, биринчи галда Элизабет Хаскел хоним ёш шоирнинг Францияда Нафис санъат академиясида ўқишига ёрдам беради. Жуброн Халил хорижда қийинчиликда яшаса ҳам ўз ватани ва халқининг, умуман араб халқларининг миллий озодлиги учун курашди, ўзи ҳам ватан рамзига айланди. Шоир қисқа умри давомида жуда баракали ижод қилди. У «Кўзёши табассуми», «Бўронлар», «Пайгамбар ҳикматлари», «Оҳанглар», «Мажнун ривоятлари» каби насрий шеърлари – мансуралари, бадиалари билан араб адабиётини яна янги юксақларга олиб чиқди. Шоирнинг Исо Масиҳ, Абул-Аъло ал-Мааррий, Ибн Сино, Ғаззолий, Ибн ал-Фаридга бағишлаган бадиалари жаҳоннинг турли тилларига таржима қилиниб, шўрат топди.*

## БЎРОНДА ҚОЛГАН ҚУШ

1

Лубнон шимолида, Кадаш водийсига яқин тоғ ёнбағрида тошдан қурилган бир хароба кулба бор; унда серғалва одамлардан узоқлашиб, ёлғизликка, узлатга чекинган, ўттиз ёшлардаги донишманд дарвеш Юсуф ал-Фахрий яшайди. Теварак-атрофдаги кишлоқларда яшовчи одамлар бу дарвешнинг кимлигини, қандай одамлигини билолмай ҳайронликда қолган. Баъзилар айтадики: «Бу дарвеш бой-бадавлат, насл-насабли оиладан. Севгилиси бевафолик қилгани учун дунё ишларини тарк этиб, ёлғизликдан ором излайди». Бошқалар фикрича: «У – шоир, хаёлпараст, дунё ғалваларидан, хархашаларидан узоқлашиб, ўз фикр ва туйғуларини шеър қилиб қоғозга тўкади». Яна баъзилар айтишича: «У – зоҳид, покдомон сўфий, дунё ҳаётидан юз ўгириб, тариқатга берилган». Баъзилар наزاریда эса у – Мажнун.

Мен бу фикрларнинг биронтасига ишонмай, ўзимча: «Инсон қалби, руҳий олами нақадар сир-синоатларга бой, турли гумон ва тахминлар билан сирларнинг тагига етолмаймиз», дея ўйладим.

Аммо шу одам билан кўришиб, суҳбатлар қуришни орзиқиб кутардим.

Икки марта унга дуч келиб, қандай яшашини, кўнглида қандай ниятлари борлигини билишга қизикдим. Аммо у менинг саволимга бир-икки совуқ қараш билан, менсимайгина бир-икки сўз билан жавоб қайтарди.

Биринчи марта уни эманзор ўрмончада учратдим ва одоб, тавозеъ билан салом бердим. У саломимга фақат бош ирғаб алик олди ва шошиб узоқлашди.

Бошқа сафар уни тош кулба яқинидаги узумзорда кўриб, яқинига бордим ва сўрадим:

– Эшитишимча, бу ҳужрани ўн тўртинчи асрда насронийлар қурган эканлар, ҳазратим, сиз бу ҳақда нималарни биласиз?

Дарвеш кўпол жавоб қилди:

– Хужранинг қачон қурилганини билмайман, билишни ҳам истамайман. Менга бунинг аҳамияти йўқ. Бунга қизиксанг, катта онангдан сўра, эҳтимол, бу водий тарихини у яхши билар.

Бу сўзлардан хижолат бўлиб, узоклашдим, бу холимдан уялиб кетдим.

Орадан икки йил ўтди ҳамки, бу одамни, унинг сирли оламини билишга қизиқишим тобора ортиб борарди.

## 2

Куз кунларининг бирида тоғ ёнбағридаги майсазор қирларда айланиб юрган эдим, тўсатдан бўрон туриб, жала қуя бошлади. Мен гўё денгиз ўртасида шафқатсиз бўронда қолган, рули синиб, елканлари йиртилиб, пачоқланаётган кеманинг аҳволига тушдим. Дарвешнинг хужраси томонга югурдим. Бўронда қолганим, жалада шалаббо бўлганим ул зот билан танишувимга узрли баҳона бўлса керак, деб ўйладим.

Хужрага уст-бошим ивиб, бир аҳволда етиб бордим. Эндигина эшикни тақиллатмоқчи эдим, дала тарафдан дарвеш келиб қолди – унинг қўлида қанотлари қайрилган, патлари хурпайган, юраги кинидан чиққудай типирчилаётган қушча бор эди. Саломдан сўнг:

– Безовта қилганим учун маъзур тутинг, ҳазратим, бўрон, жалада қолдим, уйим бу ердан олисда, – дедим.

Дарвеш қошларини чимириб, менга қаттиқ тикилди ва яна кўполлик билан:

– Атрофда жуда кўп унгулар ва ғорлар бор, биронтасига беркиниш мумкин эди, – деди.

У шундай дер экан, қўлидаги ожиз қушчанинг бошини шу қадар меҳрибонлик, ҳамдардлик билан силардики, одамда бир вақтнинг ўзида ҳам қаҳр, ҳам меҳр бўлиши мумкинлигидан лол қолдим. Ўйларимни уққандай, дарвеш юзимга синчковлик билан тикилди ва киноя қилди:

– Бўрон ачиган таомни емайди, ундан кўрқиб қочишнинг ҳожати йўқ эди.

Мен ҳам ҳазил қилдим:

– Тўғри, бўрон ачиган таомни ҳам емайди, аммо унга ҳўл ва совуқлик ёқаркан, мени яна бир марта тутса, ямлаб ютади.

Дарвешнинг чехраси очилди ва:

– Агар бўрон сенинг бир парча этингни еса, иззатинг ошиб кетар эди, – деди.

– Тўғри айтасиз, мен бундай лаззатга лойиқ эмасман, деб остонангизга бош уриб келдим.

Дарвеш табассумини яшириш учун юзини ўгирди, сўнг олов яқинига қўйилган тош ўчоққа ишора қилиб:

– Ўтир, кийимингни қуришиб ол! – деди.

Ташаккур айтиб, у кўрсатган жойга ўтирдим. Дарвеш қаршидаги қоятошга йўнилган супачага ўтирди, сопол пиёладаги эритилган ёғдан бармоғининг учида олиб, қушчанинг қаноти ва бошчасига авайлаб сурта бошлади. Сўнг менга қараб:

– Бу майна бўронда қолиб қояга урилиб, ҳушсиз ётган экан, – деди.

– Ўша шамол мени ҳам сизнинг қулбангиз томон улоқтирди, лекин қанотларим синганми, бошим ёрилганми, ҳали билганимча йўқ.

Дарвеш менга диққат билан қаради ва:

– Қанийди, одам қушга сал ўхшаса! Қанийди, бўрон одамларнинг ҳам қанотини синдириб, бошларини ёрса! Йўқ, одамзод кўрқоқ, у сал бўрон турса, бирор унгури ё чуқурга ўзини уриб, яширилади, – деди.

Сухбатни давом эттириш учун фикримни айтдим:

– Тўғри, қушлар баъзи жиҳатдан одамлардан афзалроқ, қушларнинг айрим фазилатлари одамзодда йўқ. Лекин одамлар ўзлари тўқиб чиқарган қонун-қоидаларнинг қафасида яшайдилар. Қушлар эса Ернинг Қуёш атрофида айланишидек, фақат табиат қонунларига амал қиладилар.

Дарвешнинг кўзлари чакнади, чехраси очилди, кўз олдида муносиб шогирди пайдо бўлгандай эди.

– Тасанно! – деди у. – Агар ўзинг ҳозир айтган сўзларингга ишонсанг, нопок қонун-қоидалар, бўлмағур анъаналар билан яшаётган одамларни тарк эт, улардан олисроқда, еру осмон қонунлари ҳукм сураётган жойда яшагин.

– Ишонаман, устоз, бу сўзларим ҳақиқат эканига ишонаман.

Дарвеш ўжарлик ва қатъият билан қўлини кўтариб, ўз фикрини яна таъкидлади:

– Эътиқод, ишониш бошқа, унга амал қилиб яшаш бошқа нарсадир. Баъзи одамлар гапирганда денгиздай тошқин, аммо уларнинг ҳаёти ботқоққа ўхшайди. Кўпчилик одамларнинг боши осмонда, аммо кўнгиллари қоронғу тоғ ўнгириларидай мудраб ётади.

Шу сўзлар билан дарвеш шошиб ўрнидан турди ва менинг сўз айтишимга ҳожат йўқ, дегандай қушчани авайлаб, дераза тоқчасидаги чопон устига қўйди. Қуруқ шох-шаббаларни ўчоқдаги оловга ташлаб:

– Пойафзалингни еч, оёғингни қуришиб ол, – деди. – Рутубат одам учун зарарли. Кийимингни яхшилаб қуришиб ол, тортинма.

Оловга яқинроқ бордим, ҳўл чопонимдан буғ кўтарила бошлади. Дарвеш эшик остонасида турганча, кулба ташқарисида қутураётган бўронни томоша қиларди.

Бироз жимликдан сўнг сўрадим:

– Сиз бу ерда кўпдан бери яшайсизми?

У менга қарамай жавоб берди:

– Мен бу ерга келганимда Ер юзи тўфон суви остида, қоронғуликда қолган, ҳаммаёқ вайрона эди. Сув устида фақат илоҳий руҳлар парвоз қиларди.

Жим қолдим. Кўнглимда: «Бу ғалати одам экан-ку, гапларини ҳам тушуниш қийин», дер эдим. Аммо суҳбатни давом эттиришни, дарвешнинг кўнгил оламида нелар борлигини билишни истардим: «Майли, у менга осмондан қарамай, хайрихоҳ бўлгунича сабр билан кутаман».

Тун тоғлар узра қора қанотини ёйди. Шамол янада кучайди. Ёмғир челақлаб куйгандай авжига чикди. Гоҳо бутун борликни сув босадигандай, иккинчи марта оламшумул тўфон келгандай эди. Бу тўфон гўё Ер юзидаги турли нопокликларни ювиб, тозалаш учун келгандай кўринарди. Табиатнинг бу ғалаёни Юсуф ал-Фахрийнинг кўнглида хотиржамликни кучайтирди. У денгиз тўлқинлари сохилга урилишини писанд қилмаётган метин қояни эслатарди. Кўнглида менга нисбатан совуқлик ўрнини илиқлик эгаллади. Устоз ўрнидан туриб, иккита шам ёқди. Сўнг дастурхон ёзиб, бир кўза май ва нон, пишлок, асал, қуруқ мевалар солинган товоқни қўйди.

– Бор-йўғим шу, биродар. Меҳмон бўл, шуларни баҳам кўрайлик, – деди.

Биз индамай, шамолнинг увлаши ва ёмғирнинг йиғлашига қулоқ солиб, тановул қилдик. Онда-сонда мезбоннинг юзига кўз ташлаб, кўнглида қандай мақсад ва армонлар борлигини билишга кизиқар эдим.

Мезбон дастурхонни йиғиштириб, ўчоқдан мис чойнакни олди ва ундаги қуюқ, хушбўй қаҳвадан пиёлаларга тўлатиб қўйди. Сўнг чиройли бир қутичани олиб, атри анқиб турган сигараларни очиб қўйди.

– Биродар, қани, марҳамат, – деди.

Мен ажабланган ҳолатда, кўзимга ишонмагандай, қаҳва билан сигарани кўлимга олдим.

У кўнглимдаги таажжубни сезиб, бош чайқаб, жилмайди. Сўнг сигарани тутатиб, қаҳвадан бир хўплаб:

– Ташландиқ кулбада май, тамаки ва қаҳва бўлиши сени хайрон қолдирмоқда. Бу ерда ширин таом ва юмшоқ тўшак борлигидан ҳам ажаблангандирсан. Хайрон қолишинг табиий, чунки сен ҳам, кўпчилик қатори, одамлар жамоасидан қочиб хилватга чекинган дарвеш оддий ҳаёт ноз-неъматларидан ҳам ўзини тияди, деб ўйлайсан, – деди.



– Тўғри, – дедим, – биз ўйлаймизки, дунё ҳаётидан воз кечиб, ўз умрини Худои таоло хизматига бағишловчи одам дарвешларча яшаб, ҳаёт қувончлари ва ноз-неъматларидан воз кечиб, қурук нон, сувга ва кўкатларга қаноатланиб яшайди.

– Одамлар жамоасида яшаб ҳам Ҳақ таолога хизмат қилса бўлаверади, – деди дарвеш. – Ҳақ йўлга кириш учун чўлу биёбонларга чиқиб, ёлғиз яшаш шарт эмас. Мен отамнинг уйида ҳам, бошқа жойларда ҳам ҳақ йўлни топишим мумкин. Одамлар орасидан кетишимнинг сабаби шуки, уларнинг ахлоқи ва яшаш тарзи, орзу-ҳаваслари менга тўғри келмайди, менинг хулқим ва орзу-ҳавасларим ҳам уларга кўра терс. Одамлар орасида яшаётганимда сездимки, менинг ҳаётим чархпалаги ўнгга айланса, уларнинг чархпалаги чапга айланади. Шаҳарни тарк этганимнинг сабаби шуки, назаримда, шаҳар – катта, йўғон, қари дарахтга ўхшайди, унинг илдизлари қоронғу ер қаърида чириган, бутоклари осмонга бўй чўзган; гуллари – очофатлик, ёвузлик ва жиноятдир, мевалари – қайғу, кулфат, ташвишлардир. Баъзи оқиллар бу чириган дарахтга янги кўчат бутоғини улаб, уни яшартиришга уриндилар, аммо бу мақсадларига етолмай, қувғинга, қамоқлар ва хор-зорликларга учраб, ўлиб кетдилар.

У фикрларимни тушунаптими, дегандай менга боқиб, ўчочқа яқинроқ сурилиб, сўзида давом этди:

– Йўқ, мен фақат тоат-ибодат учун, тарки дунё учун хилватда яшашни ўйламадим. Ибодат – дил тўридан чиқувчи муқаддас наво, нола. Бу нола шаҳарда ҳам, минг-минг одамларнинг дод-фарёди, шовқин-сурони орасида ҳам Худога етиб боради. Таркидунёчилик, инсоний истак-эҳтиёжларни йўқ этиш баданга жабр-зулм қилишдир. Менинг эътиқодимда таркидунёчиликка ўрин йўқ. Чунки Ҳақ таоло инсон баданини руҳни сақловчи маскан, макон қилган экан, вужуд ҳам соғлом, покиза, бақувват бўлиши зарур. У илоҳий руҳни асрашга муносиб бўлиши керак. Йўқ, биродар, мен тоат-ибодат учунгина тоғу тошларни ихтиёр этганим йўқ. Бу ерларда ёлғиз яшаганимнинг боиси одамлардан, уларнинг қонунларидан, таълимот-

ларидан, расм-русумлари, урф-одатларидан, бўлмағур ғояларидан, шовкин-сурони, жанжал, низоларидан қутулишга интилганимдир. Кўпчилик одамлар кўнгилнинг бебаҳо гавхари бўлган иймонини, виждонини сотиб, эвазига ундан қиммати камроқ ва аҳамиятсизроқ нарсаларни қўлга киритишга уринадилар. Бундай одамларнинг юзларини кўрмасам дейман.

Аёлларнинг кўпчилиги юзини, кўзу қошини бўяб, одамларга табассум ва ноз-карашма қилиб, ўзларини кўз-кўз қиладилар, кўнгилларида фақат пул, мол, дунёнинг ишқи. Шундай аёлларни кўрмасам дейман.

Яна баъзилар, чаласавод бўлсалар ҳам, тушларида билимларнинг соясини кўриб, менга Худо барча билимларни берди, дея комил инсонликка даъво қилиб, ҳақиқатнинг бир синиқ парчасини олий ҳақиқат деб ўйлашади. Бундаин шон-шухрат изловчиларни ҳам кўргим келмайди.

Яна баъзилар эса, ўзлари кўпол-у, лекин хушмуомалали одамни заиф; сабр-бардошли, андишали одамни кўрқоқ; ўз кадрини билувчиларни мутакаббир, деб ўйлайдилар. Бундайларга мослашиб яшаш жуда оғир. Бойлар, бойваччалар ўзларини шу қадар қудратли деб биладиларки, назарларида ўз мол-дунёлари билан куёшни осмонга чиқарадилар, чўнтаклари билан истаган вақтларида куёшни ботишга мажбур қиладилар. Баъзи сиёсатчилар эса миллатлар, халқларнинг орзу-армонларини кўғирчоқ қилиб, найрангбозликлар қиладилар.

Булар олтин чангларини пуфлаб, миллатнинг кўзини кўр қиладилар, баландпарвоз сўзлари билан халқнинг кулоғини қар қиладилар. Баъзи руҳонийлар ўзлари ишонмаган охиратга қавмларини ишонтирмоқчи бўладилар, ўзларига раво кўрмаган машаққатларни қавмларига раво кўрадилар. Мен ана шулардан узоқда яшашни истайман.

Бу одамларнинг менга «ғамхўрликлари» юрагимни қон, кўз ёшимни равон қилган. Улар ривожланиш, тараққиёт, тамаддун деб атайдиган баланд ва муҳташам бино бегуноҳ одамларнинг бош чаноқларидан тикланган. Мен бундай тараққиётдан нафратлана-

ман. Назаримда, фақат одамлардан узоқда вужуд ва рух, тил ва дил эркин ҳис этади ўзини. Мана шу тоғу тошларда, кимсасиз даштларда тинч, осуда ҳаёт, қуёш нури, гул-чечаклар ифори, анҳор ва жилғаларнинг жилдираши дилни равшан қилади. Баланд тоғларда баҳор тароватини, ёз қизгинлигини, куз тўкин-сочинлигини, киш совуқлигини аниқ ҳис этади одам. Мен шу хароба кулбада бу дунё ва охиратнинг сирларини тушунишга интиламан...

Юсуф ал-Фахрий елкасидан тоғ ағдарилгандай, енгил нафас олди, кўзларида ғалати, сеҳрли ёрқинлик бор эди, чехрасида инсоний ғурур, ирода ва куч-ғайрат акс этарди.

– Ҳақ сўзларни айтдингиз, ҳожам, – дедим ҳаяжон билан, – сиз заковатли шифокор каби жамиятни қандай касалликлар адои таъмом қилаётганини аниқ ташҳис қилдингиз. Лекин шифокорнинг ваъзифаси беморни ўз ҳолига ташлаб қўйиш эмас-ку?! Дунё сиз каби шифокорларга муҳтож, беморга фойдангиз тегишини била туриб, уни тарк этиш адолатдан эмас-ку?

Дарвеш бир неча лаҳза менга диққат билан қараб турди, сўнг алам ва дард билан сўзлади:

– Бу дунёни не-не шифокорлар дардлардан халос қилишга уриндилар, баъзилар енгилроқ дорилар билан, баъзилар жарроҳлик билан жамиятни соғайтирмоқчи бўлдилар. Э, бу мангу бемор, у ўзининг маънавий ботқоқликдан иборат ўрин-тўшагида жим ётса экан! Йўқ, у кўрпаси остидан ифлос қўлларини чиқариб, ҳар қандай шифокорни тутиб, бўға бошлайди. Бу маккор бемор ўзини тузатмоқчи бўлган не-не шифокорларни ўлдириб, сўнг «О, нақадар буюк инсон эди бу шифокор!» дея, уни мақташини эшитганимда жоним ҳалқумимга келади. Йўқ, бу бемор жамият ўз фойдасини билмайди. Одамлар фойдали деб ўйлаган нарсаларнинг кўпчилиги рух учун зарарлидир. Энг миришкор, доно деҳқон ҳам киш фаслида тақир далада ҳеч нарса ўстиролмайди.

– Киш фасли ўтади, ҳожам; киш кетидан баҳор келиб, борлиқни гуллашиб, яшнатади; дала-қирларда гуллару чечаклар очилади, водийларда сойу жилғалар шарқираб оқади...

Дарвеш қошларини чимирди ва хўрсинди:

– Қанийди, Худо инсоният ҳаётини ҳам табиат ҳаёти қонуниятларига мувофиқ қилиб яратилганини билсак... Минг йиллар ўтиб, руҳ ва ҳақиқат йўлидан борувчи янги авлодлар келармикан? Аллоҳ кундузи ёруғлик, кечаси ором бергани учун шукрона айтувчи, эзгу ишлари билан шон-шухрат топувчи одамлар пайдо бўлармикан? Қачон келаркин бундай замонлар? Наҳотки, бундай меҳр-шафқат замони келгунича Ер одамларнинг қонига ташна бўлса?

Дарвеш ўрнидан туриб, хонада у ёқдан-бу ёққа юраркан, афсус билан:

– Булар барчаси хаёллар, – деди. – Бу фақирона кулбада одамиёт муаммоларини ўйламасдан ҳам яшаш мумкин. Бу ерларда ҳар бир ғор, ўнгирада, ҳар бир тошда, тепада, тоғ ва дараларда ҳақиқат илмини топиш мумкин. Бу ерда инсондай яшаш, ўз меҳнатинг билан ҳалол ризқ топиш, ўзинг ясаган хумда етилган узум шаробини топиш мумкин. Бошқача айтганда, одамзод бу ерда умрининг охиригача ҳалол яшай олади.

Дарвеш у ёқдан-бу ёққа юриб сўзларкан, инсониятни ерга урувчи бу сўзлар замиридаги аламли маъноларни уқишга интилардим.

– Устоз! Сизнинг ёлғизликда яшашингизни ҳам, ҳаётнинг маъноси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни ҳам ҳурмат қиламан. Лекин, фикри ожизимча, сиз одамлар орасида яшасангиз, миллатнинг маънавий уйғонишига, кўзи очилишига нафингиз тегарди.

Дарвеш бош чайқаб:

– Йўқ, бу миллатнинг бошқа миллатлардан фарқи йўқ, – деди. – Дунёдаги барча одамларнинг асл ният-мақсадлари, табиати, феъл-атворлари бир хил. Улар уст-либослари билан бир-биридан фарқланади, бу эса муҳим эмас. Шарқ миллатлари ҳам, Ғарб миллатлари ҳам тараққиётга эришяпмиз, деб ўзларини алдайдилар. Аслида шарқликлар ҳам, ғарбликлар ҳам мунофиқ, риёкор, алдоқчи бўлиб қолдилар. Мунофиқликни, ёлғонни ҳар қанча чиройли қилиб

безатсалар ҳам моҳияти ўзгармайди. Ёлғончилар атлас, шойи либослар кийиб, саройларда яшасалар, ростгўй бўлиб қолмайдилар. Алдамчилар қатор<sup>1</sup> да ёки ҳаво шарида саёҳат қилгани билан ҳақгўй бўлиб қолмайди. Очофат одамлар тарозида тортишни яхши ўрганиб олсалар, инсофли бўлиб қолмайдилар. Жиноятчилар заводда ишлайдими, идорада хизматчими – барибир ҳалол одамга айланмайди.

Ҳозиргиларнинг мол-дунёга, мансабдорларга куллиги, ўтмишдаги одамларнинг куллиги, турли таълимотларга, урф-одатларга қул бўлиш, ўлиб кетган одамларга қул бўлиш – барибир қуллик. Буларнинг барчаси қиёфасини ва либосини ўзгартирган қуллардир. Биз эркин яшаймиз, деб юрганлар ҳам кимларгадир қул бўлиб яшайдилар.

Йўқ, биродар, Ғарб одами Шарқ одамидан ўзиб кетгани йўқ. Шарқ одами ҳам Ғарб одамидан орқада қолаётгани йўқ. Бўри билан сиртлон ўртасида қандай фарқ бўлса, буларнинг ҳам бир-биридан фарқи шундай. Биз тушунмаган ғалати адолат қонунларига кўра, бадбахтлик, жаҳолат, нодонлик барча халқларга тенг тақсим қилиб берилган. Булар бир-бирига зулм қилмаса ҳам ўз золимлари томонидан эзилади.

Дарвешнинг бу фикрларини тушунишга қийналиб қолдим.

– Демак, устоз, тараққиёт ва у билан боғлиқ барча нарсалар бейфойда экан-да?

Юсуф ал-Фахрий жаҳл билан:

– Ҳа, бу одамларнинг тараққиёт деганлари найрангдан бошқа нарса эмас, – деди. – Ихтиролар ва кашфиётлар зерикишдан ва дангасалиқдан келиб чиққан ақл ўйинларидир. Тоғларни, водийларни текислаб, йўлларни яқин қилиш, денгизлар ва тоғларни ўзгартириш – жуда катта муваффақият эмас, булар одамнинг руҳини юксалтирмайди, кўзни ва кўнгилни қувонтирмайди. Одамлар турли фанлар ва ҳунарларни билиб, ҳаёт сирларини очаямиз, дея янглишадилар. Бу кашфиётлари ўзлари учун бир кун келиб қафасга айла-

<sup>1</sup> Бу ерда поезд англашилади.

нишини билмайдилар. Ер юзидаги барча орзу, ҳавас, уринишлардан одамзод руҳига наф йўк, одамзод дунёда фақат бир нарсага ихлос қўйса, дард чекса, интилса арзийди...

– У нима экан, устоз? – сўрадим шошиб.

Дарвеш бироз сукут сақлаб, кўзларини юмди, қўлларини кўксига қўйди, чеҳраси ёришди ва майинлашди, сўнг овози титраб:

– Одамзод кўнглининг уйғониши, – деди. – Астойдил маънавий уйғониш эса таҳсинга лойиқдир. Ўйламай яшаётган одам қалбининг қоронғулиғи эзгу фикр билан ёришуви, нурларга чўмилган, куй, наволарга кўмилган руҳнинг уйғониши зарур. Бу уйғониш Ер билан чексиз Самони бирлаштирувчи нур устунининг тикланишига ўхшайди. Бу – инсон қалбини лиммо-лим тўлдирган меҳр-шафқат туйғуси. Бу тиниқ туйғу тубанликларга қарши бош қўтаради, ўз йўлида қарши турган барча ёмонликларни рад этади, қоралайди, ўз сир-асрорларини тушунмайдиганларга қарши курашади.

Мен жамиятда, одамлар орасида, оилам, дўстларим, юртдошларим қуршовида яшаган пайтларимда бояги виждон, иймон туйғуси кўзимдаги кўринмас пардани олиб ташлади. Кўзим очилдию одамларга қараб, хайратдан ёкамни ушладим. Ё Раббий! Булар ким ўзи? Буларни қаерда учратганман, қаерда кўрганман? Мен буларнинг орасига қаердан келиб қолдим? Нима учун буларнинг мажлисларида ва суҳбатларида қатнашяпман? Мен уларнинг уйида бегонаманми? Ёки улар менинг уйимда бегонами? Ер юзи буларнинг уйими ёки Ерга келгиндими булар?

Дарвеш тўсатдан жим бўлиб қолди, гўё кўнглига хуш келмаган, гапиришга номуносиб қиёфалар кўз ўнгида соядай кўринганди. Сўнг у нимагадир қўл силтагандай, оҳиста хулоса қилди:

– Мана, тўрт йилдирки, мен одамлар билан гавжум оламини тарк этдим, мана шу тоғу тошларни ватан қилдим. Бу ерда одам ўзини тегтик ҳис қилади, фикрлашдан, бўрондан, сукунатдан хузур-ҳаловат топади.

Биз бўрон увлашига кулоқ тутиб, оҳиста гаплашардик. Юсуф ал-Фахрий у ёқдан-бу ёққа юриб, эшик олдига бориб, қоронғу олисларга тикиларди. Мен дарвеш руҳининг қаёқларга талпинаётганини билишга, сўзларининг маъносини, ёлғизликда топган хузур-ҳаловати ва изтиробларини тушунишга ҳаракат қилардим.

Ярим кечада у яқинимга келиб, мени охириги марта кўраётгандай, қалб сирини очган одамнинг қиёфасини эслаб қолмоқчидай, синчков тикилди ва хайрлашди.

– Бўронли кечада сайр қилишни хуш кўраман, – деди. – Ҳар йили кузда ва қишда тоғу даштларда сайр қилиб, кўнглимни очаман. Ана, қаҳва билан сигара, мусаллас ичгинг келса – кўзада. Ухлайман десанг, бурчакда тўшак, ёстик бор.

Шундай деб, дарвеш яшил чопонига яхшилаб ўранди, сўнг жилмайиб:

– Эрталаб кетаётганингда, илтимос, эшикни қаттиқроқ беркит. Мен эртага кун бўйи ёнғоқзор ўрмонда бўламан, – деди.

Сўнг эшик олдида турган узун ҳасса – таёғини олди ва илтифот қилди:

– Агар кейинчалик ҳам шу атрофда бўронда қолсанг, мана шу тошкулбага келавер. Аммо, умид қиламанки, келгусида бўрондан кўркмай, уни яхши кўриб қоласан. Хайрли тун, биродар!

Шундай дея Юсуф ал-Фахрий шошиб ташқарига чиқди.

Мен эшик олдига келиб, унинг қоронғулик қаърида кўздан ғойиб бўлганини кўрдим. Анча вақтгача оёқ товушлари эшитилиб, сўнг улар ҳам тинди.

\* \* \*

Тонг отди, бўрон ўтди. Булутлар тарқалди. Қуёш нурлари қоятошларда ва яқин ўртадаги ўрмонзорларда товлана бошлади. Мен тошкулба эшигини зич қилиб беркитдим. Бу ерни тарк этаркан-

ман, кўнглимда Юсуф ал-Фахрий айтган маънавий уйғонишнинг бир парчасини олиб кетаётганимни ҳис этдим.

Аммо одамлар орасига қайтиб, уйимдагиларни кўрганимда ўзимга-ўзим: «Ҳақ гап, маънавий уйғониш – одамзод учун энг муносиб, гўзал ҳолат, одам ғафлатда яшамаслиги керак, – дедим. – Лекин одамлар жамияти, тараққиёт ҳам инсониятнинг маънавий уйғониши эмасми? Биз тараққиётнинг борлигини қандай инкор қиламиз? Унинг борлиги ақлга мувофиқ эмасми? Эҳтимол, ҳозирги цивилизация – вақтинча, ўткинчи ҳодисадир? Ахир, вақтинча, тасо-дифий ҳодисалар абадий, олий ҳақиқатга элтувчи зинапоялар эмасми?»

Шундан кейин Юсуф ал-Фахрийни учратмадим. Куз охири-да мамлакатда аҳвол ўзгариб, Шимолий Лубнонни тарк этишимга тўғри келди. Мен бўронлар ўлкасидан олис бир мамлакатга бориб қолдимки, у ерда бўронлар жиловланган эди; дарвешлик, ёлғизликни иташ ҳам бу ерда жиннилик ҳисобланарди.





## Умар Сайфиддин

(1884 – 1920)



Умар Сайфиддин 1884 йилда Туркиянинг Гўнен шаҳарчасида дунёга келди. 1903 йилда ҳарбий мактабни тугатиб, 1908 йилга қадар Измир ва унинг атрофида зобит бўлиб хизмат қилди.

У бор-йўғи ўттиз олти йил умр кўрган. Бироқ шу қисқа умр давомида ундан мерос қолган асарлар ҳавас қилгуликдир. Умар Сайфиддин шеър битган, бадиий таржима билан шугулланган, аммо ҳикоялари кўпроқ шуҳрат қозонган.

Адиб ўзининг адабий-эстетик қарашлари хусусида тўхталиб бундай деган эди: «Адабиётга фақат санъат деб қарашларига мен мутлақо қўшилмайман. Ёзувчининг бурчи – инсон қалбида ёвузликка нисбатан нафрат туйғусини уйғотиш, уни ҳар хил пасткашликлардан асрашдир».

Умар Сайфиддиннинг дунёнинг турли тилларига таржима қилинган ҳикоялари мароқ билан ўқилади.

### ЭЛЧИ

Улкан гумбазли вазирлар саройининг салқин ва нимкоронғи мажлис толори одатдагидан сокин. Ташқарида баҳорий нафас. Бўзранг офтоб нурлари кошинларнинг яшил нақшларида товланади.

Парку ўриндикларга чўккан ҳорғин вазирлар оёқлари остида ял-ял ёнган гиламнинг турфа нақшларини томоша қилиш билан банд, мадорсиз кўли узун оппоқ соқолини тутамлаган шайхулаъзамнинг нурсиз кўзлари, гўё жуда олис ҳамда тушунарсиз нарсалар ҳақида ўй сураётгандек, бўшлиққа қадалган.

– Пошшолар, биз жасур бир инсонга муҳтожмиз, – деди у. – Эрон шоҳининг олтину олмос, зар либосларга бурканган элчиси подшоҳимизнинг кўлини ўпишга мушарраф бўлолмай, ул зоти олийларининг тиззасини ўпди, холос. Шубҳа йўқки, Эрон шоҳи ҳам бизнинг элчимизга худди шу йўсинда муносабатда бўлғай.

Вазирлар маъқуллади:

- Албатта.
- Турган гап.
- Шак-шубҳасиз...

Гумонлари вазирларнинг фикри билан ҳамоҳанг эканидан дадилланган шайхулаъзам энди сўзларини очиқроқ изоҳлашга ўтди:

– Алалхусус, элчилик қилгучи одам ўта жасур бўлмоғи, керак бўлса, ўлимга ҳам тик бормоғи шарт. У давлатимиз шаънига оғир ботгучи ҳар бир хатти-ҳаракатга қарши чикмоғи, ўлим таҳдид солиб турганда ҳам ҳақоратларга бўйин эгмаслиги лозим.

Барча унинг гапига кўшилди:

- Ҳа, ҳа!
- Ҳақ гап!
- Тўғри!

Шайхулаъзам соқол тутамлашни кўйиб кўлларини тиззаларига тиради, бошларида шукуҳли тожлар солланиб турган вазирларга бир-бир қараб чикди-да, сўзида давом этди:

– Бале, шундай экан, жасурини топинг. Мен бундай эрни на амалдорлар, на сарой ва на ҳатто мажлис аҳли ичинда учратдим. Сиз ҳам фикр қилинг.

Тақводор, тинчликсевар, беозор подшоҳ ҳукмдорлик қилаётган улкан давлатнинг кичик мияси ҳисобланмиш мажлис аҳли сукут-

га чўмганди. Элчини етти йилдан сўнг кўпдан-кўп кабиҳликлари учун турк султони Ёвуз томонидан оғир жазоланган Эрон шоҳи Исмоил Сафавий<sup>1</sup> ҳузурига жўнатиш лозим эди.

Турк Султони Боязид Вали табиатан ўта ювош эди. Ҳали тахт вориси экан, у от миниш, найза отиш каби ҳарбий машқлардан кўра кўпроқ китоб мутолаасини хуш кўрарди. Шеърятга ихлоси баланд, илоҳий фалсафага майл қўйган, уруш ва низолардан нафратланарди. Вазирлар суюкли подшоҳнинг тинчини бузмасликни ўзларининг олий бурчи деб билар, шунга қарамай, чегарада урушлар тўхтовсиз давом этарди. Босния, Валахия, Караман, Белград, Трансильвания, Хорватия, Венецияга кетма-кет қўшин тортилар; Модон, Корон, Зонки, Сантамавро<sup>2</sup> босиб олинган эди.

Истанбул фотиҳининг<sup>3</sup> истеъдоду қайсарлиги тахтга ўтирар-ўтирмас, «сояси ерга тушиб турибди» деган баҳона билан отасининг ҳайкалини олиб ташлашга фармон берган, сўнг макбул ишлар билан шуғуллана бошлаган такводор ворисида ҳам давом этаётган эди.

Бу истеъдод мангу олов, мангу руҳ каби ёниб, зулмат қаъридаги зиёдек нур таратиб турарди. Унинг вориси тинчликка интилса-да, ташвишларнинг чеки кўринмайдигандек эди. Энг аввало, мазлум Шарқ Эрон конхўрининг қиличи остида инграб ётарди.

Қулаб, кули кўкка соврилган Оққўйлилар салтанати харобаларида шоҳ Исмоил қароқчи давлат қуришга муваффақ бўлди. Йўлидаги биронта дарахтни ҳам айланиб ўтмаган бу зулмкор шоҳ ота-боболари қасосини олгани учун ҳам кибру манманликни қасб этганди.

Боязиднинг тинчликсевар, такводор вазирлари шоҳнинг бу ваҳшийликларини титроқ билан эсларди. Куни келиб бу ёвуз турк

<sup>1</sup> Шоҳ Исмоил 1502 – 1524 йиллар Эронда ҳукмронлик қилган.

<sup>2</sup> *Модон, Корон, Зонки, Сантамавро* – Болқондаги жой номлари.

<sup>3</sup> Сўз 1453 йилда Константинополни фатҳ этган турк султони Махмуд Иккинчи ҳақида бормоқда.

чегараларига ҳам хужум қилиб, шарқий вилоятларни босиб олиши мумкинлиги барчага аён эди. Ўтган йили у Зулқадрия<sup>1</sup> ҳокими Алауддавланинг қизини танмахрамликка сўради. Сўради-ю, Алауддавлдан рад жавобини олди. Жаҳолатга минган Исмоил кўшин тортди. У турк салтанати ҳудудларидан ўтиб, химоясиз Зулқадрия чегараларига хужум қилди, Диёрбакир, Харпут қалъаларини эгаллаб, Алауддавланинг ўғли ва икки набирасини асир олди (Алауддавланинг ўзи кишиетмас тоғларга қочиб жон сақлади). Шоҳ Исмоил бандиларни сихга тортиб кабоб қилишни буюрди, сўнг ҳеч тап тортмай ундан тановул қилди. Шарқда бундай даҳшатли воқеаларни илк бор эшитишлари эди. Уруш қилиш ниятидан йироқ подшоҳ Анқарага Яхё пошшо бошчилигида кўшин юбориш билан чекланди.

Лекин шоҳ қонхўрлигига яраша айёр ҳам эди. У Усмонли ерларидан бесўроқ ўтгани учун афу истаб, Истанбулга тез-тез элчи юбориб турди. Ўша замонлар Тразбон ҳокими бўлган валиаҳд Ёвуз отасидек сабрли эмасди: у Табриз чегарасидан ўтиб, Бойбурт ва Эрзинжонга қадар бўлган ерларнинг кулини кўкка совурди, ҳатто шоҳ Исмоилнинг укасини ҳам асир олди. Исмоил элчиси энди бу хужумдан норозилигини билдирмоқда, Усмонли тупроқларига қилинган тажовуз умуман турк салтанатига эмас, фақат Алауддавлага қарши қаратилганини исботлашга уринмоқда эди.

Бу кун мажлис аҳли маккор ва қонхўр Эрон шоҳи ҳузурига кимни элчи қилиб жўнатишни билмай танг қолганди. Чунки ўзини Усмонли султонига тенг қўйган, ҳатто Шарқда улкан салтанат қуришга муваффақ бўлган бу кибрли шоҳ элчини турли йўллар билан камситишга ҳаракат қилиши, қаршилик кўрсатгудек бўлса, қозикқа ўтқизиши, тириклайин терисини шилиб олиши, хуллас, ваҳшийларча ўлдириши мумкинлиги ҳар кимга кундек равшан эди.

---

<sup>1</sup> *Зулқадрия* – қадим Онадўлининг жануби-шарқидаги кичик давлат.

Шайхулаъзамнинг ўнг томонида қабр тошидек қимир этмай турган қизил тожли кавук<sup>1</sup> ҳаракатга келиб, аста шайхулаъзам тарафга бурилди.

– Бундай масъулиятли ишнинг уддасидан чиқадиган кишини биламан, – деди кавук кийган уламо. – Отаси кадрдон дўстим эди. Лекин у давлат хизматига киришдан қатъий бош тортган.

– Ким экан у?

– Муҳсин Чалабий.

Шайхулаъзам бу исмни илк бор эшитиб тургани учун ҳам сўради:

– Шу яқин атрофда яшайдими?

– Худди шундай.

– Касб-кори нима?

– У анча ўзига тўқ, деярли ҳар вақт китоб мутолааси билан машғул. Танимаслигингизга асос бор, афандим. Ном чиқарган хонадонларга асло қадамранжида этмас. Шухрат кетидан қувмайди-ганлар тоифасидан ул...

– Боиси не?

– Билмадим. Балки юксалиш муқаррар суратда кулаш билан интиҳо топишини англаб етганидандир...

– Ажаб...

– Лекин у жасур инсон. Ҳақ ишга жонини ҳам аямайди. Кўп бор ҳарб сафарларида қатнашган. Юзидаги чандиқлар шу сафарлардан ёдгор...

– Бундай ишга розилик беришига аминмисиз?

– Айтиш қийин.

– У билан кўришсак, алҳамдулиллаҳ, рози бўлғусидир...

– Чакиртирсангиз, ҳузурингизга келмасами, деган истиҳолам бор.

– Бу деганингиз не?

– Келмаслиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу дунёдан этак силтаган у. Унинг учун шоҳу гадо баробар.

<sup>1</sup> Кавук – султонлик амалдорларининг эски бош кийими.

– Ҳеч қурса, ватанини севар?

– Шак-шубҳа йўқ...

– Ундок бўлса, бу ерга уни ўз номимиздан эмас, Ватан номи ила даъват этурмиз.

– Уриниб кўрмоққа ижозат бергайсиз, афандим.

Шу оқшом шайхулаъзам ишбошисининг қўлига мактуб тутқазиб, Муҳсин Чалабийнинг Истанбулнинг Осиё қисми – Ускудордаги уйига жўнатди. Номада давлат миқёсидаги зарур маслаҳат юзасидан шайхулаъзам хузурига келиш илтимоси битилганди.

Муҳсин Чалабий келганини билдирганларида шайхулаъзам бомдод намозидан сўнг қасрнинг эрлар тарафидаги ҳинд матосидан тикилган оғир пардали, мўъжазгина нимқоронғи хужрасида котиби колдирган арзнамаларни ўқиш билан банд эди.

– Буюринг, кирсин, – деди у.

Икки дақиқа ўтар-ўтмас, нафис гавҳар кадамали нақшинкор эшикдан барқошлари остида шижоат тўла маънодор кўзлар чакнаб турарди. Одатда қурол осиб учун тақиладиган чарм камари бўш эди.

Атрофдагилар эҳтироми, хушомадию қуллуқларига ўрганиб кетган шайхулаъзам бир муддат бу одамнинг тавозе ила оёқлари остига бош қўйишини кутиб турди. У четлари залворли зардўзлик билан безатилган нафармон мато қопланган ўриндикда соф олтиндан қуйилган хайкалдек қотиб ўтирар, келгиндига таажжуб-ла бошдан-оёқ разм солиб сукут сақлар – қаршисида кўксини кериб, бошини тик тутиб турган одамни умрида илк бор кўриши эди.

Нокулай жимжитликни Муҳсин Чалабий бузди:

– Чақирган экансиз, афандим.

– Биласанми...

– Қулоғим сизда, афандим.

– Яқинроқ ўтир, ўғлим.

Муҳсин Чалабий хайикмай, кўрқмай шайхулаъзам ёнига келиб ўтирди. Шайхулаъзам эса ҳамон қўлидаги қоғозларни кўздан кечираётгандек бўлиб, «Ким экан ўзи бу? Телбамикан ё?» деган ўйни хаёлидан ўтказарди.

Бирок Муҳсин Чалабийнинг ақли расо, қолаверса, ҳеч кимга муте бўлмай яшаш учун етарли давлати ҳам бор эди. Унинг каттагина кўтони, Чамлижа ўрмони ортидаги ери манаман деган бойнинг мулкидан қолишмасди. У ҳалол яшар, ҳеч кимнинг олдида бўйин эгмас, камбағалу бечорага, касалманду бошпанасизларга ёрдам бериб келарди. Хонадонидан меҳмон аримасди. У художўй, аммо сира мутаассиб эмасди. Муҳсин Чалабий она юртини ҳаддан зиёд севар, ватанини Каъбадек муқаддас билар эди. Эътиқоди – Аллоҳдан ўзгасига сажда қилмаслик, қулнинг қўлига итоат этмасликдан иборат эди. Унинг фазилату илмига ҳайрон эдилар. Замондоши, таниқли олим Ибн Камол у ҳақда «Менинг устозим шу!» деганди. Муҳсин Чалабий биронта қасида ёзмаган ва ҳатто ўқимаган бўлса ҳам қалбан шоир эди. У қирқлардан ошган, аммо қаршисида намоён бўлган шон-шуҳратга элтувчи ҳеч бир йўлни танламаганди. У олтиндан жилоланган, ҳаворанг анвойи гуллар сочилган порлоқ бу йўлларнинг сўнгида инсонни аянчли ўлим кутажагини яхши биларди. Инсон – Аллоҳнинг ердаги элчиси, олий ва қудратли мавжудот, деб ҳисобларди у. Аллоҳ инсонни ўз фазилатлари билан сийлаган. Инсон – ҳар нарсадан юксак. Лаганбардорлик, хушомад – думини ликиллатиб хўжайинларнинг оёғини ялайдиган итнинг иши, асло инсоннинг эмас! Муҳсин Чалабий барча ҳақоратларга чидаб, эгилиб-букилиб шуҳрат чўққисига эмакляётган кибрли масҳарабозлардан, ер юзида илондек судралиб юрган ғурусиз бандалардан нафратини яширмасди. У бундай разолатни кўрмаслик учун ҳам инсонлардан узоқлашган, фақат уруш бўлгандагина камбағаллардан ташкил топган кўшинга раҳбарлик қилиш учун узлатни тарк этмоғи мумкин эди.

Муҳсин Чалабийнинг ўзини эркин тутиши шайхулаъзамни анча таажжубга солди, бирок ғазабини келтирмади.

- Биз Табризга элчи жўнатмоқ ниятидамиз. Боришга розимисан?
- Менми?
- Ҳа.
- Нима учун айнан мени танладингиз?

- Сендан ўзга муносиб одам тополмадик.
- Шу чокқа қадар давлат хизматига кирган эмасман.
- Сабаб?

Бироз сукутда қолган Муҳсин Чалабий жилмайди:

– Чунки мен бўйин эголмайман, қўлу либос четларини ўпишга одатланмаганман. Бугунги мансабдорлар ўз мавқеига эгилиб-букилиб, иккиюзламачилик ва хушомадлар ила қўлу этакни, ҳатто оёқларни ўпиб эришганлар. Уларнинг арзандаю яқинлари, улар хомийлигида кун кечираётган кимки бор – бари тубан иккиюзламачи, ахлоқсиз хушомадгўй, виждонсиз лўттибоз, жирканч текинхўрлардир. Атрофларида довьюрак, кадр-қимматини билувчи ҳалол инсонни кўрсалар борми, қутуриб, хусуматга тўлиб-тошиб, уни йўқ қилиш пайига тушадилар. Айтинг-чи, йўқса, Гедик Аҳмад<sup>1</sup> пошшонинг ўлимига сабаб не?

Шайхулаъзамнинг тишлари жипслашди, кўзлари қисилди, қўлидаги қоғоз ғижимланди. Жаҳлга эрк берадиган аҳволда бўлмаса ҳам ғазабга минганида юз берадиган ҳолатда – ёноқлари учиб-учиб туша бошлади. Ҳали шайхулаъзамлик рутбасига кўтарилмаган, бор-йўғи вилоят ҳокими бўлиб юрган кезларида ҳам ҳеч ким у билан бу тарзда гаплашишга журъат этмаганди. «Ғирт телбанинг ўзику бу... Акси бўлса-чи? Беггачопарлигини қаранг! Ахир, бу гаплар дунёнинг мавжуд тарғиботи, қонун-қоидасига зид эмасми?» деган фикрлар хаёлидан кечди. Шайхулаъзам кўзлари янада қисилиб, соқчиларни чақириш тараддудига тушганда, беҳосдан кўнглининг аллақайси тубида мудраб ётган виждон сасини туйди: «Мана, ўзинг ҳам хушомад, иккиюзламачилик, лаганбардорлик йўли билан юксалганлар каби эркин, дангал гапларни кўтаролмайсан. Қаршингда жасур инсонни эмас, оёғингни ялашга тайёр итни, шармандаларча етти букилган масхарабозни, пасткашни кўришни истайсан».

Шайхулаъзам қисик кўзларини очди, қўлида ғижимлаб турган қоғозни четга қўйиб, Муҳсин Чалабийга қаради. Қилич изи-

---

<sup>1</sup> *Гедик Аҳмад пошио* – Усмонли салтанатининг йирик давлат арбоби бўлган.



дан қолган чандиқ ялтираб турган дўнг пешона, оташин ёноқлар, бақувват бўйин, йирик ўрқачли бурун, бежирим салла. «Шоҳнома» саҳифаларида учрайдиган қадим паҳлавонларга ўхшаб кетади. Дарҳақиқат, чинакам паҳлавон бу. Пешонасида қилич чуқур из қолдирган бўлса ҳам у тирик.

Шайхулаъзамга адолат ҳисси бегона эмасди. Ғурури виждон овозига қарши чиқолмади. «Ҳа, – хаёлидан ўтди унинг, – кўнглимиздаги одам мана шу бўлади». Бундай довюрак зот Ватанига, халқига қилинган ҳақоратни кўтармайди, ўлимдан қўрқиб бош эгмайди.

Шайхулаъзам сўзида давом этди:

– Табризга элчи бўлиб борасан.

– Шунча ишончли котибу хўжаларингиз бўла туриб нега мени юбормоқчисиз?

– Шоҳ Исмоилнинг қабихликларидан бохабардирсан?

– Ҳа.

– Ватанингни севасанми?

– Севаман.

Қудратли шайхулаъзам қад ростлади.

– Жуда соз! Эрон шоҳи элчига ўлим йўқ, деган қоидага амал қилмайди. У бизнинг душманимиз. Жанг майдонида бизни мағлуб этолмаслигини била туриб, элчимиз билан ҳисоб-китоб қилиш пайида бўлади. Аллоҳ ғазабидан қўрқмаган бу нобакор элчини азоблаб ўлдиришдан ҳам тоймайди. Магар шундай бўладиган эса, элчимизга қилинадиган ҳақоратни давлатимизга нисбатан ҳақорат деб билгаймиз. Ҳар не бўлмасин, ўлимга тик борадиган инсон керак. У Эрон шоҳидай ярамас махлуққа яраша жавоб бера олмоғи даркор. Агар чиндан ҳам Ватанингни суйсанг, ўзингни қурбон қилишга рози бўласан.

– Розиман, афандим. Фақат бир шартим бор.

– Шартинг не?

– Қурбонликқа ҳақ тўланмайди, у кўнгилдан чиқади. Акс ҳолда у қурбонлик эмас, шахсий манфаатга эришиш илинжиги айланади. Шу боис мен на ҳақ, на мансаб ва на нафақадан умидворман...

– Бу нима деганинг, ўғлим? Шохнинг элчиси зар либосларга бурканиб келди. Отларию хизматкорлари ҳам салобатли эди. Элчимизнинг отлари, хизматкорлари, кийим-кечаклари ундан-да салобатли, ундан-да шоҳона бўлмоғи даркор. Бу чиқимлар учун сенга хазинадан бир қанча минг олтин ажратурмиз.

Муҳсин Чалабий унга ўгирилиб, иягини олдинга чиқарди.

– Йўқ, хазинадан ҳеч нарса олмайман. Отлару хизматкорлар ташвишини менга қўйиб берурсиз. Илтифотингизга куллуқ.

Шайхулаъзамнинг кўзлари ҳайратдан чакнади.

– Ўзим эса шундай шоҳона либос кияйки, шоҳ Исмоилнинг тушига ҳам кирмаган бўлсин!

– Ундай кийимни қайдан оласан?

– Зардўз Тур ўғлидан ҳинд матосига гавҳар қадаб, венецианча уқалар билан безалган ҳирқа сотиб оламан.

– Шунча пулни қайдан топасан, ўғлим? – дея таажжубланиб сўради шайхулаъзам.

Унинг таажжубида жон бор. Бир ой мукаддам тикиб бўлинган бу ҳирқа Истанбул аҳли орасида дoston эди. Ноёб пушти гавҳар билан безатилган бу мўъжиза ҳирқани вазиру вuzарo подшоҳга инъом этиш учун сотиб олишга ҳаракат қилгани сари Тур ўғли унинг нархини оширган эди.

Муҳсин Чалабий қимматбаҳо ҳирқани қандай сотиб олишини тушунтирди:

– Ерни, қўтонни, уйимни ҳам гаровга қўйиб, тужжорлардан ўн минг олтин қарз кўтараман. Икки мингини от-улов ва хизматкорларга сарфлаб, қолган саккиз мингига ўша ҳирқани сотиб оламан.

Шайхулаъзам унинг режасини ақлсизликка йўйди.

– Қайтиб келганигда, – деди у, – ҳирқага ҳожат ҳам қолмайди. Бу либос фақат тантанали маросимларга ярашади. Уни сотиб олсанг, давлатингдан айрилиб, муҳтожликка гирифтор бўласан-ку!

– Асло. Саккиз минглик ҳирқани Тур ўғли етти мингга қайтиб олишга рози бўлади. Бу пулимга еримни қайтариб олишим мумкин. Агар қолган қарзларни тўлай олмасам, на илож, отамдан мерос

кўтонни сотишга тўғри келади. Ахир, хадеб давлатдан олавериш инсофдан эмас, ниманидир фидо этиш керак-ку!

Муҳсин Чалабийнинг сўзларини эшитгани сари шайхулаъзамнинг хайрати ортиб борарди. Кўнгли таскин топарди. Хукмдорликка нолойиқ золимнинг таъзирини бериб кўядиган муносиб одамни Худонинг ўзи етказиб турибди. Шайхулаъзам оғир кавугини силкитиб жилмаярди. Ў, бу кўрқоқ, эҳтиёткор маслаҳатчилар-ей... Ҳаётларию давлатларидан ажраб қолишдан чўчиб нақадар титраб-қақшадилар-а! Агар элчиликни шулардан бирига топширса, давлатдан кўра кўпроқ ўз манфаатини ўйлар, инъом илинжида барча ҳақоратларга бардош берар эди.

Шайхулаъзам тушликка таклиф қилганига қарамай, Муҳсин Чалабий изн истади. Шайхулаъзам уни эшикка қадар кузатиб чиқди.

Кейинги олти ой ичида Муҳсин Чалабий катта ери, кўтони, уйи, дўконлари, боғи, полизини гаровга қўйиб, тужжорлардан ўзига керакли маблағни йиғди. Унинг оту хизматкорлари ҳақиқатан ҳам шоҳона эди. Тур ўғлидан тилларда дoston бўлган ўша ҳирқани сафардан қайтганида етти мингга қайтариш шарти билан сотиб олди. Ёш хотини, икки боласини қариндошининг уйига қўйиб, йўқлигида рўзғорга етарли пул қолдирди. Сўнг подшоҳнинг ёрлиғини ёнига солиб йўлга тушди. Йўл юргани сайин янги либосининг ҳимматию кўрки, айниқса, пушти гавҳар безак берилган ҳирқа ҳақидаги овозалар ортиб борди. Бу овоза бутун Онадўлига ёйилиб, Эронга ҳам етди. Ниҳоят, Муҳсин Чалабий тантана билан Табриз қалъасига кириб борди. Бу кичик пойтахтнинг ясан-тусану дабдабага, ялтироқлигу турфа безакларга ўлгудек ўч аҳолиси истанбуллик элчининг ҳирқасини кўриб лол қолди. Шаҳарда, саройда, базмларда ҳам асосий мавзу элчининг ҳирқаси эди.

Шоҳ Исмоилнинг ўзи пушти гавҳар ҳирқа ҳақида эшитган-у, сира кўрмаганди. Шунданми, кўнглида турк элчисига нисбатан кек оловланди. Негадир ундан ўч олгиси келди. Муҳсин Чалабийни қабул қилишдан олдин тахт ортига жаллодларни қўйди, тахт олдидаги кимхоб тўшақлару ипак гиламларни олиб ташлашни буюрди.

Шоҳнинг ўнг тарафида вазирлар, чап тарафида сарбозлар саф тортган эди.

Муҳсин Чалабий равоқ остидаги эшикдан эркин, дадил кадамлар билан кириб келди. Одатдагидек боши тик, кўкси баланд. У ёнидан султон ёрлиғини олиб тавоф қилди-да, қирмизи, яшил, зангор, бинафшаранг ипаклару олтин уқаларга бурканиб, ваҳший қушларга хос совуқ хотиржамлик билан олтин тахтда хурпайиб ўтирган шоҳга узатди. Шоҳнинг юзи мурдадек оқарди: элчи ҳатто оёғини ўпмади! Ақлини мислсиз ғазаб чулғади-ю, бироқ ўзини босиб, ёрликни қўлига олди.

Муҳсин Чалабий тахтдан узоқлашиб, атрофга боқди. Ўтирадиган жой йўқ эди. Ўзича табассум қиларкан, «Гап бу ёқда денг! Шоҳ олдида эҳтиром-ла тик туришимни хоҳлабдилар-да! Бу ҳақоратга қандай жавоб қилсам экан?» деб ўйлади. Бирдан хаёлидан яшин тилиб ўтгандек бўлди. Муҳсин Чалабий шартта эғнидаги пушти гавҳарли ҳирқани ечди-да, тахт қаршисига – ерга тўшади. Шоҳ Исмоил, унинг вазирларию қўмондонлари элчига хайрат-ла боқиб турарди. У эса қимматбаҳо хирқага чордона куриб, сўзлай бошлади. Овозидан жинлару аждарларнинг ажиб тасвирлари билан безалган олтин гумбазлар титраб кетди:

– Ёрлиғини қабул қилиб олганингиз буюк подшоҳим Ўғуз Қорахон наслидандир. Дунё яралгандан бери унинг аждодларидан ҳеч қайсиси қул бўлмаган. Уларнинг барчаси подшоҳу хон ўтганлар. Дунё яралгандан бери аждодлари ҳукмдор ўтган подшоҳнинг элчиси ёт подшоҳ қаршисида тик туrolмайди. Зотан, дунёда менинг подшоҳимга тенг келадиган ҳукмдор йўқ...

Муҳсин Чалабий баланд овоз билан содда турк тилида сўзлаётганда, шоҳ қизариб-бўзариб ўтирди.<sup>1</sup> Ҳаяжондан қўлидаги очишга улгурмаган ёрлик титрарди. Тахт ортида турган жаллодлар шай – қилич яланғочлагандилар. Муҳсин Чалабий эса сўзида да-

---

<sup>1</sup> Шоҳ Исмоил, унинг яқинлари ҳам асли турк қабилаларига мансуб бўлиб, турк тилини тушунарди.

вом этарди. Шоҳнинг аъёнлари, вазирлар, саркардалар, жаллодлар ҳукмдорларининг сабрига ҳайрон эдилар. Баъзилари ҳатто норозилик ошкор эта бошлади. Сўзини тугатган Муҳсин Чалабий кетишга руҳсат ҳам сўрамай ўрнидан турди-да, эшик томон йўналди.

Шоҳ Исмоил тош каби қотган эди. Бир неча йил бурун Чалди-ронда дарз кетган ғурури бугун бор-йўғи битта туркнинг оловли нигоҳлари остида эриб битди. Муҳсин Чалабий чиқиб кетаётган пайт шоҳ ўзи сингари ҳайратдан қотиб қолган мулозимларидан бирига:

– Ҳирқасини бериб юборинг, – дея олди, холос.

Навкарларнинг бири ерда ётган хирқани кўтариб турк элчисига етиб олди-да:

– Ҳирқангизни унутдингиз. Олинг, марҳамат, – деди.

Муҳсин Чалабий тўхтади, юзида табассум жилваланди. Сўнг эшик томон бурилди-да, шоҳ эшитар қилиб сўзлади:

– Йўқ. Мен унутганим йўқ. Уни сизга қолдираман. Саройингизда буюк подшоҳнинг элчисини ўтқазишга на гилам, на тўшак кўрдим. Буни устига, турк ерга тўшаган нарсасини ҳеч замон қайтиб эгнига илмайди. Наҳот, шундан беҳабар бўлсангиз?

Муҳсин Чалабий кечаю кундуз демай от чоптирди. Ускудорга етганида сариқ чақаси ҳам қолмаганди. Шунда у шоҳона кийинган хизматкорларига қараб:

– Ўғилларим! – деди. – Отларни ҳам, зебу зийнатларни, эгним-даги кийиму қимматбаҳо тошлар билан безалган ханжарларни сизга тортиқ қилдим. Шунга розимисиз?

– Розимиз! Розимиз!

– Аллоҳ рози бўлсин, умрингизни зиёда қилсин!

Муҳсин Чалабий шу жавобни олиб уларни тарк этдию елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Уйини четлаб, денгиз қирғоғида қайиққа ўтирди-да, сарой томон ошиқди. Шайхулаъзам билан юзлашиб, ёрликни шоҳга топширгани, ўзини зинҳор ҳақоратга қўймагани, шоҳнинг жавобини ҳам кутмагани, Истанбулга қайтганини бирма-бир сўзлаб берди. Элчи бурчини шараф билан адо этганига

шубҳаланмаган шайхулаъзам ундан йўл таассуротларини сўраб-суриштирди.

Муҳсин Чалабий кетаётган чоқ шайхулаъзам сўраб қолди:

– Ҳирқанг қани? Мен уни сотиб олмоқчиман.

– Уни олиб келмадим.

– Эронда сотдингми?

– Йўқ.

– Ўғирлатдингми?

– Йўқ.

– Ундай бўлса нима қилдинг?

– Ҳеч нарса.

Шайхулаъзам ҳар қанча уринмасин, савол кетидан савол бермасин, ҳирқанинг қайга ғойиб бўлганини билолмади. Муҳсин Чалабий қилган ишлари билан мақтаниб юрадиган инсонлардан эмасди.

Чалабий шу оқшом Ускудорга қайтиб кетди. У эртаси кун ҳирқани қайтиб олиш учун етти минг олтин кўтариб келган зардўз Тур ўғлига ҳирқа ҳақида лом-мим демади, Истанбул аҳли ҳар қанча уйдирма тўкиб чиқармасин, пушти гавҳар ҳирқанинг асл тақдиридан беҳабар қолди. Табриз қасридаги воқеа унутилиб, сирлигича қолиб кетди. Аммо бир вақтлар давлати ошиб-тошган Муҳсин Чалабий қарзларидан бир амаллаб қутулди-ю, еру қўтонни қайтиб олишга қурби етмай, даромадидан ажради. Эронга бориб келган отию қимматбаҳо тошлар билан безатилган айилини сотиб, Қўзғунжукдан бир парча ер олди. Етиштирган ҳосилини бозорда сотиб рўзғор тебрата бошлади.

Одамлар кейинчалик: «Бечора, умрининг охиригача Ускудор бозорида сабзавот сотиб кун кўрди, қисмати аччиқ, ҳаёти оғир кечди, лекин ҳеч кимнинг олдида бўйин эгмади», деб гапириб юрдилар. Э, одамлар... У бор давлатини юрти учун бир дақиқада қурбон этганини улар қайдан ҳам билсин!..

## Андрэ Моруа

(1885 – 1967)



Асл исми шарифи Эмиль Эрзог бўлган француз ёзувчиси Андрэ Моруа «Камсухан полковник Брамл» (1918) ва «Серган доктор О'Треди» (1922) романларида ўзи иштирок этган I жаҳон урушидан олган таассуротларини акс эттирган. «Бернар Кенэ» (1926), «Тақдир ўйинлари» (1928), «Оила даврасида» (1932), «Она замин» (1945) романлари француз халқи олий табақаси ҳаётидан сўйлайди.

Моруа адабий-танқидий эсселари, тарихий шахслар ҳақидаги китоб ва хотиралари билан машҳур. У «Ариель ёхуд Шелли ҳаёти» (1923), «Байрон» (1930), «Тургенев» (1931), «Лелия ёхуд Жорж Санд ҳаёти» (1952), «Олимпио ёхуд Виктор Гюго ҳаёти» (1954), «Уч Дюма» (1957), «Прометей ёхуд Бальзак ҳаёти» (1965) сингари асарлари билан Ғарб адабиётида биографик роман жанрига тамал тошини қўйган. Моруа бу асарларида машҳур кишилар ҳаёти ва ижтимоий фаолияти тафсилотларидан четга чиқмаган ҳолда улар ҳақида бадиийлаштирилган ҳужжатли роман ёзиши мумкинлигини исботлаб берди. Моруа ўз қаҳрамонларига бўлган меҳрли муносабатини ифодалаш орқали адабиётнинг инсонсеварлик моҳиятининг теранлашишига ҳисса қўшди.

Адибнинг «Чоршанба бинафшалари» туркумидаги ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинган.

## ҚАЙТИШ

Бу воқеа француз асирларини Германиядан – тутқинликдан олиб қайтаётган поездда бошланганди. Ўн кишилик купеда ўн икки киши тиқилишган. Улар уйлари, оилаларини кўриш имкони туғилганидан ғоят хаяжонда. Деярли ҳаммаларининг ҳам фикру хаёлини, энг аввало, рафиқалари банд этган. Айримларининг кўнглида умид учқунлари чакнар, баъзилари эса хавотирланиб ўйларди: «Рафиқам аввалгидай вафодор ва содиқмикин? Узундан-узоқ танҳолик йилларида қандай ўзгаришлар рўй берди экан? У билан хаётни давом эттириш мумкин бўлармикин?»

Бола-чақалилар, ҳарҳолда, анча хотиржам. Уларнинг рафиқалари бола тарбияси билан кун ўтказгандир. Бу учрашув ўнғайсизлиги болалар қувончи туфайли енгил кўчса, ажабмас...

Купенинг бир бурчагида баланд бўйли, қотмадан келган, кўзлари чакноқ, француздан кўра кўпроқ испанга ўхшаш киши ўтирарди. Ўзини Рено Леймари деб таништирган бу одам шардейлик бўлиб, Перигорда яшарди. Тун оғушида илгарилаётган поезднинг бир маромдаги тарақа-туруқини паровоз гудоги бўлиб турар, Рено эса рўпарасидаги ҳамроҳи билан гаплашиб борарди.

– Сатурнен, уйланганмисан?

– Бўлмасам-чи! Урушдан икки йил аввал уйланганман, икки болам бор эди. Хотинимнинг исми Марта. Суратини кўрсатайми?

Паст бўйли, юзи чандиқ, аммо қувноқ Сатурнен ички чўнтагидан титилиб кетган катмончани олиб, йиртиқ бир сурат чиқарди-да, ифтихор билан Ренога узатди...

– Ў, жуда чиройли экан, – деди Леймари. – Шундоқ гўзалнинг олдига ҳеч хавотирланмасдан қайтяпсанми?

– Нега хавотирланай?

– Чунки хотининг жуда чиройли, шунча вақт ўзи ёлғиз қолди, атрофида эса бошқа эркаклар бор... – деди Леймари.

– Кулгимни қистатяпсан! Менинг Мартам шундайки... манаман деган йигитга ҳам қарамайди. Биз шундай бахтиёр эдикки... Беш йил мобайнида менга ёзган хатларини кўрганингда борми?



– Э-э... бу хатлар! Мен ҳам шунақа илиқ хатлардан озмунчасини олдимми! Аммо, барибир, ташвишдаман.

– Қизик, хотинингга ишонмайсанми?

– Ишонишга ишонаманку-я, тўғрироғи – ишонардим. Олти йил бирга яшаб, сираям сан-манга бормаганмиз.

– Хўш?

– Э, оғайни, бу – одамнинг табиатига боғлиқ... Мен боқи-беғамликка ишонмайдиган одамлар тоифасиданман. Ўзимга-ўзим доимо: «Эленнинг тенги эмасман, у гўзал, жуда ақлли, одобли», деб келганман. Ростданам хотиним жуда билимдон, кўлидан келмайдиган иш йўқ. Ҳар қанақа матодан шундайин кўйлак тикадики, ҳамманинг ҳаваси келади. Оддий кулбани жиҳозлашга киришса борми, нақ жаннат қилиб юборади... Шуларни ўйлаб туриб ўзимга-ўзим шундай дейман: ахир юртимизда келгиндилар қанча йил изғиб юришди. Улар орасида мендан кўра истараси иссиқроқлари бўлгандир... Қишлоқнинг энг гўзал аёли – Элен шулар эътиборини ўзига жалб этмадимикин?..

– Нима бўпти? Агар у сени севса...

– Шундайку-я, оғайни, беш йил ёлғизликни тасаввур қила оласанми? Элен Шардейда мусофир. Шардей менинг юртим, унинг бу ерда ҳеч кими йўқ. Шундай бўлгач, йўлдан тойиши ҳеч гап эмас-да...

– Э-э, жуда ғалати экансан-ку, эсинг жойидами ўзи? Хўп, бирор нарса юз берди ҳам дейлик. Ҳаётда нималар бўлмаяпти, ахир! Менга қара, агар бирор кимса: «Сенинг Мартанг...» деб оғиз очиши билан мен унга: «Оғзингни юм. Хотин меники, буни уруш дейдилар; у ёлғиз эди; энди эса тинчлик. Биз ҳаётни қайтадан бошлаймиз», – деган бўлардим.

– Мен сендақа эмасман-да, – деди Леймари. – Агар қайтганимдан кейин бирор нарса сезсам борми...

– Унда нима қиласан, хотинингни ўлдирасанми?! Тентак экансан-ку!

– Йўқ, унга кўлимни ҳам теккизмайман. Ҳатто бир оғиз гапирмайман. Аммо ўша заҳотиёқ ғойиб бўламан. Узоқларга кетиб

коламан, исмимни ўзгартириб яшайман. Уй-жой, ҳаммасини унга қолдириб кетаман. Менга ҳеч нарса керак эмас, қўлимда ҳунарим бор... Ҳаётимни тамомила ўзгартириб юбораман. Билмадим, бу балки телбалиқдир, аммо табиатим шундай. Менга бахт бутун бўлса, ёинки...

Поезд узоқ гудок чалиб, рельсларни шараклатиб вокзалга кириб келди. Икки суҳбатдош жим бўлиб қолишди.

Шардей оқсоқоли қишлоқ ўқитувчиси эди. У жуда кўнгилчан ва эҳтиёткор одам. Рено Леймари поездда қайтиб келаётгани ҳақида у вазирликдан хабар олди-ю, ўзи бориб Эленга айтишга аҳд қилди. Оқсоқол борганида Элен боғида куймаланиб юрган эди. Бу – қишлоқнинг энг хушманзара боғларидан бўлиб, эшикнинг икки томонини атиргуллар безаб турарди.

– Леймари хоним, сизни яхши биламан, эрининг қайтиб келаётганидан огоҳ қилиб қўйиш лозим бўлган аёллардан эмассиз. Аммо, шуни айтишим керакки, хатти-ҳаракатингиз, одобингиз билан бутун қишлоқ аҳлининг ҳурматига сазовор бўлгансиз. Ҳатто оғзига келганини аямай, ҳар қандай аёлни бадном қиладиган ғийбатчи хотин-халажлар ҳам сизни ёмонлашга сўз тополмаяптилар.

– Бирор нарса топишар, оқсоқол, – деди Элен жилмайиб.

– Мен ҳам шундай бўлар, деб ўйлагандим, ҳа, ўйлаган эдим!... Аммо сиз уларни ҳам ром қилиб қўйдингиз. Мен сизнинг қувончингизни ўз кўзим билан кўргани келдим. Шуниси ҳам борки, унинг келишига ҳозирлик кўришингиз керак, Леймари хоним. Турмуш оғир, ҳаммамизнинг аҳволимиз маълум: ҳар куни дастурхон тузай олмаймиз-ку...

– Жуда яхши қилибсиз, жаноби оқсоқол. Мен Ренони шундайин кутиб олайки! Ўйгирманчи августда, дедингизми? Поезд соат нечаларда келаркин? Билмайсизми?

– Вазирликдан хабар қилишларича, тунги соат ўн бирда йўлга чиқади. Бу поездлар жуда имиллаб юради... Тевьер вокзалида поезддан тушса, бу ергача Рено яна тўрт километр пиёда босади. Менимча, у тушда етиб келса керак.

– Мен уни кутиб олишга шундоқ ҳозирлик кўрайки, жаноби оқсоқол, шоҳона бир дастурхон тузайки... Шундоқ хушxabарни келтирганингиз учун мингдан-минг раҳмат сизга!

– Шардейда сизни ҳамма хурмат қилади, жонидан севади, деса ҳам бўлади. Сиз асли бу ерлик эмассиз, лекин ҳамма сизни ҳамқишлоқ деб билади.

Ниҳоят, оқсоқол хайрлашиб чиқиб кетди.

Элен Леймари эри келишидан бир кун аввал бутун уйни саранжом-саришталади: полни ярақлатиб, дераза пардаларини эскирган ленталаригача янгилади. Кейин қишлоқ сартарошиникига бориб, сочини жингалак қилиб келди. Туни билан бошига тўр кийиб ётди. Сал-пал ухладими-йўқми, яна азонлаб туриб олди. Сўнг кийимларини бир-бир кўздан кечирди. Узоқ ёлғизлик даврида бир марта ҳам кийилмаган, ўзи севган шоҳи ичкўйлагини ажратиб қўйди. «*Қайси кўйлагимни кийсамикин, бир вақтлар эрим ёқтирган зарҳал йўлли ҳаворанг кўйлагим қалай экан?*» Бироқ уни кийиб кўргач, дарҳол ечиб ташлади: ўтган йиллар давомида шунчалик озиб кетганидан, кўйлак ҳалпиллаб, беллари осилиб қолганди. Йўқ, ўзи тиккан қора кўйлагини кия қолади: ёқасини бежаб, белига рангдор белбоғ тақади.

Дастурхон тузашга киришишдан аввал Элен эри ёқтирган таомларни эслашга ҳаракат қилди. 1945 йили Францияда ҳали аҳвол оғир эди. Бирини топсанг, бири йўқ... Эри эса шоколадни ёқтирарди. Шоколад топиб бўлармишми? Яхшиямки, кичкинагина шахсий хўжалиги бор. Шу туфайли товуклар тухум бериб туради. Эри доимо: «Қуймоқни ҳеч ким сендек мазали тайёрлай олмайди», деб мақтарди. Рено яхна гўштни, кизартириб пиширилган олмани ҳам хуш кўргучи эди. Лекин шардейлик қассоб икки кундан бери дўконни очмай қўйди... Элен ўтган куни сўйилган товугини яхшилаб қовурди. Кўшни қишлоқдаги дўкончи яширинча шоколад сотар экан, деб қўшнисидан эшитганди, бориб-келишга аҳд қилди. «Соат саккизда кетсам, тўққизгача қайтиб келаман... Кетгунимча дастурхон тузаб қўйсам, келгандан кейин фақат ошхонада банд бўламан»,

ўйлади Элен ва ишга киришиб кетди. У жуда ҳаяжонланган, шу билан бирга, беҳад шод эди. Ҳаво шунақаям яхши эдики... назарида, ҳеч қачон офтоб бунчалар чарақламагандек... Элен ширин хаёллар билан дастурхон тузашга тушди.

*«Қизил катак оқ дастурхонни ёзаман. Тўйимиздан кейинги илк бор ёзган дастурхонимиз шу. Пушти ликопчаларнинг гуллари Ренога жуда ёқарди... Бир ишиша мусаллас ва гуллар қўяман. Ахир, у столда гул бўлишини қанчалар яхши кўрарди: «Гулларни ҳаммадан ҳам чиройли дасталайсан», – дерди тақрор-тақрор».*

Элен уч хил гул: оқ мойчечак, қизил лола, бинафшани дасталади, шинамгина безатилган хонани ўзи узоқ томоша қилди.

Ростданам ҳамма нарса жойида эди.

Не-не бахтиқароликларга дучор бўлган Рено шунча жудоликдан кейин уй-жойи ва хотинини ўша-ўшалигича кўриб қувониб кетса керак... Деразанинг бу томонидан туриб Элен катта тошойнага қаради. Озгина озганини айтмаса, ўзи ҳам деярли ўзгармабди. У бахтиёрликдан гангиб қолаётганини ҳис қиларди...

«Етар! – деди ўзига-ўзи, – тезроқ бора қолай... Соат неча бўлдийкин? Вой, тўққиздан ошибди-ку! Бу ишлар ўйлаганимдан кўра кўпроқ вақтимни олибди-да. Поезд соат ўн иккиларда келади, деганди оқсоқол. Мен ундан аввал қайтаман». Сўнг уйдан шошилинч чиқиб кетди.

Леймарилар уйи қишлоқ чеккасида бўлгани учун ҳам кўзлари чақноқ, ориқ аскарнинг боғ томон ўтганини ҳеч ким кўрмади. У чарақлаган офтобу хушбахтликдан, асаларининг ғўнғиллашидан гулларга мафтун боқиб, бир муддат мастона туриб қолди. Кейин оҳистагина чақирди:

– Элен!

Ҳеч ким жавоб бермади. У яна бир неча бор: «Элен! Элен!» деб чақирди. Жавоб бўлмагач, хаёли қочиб, дераза ёнига борди: икки киши учун тузалган дастурхон, гул ва мусалласни кўриб юраги гупиллаб уриб кетди. У бир муддат деворга суяниб қолди.

«Ё Раббим! Хотиним ёлғиз эмас экан!» – ўйлади Рено.

Бир соатдан кейин Элен қайтиб келганида қўшниси унга:

– Ренони кўрдим, у чошиб кетаётган экан. Шунча чақирсам ҳам қайрилиб қарамади, – деди.

– Чошиб кетаётгудди, дейсизми? Қайси томонга кетаётгудди?

– Тевьер вокзали тарафга.

Элен аввал оқсоқолниккига югурди, у ҳеч нарсадан хабарсиз экан.

– Жуда кўрқяпман, шундай кўрқяпманки, оқсоқол жаноблари. Унинг феъли тор, жуда рашкчи. Икки кишилиқ дастурхон тузалганини кўриб... Ўзини кутаётганимни билмаган. Ҳозирнинг ўзидаёқ уни топиш керак, оқсоқол жаноблари, топиш керак! У энди бутунлай қайтиб келмаслиги мумкин. Мен уни шундай севаманки!

Оқсоқол вокзалга велосипедчи юборди, полициячиларни огоҳлантирди, аммо Рено Леймари ғойиб бўлганди. Элен иссиқдан сўлиган гуллар ва тузалган дастурхон ёнида туни билан туз тотмай тонг орттирди.

Орадан бир кун, бир ҳафта, бир ой ҳам ўтди. Бу бахтсиз кундан сўнг яна қанча йиллар ҳам ўтди-ки, эридан ҳамон дарак йўқ...

Рено ўқигач, қайтиб келар, деган умидда шу ҳикояни ёздим.





## *Николай Гумилёв*

*(1886 – 1921)*



*Маишхур рус шоири Николай Гумилёв қисқа умри давомида нафақат бетакрор шеърояти, балки ёниқ насрий асарлари билан ҳам гўзал мерос қолдирган. Асосий асарлари: «Истилочилар йўли» (1905), «Сурурбахш гуллар» (1908), «Марварид» (1910), «Бегона осмон» (1912), «Ўқдон» (1916), «Гулхан» (1918), «Чодир» (1921), «Оловли устун» (1921) шеърӣ тўпламлари, «Пальма сояси» (1922) ҳикоялар тўплами, «Рус шеърояти ҳақида мактублар» (1923) танқидий мақолалар тўплами; қолаверса, Вольтер, Т. Готье, С. Колриж, Ҳ.Ҳайне асарларини рус тилига таржима қилган.*

### **САРОЙНИНГ СЎНГГИ ШОИРИ**

Бу қирол аждодлари каби ўта дангаса, ишёқмас ва беғам эди. У саройда бўладиган тантаналар боисгина мадҳиялар ёзиб берадиган кекса шоирни нафақага чиқаролмас, унга етарлича нафақа тайинлаб, хайр-хушлашишга журъати етмасди. Шоирнинг ўзи эса кетишни сираям истамасди.

Қирол оиласида кимдир туғилса ёки вафот этса, бошқа юртлардан элчилар келса ёки қўшни давлатлар билан иттифокчилик имзоланса, одатий маросимлардан сўнг сарой аҳли қироллик залига йиғилар ва қовоғи солиқ, ҳамиша нимадандир норози шоир шеър ўқий бошларди. Айни кунларда тилдан ва истеъмолдан

чиқиб кетган иборалар, эскирган сўзлар ғалати жаранглар, қадимги инглиз бичимида тайёрланган ясама сочи уни янада ожиз қилиб кўрсатар, шунинг баробарида сочининг тўкилган жойлари ярқираб-ярқираб, ажиб улуғлик касб этарди. Олқишлар ҳам олдиндан ўйлаб қўйилгандек енгилгина, қўлқопли қўлларнинг шовқини худди шеърятни улуғлашга етарли хизмат қилаётгандай кўринарди.

Шоир ерга қадар таъзим қилди, аммо унинг юзи ҳамон тунд, қирол қўлидан қимматбаҳо тошлар билан безатилган узук ёки олтин тамаки қутисини олганда ҳам кўзлари тобора ғамгинлашиб кетарди.

Байрам дастурхони ёзилганда у ясама сочини ечиб қўйиб, кекса мансабдорлар орасида ўтирар, темирйўлларга оид шартномалар, турли хил ўғирликлар, миш-мишлар ҳақида гапирар, тузга солинадиган солиқ лойиҳасига жуда кизиқарди.

Одатдагидай қирол совғасини хазиначига топшириб, ўрнига мўмайгина пул олиб, уйига қайтди. Шоирнинг уйи катта ва беўхшов, отаси – собиқ марҳум сарой шоиридан қолган мерос эди. Марҳум қирол бу лавозимни наслдан наслга ўтувчи қилиб қўйган, бу билан, эҳтимол, тартиб-интизомни сақламоқчи, ҳар хил нохушликлардан йироқ бўлмоқчи эди.

Шоирнинг уйи юраги каби маъюс ва қоронғу эди. Кечга бориб, фақат иш кабинети ёруғлашарди. Жавонларда китоблар ўрнида ноёб қадимий тамаки қутилари терилиб турарди. Отаси шу буюмга ўта иштиёқманд коллекционер чиқиб қолди... Қачонлардир, ҳа, қачонлардир у ҳам уйланган, шу уйда ипак қўйлақларнинг шилдираши эшитилар, нозик қўллар меҳр билан чиройли муқовали китобларни варақлар, жавонлардаги ҳамма нарсалар бу ажиб ҳилқат, қирмизи юзлар шуъласи олдида ҳайратдан қотиб турарди. Бирок шоирнинг хотини бу ерда бир йилча ҳам яшай олмади – ёш ва номаълум рассом билан қочиб кетди. Шоир қайғули, байронона руҳда қасос ўти билан ёниб турган ишқий достонини ёза бошлади. Худди шу пайтда қиролликдан кимдир вафот этиб қолди-ю, шу муносабат

билан элегия<sup>1</sup> ёзиш талаб этилди. Шу билан бошланган поэмага яна қайтиш ҳаваси сўнди.

Оғир ва зерикарли йиллар камергернинг<sup>2</sup> тортилган мундирлари каби судралиб ўтди. Бу йилларнинг ягона ҳодисаси янгидан-янги тамаки қутилари олиш бўлиб қолаверди.

Сукунат қанчалик узок чўзилса, момақалдироқ шунчалик кучли бўлишини билганлар шоирга хизмати тугаганини айтолмас, айтсалар, унинг юзлари, кўзлари янада маъюсланиб, тушуниксиз киноя аралаш ноўрин ҳазил деб тушунишини олдиндан ҳис этишарди.

Бу ишнинг бошланишига, афтидан, Испания шахзодасининг келиши муносабати билан ёзилган байрам дастурхони сабаб бўлди. Таклиф этилганлар орасида шоирга яқин жойда ўтган подшоҳлик даврининг мансабдорларидан бири ўтирарди. У шу қадар қариб, сочлари оқариб, тишлари тўкилиб кетгандики!... Қария нима учундир ҳозиргина ўқилган шеър билан жудаям қизиқиб қолди. Қулоғи яхши эшитмаслиги боис нималарнидир сўраб-суриштирди, ҳатто охирги сатрни қайта кўриб чиқиш лозимлигини ҳам уқтирди. Сўнгра қутилмаганда ҳи-ҳилаб, ҳаммага маълум латифасифат гапни айтиб берди – унда шоирларни граммофонлар билан алмаштириб қўйиш вақти келди, дейиларди.

Шоир уни лоқайдлик билан тинглади. Янги орден таъсис этилиши ҳақида суҳбатлашаётган қўшни столдагиларга қўшилиш иштиёкида турганида, қирол улар томонга қараб турганини, киноя ва ачиниш аралаш кулаётганини сезиб қолди. Сезиб қолди-ю... Агар шуни сезмаганида қарияни бу қалтис ҳазили учун кечирган ҳам бўлармиди!... У собиқ мансабдорга кескин, қахрли жавоб қайтарди. Тушлик тугаши билан уйига қайтди. Шоир асабий, ваҳимали, вазоҳатли эди.

Тонг отиши билан унинг қалбида қатъий қарор туғилди. Хизматкорини кун бўйи китоб дўконларига югуртирди, авваллари «шаҳарлик шоирлар» деб менсимай қарайдиган шоирларнинг кўплаб китобларини сотиб олди. Тамаки қутилари билан тўлган хо-

---

<sup>1</sup> Кимнингдир вафоти муносабати билан ёзилган қайғули, мунгли шеър.

<sup>2</sup> *Камергер* – чор Россиясида: сарой аъёнларининг унвонларидан бири.



насидан икки ой чикмади – бу ерда қизгин ва сирли ишлади. Сарой шоири ўзининг кичик укаларидан ўрганди, услубини ўзгартирди.

Саройда хотиржамлик ҳукм суларди. Шаҳар чеккасидаги ғамгин уйда нималар бўлаётгани ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Бу орада ҳаёт ўз йўлида давом этди. Кимдир севди, кимдир севилди, кимдир тортишди, кимдир ярашди, яна бир-бирларига хушомад қилиб, ерга қадар эгилиб кун кечирдилар. Албатта, мардлик ва жасорат амалларини амалга оширдилар. Ва ҳалиям шеъроятга қадимий, тантанавор эскилик қолдиғи сифатида қарашдан воз кечмадилар.

Ниҳоят, кутилган кун келди. Аслзода малика турмушга чиқди, шу вайдан шеърлар зарур бўлиб қолди ва бу хабарни сарой шоирига етказдилар. У ғамгин, ғалати, савдойи қиёфада кириб келди. Зийрак нигоҳларгина шоирнинг лабларидан учаётган енгил, нохуш ним табассумни, асабийлик билан кўлидаги шеър ёзилган қоғозларни ғижимлаётганини илғай оларди. Аммо шу пайтгача у ва унинг шеърлари билан кимнинг иши бўлганки, энди қизиқишсин! Ёшлар учун жудаям кексалик қилар, у қатори юқори мартабали амалдорлар эса шунча ҳурмат-эътиборга қарамай, уни ўзларига тенг билмасдилар.

Тантана бошланди. Улуғсифат руҳоний жозибали руҳда никоҳ маросимини тугатди. Тўйга ташриф буюрган элчилар, меҳмонлар келин-куёвга эҳтиром кўрсатишди. Ниҳоят, ранглари оқарган, аммо қатъийлашган шоир шеър ўқишни бошлади. Сарой аҳли орасида англаб бўлмас шивир-шивир ўрмалади. Ҳатто ёшлар, ҳар қадамда кимни кўрса, шунга ошиқ ёшлар ҳам ҳайрат билан бошларини кўтариб, уни тинглай бошлашди.

Нима бўлди? Қани шамол илоҳи, бургутлар, гулларга аталган, ҳайратомуз оламни мадҳ айлаган баландпарвоз сўзлар жилоси? Шеърлар бутунлай янги, эҳтимол, ажойиб эди. Ҳар қалай, бу қолипга солинган шеър эмасди. Сарой аҳли унчалик хуш кўрмайдиган шаҳарлик шоирларнинг руҳи бор эди унда. Шеърлар тобора ярқираб, ўзига тортиб борарди. Гўёки сарой шоирининг узок вақт ушлаб турилган иқтидори бирдан юзага қалқиб чиқди, чиқди-ю, бир пайтлар ўзи ҳам юз ўгириб келган ўша мўъжизаларни яратди-

қўйди. Шиддатли сатрлар оқиб келар, ширали овоз жаранглаб учар, ажойиб манзаралар яралар, кўз илғамас тубсизликдан ёруғлик порлаб чиқарди. Кекса шоирнинг кўзлари парвозга чоғланган бургутникидай ёнар, товуши шу бургутникидай ҳар томонни тутди.

Бутун сарой аҳли, яна қирол хузурида бундай яхши шеърлар ўқишга қандай журъати етдийкин унинг? Ҳеч ким олқишлашга ўзида куч топмади. Камергерлар қаҳр билан шивирлашга тушди, ёш юнкерлар<sup>1</sup> ўзларини тутиб олиб, жиддий тортишди. Ҳайратдан қотиб қалам хонимлар ҳам англаб бўлмас тарзда қошларини чимириб қўйишди. Қирол норози оҳангда мукофот учун тайёрлаб қўйилган узукни бир чеккага улоқтирди.

Саройнинг сўнгги шоири ёлғиз, вабога йўлиққандай тантананинг тугагини ҳам кутмай, чиқиб кетди, кетаётиб, катта канцлер<sup>2</sup> қотибга шоирни нафақага чиқариш ҳақидаги буйруқ тайёрлашни буюргангани эшитди.

Аммо биринчи бор уйга қайтиш нечоғли завкли, ёлғиз қолиш эса ундан-да фароғотли кечди. У қаддини мағрур тутиб, кечки залларни кезиб чикди, сўнгги шеърларини баланд овозда ўқиди, кексаларга хос айёрона табассум билан шаҳарлик шоирларнинг китобларига назар ташлади. У нафақат улар билан тенглашди, ҳатто улардан ўзиб кетганини ҳам ҳис этди. Ниҳоят, бу қувончини ким биландир бўлишгиси келиб, ажрашганларидан сўнг илк бора хотинига хат ёзди. Тантанавор оҳанг билан биринчи марта уни олқишламаганларини битиб, шеърларини кўшди, хат сўнггида гурур билан қўшиб қўйди: «*Шундай одамни ташлаб кетдинг!*»

---

<sup>1</sup> Имтиёзли ҳарбий зодагон-ҳизматчилар.

<sup>2</sup> Олий мартабали амалдор унвони.

# *Рюноске Акутагава*

*(1892 – 1927)*



*Ўз асарлари билан япон адабиётини жаҳон миқёсига чиқишини бошлаб берган Рюноске Акутагава ижодида гарб ва япон адабиёти анъаналарини ўзаро уйғунлаштириб, япон анъанавий тасвир ва ифода усулини янги йўналишга бурган. Инсон онгининг «жумбоқ»лиги, олдиндан айтиб бўлмастик хусусияти ифодаланган ҳикоялари – «Расёмон» (1915), «Бурун» (1916) унга шуҳрат келтирган. «Куз» (1920), «Совуқ» (1924) психологик ҳикояларида эса ижтимоий ёвузлик дунёсида эзгуликнинг фожиавий қисмати акс этган. «Сувости мамлакатаида» (1927) ҳикояси ижтимоий-фантастик мажозий асари бўлса, инсоннинг ёлғизлиги, унинг вақт, тарих олдида ожизлиги – панд-насихатдан иборат «Тентакнинг ҳаёти» (1927) номли сўнгги асарининг мавзусидир. Япон маданиятида беқиёс ўрин эгаллагани учун ёзувчи номидаги «Акутагава» миллий мукофоти таъсис этилган.*

## **ЎРГИМЧАК ТОЛАСИ**

1

Кунларнинг бирида Будда жаннат ҳовузининг бўйида танҳо кезиб юрарди. Ҳовуз юзаси марвариддек оқ нилуфар билан қопланган, уларнинг гулкосаларидан чор атрофга зариф ва муаттар бўй тараларди.

Жаннатда тонг палласи эди.

Хаёллар оғушига чўмган Будда тўхтади-ю, кўзи бирдан нилуфарларнинг энли япроқлари аро жилваланаётган сув ойинасига тушди. Нилуфар ҳовузининг тубида ғалати манзара намоён этди.

Жаннат ҳовузининг чуқурлиги дўзахгача бориб етганди.

Шаффоф сувда Игна тоғи ва Сандзу дарёси худди заррабин кўзасидагидек яққол, очиқ-ойдин кўриниб турарди.

Тубсиз дўзах осий бандалар билан тўлиб-тошганди. Будданинг нигоҳи Кандата исмли бир осийга тушди.

Кандата ашаддий қароқчилардан эди. Қарангки, жуда кўплаб кабиҳликлар қилган – қўли қонга ботган, бечораларни талаган, одамларнинг хонумонини куйдирган шу банданинг номаи аъмолида ҳам биттагина хайрли иш бор экан.

Кунлардан бир кун Кандата ўрмон оралаб юрганида, сўкмок устида пилдираб кетаётган ўргимчакка кўзи тушади. Кандата уни босиш учун оёғини кўтаради-ю, ўйланиб қолади: «Йўк, жимитдай бўлса ҳам барибир тирик жонзот-ку. Бекордан-бекорга ўлдириб савоб топмайман».

Ўргимчакка тегмайди.

Дўзах тасвирларини томоша қиларкан, Будда қароқчи Кандатанинг ўргимчакка раҳм қилганини эслаб, иложини топса, биргина шу хайрли иш учун бу осий бандани дўзах чангалидан қутқармоқчи бўлди. Тасодифни қарангки, шу пайт ёнида жаннат ўргимчагини кўриб қолди. Ўргимчакдан чиққан ажойиб кумуш тола яшма тошларидек ям-яшил нилуфар япроғига илинарди.

Будда эҳтиёткорлик билан толани кўлига олиб, унинг бир учини марвариддек оқ нилуфарлар орасидан сувга туширди. Тола эшилачўзила, ахийри, дўзах тубига етиб борди.

2

Кандата дўзах тубидаги Қон кўлида гуноҳкорлар қатори гоҳ юқорига сузиб, гоҳ гирдобга чўкиб, аянчли қийноқларга чидашга мажбур эди.

Қаёққа қараманг, ҳаммаёқни зим-зиё қоронғулик камраб олган. Гоҳи-гоҳида нимадир қоронғуликда милт-милт ёришиб кўринарди, холос. Бу – даҳшатли Игна тоғининг игналари эди. Мазкур манзаранинг бутун даҳшатини тасвирлашга сўз топиш амри маҳол. Атроф гўё қабристондагидек жимжит. Фақат ора-сира осийларнинг унсиз хўрсиниши кулоққа чалинади.

Дўзах тубида кўплаб азоб-укубатларга дучор бўлаётган бу гуноҳкор бандаларнинг инграшу оҳ-воҳ қилишга ҳам мажоллари қолмаганди.

Қон кўлининг қонида чўмилиб нафаси қайтаётган тенгсиз қароқчи Кандата ҳам жони узилаётган қурбақадек унсиз типирчилаб кўярди, холос.

У туйқус бошини кўтариб, Қон кўлининг устидаги қоронғуликка қаради. Бу тимқора бўшлиқ аро, узоқ-узоқлардаги осмондан, ўзидан заифгина ёғду таратиб, гўё бошқа гуноҳкорлар сезмасин учун эҳтиёткорона бир маромда, ўргимчак толаси тушиб келаётган эди.

Кандата қувончдан қарсак чалиб юборди. Бу толага илиниб олса бас, аста-секин юқорига кўтарилаверади. Қарабсизки, дўзах азобидан фориг бўлиб турибди-да! Ажабмас, омади чошиб, жаннатга ҳам тушса, унда ҳеч қачон Игна тоғининг чўққисига ҳайдаб, яна Қон кўлига ташлашмайди.

Шу умид юрагига ўт ёқиб, ўргимчак толасига икки кўли билан қаттиқ ёпишиб олиб, бор кучи билан тепага тирмаша бошлади. Пихини ёрган қароқчи учун бу оппа-осон иш эди.

Аммо жаҳаннамдан жаннат маконигача минг-минглаб ри<sup>1</sup> масофа бор. Ҳарчанд уринмасин, тоғ тепасига етиб олиш осон бўлмади. Юқорига тирмаша-тирмаша чиқаётган Кандатани, ҳа, ҳа, ҳатто шундай паҳлавонни ҳам чарчоқ енгди, бир нафасда осмонгача чиқолмади.

Бир муддат тўхтаб, нафас ростлашдан бошқа иложи йўқ. У тўхтаб, ўргимчак толасида осилганича дам оларкан, пастга, чуқур жарликка қаради.

<sup>1</sup> Масофа ўлчови.

Ҳа, Кандатанинг чирмашишлари зое кетмаган экан. Ҳозиргина ўзи азобдан кутулган Қон кўли қоронғулик бағрига сингиб ётибди. Жаҳаннам тубида хира йилтиллаётган қўрқинчли Игна тоғининг чўққиси энди унинг оёғи остида. Агар яна шундай чаққонлик билан тирмашишда давом этса, жаҳаннам чангалидан қутулиши аниқ.

Ўргимчак толасини маҳкам қисган Кандата кўп йиллардан сўнг яна биринчи бор инсон овозига эга бўлди ва қаҳ-қаҳ отиб кулганича қичқирди:

– Халос бўлдим! Халос бўлдим!

Аммо бирдан пастда бошқа сон-саноксиз гуноҳкор бандаларнинг ҳам ўргимчак толасига тирмашиб олганларича, худди чумолилардек саф-саф бўлиб тобора баландга ўрмалаб чиқаётганларини кўрди.

Бу манзарадан қўрқув ва ҳайратга тушган Кандатанинг кўз соққалари ўйнаб, меровларча катта очилган оғзи ёпилмай қолди.

Бу нозик тола унинг ўзини зўрға тутиб турибди-ю, шунча одамни қандай кўтаради?! Тола чирт узилса борми, унда ўзи ҳам, ўйлаяпсизми, ўзи ҳам – шунча азоблар билан тирмашиб кўтарилиб олганида, оёғи осмондан бўлиб яна пастга учади-я!

У ўйлар экан, осий бандалар Қон кўлининг тубидан мўр-малахдай ўрмалаб келишарди. Юзлаб, минглаб гуноҳкорлар узун занжирдек чўзилиб, шошганларича ожизгина ёғду сочаётган ўргимчак толаси бўйлаб чиқишарди.

Тезроқ, тезроқ бирор тадбир қўллаши керак, бўлмаса, ҳозир узилади-ю, жаҳаннам қаърига учади.

Шунда Кандата бор овози билан ҳайкириб юборди:

– Ҳой, осийлар! Бу тола меники! Сизларга ким ижозат берди? Қани, тезда пастга тушинглар! Пастга тушинглар!

Аммо ўша сонияда нима бўлди денг?!

Шунча вақт бус-бутун, ҳеч бир шикастсиз осилиб турган ўргимчак толасининг айнан ўша Кандата илиниб турган жойидан чирт этиб узилди!

У оҳ-воҳ қилишга ҳам улгурмай, чирпирак бўлиб, шамолдек ғувиллаб пастга, қоронғулик тубига учиб кетди.

Фақат ўргимчак толасининг бир кичик бўлагигина, жаҳаннамнинг юлдузсиз, ойсиз осмонида ожиз шуъла таратиб турарди.

3

Будда Нилуфар ҳовузининг четида туриб, нималар бўлаётганини бошдан-оёқ кузатди. Кандата худди улоктирилган тошдек, Қон кўлининг тубига чўкканида Будданинг юзи маъюс тортиб, яна ўз сайрида давом этди.

Кандатанинг юрагига меҳр-шафқат туйғуси ёт эди. У қандай қилиб бўлса ҳам фақат ўзим жаҳаннамдан қутулиб қолай, деганди. Шунга яраша жазосини олди: дўзах гирдобига итқитиб юборилди. Будда учун бу аянчли ва эзгин манзара эди.

Нилуфар кўлидаги нилуфарлар эса буларнинг барига бепарво эдилар.

Уларнинг марвариддек оппоқ косачалари Будданинг пойида оҳиста чайқаларди.

Будданинг ҳар бир одими билан нилуфарларнинг гулкосаларидан чор атрофга зариф ва муаттар бўй тараларди.

Жаннатда вақт пешинга яқинлашиб қолганди.





## Уильям Фолкнер

(1897 – 1962)



*Нобель мукофоти лауреати (1949), атоқли америкалик ёзувчи Уильям Фолкнер XX аср жаҳон адабиёти классикаридандир. Фолкнер «Аскар мукофоти» (1926), «Чивинлар» (1927), «Сарторис» (1929) каби қатор романлар ёзган. Асарларидаги воқеалар асосан Америка жанубида жойлашган хайлий Йокнапатофа шаҳрида кечади. Фолкнер «Шовқин ва ғазаб» (1929) романидан кейингина тан олинган. «Ўлим тўшагида» (1930) романи 59 та ички монологдан иборат бўлса, «Август ёгдуси» (1932) романида ирқчилик ва пуританлик принципларининг салбий оқибатлари очиб ташланган. Шунингдек, Фолкнер «Қишлоқча» (1940), «Шаҳар» (1957), «Кўрғонча» трилогияси, «Бу – ўн учлар» (1931), «Заминга туш, Мусо» (1942) ҳикоя ва новеллалар тўпламлари муаллифидир. «Танланган асарлар»и чоп этилгач, Фолкнер асарларига қизиқиш бир-мунча ошган.*

### ҚУЁШ ЗАВОЛИ

1

Энди Жефферсонда душанба куни ҳафтанинг бошқа кунларидан зиғирча ҳам фарқ қилмайди. Чунки шаҳарга сон кириб қолди – кўчаларга тош ётқизилган; телефон ва электр компаниялари эман, акас, қайрағоч каби серсоя дарахтларни кесиб, ўрнига ғуж чироқли темир устунлар ўрнатяпти. Шаҳар кир ювиш корхонаси курилиб,



аллақачон ишга туширилган. Душанба куні эрталаб турли-туман машиналар кўзни қамаштириб шаҳар кўчаларини айланиб юради; ҳафта мобайнида йиғилиб қолган кир уст-бошлар ортилган бу машиналар чийиллаганча ғизиллаб ёнгинангиздан ўтиб қолади. Эски урф-одатларга кўра, оқ танлиларнинг эгни-бошини ювиб тирикчилик қиладиган занжи аёллар ҳам ҳозир кирларини машиналарга ортиб кетадилар.

Аммо бундан ўн беш йил муқаддам душанба куні осойишта бўлар, соя-салқин, тупроқ кўчалар эрталабданоқ каттакон тугунни рўмол танғилган бошларига қўйиб кўтариб бораётган занжи аёллар билан тўлиб-тошарди. Бу хотинлар роса бир ой пахтадек тугунни бошларида шундай кўтариб ўтишардики, оқ танлилар уйидан то занжилар маҳалласидаги кулбаларига бирор ерда тугунга қўл теккизмасдан етиб борардилар. Нэнси бошининг қоқ ўртасига тугунни қўяр, тугун тепасига эса қишу ёз бошидан тушмайдиган похол шляпасини ташлаб оларди. У бадқовоқ, ялпоқ юзли, тишлари тўкилиб битганидан лунжи сал-пал салқиган, бўйчан аёл эди. Кўпинча биз кўчанинг у бошигача, баъзан ундан ҳам узоқроққа, ўтлоқнинг нариги чеккасигача, тугунни осонгина кўтариб кетишига қойил қолиб, ортидан эргашиб борардик: тугуннинг қоқ тепасидаги шляпа у зовурга тушаётганида ва қайта юқорига чиқаётганида ҳам, ҳатто чий орасидан ўтаётганида ҳам, оғиш тугул, қимир этмасди. Нэнси бошини орқага ташлаб тешиқдан эмаклаб ўтаркан, тугун қилт этмай, худди ҳаво шаридек боши узра турарди; сўнгра у қаддини ростлар ва яна йўлга тушарди.

Онда-сонда кўйлак-иштонларни олиб кетгани кирчи хотинларнинг эрлари келарди, аммо Иисус бундай ишга қўл урмасди; илгари, дадам уни уйимизга қадам бостирмай қўйганидан аввал ҳам, ҳатто кейинроқ Дилси оғриб, унинг ўрнига Нэнси бизникида пазандалик қилиб юрганида ҳам ақалли бирон марта бўлсин Иисус кир ташимаганди.

Деярли ҳар кун эрталаб тезроқ нонушта ҳозирлагани чақириб келиш учун Нэнсининг уйига боришга тўғри келарди. Отам,

Иисус билан – у пакана, чандиқ юзли ҳабаш эди – ади-бади айтишиб ўтирманглар, деб қаттиқ тайинлаганидан зовур ёқасида тўхтардик ва ўша ердан туриб, то остонада яп-яланғоч Нэнсининг қораси кўринмагунча уйга тош отаверардик.

– Бир ками тош отишларинг қолувди, – дерди Нэнси. – Нима керак сизга, шумтакалар?

– Тезроқ бориб нонушта тайёрлармишсан, дадам шундай деяптилар, – дерди Кэдди. – Нонушта шусиз ҳам ярим соат кечикяптикан, шунинг учун ҳозироқ йўлга тушармишсан.

– Ҳе, нонушталаринг ордона қолсин, – дерди Нэнси. – Буларнинг дастидан тўйиб ухлайолмайсан ҳам-а!

– Сен мастсан, шекилли? – дерди Жейсон. – Дадамнинг гапига караганда сен маст экансан. Шунақами, Нэнси?

– Кимдан чикди бу гап? – дея тўнғирларди Нэнси. – Уйқуниям харом қилдиларинг, э, нонуштангизданам ўргилдим.

Яна бир нечта тош ирғитгач, уйга қайтиб кетардик. То Нэнси судралиб етиб келгунича анча вақт ўтар, мен мактабга кечикардим. Биз ҳаммасига виски сабаб бўлган деб ўйлардик. Бундан аввалроқ уни ушлаб қамоққа олиб кетаётганларида, йўлда банк кассири, баптистлар черковининг мубошири жаноб Стовель учраб қолиб, Нэнси уни кўрибоқ ёпишиб олиб:

– Қачон менинг ҳақимни берасиз, тақсир? Қачон пулимни берасиз, тақсир? Меникида уч марта бўлибсиз-у, ҳалигача бир тийин берганингиз йўк... – дея бақираверган.

Жаноб Стовель жаҳл устида уни бир урган, Нэнси ағдарилиб тушган, аммо шунда ҳам жағи тинмаган:

– Қачон пулимни берасиз, жаноб? Меникида бир эмас, уч марта бўлсангиз ҳам ҳалигача...

Шунда жаноб Стовель хотиннинг юзига тепиб юборган, шериф уни ажратиб олган, лекин Нэнси ётган ерида кулаверган. Сўнг юзини четга буриб, қон аралаш тишларини тупуриб ташлаб:

– Меникига уч марта кириб, бир тийин ҳам бермади-я, – дея тўнғиллаган.

У мана шу тариқа тишсиз қолганди. Ўша куни ҳамманинг оғзидан Нэнси билан Стовель тушмади, кош қорайганда эса қамоқхона девори ёнидан ўтган-кетганлар дам ашула айтиб, дам дод-вой солаётган Нэнсининг овозини эшитганди. Деразадан унинг панжарани чангаллаб олган кўллари кўринар, девор ёнида эса оломон тўпланганди. Ҳамма унинг бўкиришини ҳам, назоратчининг, овозингни ўчир, деб ўдағайлашини эшитиб турарди. Бироқ Нэнси овозини ўчирмади, кечаси билан дод солиб чиқди. Тонготар олдидан назоратчи тепада нимадир деворни дукурлатиб, тирнаётганини эшитиб қолибди. Юқорига чиқиб қараса, Нэнси дераза панжарасида осилиб турганмиш. Кейинчалик назоратчи, гап вискида эмас, балки кокаинда, ҳабаш зоти кокаин ҳидламагунча ҳеч қачон ўз жонига қасд қилмайди, модомики, кокаин ҳидладими, бас, ҳабашлигини унутади-кўяди, деди.

Назоратчи уни сиртмоқдан чиқариб олгач, ҳушига келтириб, роса дўппослаган. Нэнси кўйлагини йиртиб ўзини осиб қўя қолган эди. Ҳибсга олишганида унинг эғнида кўйлагидан бўлак уст-боши йўқ эди, кўлини боғлагани ҳеч нарса тополмай, ноиложликдан дераза панжарасини чангаллаб осилиб тураверган. Назоратчи худди мана шу пайтда шовқинни эшитган, югуриб юқорига чиқиб, қип-яланғоч Нэнсининг панжарада осилиб ётганини кўрган.

Дилси касалга чалиниб, Нэнси бизникида овқат пишириб юрган чокда фартугининг остида қорни тўлишиб бораётганини ҳаммамиз пайқаб қолдик; бу ҳали отам Иисусни уйимизга киритмай кўймасидан аввалроқ содир бўлганди. Иисус ошхонадаги плита ёнида ўтирарди, унинг қоп-қора юзидаги чандиқ изи исқирт тасмани эслатарди. Нэнсининг кўйнида тарвуз бор, деди у бизга. Ҳолбуки, ўша кез киш фасли эди.

– Тарвузни қишда қайдан олдинг? – деб сўради Кэдди.

– Бу меники эмас, – деб жавоб берди Иисус. – Мен берганим йўқ уни. Аммо-лекин меникими, бошқаникими, барибир, бир куни шартта оламану сўйиб ташлайман.

– Нега болаларнинг олдида бунака нарсаларни гапиряпсан? – деди Нэнси. – Нега ишлагани кўймапсан? Ошхонада лақиллаб, болаларнинг олдида бўлар-бўлмас гапларни вайсаб ўтирганингни Жейсон кўриб қолишига кўзинг учиб турибдими?

– Нима деяпсан ўзи? Нэнси, у нима деб вайсапти? – дея сўради Кэдди.

– Менга оқ танли одамнинг емакхонасида лақиллаб ўтириш мумкин эмас, – деди Иисус. – Менинг емакхонамда эса оқ танли одам лақиллаб ўтирса майли. У хоҳласа, меникига киради, мен эса унга келмагин деёлмайман. Қачон оқ танли уйимга келса, ўзим уйимда ортиқча бўлиб қоламан. Майли, унга келма дейишга ҳаққим бўлмай кўя қолсин, аммо у мени уйимдан асло ҳайдаб юборолмайди. Йўк, бу унинг қўлидан келмайди.

Дилси ҳамон бетоб эди. Отам Иисусни бизникига киргизмай кўйди. Дилси ҳамон кўрпа-тўшак қилиб ётарди. У ҳадеганда тузалавермади. Кунлардан бирида, кечки овқатдан кейин, отамнинг хонасида ўтиргандик, онам:

– Нэнси бўлай деб қолдими? – деб сўради. – Назаримда, шу вақт ичида идиш-товоқларни ювиб улгуриш мумкин эди.

– Квентин бориб хабар ола қолсин, – деди отам. – Квентин, қарачи, Нэнси ишини тугатибдими-йўқми? Унга айт, уйига кетаверсин.

Мен бориб ошхонага бош суқдим. Идиш-товоқлар ювилиб, жой-жойига тахланган, плитанинг алангаси ўчирилган, Нэнси аллақачон совиб улгурган плита ёнидаги курсида ўтирарди. У менга назар ташлади.

– Ишларингни тугатдингми-йўқми, ойм сўраяптилар, – дедим.

– Ҳа, бўлдим, – деди Нэнси. У менга бошдан-оёқ разм солди. – Тугатдим, – дея яна кўзимга қаради.

– Нэнси, нима гап ўзи? Сенга нима бўлди? – дея сўрадим.

– Мен бор-йўғи бир ҳабаш хотинман, – деди Нэнси. – Лекин минбаъд бунга мен айбдор эмасман.

У похол шляпасини кийиб, совиган плита яқинидаги курсида ўтирганича мендан кўз узмасди. Мен хонага қайтиб бордим. Ким билсин, плита ўчиб қолгани учунми, емакхона жуда файзсиз

эди, чунки одатда емакхонага кирган одамнинг кўнгли очиларди, ҳамманинг димоғи чоғ, доимо иссиқ ва ғала-ғовур бўларди. Ҳозир эса плита ўчган, идиш-товоклар йиғиштирилган ва айни овқат ейдиган маҳалда ҳеч ким овқатланишни ўйламасди.

– Ҳўш, тугатибдими? – деб сўради онам.

– Ҳа, ойи, – деб жавоб бердим.

– Ундай бўлса, нима қилаётган экан?

– Ҳеч нима. Ўтирибди.

– Мен қараб келаман, – деди отам.

– У балки, кузатиб қўярди, деб Иисусни кутаётгандир, – деди Кэдди.

– Иисус кетиб қолди, – дедим.

Нэнси менга бир кун эрталаб ўрнидан тургани ва Иисуснинг дом-дарагини тополмагани ҳақида гапириб берганди.

– Мени ташлаб кетди, – деди Нэнси. – Мемфисга жўнаб кетган бўлса керак. Ўшоқларда полициядан яшириниб юрганга ўхшайди.

– Минг қатла шукрки, ундан кутулдинг, – деди отам. – Менимча, бедарак кетган.

– Нэнси қоронғидан кўрқади, – деди Жейсон.

– Нима бўпти, ўзинг ҳам кўрқасан, – деди Кэдди.

– Ҳечам кўркмайман, – деди Жейсон.

– Кўркоғ-ей, – деди Кэдди.

– Ҳечам-да, – деди Жейсон.

– Кендейс! – дея дашном берди онам.

Отам кирди.

– Нэнсини пича кузатиб қўймасам бўлмайди, – деди у. – Айтишига қараганда, Иисус қайтиб келганмиш.

– Ўз кўзи билан кўрибдими? – деб сўради онам.

– Йўқ, аллақандай ҳабаш Иисусни шаҳарда кўргангани унга етказибди. Мен тезда қайтаман.

– Сен то Нэнсини кузатиб қўйгунингча мен уйда ёлғиз ўтираманми? – деди онам. – Сенга ҳабаш хотиннинг тинчи менинг тинчимдан кўра зарурроқ, шекилли.

– Бораману қайтаман, – деди отам.

– Анави хабаш шу атрофда дайдиб юрган бўлсаям, болаларни ёлғиз қолдириб кетишга кўзинг қиядимми?

– Мен ҳам бораман, – деди Кэдди. – Борсам майлими, дада?

– Сенинг болаларингга унинг кўзи учиб тургани йўқ, – деди отам.

– Мен ҳам бораман, – деди Жейсон.

– Жейсон! – дея бақирди онам. Буни отамга қарата айтгани унинг авзойидан сезиларди. Шу билан у гўё, қандай қилиб бўлмасин юрагимни кўпроқ сиқиш учун кун бўйи турли баҳоналар ахтарганди, мана, ниҳоят, ниятига етди, демокчи эди. Мен нафасимни ичимга ютиб ўтирардим, чунки онам пайқаб қолса, шак-шубҳасиз, мени ташлаб кетишини хоҳлаб қолажагини отам иккимиз яхши билардик. Шунинг учун отам мен томонга ақалли бир марта ҳам қарамади. Болаларнинг тўнғичи мен эдим. Кэдди менадан икки ёш кичик – еттида, Жейсон эса беш яшар эди.

– Бекор гап! – деди отам. – Биз тезда қайтиб келамиз.

Нэнси аллақачон шляпасини кийиб олганди. Биз тор кўчага чиқдик.

– Иисус доим менинг кўнглимга қарагани қараган эди, – деди Нэнси. – Қанча пул топишидан қатъий назар, ярмини менга берарди.

Биз тор кўча бўйлаб борардик.

– Шу тор кўчалардан чиқиб олсам бўлгани, – деди Нэнси, – у ёғи икки қадам.

Тор кўча Худонинг берган куни зимистон эди.

– Азиз-авлиёлар куни Жейсон мана шу ерда роса кўрққанди, – деди Кэдди.

– Ҳечам кўрқмагандим, – деди Жейсон.

– Рейчел хола ҳам ҳеч нарса қилолмайдимми уни? – деб сўради отам.

Рейчел хола жуда қариб қолганди. У Нэнсининг уйидан сал наридаги кулбада ёлғиз яшарди. Унинг сочлари оппоқ оқариб кетган, аллақачонлардан бери ҳеч ерда ишламас, ҳар куни эрталабдан кечгача бўсағада ўтириб трубка чекишдан бошқа ишга ярамасди. Одамларнинг орасида, Иисус унинг фарзанди, деган миш-мишлар

юрарди. Рейчел холанинг ўзи баъзан бу гапни тасдиқлар, баъзан эса, мутлако бўлмаган гап, у ҳеч кимим эмас, деб туриб оларди.

– Ёлгон, сен кўрқиб кетгандинг, – деди Кэдди. – Фронни у ёқда турсин, ҳар қандай ҳабашдан кўра беш баттар кўрққандинг.

– У ҳеч кимнинг сўзига кирмайди, – деди Нэнси. – Ўзининг ай-тишича, мен унинг жинини кўзгатиб юборганмишман, шунинг учун то мени бир ёқли қилмагунча кўнгли жойига тушмасмиш.

– Ҳечқиси йўқ, – деди отам, – гапираверади. У жўнаб кетди, энди кўрқмасанг ҳам бўлаверади. Фақат оқ танлилар билан ўчакишмаса бас.

– Нима қилиб ўчакишади? – деб сўради Кэдди. – Қанақа оқ танлилар билан?

– У ҳеч қаерга кетмаган, – деди Нэнси. – Кўнглим сезяпти, у шу ерда. Манави тор кўчага яширинган. Нима деяётган бўлсак, ҳаммасини эшитиб турибди. Беркиниб олиб кутяпти. Мен уни кўрганим йўқ, кўрсам ҳам, атиги бир марта, қўлида устара билан кўрсам керак. Устарани у бўйнига осиб юради. Мабодо кўриб қолган тақдирда ҳам сира ажабланмасдим.

– Мен сира кўрқиб кетмагандим, – деди Жейсон.

– Агар орқа-олдинга қараб юрганинда, ҳеч нарса юз бермаган бўларди, – деди отам. – Аммо бўлар иш бўлди. Эҳтимол, у ҳозир Сент-Луисдадир, аллақачон бошқа хотинга уйланиб, сени эсидан ҳам чиқариб юборгандир.

– Мабодо шундай бўлса ҳам, – деди Нэнси, – менинг билмаганим яхши. У ҳолда, кўнглингизни тўқ қилаверинг, кунини кўрсатардим. Ўшани кучоқлаб бағрига босиб кўрсин-чи, қўлларини чопиб ташлайман. Мен уни қонига ташна қилиб қўяман, қорнидан дарча очиб қўяман, мен уни...

– Жим! – деди отам.

– Кимнинг қорнидан, Нэнси? – деб сўради Кэдди.

– Мен сираям кўрқиб кетмагандим, – деди Жейсон. – Тор кўчадан бир ўзим юроламан, бўптими?

– Қўйсанг-чи, – деди Кэдди. – Биз бўлмасак, бу кўчадан етти чақирим наридан юардинг.

Дилси ҳамон бетоб ётарди. Биз ҳар куни кечқурун Нэнсини уйига кузатиб қўярдик. Охири онамнинг сабри чидамади.

– Бу қачонгача давом этади? – деди у. – Тоқайгача мен ҳувиллаган уйда ҳар куни кечқурун сўппайиб ўтиравераман, сен восвос ҳабаш хотинни кузатиб қўяверасан?

Ошхонада ётар деб, Нэнсига тўшак солиб бергандик. Бир куни кечаси зим-зиё тун қўйнида зинапоя тагидан келаётган, ашула деса, ашулага, нола деса, нолага ўхшамайдиган аллақандай товушдан уйғониб кетдик. Онамнинг хонасидаги чироқ ёниқ эди. Отам йўлакка чиқиб, кейин махфий зинапоя томонга ўтганини пайқадикда, Кедди икковимиз ҳам даҳлизга югуриб чиқдик. Пол муздек эди. Биз эшитилаётган товушга жимгина кулоқ солиб тураверганимиздан оёғимиздан совуқ ўтиб, бармоқларимиз увишиб қолаёзди. Бу ашулага ўхшарди, бироқ айна чокда ўхшамасди ҳам. Бу ҳабашларга хайронсан, нималар қилишмайди-я.

Кейин у жим бўлди, отам зинадан пастга туша бошлаганини эшитиб, биз ҳам зина панжараси ёнига бориб қарадик. Зум ўтмай энди зинопоянинг ўзидан, секингина яна бояги товуш келди ва девор ёнидаги пиллапояда Нэнсининг кўзлари кўринди. Унинг кўзлари бамисли мушукнинг кўзларидек ёнар, худди девор тагида баҳайбат мушук яшириниб олиб, бизга тикилиб турганга ўхшарди. Биз бир неча поғона пастга тушгандик, Нэнсининг уни ўчди ва биз то ошхонадан тўппонча билан отам чикмагунча, ўша ердан жилмай туравердик. Отам Нэнси билан пастга тушиб кетди, зум ўтмай Нэнсига тегишли тўшакни қўлтиқлаб бирга қайтиб чиқди.

Уни болалар бўлмасига тўшаб бердилар. Онамнинг хонасидаги чироқ ўчганида Нэнсининг кўзлари ёна бошлади.

– Нэнси, – дея шивирлади Кедди. – Ухламаяпсанми?

Нэнси бир нималар деб шивирлади, нима деганини тушунмадим. Худди у ерда Нэнсининг ўзи тугул арвоҳи ҳам йўқдек шивиршивир ўз-ўзидан туғилаётгандек, қоронғилик қўйнидан келарди; бу ялтираган кўзлар эса қуёшга узоқ қараб, сўнг кўзларингни юмга-



нингдагига ўхшаб, шунчаки, боя зинапояда ўта диққат билан тикилганим учун, қорачиқларимда суврати колгани учун кўринаётгандек эди.

– Вой Худойим-эй, – дея хўрсинди Нэнси. – Вой Худойим-эй!

– Иисус бор эканми ўша ерда? – дея шивирлади Кедди. – У ошхонага кирмоқчи бўлдими?

– Худойим-эй, – деди Нэнси. У нафаси билан бирга чуқур хўрсиниб: «Худойимейиййй!..» деди.

– Нэнси, сен бизни кўряпсанми? – дея шивирлади Кедди. – Сен ҳам бизнинг кўзларимизни кўряпсанми?

– Мен бор-йўғи бир ҳабаш хотинман, – деди Нэнси. – Худога ҳаммаси аён, ҳаммаси аён...

– Ошхонада нима бор экан? – дея шивирлади Кедди. – Ким кирмоқчи бўлибди?

– Худо билади, – деди Нэнси. – Худо билади. – Бизга унинг кўзлари кўринарди, холос.

\* \* \*

Дилси касалдан турди. Қозон-товокни ўз кўлига олди.

– Сен яна бирон кун ёта турсанг бўлармиди, – деди отам.

– Нима фойдаси бор? – деди Дилси. – Худо кўрсатмасин, яна бир кун ётсам, уйнинг чанги бошингизга чиқиб кетади. Қани, энди чиқинглар ошхонадан. Сал одам кирадиган қилиб қўймасам...

Кечки овқатни ҳам Дилси тайёрлади. Қош қорайди, деганда ошхонага Нэнси кириб келди.

– У қайтиб келди, деб ким айтди сенга? – деди Дилси. – Ўз кўзинг билан кўрдингми?

– Иисус – қоратаппи, – деди Жейсон.

– Кўнглим сезяпти, – деди Нэнси, – у ўша зовурда яшириниб ётибди, кўнглим сезяпти.

– Ҳозирми? – деб сўради Дилси. – Ҳозир ўша ердами?

– Дилси ҳам – қоратаппи, – деди Жейсон.

– Ул-бул еб олсанг бўларди, – деди Дилси.

– Ҳеч нарса егим йўқ, – деди Нэнси.

– Мен қоратаппи эмасман, – деди Жейсон.

– Қахва ич, ҳеч бўлмаса, – деди Дилси ва қахва қуйиб узатди. – Сенингча, у ҳозир ҳам ўша ердами? Қаердан биласан?

– Билмасам гапирармидим, биламан-да, – деди Нэнси. – У ўша ерда, мени пойлаяпти. Шунча йил бекорга яшаганим йўқ. Ҳар доим нима қилишини олдиндан билардим.

– Қахвадан хўпла, – деди Дилси.

Нэнси пиёлани лабига яқин келтириб пуфлади. Лунжи салқиб, худди қахвани совутаман деб, ҳамма бўёғини пуфлаб юборгандек, лаблари кулранг тус олди.

– Мен қоратаппи эмасман, – деди Жейсон. – Сен-чи, Нэнси, қоратаппимисан?

– Мен Худонинг қарғишига учраган хотинман, – деди Нэнси. – Ҳадемай ҳаммасидан қутуламан. Қаердан келган бўлсам, ҳадемай ўша ерга қайтиб кетаман.

3

Нэнси қахва ичишга чоғланди. Иккала қўли билан пиёлани кўтариб ётган чоғида яна ҳиқиллай бошлади.

Нафасидан қахва чайқалиб кетиб, Нэнсининг қўлига, қўйлагига тўкилди. Кўзлари бизда эди. У тирсақлари билан тиззасига суянганча, пиёлани қўлидан қўймай, пиёла оша бизга тикилиб ўтираркан, кўксидан оғир хўрсиниқ отилиб чиқди.

– Нэнсига қара, – деди Жейсон. – Дилси тузалгани учун у энди овқат пиширмайди.

– Бирпас жим тур, – деди Дилси.

Нэнси пиёлани кафтларида тутиб бизга қарар, гўё бир эмас, хо-нада икки нафар Нэнси ўтиргандек туюларди; бири бизга қараб турар, иккинчиси эса товуш чиқарарди.

– Нега жаноб Жейсон қўнғироқ қилиб шериф билан гаплашишини хохламаяпсан? – дея сўради Дилси.

Қоп-қора, косовдек қўлларидан пиёлани қўймай ўтирган Нэнси чурқ этмади. Қахвадан хўпламоқчи бўлганди, қахва чайқалиб

кедиб, қўли билан тиззасига тўкилди-ю, у пиёлани секин столга қўйди. Жейсон унга қараб турарди.

– Томоғимдан ўтмаяпти, – деди Нэнси. – Ютяпман-у, аммо ўтмаяпти.

– Ҳозир меникига бор, – деди Дилси. – Фрони сенга жой солиб беради. Мен эса орқангдан етиб бораман.

– У дуч келган ҳабашдан кўрқади, деб ўйлайсан, шекилли, – деди Нэнси.

– Мен ҳабаш эмасман, – деди Жейсон. – Дилси, мен ҳабаш эмасман-а?

– Балки шундайдир, – деди Дилси. У Нэнсига кўз ташлади. – Балки кўркмас ҳам. Лекин ўзинг нима қилмоқчисан?

Нэнси бизларга қаради. У қимир этишга ҳоли келмайдигандек ўтирар, бироқ худди бирон нимани кўрмай, пайқамай қолишдан чўчигандек, кўзлари тинмай аланг-жалаң қиларди. У бир вақтнинг ўзида учовимизни назардан қочирмасликка уринарди.

– Хонангизда сизлар билан тунаб қолганим эсингиздами? – сўради Нэнси.

У эрталаб қандай тўполон қилганимизни гапира бошлади. Биз то отам уйғониб, Нэнси нонушта ҳозирлагани пастга тушиб кетгунча, унинг тўшагида роса ўйнагандик.

– Бугун ҳам сизлар билан тунаб қолишимни онангиздан сўранг, – деди Нэнси. – Менга тўшак ҳам керакмас. Яна бирга ўйнаймиз.

Кэдди, орқасидан Жейсон онамнинг ёнига югуриб чиқиб кетди.

– Қаланғи-қасанғи ҳабашлар менинг уйимда тунашга йўл қўёлмайман.

Жейсон йиғлаб юборди. У то онам, агар ҳозироқ хархашангни тўхтатмасанг, уч кунгача ширинлик емайсан, деб койимагунча йиғлайверди. Бироздан сўнг Жейсон, агар Дилси шоколадли торт пиширса, йиғламайман, деди. Отам ҳам ўша ерда ўтирарди.

– Нега сен бирон чора кўрмайсан? – сўради онам. – Бизнинг полиция нима билан шуғулланыпти?

– Нэнси Иисусдан нега кўрқади? – деб сўради Кэдди. – Ойи, сизчи, сиз отамдан кўркасизми?

– Полициянинг қўлидан нима келарди? – дея эътироз билдирди отам.

– Нэнси хатто уни кўрмаган бўлса, ўзинг айт-чи, уни каердан излаш керак?

– Унда нега бунчалик кўрқади?

– Ўзининг гапига қараганда, Иисус шу атрофда юрганмиш. Буни кўнгли сезаётганмиш. Айтишича, бугун ҳам шу яқин орада эмиш.

– Нима учун солиқ тўлаяпмиз полицияга, ҳеч тушунолмадим, – деди онам. – Сен қаёқдаги ҳабаш хотинларни кузатиб қўйишинг, мен эса ҳувиллаган уйда ёлғиз қолишим яхшими?

– Мен ўлдираман деб сени пойлаб юрганим йўқ-ку, тушунсанг-чи?! – деди отам.

– Агар Дилси шоколадли торт пиширса, йиғламасдим, – деди Жейсон.

Онам бизларга, боринглар энди, деди, отам эса, Жейсон шоколадли торт ейдими, емайдими, билмайман-у, лекин ҳозироқ хонадан чиқиб кетмаса, таъзирини ейди, деди. Биз ошхонага йўл олдик. Кэдди Нэнсига юзланди:

– Отам сен уйингга бориб эшикни тамбалаб олсанг, ҳеч ким тегмайди, деди. Ким тегмайди, Нэнси? Иисусми? Сен уни хафа қилдингми?

Нэнси ҳамон тирсаклари билан тиззасига таяниб, қўлидаги пиёлани тиззалари орасидан осилтириб ушлаб ўтирар, пиёладан кўз узмасди.

– Иисуснинг жаҳлини чиқарадиган нима иш қилувдинг? – дея сўради Кэдди.

Пиёла Нэнсининг қўлидан тушиб кетди. Пиёла синмади, фақат қаҳва тўкилди, Нэнси ҳамон кўлларида пиёла бордек кафтларини ҳовуч қилиб ўтирарди. У яна, паст овозда ҳиқиллай бошлади. Бир қарасанг, ашулага ўхшайди, бир қарасанг, ўхшамайди. Ҳаммамиз унга қараб турардик.

– Сени қара-ю, бўлди энди, – далда берди Дилси. – Етар. Бунчалик куйинаверишдан фойда йўқ. Шу ерда ўтира тур, мен бориб Вершга айттай, сени кузатиб қўйсин. Унгача шу ерда қимирламай ўтир.

Дилси чиқиб кетди.

Ҳаммамиз Нэнсига қарадик. Унинг елкалари титради, аммо чурқ этмади. Биз унга қараб ўтирардик.

– Иисус сени нима қилмоқчи? – деб сўради Кэдди. – У жўнаб кетган, шекилли?

Нэнси бизга назар ташлади.

– Мен сизларникида тунаб қолганимда роса мириқиб ўйнагандик, тўғрими?

– Ҳечам, – деди Жейсон. – Мен сира ҳам мириқиб ўйнамагандим.

– Сен ухлагандинг, – деди Кэдди. – Сен биз билан ўйнамагандинг.

– Кетдик бизникига ҳозир. Яна ўйнаймиз, – деди Нэнси.

– Онам рухсат бермайди, – дедим мен. – Кеч бўлиб қолди.

– Сизлар рухсат сўраманглар, – деди Нэнси. – Эртага айтсанглар, аччиғи чикмайди.

– Онам рухсат бермайди, – ўзимникида туриб олдим.

– Ҳозир унга билдирманглар, деяпман-ку, – деди Нэнси, – қайта-қайта сўраб безор қилиб юборманглар.

– Онам, борманглар, деб айтмаганлар, – деди Кэдди.

– Биз сўраганимиз йўқ-ку! – дедим.

– Агар кетсанглар, айтиб бераман, – деди Жейсон.

– Биз ҳаммамиз роса ўйнардик-да, – деди Нэнси. – Фақат менинг уйимга бориб олсак бўлгани. Онангизнинг аччиғи чикмайди. Мен, ахир, шунча пайдан бери сизникида ишляпман-ку, отангиз билан онангиз уришмайди.

– Мен кўркмайман, – деди Кэдди. – Жейсон кўрқади. У оймга айтиб беради.

– Мен кўркмайман, – деди Жейсон.

– Йўқ, сен кўрқасан. Сен оймга чақиб берасан.

– Чақиб бермайман, – деди Жейсон. – Мен кўркмайман.

– Жейсон ёнимда бўлса, ҳеч нарсадан кўркмайди, – деди Нэнси. – Тўғрим, Жейсон?

– Жейсон ойимларга айтиб беради, – деди Кэдди.

Тор кўча зимистон эди. Биз орка эшикдан ўтлоққа чикдик.

– Агар бирон нарса дарчадан сакраб тушса борми, Жейсон кўрққанидан додлаб юборарди.

– Ҳечам додлаб юбормасдим, – деди Жейсон.

Биз йўлга тушдик. Нэнси шанғиллаб, баланд овозда гапирарди.

– Нега бунча бақириб гапиряпсан, Нэнси? – деб сўради Кэдди.

– Ким? Менми? – деб сўради Нэнси. – Ол-а, Кэдди, Жейсон билан Квентинларнинг гапини кўринг! Гўё мен бақириб гапираётганмишман.

– Сен шундай гапиряпсанки, худди орамизда яна биров, бешинчи киши бордек, – деди Кэдди. – Худди дадам биз билан бирга кетаётгандек.

– Ким бақириб гапиряпти? Мен бақириб гапиряпманми, жаноб Жейсон? – деди Нэнси.

– Нэнси Жейсонни «жаноб» деяпти, – деди Кэдди.

– Қаранг, Кэдди, Жейсон ва Квентинлар нима дейишяпти? – деди Нэнси.

– Биз ҳеч нарса деётганимиз йўқ, – деди Кэдди.

– Сендан бошқа ҳеч ким ҳеч нарса демаяпти, худди дадам...

– Секин, – деди Нэнси. – Секинрок, жаноб Жейсон.

Аввал зовурдан, сўнгра Нэнси доимо бошида тугуни билан ўтиб юрадиган ғов орасидан ўтдик, у бутун йўл бўйи жавраб борди. Ниҳоят, уйига яқинлашдик. Биз жуда тез етиб келгандик. Нэнси эшикни очди. Уйга ўтириб қолган ҳид гўё чироғ-у, Нэнсининг баданидан уфураётган ҳид бамисли пиликдек, улар яна ҳам кучлирок ҳид анкитиш учун бир-бирларини кутаётгандек эди. Нэнси чироқни ёқди. Эшикни ёпиб, тамбалади. Шундан кейин шанғиллашдан тўхтаб, бизга қаради.

– Энди нима қиламиз? – деб сўради Кэдди.

– Нима қилмоқчисизлар? – деди Нэнси.

– Ҳйнаймиз, дегандинг.

Нэнсининг уйида бир кўнгилсизлик шарпадек кезиб юргани худди хид сингари сезиларди. Буни ҳатто Жейсон сезди.

– Мен бу ерда қолишни истамайман, – деди у. – Уйга кетгим келяпти.

– Кетсанг, кетавер, ким кўлингдан ушлаб турибди? – деди Кэдди.

– Бир ўзим кетмайман, – деди Жейсон.

– Мана, ҳозир бошлаймиз, – деди Нэнси.

– Қанақа ўйинни бошлаймиз? – деб сўради Кэдди.

Нэнси эшик олдида турарди. У бизга тикилди, бироқ ҳеч нимани кўрмаётгандек кўзлари маънисиз боқарди.

– Ўзингиз нимани хоҳлайсиз? – дея сўради у.

– Яхшиси, бизга эртак айтиб бер, – деди Кэдди. – Эртак айтишни биласанми?

– Биламан, – деди Нэнси.

– Ундай бўлса, айт, – деди Кэдди.

Биз Нэнсига қарадик.

– Сен биронта ҳам эртакни билмайсан, шекилли? – деди Кэдди.

– Нега ахир, биламан, – деди Нэнси. – Ҳозир айтиб бераман...

У ўчоқ ёнидаги курсига ўтирди. Ўчоқда қип-қизил чўғлар кўринарди. Нэнси яхшилаб пуфлаганди, лов этиб аланга олди. Ўт ёқишнинг ҳожати ҳам қолмади. Нэнси алангани гуриллатиб юборди-да, эртак айта бошлади. У шундай гапириб, шундай қарардики, худди овози ҳам, кўзи ҳам ўзиники эмас, бировникидек, ҳатто ўзи ҳам бу ерда йўқдек эди. Гўё бошқа бир ерда эди-ю, ўша ерда ниманидир кутарди. У уйда эмас, балки ташқарида, қоронғилик қўйнида юрарди гўё.

– ...Ниҳоят, малика ёвуз одам яширинган зовур ёқасига келибди. У зовурга тушибди-да: «Агар зовурдан ўтолсам эди», дебди.

– Қанақа зовур? – деб сўради Кэдди. – Бизникига ўхшаганми? Нега у зовурга тушади?

– Уйга етиб олиши учун, – деб жавоб берди Нэнси. – Ундан бошқа борадиган йўл йўқ экан.

– Уйга бориб нима қиларди? – деб сўради Кэдди.

Нэнси бизларга тикилган кўйи, ҳикоя қилишдан тўхтади. Жейсоннинг оёқлари калта иштончасидан чиқиб турарди. У ҳали ёш бола бўлганидан калта иштон кийиб юрарди.

– Ёмон эртак экан, – деди у. – Уйга кетгим келяпти.

– Айтганча, бўлди, уйга кетамиз, – деди Кэдди ва ўрнидан турди. – Бизлардан хавотир олиб қидиришаётган бўлмасин яна, – дея у эшикка қараб юрди.

– Тўхта, – деди Нэнси, – очма.

У сапчиб ўрнидан турди-да, Кэддининг олдидан тўсиб чиққани эшик томон талпинди. Аммо эшикка ҳам, тамбага ҳам қўл урмади.

– Нега? – деб сўради Кэдди.

– Юр, чироқ ёнида бироз ўтирайлик, – деди Нэнси. – Ўйнаймиз, ҳали кетишга эрта.

– Узоқ қолиб кетсак бўлмайди, – деди Кэдди. – Қолишга арзигулик нарса бўлмаса, нимаям қилардик.

Улар Нэнси билан бирга ўчоқ бошига қайтишди.

– Уйга кетгим келяпти, – деди Жейсон, – ҳаммасини айтиб бераман.

– Мен яна битта жудаям қизиқ эртакни биламан, – деди Нэнси.

У Кэддидан кўзини узмас, худди бурнининг учига чўпни яқин келтириб, пастдан қарагандек, кўзлари ғилайлашиб кетарди. Кэддига тепадан пастга қарашга тўғри келса ҳам Нэнсининг кўзлари шундай эди.

– Эшитишни истамайман, – деди Жейсон, – мен полни тапилла-тиб ўтираман.

– Буниси жуда қизиқарли эртак, – деди Нэнси. – Ановинисидан анча қизиқроқ.

– Нима ҳақда у? – деб сўради Кэдди.

Нэнси чироқ ёнида турарди. Қўли билан чироқ шишасини ушлади. Чироқ нурида унинг қўли яна ҳам узунроқ ва қорароқ кўринди.

– Сен шишасини ушлаяпсан, – деди Кэдди. – Қўлинг қуймаяптими?



Нэнси кўллариға қаради ва истар-истамас кўлини чироқ шишасидан олди. У Кэддига назар сола туриб, кўлини чунонам айлантирдики, худди кўли арқон билан осиб кўйилганга ўхшарди.

– Келинлар, яхшиси, бошқа бирон нима билан шуғулланамиз, – деди Кэдди.

– Уйга кетгим келяпти, – деди Жейсон.

– Менда жўхори бор, – деди Нэнси. У Кэддига, кейин менга, сўнгра Жейсонга, яна Кэддига қараб чиқди. – Келинлар, жўхори қовурамиз.

– Жўхорини ёмон кўраман, – деди Жейсон. – Мен конфетни яхши кўраман.

Нэнси Жейсонга назар солди.

– Мен жўхори пишираётганимда, сен товани ушлаб турасан, хўпми?

У ҳамон кўлини айлантирарди. Узун, коп-қора кўли худди бесуякка ўхшарди.

– Бўпти, – деди Жейсон. – Агар товани ушлаб турсам, қоламан. Кэдди товани ушлаб туришни билмайди. Агар товани Кэддига берсанг, уйга кетаман.

Нэнси пуфлаб-пуфлаб олов қалади.

– Нэнси оловни ушлапти! – деди Кэдди. – Сенга нима бўлди, Нэнси?

– Менда жўхори бор, – деди Нэнси. – Озгина бор.

У каравот тагидан товани олди. Тованинг дастаси синиқ экан. Жейсон йиғлаб юборди.

– Ҳеч нарсага ярамайди, – деди у.

– Энди уйга кетмасак бўлмайди, – деди Кэдди.

– Шошманлар, – деди Нэнси. – Шошманлар. Мен уни ҳозир тузатаман. Наҳотки, менга ёрдам беришни истамасанг?

– Мени жўхори егим келмай қолди, – деди Кэдди. – Кеч бўлди энди.

– Унда сен ёрдам бер, Жейсон, – деди Нэнси. – Сен менга ёрдам берсан, тўғрими?

– Йўк, – деди Жейсон. – Мен уйга кетаман.

– Ундай қилманглар, – деди Нэнси. – Керакмас. Қара, мен нима қиламан. Ҳозир уни тузатаман-да, кейин Жейсон товада жўхори қовуради.

У бир бўлак сим билан тованинг дастагини маҳкамлади.

– Э, барибир бўлмайди, – деди Кэдди.

– Бўлади, – деди Нэнси. – Мана, кўрасан. Ана энди жўхори тозалаймиз, қани, қарашиб юборинглар.

Жўхори ҳам қаравот тагида экан. Биз уни сўтасидан ажратиб товага солишга тутиндик. Нэнси эса Жейсоннинг товани оловда тутиб туришига кўмаклашди.

– У ёрилмаяпти, – деди Жейсон. – Мен уйга кетаман.

– Шошма, – деди Нэнси. – Ҳозир бодрай бошлайди. Жудаям қизиқ бўлади.

У ўчоқнинг ёнгинасида ўтирарди. Чироқнинг пилиги жуда баянлатиб қўйилганидан тутай бошлади.

– Нега пилигини пасайтириб қўймайсан, – деб сўрадим.

– Ҳечкиси йўк, – деди Нэнси. – Қоракуяни кейин артиб оларман, ана, қара, ҳозир ёрила бошлайди.

– Сира ёриладиганга ўхшамаяпти, – деди Кэдди. – Лекин барибир уйга кетишимиз керак. Хавотир олишади.

– Йўк, – деди Нэнси. – Ҳозир ёрила бошлайди. Дилси уларга мен билан бирга кетганингизни айтиб қўяди. Сизларникида шунча пайт ишлаб келдим. Меникига келганингизни эшитса, уларнинг жаҳли чиқмайди. Шошманглар. Кўз очиб юмгунча ёрила бошлайди.

Дафъатан кўзига тутун кирдию Жейсон йиғлаб юборди. У товани оловга ағдарди. Нэнси хўл латтани олиб Жейсоннинг юз-кўзини арта бошлади. У эса йиғлашдан тўхтаб демасди.

– Вой-бў, бўлди қила қол, – деди Нэнси. – Бўлди қилсанг-чи.

Аммо Жейсон йиғлайверди.

Кэдди товани оловдан тортиб олди.

– Ҳаммаси қуйиб кетибди, – деди у. – Нэнси, яна жўхоридан борми?

– Сен товага ҳаммасини солганмидинг? – деб сўради Нэнси.

– Ҳа, – деди Кэдди.

Нэнси унга хомуш боқди. Сўнгра товадаги куйган жўхорини этагига солиб, узун, коп-қора бармоқлари билан битталаб ажрата бошлади. Биз уни кузатиб турардик.

– Бошқа жўхоринг йўқми уйда? – деб сўради Кэдди.

– Бор, – деди Нэнси. – Бор. Мана, ҳаммаси куйиб кетмаган экан. Фақат булари...

– Мени уйга кетгим келяпти, – деди Жейсон. – Ҳаммасини айтиб бераман.

– Овозингни ўчир! Жим!

Биз нафасимизни ютиб атрофга кулоқ солдик. Нэнси ўша заҳоти эшикка юзланди, унинг кўзларида чирокнинг қизғиш шуъласи акс этарди.

– Кимдир келяпти, – деди Кэдди.

Шунда олов ёнида тиззаларининг орасидан қўлларини осилтириб ўтирган Нэнси паст овозда яна ҳиқиллай бошлади: дафъатан унинг юзидан йирик-йирик кўзёш томчилари юмалай бошладди, томчилар иягига оқиб тушаркан, бу томчиларнинг ҳар бирида ўчоқдаги аланганинг оловли ҳалқалари акс этарди.

– У йиғламайди, – дедим мен.

– Мен йиғламайман, – деди Нэнси; унинг кўзлари юмиқ эди. – Мен йиғламайман. Бу келаётган ким?

– Билмадим, – деди Кэдди, сўнг эшикдан бошини чиқариб қаради. – Оббо, энди уйга кетмасдан бошқа иложимиз қолмади. Отам кептилар.

– Мен ҳаммасини айтиб бераман, – деди Жейсон. – Мен бормайлик, дегандим, сизлар мени зўрлаб олиб келдингиз.

Нэнсининг ёноқларидан ҳамон томчилар оқиб тушмоқда эди. У ўтирган ерида ўгирилди.

– Менга қаранглар, унга айтингларки... Биз шу ерда бирга ўйнаймиз, денглар. Нэнси эрталабгача биз билан бирга ўйнайди, денглар. Нэнси биз билан кетсин, деб илтимос қилинглар. Ерда

бўлса ҳам ётавераркан, денглар. Менга тўшак ҳам шартмас. Биз эрталабгача роса ўйнардик. Эсларингдами, ўтган сафар қанака маза бўлганди?

– Мен сираям маза қилмагандим, – деди Жейсон. – Сен мени урдинг. Сени деб кўзимга тутун кириб кетди.

5

Отам кирди. У бизга қаради. Нэнси ўрнидан турмади.

– Унга айтинглар, – деб илтимос қилди у.

– Мен бормайман, дегандим, – деди Жейсон, – Кэдди мажбур қилди.

Отам ўчоқ тепасига келди. Нэнси бошини кўтарди.

– Рэйчел холангникига бориб, ўша ерда тунасанг бўлмайди-ми? – деб сўради отам. Нэнси қўлларини тиззаси орасидан осилтириб ўтирган кўйи унга разм солди. – Бу атрофда ўзи тугул арвоҳи ҳам йўқ унинг. Бўлса, мен кўрардим. Бу атрофда тирик жон кўринмайди.

– У зовурда, – деди Нэнси. – Зовурда яшириниб ётибди.

– Бекор гап, – деди отам Нэнсига тикилиб. – Ўша ердалигини сен қаердан биласан?

– Менга ишора қилишган, – деди Нэнси.

– Ким ишора қилган?

– Билмадим. Уйга кирганимда стол устида ётарди. Гўштидан қони оқиб турган чўчка суяги. У столда, чирок ёнида ётарди. У ўша ерда. Сиз кетишингиз ҳамано манави эшикдан киради-ю, қарабсизки, куним битди деяверинг.

– Куним битади нима дегани, Нэнси? – дея сўради Кэдди.

– Мен чакмачақар эмасман, – деди Жейсон.

– Бекор гап! – деди отам.

– У ўша ерда, – деди Нэнси. – Кетишингизни кутиб ҳозир деразадан қараб турибди. Кетдим дейишингиз биланоқ куним битади.

– Бўлмаган гап! – деди отам. – Қани, эшикларни тамбала-чи. Сени Рейчел холаникига обориб кўямиз.

– Нима фойда? – деди Нэнси. У отамга бошқа қарамади, аммо отам унинг териси хилвираган қоп-қора қўлларидан кўз узмай турарди. – Чўзишдан нима фойда?

– Сен ўзинг нима қилмоқчисан? – деб сўради отам.

– Билмайман, – деди Нэнси. – Қўлимдан нимаям келарди. Яна озгина чўзиш мумкин. Лекин нима фойдаси бор? Пешонамга ёзилгани шу экан. Пешонамдан кўраман.

– Нимани кўрасан? – деб сўради Кэдди. – Пешонамга нима ёзилган экан?

– Буларнинг хаммаси қуруқ сафсата, – деди отам. – Сизлар эса хозирок бориб ухлашингиз керак.

– Мен бормайман, дегандим, Кэдди келишга мажбур қилди, – деди Жейсон.

– Тўғри Рейчел холаникига бор, – деди отам.

– Бундан нима фойда? – деди Нэнси. У тиззасига таяниб, узун қўлларини оёқлари орасида осилтирганча, ўчоқ ёнида ўтирарди. – Тўғриси, уйингизда, сизга қарашли ошхонада тунасам ҳам нажот йўқ. Борингки, болалар хонасида, мана шу кичкинтойларингиз хонасида ётган тақдирда ҳам, эрталаб қарасангиз, танамни тилка-пора қилиб...

– Бас! Жим! – оғзидан гапини олди отам. – Ичкаридан эшикни қулфлаб, чироқни ўчиргин-да, ётиб ухла!

– Қоронғидан кўрқаман, – деди Нэнси. – Мен бу воқеа кечаси юз беришини хоҳламайман.

– Нима, кечаси билан чироқ ёнида ўтириб чиқасанми? – дея сўради отам.

Нэнси ўчоқ ёнида узун қўлларини тиззалари орасида осилтириб ўтирганча яна ҳиқиллай бошлади.

– Э, қуриб кетсин! – деди отам. – Қани, миттивойлар, уйга жўнанглар! Ётар вақти бўлди.

– Сизлар кетгандан кейин менинг куним битади, – деди Нэнси. – Эртага менинг ўлигим чиқади шу уйдан. Ўлимлигимни йиғиб қўйганман, жаноб Лавледига тўлаб қўйганман...

Жаноб Лавледи ҳабашлардан омонлик ҳақини йиғувчи ўрта бўйли, доим искирти чиқиб юрадиган одам эди; ҳар шанба куни эрталаб у ҳамма кулбаларни айланиб, ҳабашлардан ўн беш центдан йиғиб чиқарди. У хотини билан мусофирхонада яшарди. Кунлардан бир куни хотини эрталаб ўзини-ўзи ўлдирган эди. Уларнинг қизчалари бор эди. Хотини ўз жонига қасд қилгач, жаноб Лавледи боласини олиб жўнаб кетганди.

Орадан кўп ўтмай у қайтиб келди. Шанба кунлари эрта билан кўпинча тор кўчаларда кетаётганда уни кўриб қолардик.

– Бўлмаган гап! – деди отам. – Бемаза хаёлга берилма.

– Насиб қилгани бўлади. Аммо нима насиб этади, ёлғиз Эгамга аён.

6

Нэнсининг уйдан чиқаётганимизда у ҳамон ўчоқ ёнида ўтирарди.

– Эшикни тамбалаб ол, – деди отам. Нэнси қимир этмади. У бизга қайрилиб ҳам қарамади. Биз жўнаб кетдик, у эса ўчоқ ёнида қолди: эшиги ланг очик хонада липиллаб мойчирок ёниб турарди.

– У нимадан хавотирланяпти, дада? – деб сўради Кэдди. – Нима бўлиши керак экан?

– Ҳеч нима, – деб кўя қолди отам. Жейсон отамнинг елкасида ўтирар, шунинг учун ҳаммамиздан баландда эди. Биз зовурга тушдик: мен қилт этган нарсани кўздан қочирмаслик учун индамай атрофни кузатиб борардим. Бироқ ой нури соялар билан уйкашиб кетган ерларда бирон нарсани ажратиш олиш амри маҳол эди.

– Агар Иисус шу ерда яшириниб ётган бўлса, у бизни кўриб турибди, тўғрими? – сўради Кэдди.

– У бу ерда эмас, – деди отам. – У аллақачон жўнаб кетган.

– Сен мени мажбур қилдинг, – деди Жейсон ўзининг «тахтиравони»дан туриб; осмон фонида отам худди бири кичкина, бири катта икки бошли одамга ўхшаб кўринарди. – Менинг эса боргим келмаганди.

Хаммамиз ёлғизоёқ йўл билан зовурдан кўтарилдик. Бу ердан хали ҳам эшиги ланг очик Нэнсининг уйи кўринар, аммо Нэнсининг ўзи – ўчоқ ёнида бир ахволда ўтирган, кутавериб тоқати тоқ бўлган Нэнсининг ўзи кўринмасди. «Чарчадим, – деб қолди у ортимиздан. – Уф, шундай чарчадимки, мен бор-йўғи бир ҳабаш аёлман. Ахир, бунинг учун мен айбдор эмасман».

Унинг овози ҳамон эшитилиб турарди, чунки биз зовурдан чиққан ҳамоно у яна ўша – ашула деса, ашула эмас, куй деса, куйга ўхшамайдиган – товушда ҳиқиллай бошлаганди.

– Энди киримизни ким ювиб беради? – деб сўрадим мен.

– Мен қоратаппи эмасман, – деди Жейсон отамнинг боши узра қалкиб турган «минора»дан.

– Сен ундан баттарсан, – деди Кэдди. – Сен чакмачақарсан. Агар бирон нарса чиқиб қолсами, сен ҳар қандай қоратаппидан баттар кўрқиб кетган бўлардинг.

– Ҳечам-да, – деди Жейсон.

– Сен додлаб юборган бўлардинг, – деди Кэдди.


– Кэдди! – деди отам.

– Мен ҳечам додлаб юбормасдим, – деди Жейсон.

– Кўрқоқ! – деди Кэдди.

– Кэндейс! – деди отам.





## *Ясунари Кавабата*

*(1899 – 1972)*



*Нобель мукофоти совриндори бўлмиш машҳур япон ёзувчиси Ясунари Кавабатанинг илк асари – «Идзулик раққоса» (1926) қиссасида ёшлик хотиралари лирик тарзда ҳикоя қилинади. Кавабатанинг ўзига хос бадиий услуби шоирона ҳис-туйғулардан иборат «Қорли ўлка» (1937) қиссасида яққол намоён бўлган. Санъат даражасига кўтарилган қадимги урф-одат – чой билан боғлиқ удум «Минг қанотли турна» (1951) қиссасининг асосий мавзусини ташкил этади. «Тоглар ингроги» (1953), «Кўҳна пойтахт» (1961) романилари ички лиризм билан сугорилган, «Уйқудаги нозанинлар» (1961) қиссасида эса ёлғиз қолган кекса инсоннинг қалб изтиробларидан сўйланади. Кавабатанинг ҳикояларида ҳам ботиний туйғулар ўз аксини топган.*

### **АНОР**

Кузнинг шамолли тунида анор дарахти барглари тўкилиб чикди. Барглар дарахт танаси атрофида тоза ер қолдириб доира ясаган эди.

Дераза тавақаларини очган Кимико анорнинг яланғоч шохлари-га ажабланиб боқди. Барглар айлана бўлиб тўкилгани, шамол уларни ҳар тарафга сочиб юбормагани ҳам унга ғалати туюлди.

Дарахт тепасидаги биргина анорга кўзи тушди.

– Ойижон, қаранг, қандай ажойиб анор! – деди Кимико хаяжонини яширолмай.



– Чиндан ҳам... Мен бўлсам уни унутган эканман. – Ойиси дарахтга қаради-ю, дарҳол ошхонага қараб кетди.

«Мен бўлсам уни унутган эканман». Ойисининг бу сўзлари Кимикога уларнинг нақадар ёлғиз эканини эслатди. Очиқ айвон рўпарасида анор пишиб етилса-ю, ҳатто шу ҳам ёдларидан кўтарилган бўлса, уларнинг турмуши қай аҳволда бўлиши мумкин, ахир?!

Ярим ойча бўлди, жияни меҳмонга келганди. У анорга кўзи тушган заҳотиёқ дарахтга осилди. Тап тортмай дарахт танасига тирмашиб чиқаётган етти яшар болакайга Кимико сархуш бокди.

– Энг тепасида яна битта каттаси бор! – шодон қичқирди у.

– Кўряпман, – деди бола. – Уни узсам, тушолмай қоламан-да.

«Чиндан ҳам, икки кўлида анор бўлса, қандай тушади», ўйлади Кимико ва кулиб қўйди. Ажойиб бола-да!

Бу болакай келмаганида улар анорни бутунлай унутишар экан. Шундан кейин ойиси ва Кимико бугун эрталабгача анор ҳақида умуман эслашмаганди.

Жияни келганида энг тепадаги анор барглар орасида кўзга ташланмасди, бугун эса мовий осмон теграсида кип-қизил бўлиб ёниб турибди.

Кимико бокқа кирди ва узун бамбук ёғоч билан анорни узиб олди. Мева пишиб кетган ва ҳатто ёрилган экан: афтидан, ундаги куч-қувват ичига сиғмай ташқарига интиларди. Кимико анорни айвон полига қўйди. Ёрилган жойидаги анор доналари қуёш нурида ялтирарди.

Кимико ёрилмагунга қадар узиб олмагани учун ўзини анор олдида гуноҳкор сезди.

У иккинчи қаватга кўтарилди-да, шоша-пиша тикишга тутинди. Соат ўнлар чамаси пастдан Кэнкичининг овози эшитилди. Эшик тамбаламаган бўлса керак, тўғри бокқа ўтди ва унинг тез-тез гапираётгани эшитила бошлади.

– Кимико, Кимико, пастга туш! Кэнкичи келди, – баланд овозда чақирди ойиси.

Қиз шошганича игнани ипдан олди-да, ёстикчага санчди.

– Кэнкичи, фронтга жўнагунигингизга қадар сиз билан учрашувга розилик беришимни сўрайвериб Кимико ҳол-жонимга қўймади, ёнингизга бориши ноқулай бўлди, ўзингиз эса бир келиб-кетишга вақт топмадингиз. Қани, кириг, кира қолинг, – ялинарди ойиси.

У Кэнкичининг узоқроқ қолишини хоҳларди, бирга тушлик қилишни таклиф этди, лекин Кэнкичи, афтидан, жуда шошиларди.

– Афсус... – деди бўшашиб ойиси. – Унда, ҳеч курса, манави анордан еб кўринг. Ўз боғимиздан.

Ойиси Кимикони яна чорлади.

Қиз зинапоялардан тушиб келгунга қадар Кэнкичи ундан кўз узмади. Нигоҳида шунчалар бесабрлик бор эдики, Кимико чалишиб кетишига оз қолди, сўнгги зиналарни зўрға босиб тушди.

Кэнкичининг кўзлари яшнаб кетди. Қўллари титради ва анорни тушириб юборди.

Нигоҳлари бир лахза тўқнашди, иккаласининг ҳам лабларига та-бассум инди. Кимиконинг яноқлари қизарди. Кэнкичи шошилинч ўрнидан кўзгалди.

– Ўзингни эҳтиёт қил, Кимико! – деди у.

– Сиз ҳам, Кэнкичи, – шивирлади Кимико, лекин бу пайт йигит ойиси томон ўгирилган ва хайр-хўшлашаётган эди.

Кэнкичи кетди, Кимико бўлса яна анча вақт эшик томон қараб турди.

– Нега бунча шошилмаса бу Кэнкичи? Ҳатто шундай ажойиб анорни ҳам татиб кўрмади-я. Бу қанақаси бўлди?! – деди ойиси. У айвон қиррасига эгилди-да, қўлини узатиб, ерда ётган анорни олди.

Кэнкичининг кўзларида ёш милтиллаганини Кимико сезган вақтда у анорни иккига бўлмоқчи бўлиб ноқулай ҳаракат қилган ва мевани ерга тушириб юборганди. Анор ерга тушди, лекин ёрилмади.

Ойиси анорни ювиб, айвонга олиб келди.

– Ол, Кимико, – мевани қизига узатди у.

– У ифлос-ку, ахир, – ортга тисланиб норозилик билдирди қиз. Сўнг бирдан қип-қизариб кетди-да, шоша-пиша қўлини чўзди.

Анорнинг ёрилган жойини, чамаси, Кэнкичи тишлаб улгурганди.

Ойиси ёнида тураркан, анордан воз кечишни беадаблик деб билди. Ўзини лоқайд кўрсатган бўлиб мевани лабига теккизди. Оғзи нордон таъмни туйди. Шири ич-ичига кириб боргандай ва унинг қувончли туйғуларига армон қўлкаси соя ташлагандай бўлди.

Ойиси Кимиконинг ҳолатини сезмади ва айвонни хотиржам тарк этди.

Кўзгу ёнидан ўтаётиб, ўзига қараб кўрқиб кетди.

– Вой, ранг-рўйим қурсин! – хитоб қилди у. – Сочимни тарамай, шу ҳолда Кэнкичини кузатибман. Яхши бўлмади!

Кўзгу олдида ўтириб сочига тароқ солди.

– Отанг оламдан ўтганда, – оҳиста сўзлади ойиси, – мен узок вақт сочимни тарашга кўрқиб юрдим... Тароқ сочимга тегди дегунча беихтиёр ўйга чўмиб, ўтмишни эслаб кетардим. Худди даданг ёнимда-ю, соч тарашдан тўхташимни кутиб тургандай туюларди. Кўрққанимдан қалтираб кетардим.

Ойисида отасидан қолган овқатни еб қўйиш одати бўлгани Кимиконинг эсига тушди.


Уни бирдан ўтмишни қайтариб бўлмади, деган туйғу чулғаб олди, аynи чоғда шундай бахт-саодатни ҳис этдики, кўзларидан ёш қалқди.

Бирор нарса исроф бўлишига ойиси тоқат қилолмас эди. Отасидан қолган таомни еб, тозалаб қўйиш одати ҳам шундан. Кэнкичи ейишни эп кўрмаган анорни еб қўйишини Кимикодан сўрагани боиси ҳам шу бўлса керак.

Кутилмаганда туйган пинҳона шодмонлиги учун Кимико ойиси олдида ўзини ноқулай ҳис этди.

Лекин хаёлидан ҳеч нарсани кечирмаган Кэнкичи билан хайрлашаётиб қалбини тўлдирган ҳис-ҳаяжондан беҳад бахтиёр эди ва хаёлан ўйлади: *унинг қайтишини бир умр кутишига қодирман.*

Кимико зимдан ойиси томонга кўз ташлади ва ойна ортидаги тўсикқа қуёш нурлари тушиб, ёритиб турганини кўрди. Кейин тиззасидаги анорга нигоҳ ташлади ва уни тишлашга энди ботинолмаслиги ҳақида ўйлади.



## Эрнест Хемингуэй

(1899 – 1961)



*Нобель мукофоти совриндори, атоқли америкалик адиб Эрнест Хемингуэй дунё адабиётсеварларига ўзининг инсон ва урушга бағишланган «Чол ва денгиз», «Алвидо, қурол!», «Кўнгироқ ким учун чалинди?», «Кўёш яна порлайверади» каби асарлари билан танилган.*

*Хемингуэйнинг қахрамонлари ҳам ўзига ўхшайди. Ёзувчи асарларини бирин-сирин мутолаа қиларкансиз, бунга ўзингиз амин бўласиз: урушга нафрати чексиз Фредрих Генри («Алвидо, қурол!»), энгилмас чол («Чол ва денгиз»), навқирон, айни ҳаёт шарбатини си-мирадиган палласида урушининг аччиқ-чучугини тотиб кўрган Ник Адамс («Ник Адамс ҳикоялари»)...*

*Шунингдек, Хемингуэйнинг «Чошгоҳдан кейинги ўлим», «Килиманжаро қорлари», «Фрэнсис Макомбернинг омонат бахти», «Тўқчилик ва йўқчилик», «Ғолибга байроқ берилмайди» каби асарларида ҳам инсон эркига тажовуз, айни пайтда инсоний мардлик, қадр-қиммат ва муҳаббат ҳар қандай ёвузликлардан устун эканлиги ўз аксини топган.*

### **ФРЭНСИС МАКОМБЕРНИНГ ОМОНАТ БАХТИ**

Нонушта пайти, улар чодирнинг кўшқабат, яшил соябони остида хотиржам овқатланиб ўтиришарди.

– Сизга лимон шарбати берсинми ёки лимонадми? – деб сўради Макомбер.

– Коктейль, – дея жавоб қилди Роберт Уилсон.

– Менга ҳам коктейль, – деди Макомбернинг хотини. – Кўнгили ўткирроқ нарсани тусаяпти.

– Ҳа, дарҳақиқат, ҳаммасидан маъқули шу бўлса керак, – дея рози бўлди Макомбер. – Унга айтинг, учта коктейль қилиб юборсин.

Қора танли хизматкор ишга киришиб кетди. Муз солинган қоплардан тер босган шишаларни чиқара бошлади. Чодирга соя ташлаган дарахтлар орасидан шамол эсарди.

– Уларга қанча берсам бўларкин? – деб сўради Макомбер.

– Бир қадоқ етиб ортади, – деди Уилсон. – Уларни талтайтириб юбормаслик керак.

– Каттасига берсам-чи, ўзи тақсимларди-да?

– Ҳа, шундай қилган яхши.

Фрэнсис Макомберни бундан ярим соат олдин ошпаз, хизматкору кўшни ходим, ҳаммол биргаликда кўлларида бардор-бардор қилиб, лагерь чегарасидан тантана билан ўз чодирига олиб келиб қўйишганди. Милтиқ кўтариб юрувчилар бу ишга аралашмади. Маҳаллий кишилар уни чодирга ёнида ерга қўйишганида, у бир-бир ҳаммасининг қўлини сиқиб, миннатдорчилигини билдирди, кейин уларнинг табрикларини эшитди, сўнгра чодирига кириб, хотини келгунча уни кутиб қаравотда ўтирди. Хотини унга ҳеч нарса демади, Фрэнсис ўша заҳоти ташқарига чиқди-да, сафарда олиб юриладиган чилопчинда ювингач, емакхонага ўтиб, шабада эсиб турган салқин жойга қўйилган қулайгина ёйма оромкурсига чўкди.

– Мана, ниҳоят, шерни ҳам ўлдирдингиз, – деди унга Роберт Уилсон, – ўзиям шермисан шер экан-да.

Макомбер хоним Уилсонга ялт этиб қараб қўйди. У жуда ҳам чиройли ва ниҳоятда нозиктаъб эди. У хусни жамоли ва хуш хулқи билан жамиятда ўзига яраша донг қозонганди, бир пардоз-андоз воситаларини тарғиб этадиган журналда расми ҳам босилиб чиққан, бу реклама маъносида аттор қорчалонларга катта фойда келтирган, натижада бундан беш йил олдин Макомбер хоним беш минг дол-

ларга эга бўлганди. У Фрэнсис Макомберга ўн бир йил аввал эрга текканди.

– Ҳақиқатан ҳам зўр шер экан, а? – деди Макомбер.

Энди аёл эрига қараб кўйди. У иккала эркакка, уларни худди биринчи марта кўраётгандек, қаттиқ тиклиб қолди. Бинобарин, оқ танли овчи Уилсонни у биринчи бор кўриши эди. Уилсон ўрта бўйли, малласоч, чакмоқ мўйловли, юзлари қизил, кўзлари эса жуда совуқ одам эди. Кулганида юзидаги ажинлар қуюқлашарди. У хонимга қараб жилмайди. Аёл кўзларини ундан олиб қочиб, кенг френчини туртиб чиққан елкасига, чап чўнтагидаги тўртта патронга, офтобда қорайган бесўнақай қўлларига, чавандозча эски шимига, чанг-лой пойабзалига қаради, кейин яна унинг кип-қизил юзига боқди. Ҳозир чодир устунига қоқилган, миҳга илинган, кенг айвонли шляпаси гардишидан қолган, пешонасида оппоқ оқариб турган из бу қизилликни янада бўрттириб кўрсатарди.

– Қани, ўша шер учун ичайлик, – деди Роберт Уилсон. У яна аёлга қараб жилмайиб кўйди, аёл эса тишини оқини кўрсатмай, овчига синовчан, мойилона тикилди.

Фрэнсис Макомбер новчагина, хипча, хушқомат, қора сочи эшкакчи йигитларникидай калта қирқилган, лаблари юпка одам эди. Уни ҳамма келишган, ёқимли инсон деб ҳисобларди. Эғнида Уилсонникига ўхшаган, фақат яп-янги овчилар кийими. Ёши ўттиз бешларда. У моҳир теннисчи, балиқ тутиш мусобақаларида бир неча марта биринчи ўринни олган. Аммо у ҳозир ўзини ношудларча тутар, бошқаларга ҳам ландовурдек кўринарди.

– Майли, шер учун ичайлик! – деди у. – Қилган яхшилигингиз учун қандай миннатдорлик билдиришни ҳам билмаяпман, – деди у Уилсонга қарата. Маргарет яна ялт этиб Уилсонга қаради.

– Шер ҳақида гаплашмайлик, – деди Маргарет.

Уилсон хотинга қаради, лекин бу сафар кулмади. Аёл унга қараб жилмайди.

– Бугун жуда ғалати кун бўлди-да, – деди Маргарет. – Сиз шляпангизни кийиб олинг, тушга бориб соябон таги ҳам қизиб кетади, деб ўзингиз айтувдингиз-ку менга.

– Ҳа, кийса ҳам бўлади, – деди Уилсон.

– Биласизми, жаноб Уилсон, юзингиз жуда ҳам қизариб кетибди, – деди аёл яна жилмайиб.

– Кўп ичаман, шунинг таъсири бўлса керак, – деди Уилсон.

– Йўғ-э, менимча, бу ундан эмас, – деди хотин, – Фрэнсис ҳам кўп ичади, лекин юзи ҳеч қачон қизармайди.

– Бугун қизарди, – деди Макомбер гапни хазилга бургандай.

– Йўк, – деди Маргарет, – бугун мен ҳам қизарганман. Жаноб Уилсоннинг юзлари доим қип-қизариб тураркан-а, қандай яхши!

– Бу миллий хусусият бўлса керак, – деди Уилсон. – Умуман, менинг башарам ҳақида гапиришмасак қалай бўларкин?

– Мен гапни энди бошладим-ку, – деди Маргарет нозланиб.

– Майли-да, бас қила қолайлик, – деди Уилсон.

– Унда нима ҳақда гаплашамиз? – хайрон бўлиб сўради Маргарет.

– Бачкана бўлаверма, Маргарет! – койиди Фрэнсис.

– Гаплашадиган гап кўп, – деди Уилсон. – Мана, масалан, ажойиб бир шер ўлдирилди.

Маргарет иккала эркакка бир-бир қаради. Улар аёлнинг йиғлаб юборай деб турганини сезишди. Уилсонга хотин кишининг обидийдаси ёқмасди. Макомбер эса хотинининг йиғи-сиғисига анчадан бери эътибор бермай кўйганди.

– Нега менга яна шернинг ўлдирилганини эслатдингиз-а? – деди йиғламсираб Марго ва ўз чодири томон хомуш юриб кетди.

– Аёл истиғноси ва шунга ўхшаш ҳоказо қилиқлар, – деди Уилсон беписандгина. – Ҳеч нарса бўлмайди. Хотин кишининг асаби ўзи шунақа.

– Йўк, – деди Макомбер. – Кечирилмайдиган бир иш бўлди. Ўлгунимча эсимдан чикмайди. Шерни ўзим ўлдиришим керак эди.

– Қўйинг бўлмаган гапларни. Яхшиси, келинг, ичайлик, – деди Уилсон. – Бу воқеани унутинг. Кўнгилни ёзадиган гаплардан гаплашайлик.

– Тўғри-ку... – дея талмовсиранди Макомбер, – аммо сиз мен учун шундай бир иш қилдингизки, буни ҳеч қачон унутмайман.

– Хижолат бўлаверманг, – деди Уилсон. – Гапиришга ҳам арзи-майди.

Улар акас дарахтларининг тарвақайлаган шохлари соясида, соҳил тарафга оқаётган жилга пайдо қилган ям-яшил ўтлоқ ва ўрмон этаги ўртасидаги тошлоқ бир тепада, чодирда илиб қолган лимон шарбати ичиб, бир-бирларига қарамасликка тиришиб, ана шундай суҳбатлашиб ўтиришарди. Айни вақтда қора танли хизматкорларнинг нонуштага дастурхон тузашларини кутишарди. Хизматкорлар ҳамма нарсадан огоҳ эканлигига Уилсон шубҳа қилмасди. Дастурхонга ликопча қўяётган Макомбернинг хизматкори хўжайинига ер остидан қизиқиб қараётганини кўргач, Уилсон уни суахили тилида сўкиб берди. Ҳабаш тескари қаради – юзида мутлақо бепарволик акс этиб турарди.

– Унга нима дедингиз? – деб сўради Макомбер.

– Ҳеч нарса. Шунчаки тезроқ кимирла, йўқса, ўн беш қамчи ейсан, ўласан, – дедим.

– Қанақасига? Қамчи дедингизми?

– Ҳа, албатта, бу қонунга хилоф иш, – деди Уилсон. – Аслида уларга жазо ўрнида жарима солинади.

– Сизларнинг бу жойларингизда ҳабашларни ҳозир ҳам уришадими?

– Истаганларича уришади. Агар шикоят қилишса, катта жанжал кўтарилиши мумкин. Лекин шикоят қилишмайди. Чунки жарима тўлаш калтак ейишдан оғирроқ.

– Ғалати экан, – деди Макомбер.

– Сиз ўйлаганчалик ғалати эмас, – деди Уилсон. – Дейлик, шахсан сиз бу жазолардан қайси бирини афзал кўрардингиз? Қамчиними ёки пулними? – Уилсон Макомберга бу саволни беришга бердию ўзи ноқулай аҳволга тушиб қолди. Ўртадан хижолат пардасини кўтариб ташлаш учун: – Аслида қайдир йўсин билан ҳаммамизни савашмоқда, – деди.

Уилсон ичида: «Бундан баттари ҳам бўлади. Афсус. Сипоришни билмайман, гапни дўк эткизиб айтиб қўя қоламан-да», дея ўйлади.



– Тўғри, ҳаммамизни уришади, – деди Макомбер ҳамон унга қарамай. – Анави шер билан боғлиқ воқеа кўнглимни жуда хижил қиляпти. Миш-миш тарқалиб кетмасмикин? Расво бўлди-да! Сиз...

– Яъни, мен буни «Матайга-клуб»дагиларга айтаманми-йўқми, шуни билмоқчимисиз? – дея Уилсон Макомберга совуқ назар ташлади. Макомбер буни кутмаганди.

«Ие, бу кўрқоққина эмас, нодон ҳам экан-ку, – деб ўйлади Уилсон. – Бошида у менга маъқул тушганди. Аммо бу америкаликларнинг қанақалигини ким билиб ўтирибди».

– Йўқ, – деди Уилсон. – Овчилик менинг касбим. Биз ўз мижозларимиз ҳақида ҳеч қачон гапирмаймиз. Бу хусусда кўнглингиз тўқ бўлсин. Лекин мижозлар менга шунақа савол беришганда жиним кўзийди.

Уилсон, Макомбер билан ғижиллашиб қолсам яхши бўларкан, дея ўйлади. Шунда ўзи алоҳида ўтириб овқатланарди, китоб ўқирди. Улар ҳам ўзларича овқатланишарди, ҳар хил гап-сўз билан Уилсоннинг бошини қотиришмасди. Ов тугагунча бирга юришади, аммо у расмий муомалага ўтиб олади. Французлар айтганидек, «бағоят ҳурматли» деганга ўхшаш такаллуфлардан қутулади. Уларга яқинлашмагани, ош-қатиқ бўлмагани ҳар жиҳатдан маъқул. Макомберни ҳақорат қилади-ю, улар аразлашиб қолишади. Кейин Уилсон ўзича алоҳида, холи, китобини ўқиб, уларнинг вискисини аввалгидай ичиб, маза қилиб юраверади. Бу ерларда шунақа, «Вискисини ичиб юрибман», деган гап бор. Башарти овда бирон ғиди-биди чикса, яъни овчилар ва мижозлар жанжаллашиб қолишса, шу иборани ишлатишади. Бирон оқ танли овчини учратиб коласан-да: «Ишлар қалай?» деб сўрайсан. У: «Чакки эмас, ановиларнинг вискисини ичиб юрибман», дейди. Шунда дарҳол иш чатоклигини тушунасан.

– Кечирасиз, – деди Макомбер, доим, то қаригунча болалик туси аримайдиган америкача юзини унга ўгириб. Уилсон унинг калта қирқилган сочини, чиройли, аммо беқарор кўзларини, қирра бурни, юпқа лабларини ва бежирим иягини назаридан ўтказди. – Узр, фаҳмламабман. Ахир, мен кўп нарсаларни билмайман.

«Ўзи шундай деб тургандан кейин нима қилардинг?» дея ўйлади Уилсон. У шу топда бир нарсани важ қилиб узил-кесил жанжал кўтармоқчи эди, ҳозиргина у ҳақорат қилган бу каллаварам эса думини чотига тортиб узр сўраб ўтирибди.

Уилсон яна бир бор унинг қитиғига тегишга уриниб кўрди.

– Қўрқманг, бировга гулламайман, – деди у. – Даромадимдан жудо бўлгим келмайди. Бу ерда, Африкада, биласизми, хотин кишининг шерга отган ўқи бекор кетмайди, оқ танли эркак эса ҳеч қачон жуфтақ уриб қочмайди.

– Мен куёндек қочвордим, – деди Макомбер.

*«Шуни одам деб ўтирибман-а, шунақа нарсаларни гап деб гапириб ўтирган одамни нима ҳам қилиб бўларди?»*

Уилсон ўзининг бефарқ, мовий кўзларини Макомберга ўкдай қадаганди, у Уилсонга қараб илжайиб кўйди. Агарда унинг кўзлари қандай мунгли эканини ҳисобга олмаганда, бу яхши кулги эди.

– Балки ҳали қўтослар овида ютиб чиқарман, – деди Макомбер. – Ахир, уларга энди навбат келди-ку?

– Хўп, десангиз, эртагаёқ мен тайёрман, – деб жавоб берди Уилсон, ундан беҳуда ғазабланган эканман, деган фикрга келиб. Макомбер ҳақ, ўзингни худди шундай тутишинг керак. Бу америкаликларни ёрилиб кетсанг ҳам тушунолмайсан. Уилсоннинг кўнглида Макомберга нисбатан яна хайрихоҳлик уйғонди. Қани энди бугунги тонгни унутиб бўлса. Аммо унутиб бўлармиди. Тонг шунақа бошландики, бундан расвоси буюртирганинда ҳам бўлмайди.

– Ана, соҳибамиз ҳам келяптилар, – деди Уилсон.

Марго булар томон ўз чодиридан аста юриб келар, дам олиб тиникқан, қувноқ, мафтункор эди. Юз бичими шунчалар силлик, ифодасиз эдики, дабдурустдан уни тентак деб ўйлаш ҳам мумкин эди. «Йўқ, унақа эмас, – деб яна хаёлидан кечирди Уилсон, – йўқ, бу хотин тентак эмас».

– Қирмизи юз, суқсур йигит жаноб Уилсон ўзларини қандай хис қияптилар? – дея таманно қилди овчига ва эрига ҳам ғамза билан: – Хўш, Фрэнсис, жонгинам, сен қалайсан? – деб сўради.

– Анча тузукман, – деди Макомбер.

– Мен бундоқ ўйлаб кўриб, бўлиб ўтган воқеани унутиб юборишга ахд қилдим, – деди Марго ва оҳиста столга ўтирди. – Фрэнсис шерни қандай отади, ўлдирадими-йўқми, менга нима фарқи бор? Шу билан осмон узилиб ерга тушармиди. Овчилик унинг касби эмас. Бу жаноб Уилсоннинг касби. Жаноб Уилсон ўлжага ҳамла қилганида, ўлдирган пайтида ҳақиқатан ҳам жозибали бўлиб кетаркан. Сиз ҳар қанақа ҳайвонни ҳам ўлдираверасиз, а, тўғрими? – дея Уилсонга боқди.

– Ҳа, ҳамма нарсани, – деди Уилсон. – Нима дуч келса отавераман.

«Бунақангилар шафқатсиз бўлади, – дея ўйлади Уилсон. – Энг тошбағир, энг бемехр, энг конхўр ва энг мафтункор, энг қакшатқич хотинлар ҳам худди шунга ўхшаган бўлади. Эрлари уларнинг олдида ортиқ даражада мулойим кўринишади, думларини қисиб туришади ёки бирмунча жазавали, жаҳлдор бўлиб қолишади. Балки бунақанги аёллар гаҳ деса, кўлларига кўнадиган эркакларни атайлаб танлармиканлар? Лекин улар бу ғаразни қандай қилиб амалга ошира қолишади, ахир, барвақт эрга тегадилар-ку?..» Яхшиямки, Уилсон америкалик аёлларни биринчи марта кўраётгани йўқ; аммо, барибир, буниси жудаям жозибадор эди, Уилсоннинг кўнглидаги мойиллик тобора кучаймоқда эди.

– Эртага кўтос овига борамиз, – деди у Маргаретга.

– Мен ҳам бирга бораман, – деди аёл.

– Сиз бормайсиз, – деди Уилсон.

– Йўқ, бораман. Ё мумкин эмасми, а, Фрэнсис?

– Балки лагерда қолганинг яхшидир, – деди эри унга.

– Ҳеч-да, – деди Марго. – Бугунгидек томоша бўлармишу мен кўрмай қолармишман. Нимага келдим бу ёққа унда?

«Ҳали у йиғисини яшириш учун чодирига кетаётганида, менга ажойиб аёлдай кўринувди, – дея ўйлай бошлади Уилсон. – Ўшанда у аҳволини тушунгандек, эрига ҳамдард бўлгандек, ҳар иккалови учун хижолат чеккандек туюлганди. Энди эса, чорак

соатдан сўнг, аслига тортиб, ўзининг америкача шафқатсиз аёллик никобига бутунлай чулғаниб оляпти. Улардан кўрккулик. Улар даҳшатли».

– Эртага сен учун яна томоша кўрсатамиз, – деди Фрэнсис Маккомбер.

– Аммо эртага ҳам сиз бормайсиз, – деди Уилсон аёлга қарата.

– Бекорларни айтибсиз, – деди Марго шиддат билан. – Мен сизни яна томоша қилмоқчиман. Бугун эрталаб жуда ёқимтой эдингиз – бир ҳайвоннинг калласини узиб ташлаган одамнинг қандай ёқимтой бўлишини тасаввур қилолсангиз керак?!

Уилсон унинг гапига эътибор бермади.

– Мана, нонушта ҳам келди, – деди у. – Сиз, менимча, нимадан-дир хурсанд кўринасиз?!

– Бўлмаса-чи! Мен бу ерларга зерикаш учун келмаганман, – деди аёл.

– Ҳа, майли, ҳозирча зерикашга тўғри келади, – деди Уилсон.

У ирмоқнинг тиниқ сувлари остидаги тошларга, узоқдаги баланд кирғоққа, эрталаб ов қилган жойларидаги дарахтларга қаради-да, ҳаммасини бир-бир эслади.

– Майли, зерикасам ҳам чидайман, – деди Марго. – Жуда ажойиб кун бўлди-да. Эртага-чи? Мен эртани шу қадар ҳаяжонланиб кутаётганимни сиз тасаввур қилолмайсиз.

– Мана, антилопа гўштидан ҳам татиб кўринг, – деди Уилсон.

– Жуда ҳам мазали гўшт, – деди Маккомбер.

– Антилопа деганингиз сигирга ўхшаш, куёндай сакрайдиган ҳайвон-да, а?

– Балли, жуда тўғри таърифладингиз, – деди Уилсон.

– Уни сен отдингми, Фрэнсис? – дея сўради Марго.

– Ҳа.

– Улар хавфли эмасми?

– Устингизга ағанаб тушмаса, хавфли эмас, – дея жавоб қилди Уилсон.

– Кўркмасе бўларкан.

– Бас, Марго, эви билан-да, – деди Макомбер ва гўштнинг бир бўлагини кесиб санчқисига илди-да, эзилган картошка, сабзи ара-лаштирилган қайлага ботириб ея бошлади.

– Яхши, жоним, – деди Марго. – Сен илтимос килиб турганингдан кейин йўқ дермидим.

– Кечқурун шерга шампан пуркаймиз, ҳозир кун жуда иссиқ, – деди Уилсон.

– Ҳа, дарвоқе, шер ҳам бор-а, – деди Марго. – Шер хаёлимда ҳам йўқ экан.

«Ана! Энди бу хотин мени таҳқирлашга тушади, – дея ўйлай бошлади Роберт Уилсон. – Ёки ичини мушук таталаётган пайтида одам ўзини шу тарзда тутиши керак, деб ўйлаяптимикин? Хўп, эри номардлигини англаб етган аёл ўзини қандай тутиши лозим? Ўлардек шафқатсиз хотин экан. Умуман, буларнинг қайси бири шафқатсиз эмас? Ахир, улар – ҳукмрон, ҳукм сурган одам баъзан шафқатсизлик қилиши табиий. Аслида-ку, буларнинг золимлиги жонимга тегиб кетди-я...»

– Қовурдоқдан олинглар, – деди Уилсон Маргога илтифот билан.

Кечга томон Уилсон ва Макомбер қора танли хайдовчи хайдаган машинага ўтириб, икки нафар курол ташувчини ҳам ёнларига олиб, жўнаб кетишди. Макомбер хоним лагерда қолди. Ҳаво жуда иссиқ, боргим келмаяпти, деди у. Эртага эрталаб барибир улар билан бирга боради. Машина йўлга тушганда аёл каттагина дарахт остида уларни кузатиб турар, туриши жуда чиройли эди. Эгнида жигарранг костюм, тим қора сочлари пешонасидан орқага таралиб, энсасига йиғиб-тугилган. Юзи нокдек таранг. Худди Англияда тургандек. Уилсон хотиннинг ана шу ҳолатини равшан тасаввур этди. Ана, у қўлини силкитиб улар билан хайрлашди. Машина қалин ўсган ўт-ўланларни босиб пастликни айланиб ўтди, дарахтзор орасидаги эгри-бугри йўлдан ғумай поялари кўриниб турган тепалик сари илгарилай бошлади. Бутазорда бир пода антилопа ётган экан, ҳуркитиб юборишди. Уларни сув кийиги деса ҳам бўлади. Ма-

шинадан тушишди, шохлари эгилган қари нар кийикни отмоқчи бўлишди. Макомбер уни мерганчасига бир ўқ билан қулатди. Кийик улардан икки юз кадамча нарида ер тишлади. Айна пайтда қолганлари қўзғалишиб, жон ҳолатда сакраб, бир-бирларининг устларидан ирғиб, туёқларини букиб, худди одам тушида учганидай, узоқ-узоққа равон сакрай-сакрай қоча бошлашди.

– Яхши отдингиз, – деди Уилсон. – Уларга ўқ теккизиш осон эмас.

– Хўш, қалай энди, арзигулик туёқми ўзи? – дея мамнун оҳангда сўради Макомбер.

– Арзигулик бўлганда қандоқ! – деди Уилсон. – Ҳамма вақт шунақа отинг, бу ёғи яхши бўлаверади.

– Сиз нима дейсиз, эртага қўтосларни топа олармиканмиз? – деб сўради Макомбер.

– Топсак керак. Улар сахарда ўтлоққа чиқишади. Агар ов бароридан келса, ўтлоқда уларни учратамиз.

– Анави шер билан боғлиқ нохушликлар ғуборини ювиб юборсам дегандим, – деди Макомбер. – Ўз хотининг олдида шу аҳволга тушиш кишига ёкмайди ҳар қалай.

«Хотининг сени яхши кўрадим-йўқми, менга нима кизиғи бор, бу ҳақда гапириш нодонлик-ку, ахир», дея кўнглидан кечирди Уилсон. Лекин ўзини тутиб туrolмади ва:

– Бу хусусда ҳадеб ўйлайверманг, – деди. – Манман деган одам ҳам шерга биринчи бор дуч келганида ўтақаси ёрилади. Ўтган ишга салавот. Бас энди.

Лекин кечкурун, гулхан ёнида ўтириб, бир стакандан содали виски ичиб, овқатланиб олишгач, Фрэнсис Макомбер пашшахона тугилган ўрнида тундаги товушларга кулоқ солиб ётаркан, ўша воқеа унга тинчлик бермади. У қандай рўй берган бўлса, шундайлигича, фақат баъзи тафсилотлари алоҳида ажралиб кўз олдига келаверди, Макомбер ўз қилмишидан уялиб, орланиб роса қийналди. Аммо уятдан ҳам кучлироқ, дилни кемирувчи аллақандай бир совуқ кўрқув жону жисмига ёпишиб олиб, уни қаттиқ беҳаловат қилди.

Бу туйғу аввалги куни кечаси уйқудан уйғониб, ирмоқнинг бош тарафидан келаётган шер наърасини эшитганда бошланганди. Бу бўғиқ ўкириқ, ириллаш тингач, йўтал овози эшитилди. Кейин Макомберга шер худди чодирнинг ёнгинасида ўкираётгандек туюлиб, юраги ўйнаб кетди. Ёнида хотини бир маромда ухлаб ётарди. Фрэнсис миқ этишга кўрқар, дардини айтишга дардкаш йўқ, ўзи ёниб, ўзи жиғибийрон бўлар, бу эса кўркувни баттар оширарди.

Макомбер ўзининг худди мана шу ҳолатига оид бир сомали ривоятини эшитмаганди. У ривоятда айтилишича, довжорак киши умрида уч марта кўрқади: биринчиси – шер изини кўрганда, иккинчиси – шер ўкиригини эшитганда, учинчиси – унга дуч келганда. Эрталаб улар чироқ ёруғида нонушта қилаётганларида, шер яна ўкирди. Фрэнсисга овоз шундоққина ёнларидан келаётгандай туюлди.

– Қари шерга ўхшайди, – деди Роберт Уилсон қаҳва ичаётиб, – қаранг, қанақа йўталапти.

– У бу ерга жуда яқинми?

– Жилға бошида, икки чақиримча нарида.

– Уни кўрармиканмиз?

– Кўришга ҳаракат қиламиз.

– Товуши ҳамиша ҳам шунақа узоқдан эшитиладими? Худди лагерь ичкарисига кирганга ўхшайди-я.

– Жуда узоқдан эшитилади, унинг олисда турганига ишониш ҳам қийин, – деди Роберт Уилсон. – Овимиз бароридан келсин, деб тураверамиз-да. Шу ерликлар бу атрофда жуда катта шер бор, деб айтишганди.

– Агар отишга тўғри келиб қолса, қаерини мўлжаллаш керак? – деб сўради Макомбер.

– Курагини, – деди Уилсон. – Уддасидан чиқсангиз, бўйнига отинг. Суягини нишонга олинг. Бир ўқ билан ўлдиришга ҳаракат қилинг.

– Ўқим бекорга кетмас, деб ўйлайман, – деди Макомбер.

– Сиз яхши отасиз, – деди Уилсон. – Фақат ховлиқманг. Жон жойига отинг. Биринчи ўқ ҳал қилувчи бўлади.

– Қанақа масофадан отган маъкул?

– Айтиш қийин. Бу масалада шернинг ҳолати ҳисобга олиниши керак. Агар масофа жуда олис бўлса, отманг, ўлишига кўзингиз етсагина ўқ узинг.

– Юз ярдан яқин бўлиши керакми? – деб сўради Макомбер.

Уилсон унга ялт этиб қараб қўйди.

– Юз ярд – энг қулай масофа. Яқинроқ бўлса, янаям яхши. Агарда шер узокда бўлса, ўқ беҳуда кетади. Хуллас, қулайи юз ярд. Бунақа жойдан истаган нуқтангизни нишонга олишингиз мумкин. Ана, бекамиз ҳам келяптилар.

– Салом, – деди Марго. – Хўш, кетдикми?

– Аввал сиз нонушта қилиб олинг, кейин кетамиз, – деди Уилсон. – Ўзингизни яхши ҳис қиляпсизми?

– Яхши бўлганда қандок! – деди Марго. – Мен жудаям хаяжонланяпман.

– Бориб қарай-чи, нарсалар тайёрмикин, – дея Уилсон ўрнидан турди. У нари кетиб бораркан, шер яна ўқирди. – Ие, жуда ғалва қилиб юборди-ку бу, – деди Уилсон. – Майли, биз унинг дамани ўчириб қўямиз.

– Сенга нима бўлди, Фрэнсис, мунча хомушсан? – дея сўради хотини Макомбердан.

– Ҳеч нарса, – деди Макомбер.

– Йўқ, жуда шаштинг паст, нима бўлди ўзи, айта қол.

– Ҳеч нима.

– Айт! – хотини унга синовчан тикилди. – Мазанг қочдимми?

– Анави... овозинг ўчгурнинг ўқиришини қара... – деди у. – Тун бўйи тинмади.

– Нега мени уйғотмадинг? Мен ҳам эшитардим.

– Энди уни гумдон қилмасам, кўнглим тинчимайди, – деди Макомбер қаҳр билан.



– Ўзи бу ерга шунинг учун келгансан-ку.

– Ҳа. Лекин негадир кўнглим ғаш. Бу ўкирик жиғимга тегяпти.

– Жиғингга тегаётган бўлса, ўлдириб кўя қол. Жаноб Уилсон айтганидек, дамини ўчир.

– Бўпти, жоним, – деди Фрэнсис Макомбер. – Оғизда айтиш жуда осон, тўғрими?

– Нима, юрагинг дов бермаяптими?

– Йўқ. Фақат туни билан овозини эшитиб чикқаним учун кўнглим ғашланяпти.

– Уни гумдон қиласан-да, ўзинг ҳам тинчийсан, – деди Марго. – Уни тезроқ ўлдирсанг эди, қандай ўлдиришингни жудаям кўргим келяпти.

– Бўпти, нонуштани тугат, жўнаймиз.

– Ҳозир-а? – деди Марго. – Ҳали тонг ҳам ёришмади-ку.

Шу пайт шер яна ўкирди, ўкирик садоси тўлқинлана-тўлқинлана тобора кучайиб бориб гулдирашга айланди, чор атрофни ларзага солиб, аста бўғиқ, паст ириллаш билан тугади.

– Худди шу атрофда юрганга ўхшайди, – деди Марго.

– Уф-ф, – деди Макомбер, – овозига тоқатим қолмади.

– Овози даҳшатли экан.

– Ҳа! Даҳшатдан ҳам баттар!

Уилсон йўғон, бесўнақай кўндоқли калта милтиғини кўтариб, илжайганча кириб келди.

– Жўнадик, – деди у жўшқин овозда. – Сизнинг дов-дастагингиз билан нариги милтиғингизни қурол ташувчилар олди. Ҳаммаси машинада. Ўқлар ўзингиздами?

– Ҳа.

– Мен тайёрман, – деди Макомбер хоним.

– Унинг овозини ўчириш керак, – деди Уилсон. – Ҳайдовчининг ёнига ўтиринг. Бека орқа ўриндикда, менинг ёнимда ўтирадилар.

Улар машинага жойлашиб, тонг бўзарган пайтда ўрмон ора-лаб сойнинг юқори томонига жўнашди. Макомбер милтиғини олиб, отишга тайёрлаб қўйди. Кўлининг титраётганини кўриб,

ичида ғижинди. Чўнтагидаги ўқларни бармоқлари билан ушлаб-ушлаб кўраркан, кўнглида таскин ва ғазаб аралаш бир туйғу ғалаён қиларди. Орқага қараб, Уилсон ва хотинининг кулишиб ўтиришганини кўрди. Машинанинги ичкараси тўртта ғилдиракка ўрнатилган кутини эслатарди. Уилсон олдинга энгашиди-да, Макомбернинг қулоғига шивирлади:

– Қаранг, қушлар кўняпти, бу шернинг нарига кетгани аломатидир.

Макомбер ён томонга қаради ва ўрмон устида доира ясаб учиб юрган, пастга ўқдек шўнғиётган ўлаксахўр кузғунларни кўрди.

– У ётиш олдидан бу ёққа сув ичгани келиши керак, – деди Уилсон яна шивирлаб. – Шай бўлиб туринг.

Улар машинада тошлоқ ўзандан тик кўтарилган дўнглик бўйлаб аста юриб боришар, атрофдаги дарахтлар сершоҳ, йўл илонизи эди. Рўпарадаги қирғоққа тикилганча хаёл суриб кетаётган Макомбер бирдан Уилсон елкасига қўл қўйганини сизди. Машина тўхтади. Кейин Уилсоннинг:

– Ана у, – деган товуши эшитилди. – Рўпарада. Ўнг томонда. Тушинг энди мошинадан. Отинг. Шермисан шер экан.

Макомбер шерни кўрди. У баҳайбат бошини улар томонга ўгирган холда ёнламасига юрарди. Майин шабада шернинг қорамтир ёлини тараб-соллантирар, тонгги ғира-шираликда унинг баҳайбат жуссаси, кенг кўкраги, ялтирок, сип-силлиқ танаси якқол кўриниб турарди.

– Орадаги масофа қанчайкин? – дея сўради Макомбер милтиғини шайларкан.

– Етмиш ярд келар. Мошинадан тушинг-да, отаверинг.

– Шу ердан отсам-чи?

– Мошинадан шерга ўқ отиб ўлдирмайдилар, – деди Уилсон Макомбернинг шундоққина қулоғи тагига келиб. – Тушинг энди. Шер кечгача сизга бундай туриб бермайди.

Макомбер тараддудланиб пастга тушди. Шер ҳамон осойишта, виқорли холатда кўзига ғайритабиий, каркидонга ўхшаб кўринган

машинага қараб турарди. Одам ҳиди унғача етиб бормаган чоғи, у оғир калласини вазмин чайқаб, ғалати шарпага тикилар, хавф сезмас, аммо шарпа – машина борлиги учунми, ирмоққа тушиб келавермасди. Шер шарпадан одам қиёфаси ажралиб чиққанини кўрди, дарахтлар панасига ўтиб кетар чоғида қаттиқ гумбурлаган товушни эшитди, танасида кучли оғриқни сезди. Тўнғизўқ унинг биқинига ёпишиб, куйдириб, кўнглини беҳузур қилиб ошқозонидан ўтиб кетди. Баҳайбат шер жароҳат ва тўқлиги боис оғир-оғир одим ташлаб ўт ва дарахтлар панасига ўзини олди. Шу пайт яна ўқ овози янгради. Ўқ хавони титратиб, шундоққина ёнидан ўтди. Шу асно қаторасига яна бир неча ўқ товуши варанглади, ўқ шернинг пастки қовурғасига тегиб нариги биқинидан чиқиб кетди. Шернинг оғзига иссиқ қон кўпиги қуйилди, у жонҳолатда ўзини баланд ўтлар орасига урди.

Макомбер машинадан тушаётганида шер ҳақида ўйламас, билгани шу эдики, қўллари қалтирар, оёқларини аранг босар, сони, болдири ҳолсиз жимирларди. У милтикни шайлаб, шер бўйнини кўзлади, тепкини босди. Аммо қанча уринмасин, милтиқ отилмади. Шунда сақлагичга қўйганини эслади, очмоқчи бўлиб қуролни тушираркан, яна бир қалтис қадам ташлади, автомобиль шарпасидан ажралиб чиққан одамни кўриб, шер ўгирилиб, баланд ўтлар панасига кета бошлади. Макомбер ўқ узди ва «танқ» этган таниш товушни эшитиб, мўлжалга урганини англади, лекин шер ҳамон чопарди: Макомбер яна ўқ узди, шернинг олдидаги ер тўзиб кетди, буни ҳамма кўрди. У яна отиш ниятида тепкини итариб, ўз жойига киргизмоқчи эди, шер ўтлар орасида ғойиб бўлди.

Макомбер қуролни мўлжалга қараб бураркан, қўллари қалтирар, кўнгли айнир, ёнида хотини ва Роберт Уилсон сукут сақлашар, ҳабашлар ўз тилида нималардир деб валдирашарди.

– Ўқ тегди, – деди Макомбер. – Икки марта тегди.

– Биқинига тегди, – деди Уилсон лоқайд. – Кўкраги ҳам яранди чоғи. – Ҳабашларнинг кўриниши жуда жиддий, улар сукут

сақлашарди. – Балки сиз уни тамом қилгандирсиз, – давом этди Уилсон. – Бироз кутамиз, кейин бориб кўрамиз.

– Яъни?

– Ҳолдан тойсин, кейин изидан борамиз.

– Ҳа-а... – деди Макомбер.

– Зўр шер, Худо хақи, – деди хурсанд бўлиб Уилсон. – Фақат ёмон жойда бекиниб олгани чатоқ.

– Нега ёмон жой? Нимаси ёмон?

– Яқин бормаса, кўриб бўлмайди.

– Ҳа-а...

– Хўп, кетдик, – деди Уилсон. – Хоним шу ерда, машинада қолсинлар. Изини қараш керак, қон оққандир.

– Марго, сен шу ерда тура тур, – деди Макомбер базўр хотинига, унинг томоғи куриганди.

– Нега энди? – сўради Маргарет.

– Овчи шунақа деяпти.

– Биз аввал бориб билайлик, аҳвол қанақа экан, – деди Уилсон. – Сиз шу ерда қолаверинг. Бу ёқдан кўриш хатто қулай.

– Майли.

Уилсон суахили тилида ҳайдовчига нимадир деди, у бош ирғаб:

– Хўп, – деди.

Кейин улар пастқамликка тушишиб, тошлоқ ўзандан ўтишди, илдизларга қоқила-қоқила нариги қирғоққа чиқиб олишди ва қирғоқ бўйлаб юриб, Макомбер биринчи марта ўқ узган ва шер югурган жойга бориб тўхташди. Ҳабашлар қон томчиларини кўрсатишди – из дарахтлар томон йўналганди.

– Энди нима қиламиз? – сўради Макомбер.

– Нима қилардик, бошқа чора йўқ, – деди Уилсон. – Қирғоқ банд, машина ўтолмайди. Бироз ҳолдан тойсин, кейин сиз билан бирга бориб, қидириб кўрамиз.

– Ўтларни ёндириб юборсак бўлмайдимиз? – сўради Макомбер.

– Ўтлар ҳўл, ёнмайди.

– Ҳайдовчиларни юборсак-чи?

Уилсон Макомберга тикилди.

– Юбориш мумкин, албатта, – деди у. – Нақ ўлимга юборгандек бўламиз. Шер яраланганини биламиз-ку. Шер соғ бўлса, уни ҳайдаб бориш мумкин – товушдан қочади. Аммо яраланган шер қочмайди, ҳамла қилади. Ерга ястаниб ётади, ҳатто қуён яширинолмайдиган жойларда сездирмай ётади. Мунақа жойга кимнидир юбориш хавфли. Майиб қилиши турган гап.

– Курол ташувчилар-чи?

– Улар биз билан боришади. Уларнинг бурчи, шартнома тузишган, «шаур» дейишади. Лекин барибир улар ҳам мунақа ишга оғринишади.

– Мени у ёққа боргим келмаяпти, – деди Макомбер, сўзлари ўйлаб-нетгунича оғзидан чиқиб кетди.

– Мени ҳам, – деди Уилсон дангал. – Аммо илож қанча. – Кейин ниманидир ўйлаб, Макомберга қаради: у қалтирар, аҳволи тушкун эди.

– Сиз, албатта, бормаслигингиз мумкин, – деди у. – Шунинг учун ҳам мени ёллашади. Шунинг учун ҳам нархим баланд-да.

– Яъни, сиз бир ўзингиз бормоқчимисиз? Балки унга тегмаганимиз маъкулдир?

Шу топгача фақат шер билан машғул бўлиб, Макомбер ҳақида ўйламаётган Роберт Уилсон уятли бир нарсани пайқаб қолгандек хижолат чекди.

– Буни қандай тушуниш керак?

– Шер ётган жойида қолаверсин, дейман.

– Шерни яраланмаган, деб ўйлайсизми?

– Йўқ. Қайтиб кетамиз, вассалом.

– Мундай қилиб бўлмайди.

– Нега?

– Биринчидан, шер қийналади. Иккинчидан, биров унга дуч келиб қолиши мумкин.

– Тушунарли.

– Лекин сиз биз билан боришингиз шарт эмас.

– Мен борардим-у, – деди Макомбер, – лекин чўчияпман, юрагим дов бермаяпти.

– Мен олдинда бораман, – деди Уилсон. – Анови чол, Кончони, изни караб боради. Сиз мени пана қилиб, сал четроқда юринг. Шер товуш бериши мумкин, эшитиб қоламиз. Кўришимиз билан ўк узамиз. Бараварига. Хавотир бўлманг, мен ёнингиздан нари кетмайман. Дарвоқе, сиз балки ростдан ҳам бормаганингиз маъкулдир?

– Йўк, бораман.

– Ихтиёрингиз, – деди Уилсон. – Лекин оёғингиз тортмаётган бўлса, бормай кўяверинг. Ахир, бу иш менинг «шаури»им.

– Бораман, – деди Макомбер.

– Агар хотинингизда гапингиз бўлса, ҳали фурсат бор, – деди Уилсон.

– Йўк.

– Мен бориб айтай, шошмасинлар.

– Майли, – деди Макомбер. Бориб, шерни ўзинг гумдон қилиб кел, дейишга тили бормади. Тер босиб, оғзи қуриб, кўнгли айниб, ўтириб қолди.

Тез орада Уилсон қайтиб келди.

– Мен штуцерингизни <sup>1</sup> ола келдим, – деди у. – Ушланг.

Макомбер штуцерни олганида, Уилсон:

– Мендан уч-тўрт қадам ўнгроқда юринг, – деди. – Мен нима десам, шуни қиласиз. – Кейин иккала ҳабашга сухаили тилида нималарнидир уқтирди, уларнинг авзойи бузук эди. – Кетдик, – деди у.

– Бир културм сув бўлса, томоқни хўллаб олардим, – деди Макомбер.

Уилсон қурол ташувчиларнинг бошлиғига нимадир деди, у бегидаги флягани ечиб, қалпоғини буради, Макомберга узатди, Макомбер олди – фляга оғир, кичик ғилофи ғадир-будир, жунли эди. У сув идишини оғзига яқинлаштираркан, кўзлари баланд ўсимликлар ва яшил буталари ялпоқ дарахтларга тушди. Майин шамол юзга

---

<sup>1</sup> *Штуцер* – қузури қирқилган ов милтиғи.

урар, ўтлар боши чайқаларди. Макомбер қурол ташувчига қаради – у ҳам ҳадиксираётганини пайқади.

Ўттиз беш кадамча нарида шер бағрини бериб, кимирламай ётар, қулоқлари қисилган, фақат учи қора кокилли думи сал ғимирлар эди. У панага келиши биланоқ ерга ётганди; ғалвир қилиб ўтиб кетган ўқ зарбидан кўнгли айнир, яраланган ўпкаси ҳолсизланар, ҳар нафас олганида ҳалқумига суюқ қизил кўпик қуйиларди. Иккала биқини иссиқ ва ифлос, ўқ тешиб кирган майда тешиқлар атрофида пашшалар қалашган, нафрат тўла йирик, сариқ кўзлари ҳар нафас олганида юмилиб-очилар, узокларга тикилар, ўткир чангаллари юмшоқ ерга чуқур ботганди. Оғрик, ўкчиш, нафрат, охирги куч – ҳаммаси сўнгги ҳамла учун тўпланганди. Овозлар яқинлашгач, думи жимиб қолди ва шер одамларни кўриши билан бўғиқ ихрадида, ўзини улар томон отди.

Кончони издан кўзини узмай олдинда кетар, Уилсон отишга тайёр милтиқ билан ўт орасида ҳар бир ҳаракатни назардан кечириб борар, иккинчи қурол ташувчи тиқ этган товушга қулоқ солар, Макомбер эса Уилсоннинг ортидан аста юраркан, бармоғи милтиқ тепкисида, отишга тайёр эди. Улар энди баланд ўтлар ичига кирувдилар ҳамки, Макомбер ғарғарасимон ўкиришни, шу ондаёқ ўтларни тасмадек чирсиллаганини эшитди ва айни шу пайтнинг ўзида ҳамма нарсани унутиб, орқага қочаётганини англаб қолди. У «қа-ра-ванг» этган милтиқ товушини икки марта эшитди ва тўхтаб, орқага, Уилсонга кўз ташлади – бошининг бир бўлаги қаёққадир сочилиб кетган даҳшатли махлуқ Уилсон томон ўрмалар, қирмизи юз одам милтиғини мўлжалда тутиб, яна ўқ узар, «қа-ра-ванг» товуши яна янграрди... Судралиб келаётган шернинг сариқ, баҳайбат танаси тўхтади, мажағи чиқиб кетган калласи олдинга мункиди-да, ерга тақалиб қолди.

Қўлида ўқланган милтиқ, икки ҳабашнинг таъқиб назари остида Макомбер олазарак бўлиб майсазорда тураркан, шернинг адо бўлганини англади ва Уилсоннинг ёнига борди.

Уилсон Макомберга бир қараб олгач:

– Расмга тушасизми? – деди.

– Йўқ, – деди Макомбер.

Машина олдига етиб боргунларича ҳеч ким чурк этмади.

– Ажойиб шер, – деди ниҳоят Макомбер. – Ҳозир терисини ши-  
лишади.

Машинанинг орқа ўриндиғида ёнма-ён ўтиришган бўлса ҳам эр-хотин бир-бирларига қарашмади. Уилсон олдинда хаёл суриб ўтирар эди. Макомбер бир кимирлаб, хотинининг қўлини ушлади, аммо у қўлини тортиб олди. Ирмоқнинг нариги бетига, ҳабашлар шерни ағдар-тўнтар қилаётган томонга боқиб, бу ердан ҳамма нарсани яққол қўрганини билди. Кейин хотини олдинга инти-  
либ, қўлларини Уилсоннинг елкасига қўйди, Уилсон бу томонга ўгирилганди, Маргарет дархол унинг лабларидан ўпиб олди.

– Ие, ие, – деди Уилсон, унинг қизил юзи баттар қизариб кетди.

– Жаноб Роберт Уилсон, – деди аёл. – Ажойиб инсон жаноб Роберт Уилсон!

Кейин Маргарет қайтиб жойига ўтирди-да, эри томон қарамай, сойнинг нариги, шер ётган томонига назар ташлади. Ниҳоят, ҳабашлар шернинг хом, оғир терисини келтиришиб, автомобилга чиқишди. Машина жўнади. Лагерга етгунча машинадагилар бир-бирларига лом-мим дейишмади.

Шер билан боғлиқ воқеа шундай бўлганди.

Ўқ-дорининг икки тонна келадиган зарби шернинг калласини ўпириб кетишидан аввал шер ҳамлага ҳозирланаётганида, сакраганидан кейин навбатдаги ўқ зарбидан умуртқаси чўрт узилиб кетганда, олов пурқаётган нарсага ўзини ташлаб, ажалини топганда, шернинг ҳолати қанақа эканини Макомбер билмасди. Буни Уилсон яхши билади ва билганини «ажойиб шер» ибораси билан ифода қилди-қўйди. Айни пайтда Уилсоннинг дилидан нималар ўтган – бу ҳам Макомберга ноаён. Ўша топда хотини ҳам нималарни ҳис қилди – унга қоронғи, фақат бир нарса равшан – хотини энди у билан бирга турмайди. Ажрашиш нияти хотинининг дилида бир неча бор туғилган, аммо узоққа чўзилмаган. Макомбер жуда бой ва яна бойиб



кетиши муқаррар бўлиб, энди хотини ажралмаслигини биларди. У ёшлигида чиройли бўлган, ҳозир ҳам Африкадаги гўзаллардан бири Маргарет эди, аммо бу эрни тарк этиб, дурустроғини топиш учун Америкадаги аёлларнинг энг чиройлиси бўлиши керак. Маргарет энди у тарозини босолмайди, буни ўзи ҳам, эри ҳам яхши тушунади. Агарда эри ҳам аёллар талабига яроқли бўлганида, у бошқа биронтасини топиб кетаверарди-да, деган гумонда қийналиб юрарди, бироқ Маргарет эри нималарга қодирлигини англаган, у ҳеч қачон кетолмаслигидан кўнгли тўқ. Бунинг устига, Макомбер кўп ҳолларда чидашга ўрганган, ройиш эр эди, бу эса унинг энг ёқимли ва айни пайтда энг хавфли хислатлари эди. Уларнинг турмуш негизи мустаҳкам бўлиб, Маргаретнинг ҳусни ажралмаслик учун, Фрэнсиснинг бойлиги хотинининг бардошига гаров эди.

Тун бўйи шер ҳақида ўйлаверишдан чарчаган Макомбер соат учларда бир муддатгина ухлади, уйғониб яна кўзи илинди, тепасида турган шернинг қонга беланган калласини тушида кўриб, яна уйғониб кетди, нималаргадир бироз қулоқ солиб ётди-да, юраги ҳапқириб, нохуш бир нарсани англади; хотинининг ўрни бўш эди. Тушини ўйлаб, Макомбер икки соат кўз юмолмай ётди.

Икки соатдан кейин хотини чодирга кириб келди, пашшахона этагини кўтариб, ўрнига шўнғиди.

– Қаерда эдинг? – сўради Макомбер қоронғида.

– Ҳэлло, – деди хотини. – Уйғоқмидинг?

– Қаерда эдинг?

– Тоза ҳавога чиқувдим.

– Бекор айтибсан.

– Нима дейишим керак, ўргилай?

– Қаерда эдинг?

– Тоза ҳавога чиқувдим.

– Бу нима, янгича иборами? Қанжиқ.

– Сен кўрқоқсан.

– Хўш, – деди Фрэнсис. – Кўрқоқ бўлсам, нима қипти?

– Мен учун ҳеч нима. Кел, жоним, суҳбатнинг пайти эмас, уйқум келяпти жуда.

- Мени индамайди, юриб кетаверади, деб ўйлаяпсанми?
- Имоним комил, ўргилай.
- Энди чидамайман.
- Кел, жоним, жим ётайлик, уйқум келяпти.
- Ахир, бу ишларга чек қўйилди, деб келишувдик-ку? Бошқа қайтарилмайди, деб ваъда берувдинг-ку ўзинг?
- Қайтарилиб қолди, – деди аёл майин оҳангда.
- Биз бу ерларга сафар қилсак, анави ишларингни такрорланмайди, девдинг. Ваъда қилувдинг ахир...
- Тўғри, жоним. Ниятим ҳам шунақа эди. Аммо кечаги кун сафаримизни бузиб ташлади. Ҳозир энди бу ҳақда гапириш ўринсиз.
- Ўлжа тўғри келса, сен бу имкониятдан воз кечмайсан, шундай-а?
- Илтимос, бу ҳақда ҳозир гаплашмайлик. Жудаям уйқум келяпти, ўргилай.
- Гаплашамиз.
- Ундай бўлса, майли, мен ухлайман. – Ва у уйқуга кетди.
- Тонг ёришишига ҳали бор, улар учови нонушта қилиб ўтиришар эди. Макомбер: одамлар орасида энг ёмон кўрадиганим Роберт Уилсон, деб ўйларди.
- Қандай ухлагингиз? – сўради Уилсон, трубкасини тамаки билан тўлдиаркан.
- Ўзингиз-чи?
- Нимасини айтасиз, жуда маза қилиб ухлабман.
- «Аблаҳ, – дея хаёлидан кечирди Макомбер, – малъун!»
- «Демак, қайтиб келиб эрини уйғотибди-да, – дея ўйлади Уилсон, икковига бефарқ ва совуқ назар ташлаб. – Хотинига қараса, ўладими? Менга нима? Ҳирсим ўликми? Авлиёманми? Ўзингдан кўр».
- Қўтосларни учратолармикинмиз? – сўради Маргарет, ўрик солинган ликопни Уилсон томон суриб.
- Учратсак керак, – деди Уилсон ва унга қараб кулиб қўйди. – Сиз лагерда қолсангиз, тузук бўлармиди?

– Ҳеч-да, – жавоб берди аёл.

– Айтинг хотинингизга, лагерда қолсинлар, – деди Уилсон Макомберга. – Буюринг.

– Ўзингиз буюринг, – деди Макомбер зарда билан.

– Келинлар, яхшиси, буйруқни қўйлик, – деди аёл эрига қараб. – Ножўя гапларни ҳам, Фрэнсис.

– Қачон юрамиз? – сўради Макомбер.

– Мен тайёрман, – деди Уилсон. – Хоним бирга борсалар майлими? Сиз шуни истайсизми?

– Истайманми, истамайманми, барибир эмасми?

– Барибир, – деди Уилсон.

– Балки сиз хотиним билан бирга лагерда қолиб, кўтослар овини ўзимга қўйиб берарсиз, – сўради Макомбер.

– Ҳақим йўқ, – деди Уилсон. – Умуман қўйинг мунақанги гапларни .

– Бу беҳуда гап эмас. Кўзимга ҳамма нарса бало бўлиб кўриняпти.

– Бало – яхши сўз эмас.

– Фрэнсис, марҳамат қилиб ақлингни йиғиб гапир, – деди аёл.

– Ҳалиям ақлимни йиғиб гапиряпман, – деди Макомбер. – Умрингизда шунақа бадхўр овқатни татиб кўрганмисизлар?

– Овқат ёқмадими? – осойишта сўради Уилсон.

– Овқат ҳам...

– Оғайни, сал ўзингизни тутиб олинг, – деди Уилсон жуда совуққонлик билан. – Хизматкорлардан бири инглиз тилини тушунади.

– Тушунса, ундан нари.

Уилсон ўрнидан турди, трубкасини бурқситиб нари кетди, йўл-йўлакай уни кутиб турган қурол ташувчига суахили тилида алланималар деди.

Дастурхон атрофида эр-хотин ўзлари қолишди. Макомбер кўзини қаҳва қуйилган идишдан узмасди.

– Агарда жанжал қўзғайдиган бўлсанг, жоним, мен сен билан яшамайман.

– Яшайсан.

- Жанжал кўзгагин, кўрасан.
- Сен мени ташлаб кетмайсан, биламан.
- Тўғри, – деди Маргарет. – Агар ўзингни яхши тутсанг.
- «Яхши тутсанг»? Гапингга ўлайми? «Яхши тутсанг»миш!
- Ҳа. Яхши тутсанг.
- Сен ўзингни яхши тутсанг бўлармиди.
- Шунча ҳаракат қилдим. Шунча.
- Анави қизилэт тўнғизни кўрарга кўзим йўқ, – деди Макомбер. – Турқидан кўнглим озяпти.

- Унақа дема, у чакки эмас.
- Бас! – чинқириб юборди Макомбер.

Шу пайт уларнинг ёнига автомобиль келиб тўхтади, ичидан хайдовчи ва икки қурол ташувчи ирғиб тушди. Уилсон стол олдига келиб, эр-хотинга синчков назар ташлади.

- Овга жўнаймизми? – сўради у.
- Ҳа, – деди Макомбер, ўрнидан тураётиб. – Жўнаймиз.
- Иссиқ кийим олволинг. Йўлда совуқ бўлади, – деди Уилсон.
- Чарм курткани олиб чиқаман, – деди Маргарет.
- Куртка хизматкорда, – деди-да, Уилсон хайдовчи ёнига ўтирди. Фрэнсис билан хотини индамай машина орқасига чиқишди.

«Бу хумпар орқамдан ўқ узиб қолса-я, – деб ўйлади Уилсон. – Нега хотинларини эргаштириб юришади?»

Автомобиль пастга шўнғиб, сойнинг тошлоқ жойидан ўтиб, нариги қирғоққа чикди. Қирғоқ баланд, дарахтлар сийрак эди, кенг ўтлоқларда, баргу бутоқларда шудринг йилтирар, филдираклар тагида мажакланган ўт-ўланнинг ҳиди анқирди. Роберт Уилсон табиатнинг шу ҳолатини ёқтирарди, шунинг учун у ҳозир орқада ўтирган эр-хотин ҳақида ўйламасди. Ҳозир унинг хаёли кўтослар билан банд. Кўтослар кундуз кунлари ботқоқликда юришади, ботқоқлик қамишзор билан ўралган, бу ерда ов қилиш қийин. Кўтослар ўтлоққа кечаси чиқишади. Ботқоқ ва ўтлоқ орасига машина билан кириб, йўлини кессакмикин, дея ўйлади Уилсон. Ана ўшанда Макомбер очикликда ов қилар, ундан нари бўларди. Уил-

соннинг чангалзорда Макомбер билан ов қилишга ҳуши йўқ эди. Умуман, Макомбер билан ов қилишни истамасди, аммо касби шу, начора.

Агар бугун кўтос учраса, каркидон қолади, шу билан Макомбернинг бугунги хавф тўла ҳордиқ куни яқунланади. Аёл билан Уилсон ортиқ дон олишмайди, кечаги ҳодисани Макомбер бир амаллаб ҳазм қилиб юборади. Бинобарин, у ягона ҳодиса эмас, бечора бунга ўхшаш нарсаларни кўравериб кўникиб кетган. *Ўзингдан кўр, ландовур.*

Роберт Уилсон овга чикқанида, эҳтиёт шарт деб, доим кенгрок каравот олиб юарди. Унинг мижозлари – таралла бедоду кайфу сафога берилган зодагонлар, турли мамлакатдан келган ҳаваскор-спортчилар ва шу каравотда оқ танли овчи билан ётиб кетишмаса, харажатлари тўла оқланмайди, деб ўйлайдиган аёллар. Кўздан йироқ пайтда у аёллар овчининг назарида қабих кўринар, аммо бу ёкка келиб, эркалар билан баравар ов сафарига чикқанда, унга ёка бошларди. Қандай бўлмасин, Уилсоннинг куни шулар туфайли ўтади, шунинг учун уларнинг барча хархашаларини кўтаришга мажбур. Барча хархашалардан фақат унинг овчилиги мустасно, бу соҳа унинг ихтиёрида, одамлар у ўрнатган қоидаларга бўйсунди ёки бошқа овчи ёллайди. Кўплар Уилсонни шу қоидалари учун ҳурмат қилишади. Мана бу Макомбер эса... ғалати одам... Уилсон улар томон кўз ташлади. Макомбер хафа ва баджаҳл эди. Маргарет табассум қилди. Бугун у ёшроқ, покиза, иффатли кўринди. Хаёлида нималар бор – буни Уилсон билмасди. Кечаси у кўп гаплашмади. Барибир ундан кўз узиш қийин.

Уилсон ҳайдовчига тўхташни буюрди, кейин дурбин орқали узокдаги ўтлокқа қаради.

Машина яна жилди, тўнғиз ҳандақ ва чумоли куббаларини четлаб, ўша томонга кета бошлади.

Уилсон кескин ўгирилиб:

– Ана, кўтослар, қаранг! – деди Макомберга.

Машина илдамлашди, Уилсон хабашлардан бири билан суахили тилида тез-тез гаплаша бошлади. Макомбер у кўрсатган томонга қараб, ўтлоқдан ҳақкалаб ўтаётган учта баҳайбат кўтосни кўрди.

– Учалови буқа экан, – деди Уилсон. – Йўлини кесиб чиқиш керак.

Автомобиль ўнқир-чўнқирларга қарамай уча кетди, Макомбернинг кўз олдида кўтослар борган сари каттая бошлади, энди Макомбер бироз орқада қора ялтироқ шохларини елкасига қадаб бир маромда елаётган, бўйни билан танаси бирлашиб кетган буқанинг тақир, кулранг, серқазғоқ ғадир-будир гавдасини яққол кўрди, дарҳол милтигини ҳозирлади, аммо Уилсон: «Машинадан отмангда, тентакмисиз, э!» деб қичқирди. Шу топда Макомбернинг дилида ҳеч қандай кўрқув йўқ, аксинча, Уилсонга нисбатан ғараз ва нафрат қайнарди. Ҳайдовчи тормоз берди чоғи, машина ғилдираклари билан ерни ҳайдаб, сирғалиб кетди, мотор ўчиб қолай деди. Уилсон бир томонга отилди, Макомбер эса иккинчи томонга сакраб, муккаси билан кетди, аранг ўзини ушлаб қолди, учиб бораётган кўтосга ўқ узди, ўқ мўлжалга тегди. Макомбер шитоб билан басма-бас тепкини босди ва шу заҳотиёқ милтикни қайта ўқлай туриб, қулаётган буқага кўзи тушди. Буқа чўккалаб қолган, оғир калласини жон халпида чайқар, алангларди. Макомбер елиб бораётган иккита кўтосни кўрдию дарҳол ўқ узди, ўқ биринчисига тегди, у тумшуғи билан ерга қадалиб қолди.

– Қойил! – деди Уилсон. – Энди учинчисини мўлжалланг!

Биринчи кўтос ҳамон аввалги шиддат билан қочар, ўлим исқанжасида типирчилаётган шерикларига қарамасди. Макомбер ва Уилсон кетма-кет кўтосга ўқ узишди, аммо биронтаси ҳам мўлжалга тегмади.

– Машинага! – деб қичқирди Уилсон ва Макомбернинг қўлидан тортди. – Узоқлашиб кетди, ўқнинг зарби етмайди.

Улар икки томондан машинага отилишди, машина дўнглиқлар оша учди, ҳеч қаёққа қайрилмай олдинда югураётган кўтосни қувиб етишди ва машина ҳайвонга тенглашганида, Уилсон: «Тўхтат!» деди. Кескин тормоздан машина яна сирпаниб кетди, ағдарилишига

сал қолди; Макомбер машинадан отилиб тушди, аммо йиқилмади, дарров тепкини ростлаб, учиб бораётган махлуққа ўкталиб ота бошлади. Аммо шунча ўқ бехато тегишига қарамай, қўтос шиддат билан узоқлашар, ўқ қор қилмасди. Шу пайт Уилсоннинг милтиғи варанглади, қўтос гандирақлаб қолди, овчи қунт билан ўкталиб, яна отди, қўтоснинг баҳайбат қора танаси калта ва йўғон туёқларини босиб, гуппа ағдарилди.

– Қойил! – деди Уилсон. – Мерган деган шунақа бўлади. Учало-ви тайёр.

Макомбернинг дилида ҳозир аллақандай мастона сурур туғён урарди.

– Сиз неча марта ўқ уздингиз? – деб сўради у.

– Фақат уч марта, – деди Уилсон. – Биринчисини сиз ўлдирдингиз. Энг каттаси ўша эди. Қолганларига мен озгина кўмаклашдим, акс ҳолда тўқайзорга кириб кетишарди. Уларниям асосан ўзингиз қулатдингиз. Мен шунчаки туртки бердим, холос. Нишонни яхши олдингиз.

– Машинага борайлик, – деди Макомбер. – Жичча ичгим кел-япти.

– Аввал манавини бир ёқли қилайлик, – деди Уилсон қўтосни кўрсатиб.

Қўтос чўккалаганича жойидан туролмай, яқинлашаётган одамларни кўриб, калласини силкий бошлади, тўнғизникидек кўзларини ола-кула қилиб ўқирди.

– Қаранг, тагин туриб кетмасин, – деди Уилсон. Сўнг қўшиб қўйди: – Сал ён томонига ўтинг-да, қулоғининг орқасига отинг.

Макомбер шошилмай мўлжаллади-да, ўқ узди. Қўтоснинг калласи шилқ этиб тушди.

– Жуда соз, – деди Уилсон. – Умуртқасига тегди. Ваҳиманинг ўзи-я, қурғур!

– Юринг, ичайлик, – деди Макомбер. Ҳеч вақт унинг дили ҳозиргидек завққа тўлмаганди.

Макомбернинг хотини автомобилда ранги ўчиб ўтирарди.

– Сен қахрамонсан, ўргилай, – деди у эрига қараб туриб. – Бунақасини биринчи кўришим!

– Машина қийнадими? – сўради Уилсон.

– Жуда кўрқинчли бўлди. Ҳаётимда бу қадар кўрққан эмасдим.

– Қани, ичайлик, – деди Макомбер.

– Ичамиз, – деди Уилсон. – Биринчи бўлиб хонимдан...

Маргарет фляга олиб виски хўплади, хўплай туриб, сесканиб кетди, идишни Макомберга узатди, у вискини лаззатланиб симирди. Ундан кейин Уилсон ичди.

– Одам жазавага тушиб қоларкан, – деди Маргарет. – Ҳатто бошим сиркираб оғрий бошлади. Мен мошинадан туриб қўтосларга ўқ узиш мумкинлигини билмасдим.

– Ҳалиям ҳеч ким мошинадан ўқ узгани йўқ, – деди Уилсон совук оҳангда.

– Мошинада қувлашни айтаман.

– Умуман бундай қилмаган маъкул, – деди Уилсон. – Лекин бугунгиси жуда гаштли бўлди. Ўнқир-чўнқирликлар, дўнғлар демай ов қилиш пиёда ов қилишдан хавфлироқ. Қўтос биринчи ўқдан кейиноқ бизга ташланиши ҳеч гап эмасди. Ҳар қалай, одамларга айтиб юрмаганингиз дуруст. Бу йўсинда ов қилиш қонуний эмас, агар сиз шуни назарда тутган бўлсангиз.

– Менимча, – деди Маргарет, – мошинага чиқиб олиб, бечора хайвонларни қувлаш инсофдан эмас.

– Шунақами?

– Найробидагилар бундан бохабар бўлишса-чи?

– Ўша заҳотиёқ қўлимдан гувоҳномамни тортиб олишади ва хоказо, шунга ўхшаш кўнгилсиз расмиятчиликлар рўй беради, – деди Уилсон виски хўплаб.

– Ростдан-а?

– Ҳа, ростдан.

– Ана холос, – деди Макомбер хотинининг хулқидан хижолатланиб. Сўнг кун бўйи тундланиб юрган одам биринчи марта табассум қилди ва: – Энди, мана, сизга ёпишишга ўтди, – деди.



– Ибораларинг нақадар теранки, жоним, – деб истехзо қилди Маргарет.

Уилсон уларга разм солди. «Агар эр аҳмоқ, хотин номуссиз бўлса, – дея ўйлади у, – булардан тарқаган фарзанддан нимани кутиш мумкин?»

– Биз битта қурол ташувчимизни йўқотиб қўйдик, сиз сездингизми?

– Наҳотки? Сезмадим, – деди Макомбер.

Кончони исмли чол булар томон оқсаб келар, бошида тўқима қалпоқ, эгнида яшил куртка, тиззасигача келадиган калта шим, оёғида резина шиппак бўлиб, авзои бузук, нафратли эди. У суахили тилида нимадир деб бақирувди, Уилсоннинг қиёфаси дарҳол ўзгариб кетди.

– У нима деди? – сўради аёл Уилсондан.

– Биринчи қўтос туриб кетибди, тўқайзорда юрганмиш. – Уилсон бу хабарни айтаркан, овозида ҳеч қандай ҳаяжон сезилмади.

– Энди нима бўлади? – ҳайрон бўлиб сўради Фрэнсис.

– Шер қанақа хунар кўрсатган бўлса, шунақа бўлади, – деди Маргарет завқланиб.

– Унақа бўлмайди, бекор гап, – деди Уилсон бироз ижирғаниб. – Макомбер, яна ичасизми?

– Раҳмат, – деди Макомбер ва яраланган шерни кувишганида ва ўлдиришаётганида туғилган ҳадик яна дилимни зирқиратармикин, деб ўйловди, у ҳолат қайталанмади. Ҳаётида биринчи марта кўрқув ҳиссини сезмас, бутун вужудида аллақандай бир шавқ, кўтаринкилик мавжуд эди.

– Иккинчи қўтосни бориб кўриш керак, – деди Уилсон.

– Мен ҳам бирга бораман, – деди Маргарет.

– Марҳамат.

Учовлари ўша томон кетишди. Иккинчи қўтос бамисоли қора дўнг бўлиб ўтлоқда ётар, тумшуғи ерга қадалган, юмук кўзини пашша таларди.

– Қалласи ажойиб-да, – деди Уилсон. – Шохининг ораси икки қаричча келади.

Макомбер ҳавас билан қўтосга тикиларди.

– Кўриниши курсин, – деди Маргарет. – Юринглар, сояга борайлик.

– Ҳозир, – деди Уилсон. Кейин Макомберга қараб: – Хув анови тўқайзорни кўряпсизми? – деди.

– Кўряпман.

– Биринчи қўтос ўша ёққа кириб кетипти. Кончони машинадан ағанаб тушганида, буқа ўк еган жойида ётган экан. Бир маҳал ўзига келиб қараса, хайвон ўрнидан туриб олибди. Чол қочиб қопти, қўтос, ҳеч нарса бўлмагандек, тўқайзорга кириб кетипти.

– Уни қидиришга ҳозироқ борамизми? – тоқатсизланиб сўради Фрэнсис Макомбер.

Уилсон унга синовчан тикилди. «Тентаквой, – деб ўйлади у. – Кеча ваҳимага тушиб қалт-қалт титраётувди, бугун ўзини тия олмаяпти, хаёли жангда».

– Бироз сабр қилиш керак, – деди Уилсон.

– Юринглар ахир, сояга ўтайлик, – деди зорланиб Маргарет. Унинг ранги қув ўчган, кўриниши хаста эди.

Улар орқага қайтиб, кўланкада турган машинага ўтиришди.

– Балки қўтос ўлиб бўлгандир, – деди Уилсон. – Бироз кутамизда, кейин бориб кўрамиз.

Макомбер ўзини ўта бахтиёр ҳис қилар, у бундай онларни ҳеч қачон бошидан кечирмаганди.

– Жудаям завкли ов бўлди-да! – деди у. – Умрим бино бўлиб бунақа зўр шижоат гирдобига тушган эмасман. Ҳақиқатан ажойиб саргузашт бўлди, а, Марго?

– Ирганарли даражада.

– Нега?

– Ваҳшиёна, – деди Маргарет. – Аблаҳона!

– Биласизми, Уилсон, мен бундан буёқ ҳеч қачон ҳеч нарсадан тап тортмасам керак, – деди Макомбер Уилсонга юзланиб. – Қўтосларга дуч келиб, қува бошлаганимизда, вужудимда

аллақандай ўзгариш рўй берди. Қанақадир чигал ечилиб кетгандек бўлди. Тенги йўқ завқ-а!

– Жигарга шифо, – деди Уилсон. – Ҳақиқатан, одамзод бошига қандай синовлар тушмайди, дейсиз.

Макомбернинг юзи-кўзи бахтиёрликдан ял-ял ёнарди.

– Ростдан ҳам вужудимда қанақадир ўзгариш рўй берди, – деди у жўшиб. – Мен ўзимни мутлақо бошқа одамдай ҳис қиляпман.

Маргарет эрига ғалати бир қараш қилди, аммо энтикиб гапиришига эътибор бермади.

– Биласизми, мен ҳозир жон деб шер овига чиқардим, – деди Фрэнсис. – Энди шердан мутлақо кўрқмайман. Очиғини айтганда, улар мени нима қила оларди?

– Нима қила оларди? – деди Уилсон. – Нар и борса, сизни ямлаб ташлайди, холос. Шекспирда ажойиб сўзлар бор. Нима эди? Ҳозир эслайман. Ҳозир. Бир пайтлар ёддан билардим, ҳамиша қайтариб юрардим. *«Худо ҳақи, менга барибир; ажалга чап бериш бемаъниликдир, ажалнинг ҳам ҳақи бор бизда. Бир нарса эрур ҳақиқат – бу йил ўлган кимса келгусида ўлмас такроран»*. Қалай, яхши, а?

Бу сўзлар Уилсоннинг ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга эди, аммо шу сўзларни ҳозир такрорлаганидан негадир ўзи уялиб кетди. Баъзиларнинг камолотга етиши овчининг кўзи олдида рўй берган ва бундай кезларда у ҳаяжонга ҳам тушган. Тасодифий тўқнашувлар ёки ов пайтида тезлик билан нимадир қилиш зарурати, аввалдан хавфсираш, баъзан кўрқишга ҳам имкон танқислиги – шулар эмасми Макомбернинг фойдасига хизмат қилган омиллар? Бироқ бошқа омиллар ҳам бўлиши мумкин эди. Қандай бўлмасин, шу ходиса, бошқачароқ айтганда, синовдан Макомбер бутун чиқди – бу аниқ! Ғалаба унинг кўнглидаги ҳадикни чилпарчин қилди, энди уни янги босқичларга, янаям дадил бўлишга ундаяпти. Гапнинг пўстқалласини айтганда, бунга ўхшаганларнинг кўплари анча пайтгача болалик ҳолатидан чиқиб кетолмайди. Баъзилар бир умр болалигича қолиб кетаверади. Ёши элликда, қомати эса ёш боланикидек.

Ҳаммани илжайтирадиган Американинг эркак-гўдаклари. Худо урсин, ғалати халқ. Бироқ Макомбер ҳозир овчига ёқиб турипти. Энди у хотинининг ановинақа ишларига йўл қўймайди. Бу чакки эмас. Жуда кўнгилдаги иш! Бечора бир умр кўрқиб-қалтираб келган бўлиши керак. Энди ундай бўлмайди, тамом-вассалом! Макомбер кўтосдан ҳайиқишга улгурмади. Унинг устига, ғазаб исканжасида. Энди уни букиб бўлмайди. Урушда ҳам шунақа зиддиятлар учраб туради – номусдан айрилишдан кўра ҳам жиддийроқ нарсалар бор. Таҳликадан энди асар ҳам қолмади, гўё уни суғуриб олиб ташлагандек. Унинг ўрнини энди янги нарса, эркак киши учун энг муҳим, уни эркак деб аташга имкон берадиган нарса ишғол қилди. Аёллар бу хислатни доим эътироф этишади. Ваҳимага чек қўйилди.

Маргарет машина бурчида ғужанак бўлиб олиб, эркаклардан кўзини узмасди. Унинг назарида Уилсон аввалгидек, кечаси ўз кучини қандай кўрсатган бўлса, шундай эди. Аммо Фрэнсис Макомбер мутлақо ўзгарган, буни пайкамаслик мумкин эмасди.

– Алланечук нарсани кутиш билан боғлиқ бўлган бахт нашидаси сизга танишми, жаноб Уилсон? – дея сўради Макомбер ўз туғёнидан ҳаяжонланиб.

– Одатда бу ҳақда баралла гапирмайдилар, – деди Уилсон Макомберга синовчан тикилиб. – Кўп ҳолларда аксини, яъни ҳайиқиш холатини айтишади. Унутманг, сиз ҳам кўплаб таҳликага тушишингиз, иродангиз раёйингизга юрмай қолиши мумкин.

– Эҳтимол, – деди Макомбер. – Лекин сизга ҳозир мен айтмоқчи бўлган бахт ғалаёни танишми?

– Таниш, – деди Уилсон. – Вассалом. Бу ҳақда ваъзхонлик қилавериш ўринсиз. Акс ҳолда ҳамма нарса вайрон бўлиши мумкин. Бир нарсани ҳадеб такрорлайверилса, гашти қолмайди.

– Икковингиз ҳам жуда маҳмадона бўлиб кетдиларингиз, – деди Маргарет зарда билан. – Учта ҳимоясиз жониворни мошинада қувиб, ўтакасини ёриб, энди мақтанишга бало борми?

– Узр, – деди Уилсон, кўзлари бежо аёлга қараб. – Мен ростдан ҳам керагидан ортиқ лақмалик қилиб юбордим.

– Эй, хотин, суҳбатимиз маъносини тушунмасанг, нима қиласан гапга аралашиб? – деди Фрэнсис.

– Оббо! Бирпасда довьорак бўлиб қолибсанми? – деди Маргарет нафрат билан, аммо унинг нафрати шунчаки эди. У нимагадир зимдан хайиқарди.

Макомбер овозининг борича қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

– Ҳа, нима? – деди у. – Довьорак бўлсам, нимаси ёмон?

– Эндими? – деди хотини захарханда билан. – Кеч эмасми?

– Мен учун кеч эмас, – деди Макомбер.

Маргарет ҳеч нарса демай, янада нарироқ сурилиб олди.

– Энди вақт бўлгандир? – жонланиб сўради Макомбер.

– Ҳа, анча вақт ўтди, – деди Уилсон. – Сизда ўқлар борми?

– Курол ташувчида озроқ бор.

Уилсон суахили тилида алланима деб бақирди, қўтос калласини танасидан ажратаётган кекса ҳабаш ўқлар солинган кутичани олиб келиб Макомберга берди, у милтиғини ўқлади, колган ўқ-дориларни чўнтагига солди.

– Сиз қўлингиздаги курол билан отасиз, унга ўрганиб қолдингиз, – деди Уилсон ва бошқа милтиқни кўрсатиб: – Бунисини хонимга қолдирамиз. Кончонида ҳам бир қувурли штуцер бор. Мен ўзимникини оламан. Энди гапимни эслаб қолинг, – деди. Уилсон айтмоқчи бўлган гапларини Макомберни аввалдан чўчитиб қўймаслик учун атайин кейинга сақлаганди. – Қўтос ҳамла қилганда, боши олдинга чўзилган бўлади. Пешонаси шохининг негизи билан қопланган, у ерини мўлжалласангиз, ўқ бекор кетади. Тумшуғини нишонга олинг ёки кўкрагини. Агар ён томонга тушиб қолсангиз, бўйни билан елкасига отинг. Яраланган қўтосни батамом ўлдириш жуда қийин. Бошқа усулларни қўллашга уринманг. Жон-жойини кўзлайверинг. Ана, улар ҳам каллани ажратиб бўлишди.

Уилсон ҳабашларни чақирди, улар қўлларини арта-арта етиб келишди, бошлиғи машина орқасига чиқиб олди.

– Мен билан фақат Кончони боради, – деди Уилсон. – Иккинчиси шу ерда қолиб, кушларни ҳайдаб туради.

Автомобиль сувсиз сойдан ўтганда, Фрэнсиснинг юраги гурсиллаб урар, оғзи қурий бошлаган, аммо бу кўрқиш эмас, ҳаяжон аломати эди.

– Мана шу ерда қўтос тўқайзорга кириб кетган, – деди Уилсон ва ҳабашга қараб суахили тилида буюрди: – Сен изини ахтар.

Машина ўтлоққа чиққанида, Уилсон, Макомбер ва курул ташувчи машинадан сакраб тушишди. Макомбер орқасига ўгирилиб хотинини кўрди. Унга қўл силкиди, лекин у жавоб қилмади.

Олдиндаги чакалакзор қалин, оёқ ости қуруқ эди. Кекса ҳабаш бир зумда терлади. Уилсон шляпасини қошигача тушириб олгани учун Макомбер унинг кизил бўйнини кўриб борарди. Шу пайт Кончони Уилсонга нимадир деди-да, олдинга югуриб кетди.

– Қўтос тамом бўпти, – деди Уилсон ва Макомберга ўгирилиб, қўлини маҳкам сиқди. Улар энди бир-бирини қутлай бошлаганди, шу пайт Кончонининг кичқириғи эшитилиб қолди. Улар ялт этиб ўша томонга қарашди. Чакалакзор ичидан худди қисқичбакадек орқасига тисарилиб Кончони қочиб келар, қўтос қонга тўлган майда кўзларини чолга тикиб, қувмоқда эди. Яқинроқ турган Уилсон дарҳол тиззалаб ўқ узди, Макомбер эса ўз милтиғи овозидан гаранг бўлган ҳолда қўтоснинг пешонасидан шиферга ўхшаган парчалар сачраб кетганини, сўнг боши силтанганини кўрди. Макомбер қўтоснинг тумшуғини мўлжаллаб тепки босди, ҳайвоннинг боши яна тепага силтанди, яна суяк парчалари сочилди. Энди Макомбер Уилсонни кўрмас, унинг барча диққат-эътибори сурилиб келаётган қора гумбазда, унинг сузиб мажақлашга тайёр, олдинга интилган калласию кичкина ёвуз кўзларида эди. Макомбер яна ўқ узмоқчи бўлиб тепкига бармоқ қўйганини билади, шу лаҳза миясининг ичида аллақандай ёруғ оташ тўсатдан портлаб кетганини туйди. Макомбер шундан кейин ҳеч қачон ҳеч нарсани сезмади.

Воқеа шундай бўлганди: кўтоснинг бўйнини нишонга олиш учун Уилсон ўзини четга олди. Макомбер шу топда тинмай кўтосга ўк узар, унинг шохлари тарсиллаб ёрилар, шифер парчасидек атрофга сачрар, кўтос синган шохи билан Макомберни илиб итқитмоққа интиларди; машинада турган Маргарет кўтосга ўк узди, ўк эрининг бош суягига бориб тегди...

Фрэнсис Макомбер қулаган кўтосдан икки қадам нарида думалаб ётар, унинг устида чўк тушган хотини, нарироқда Уилсон турар эди.

– Юзини ўгирманг, – деди Уилсон.

Аёл асабий йиғламоқда эди.

– Мошинага бориб ўтира туринг, – деди Уилсон. – Қурол қани?

Аёл йиғидан бужмайган юзини кўтариб, имо қилди, ҳабаш ерда ётган милтиқни олди.

– Жойига қўй, – деди Уилсон ҳабашга. – Абдуллани чақириб кел, бахтсиз ҳодисага гувоҳ бўлсин.

Уилсон ҳайдовчини чақириб, кўтос танасини бирон нарса билан ёпиб қўйишни буюрди, ўзи машина томон кетди. У ерда аёл ғужанак бўлиб йиглаб ўтирарди.

– Ташвиш орттириб қўйдингиз-да, хоним, – деди Уилсон лоқайд тарзда. – Тирик бўлганида сиздан юз ўгирарди.

– Бас, – деди аёл.

– Албатта, бу бахтсиз ҳодиса, – деди Уилсон. – Ўзим кўрдим-ку.

– Бас! – деди аёл.

– Ғам еманг, – деди Уилсон. – Майда кўнгилсиз тадбирлар бўлиши мумкин, лекин мен одамларимга айтаман, улар бир неча хил расмлар олишади, тафтиш пайтида бу расмларнинг жудаям фойдаси тегади. Ҳайдовчи ва қурол ташувчилар ҳам гувоҳ бўлишади. Сиз бу ёғидан ташвиш қилмасангиз ҳам бўлаверади.

– Бас!

– Оворагарчилиги кўп бўлади, – деди Уилсон. – Юк мошинасини кўлга жўнатамиз, у ердан шаҳарга хабар қилишади, самол-

ёт келиб, учовимизни Найробига олиб кетади. Нега эрингизни заҳар бериб ўлдира қолмадингиз? Ахир, Англияда айнан шунақа қилишади-ку.

– Бас! Бас! Жим бўлинг! – чинқирди аёл Уилсоннинг лоқайд, мовий кўзларига тикилиб.

– Бас, жим бўламан, – деди Уилсон. – Бироз жаҳлим чикди. Эрингиз энди-энди менга ёқиб келаётувди.

– Ўтинаман, жим бўлинг! – ёлворди аёл. – Ўтинаман! Худо хайрингизни берсин, жим бўлинг!

– Бу бошқа гап, – деди Уилсон, – Ўтинаман, деганингиз анча дуруст. Энди жим бўламан.





# Михаил Шолохов

(1905 – 1984)



*Маиҳур рус ёзувчиси, академик, Меҳнат Қаҳрамони (1967), Нобель мукофоти лауреати (1965) Михаил Шолохов «Дон ҳикоялари», «Ложувард биёбон» (1926) ҳикоялар тўплами, «Тинч Дон», «Очилган кўриқ», «Улар Ватан учун жанг қилдилар» каби романлар ёзган.*

*Адибнинг ижодига қизиққан кишига илк қарашида у атай Лев Толстой билан бўйлашишига шахд этгандек таассурот уйғонади. Толстой ёшлик йилларида ёзган «Севастопол ҳикоялари»га Шолохов дастлаб яратган «Дон ҳикоялари» услуб жиҳатдан ёндош келди. Толстой «Уруш ва тинчлик»ни ёзган бўлса, Шолоховнинг йирик асари «Тинч дон» ҳам асосан уруш суронлари, сарсон-саргардонлик ҳақида. Булар иккиси ҳам тўрт китобдан иборат – эпопея эканлиги шакл масаласи. Мазмунга келсак, Аксинья – Наташа Ростованинг «сояси»да турган «сингиси»... Толстойнинг бошқа – «Ҳожимурод» қиссасини эсланг. Асар қаҳрамони аёвсиз давр шароитида икки ўт орасида кезади. Шолохов тасвирлаган Мелихов ҳам шунақа, янги бир Ҳожимурод! Қолаверса, бу қаҳрамонга Безухов ҳам бегона эмас...*

*Икки адиб ижодида кўринган «руҳ яқинлиги» ўша, бўйлашиши истаги («панжага панжа урмоқ») натижаси бўлса керак. Бундан*

ташиқари, адабиётда умуман, ўрганиши, эргашиши – «эши»лик, давомдорлик бор. Ҳар ҳолда бу «ўхшашлик»лар Шолоховни «юксакдан настга» туширмайди! У ўз даври солномасини ёзган улкан ижодкор бўлиб қолаверади.

Узоқ йиллар адиб «Улар ватан учун жанг қилдилар» деган асар устида ишлади. Бироқ роман битмади. Асарнинг номи оддий шиордан олинганди. Бунинг устига, Иккинчи жаҳон уруши даври воқеаларига фуқаролар уруши даври тушунчасидан туриб ёндошгани, афтидан, ёзувчига панд берди... «Инсон тақдири» – яхши ҳикоя бўлгани ҳолда, бу ҳикоя номи ҳам умумий, зероки, ҳар қандай бадиий асар Инсон тақдири борасидадир.

Шолохов вафотидан кейин «Тинч дон»ни у ёзмаган мазмунидаги куракда турмайдиган бир гап чиқди. Ҳатто Шолоховдан кам мавқега эга бўлмаган, ҳақиқатни ёзиш санъатига кўра ҳаёти йўлидаги фожиялардан ҳам чекинмаган ёзувчилардан Александр Солженицин ўзининг «Эманга шох ташилаган бузоқча» деган асарида Шолоховни рўй-рост «адабий ўғри»га айлантириб, буни «исботлаб» берди. Лекин узоқ давом этган баҳсларга замонавий илмий техника воситалари нуқта қўйди – бундай асарларни Шолоховдан бўлак зот ёзолмаслигини эълон қилди. Адабиётда баъзан, афсуски, шундай беъманиликлар ҳам учраб туради. Даҳо адибнинг «Очилган кўриқ» романига ҳам ноҳақ эътироз билдирилган пайтлар бўлган...

Адиб асарларини ўзбек тилига ўгиришида домла Ваҳоб Рўзиматовнинг хизматлари чексиз. Ваҳоб ака матбуотимиз, адабиётимиз ривожига из қолдирган устозлардан эди. Тил устида қаттиқ ишлар, биров ниманидир нотўғри гапирса ёки хато ёзса, жаҳли чиқиб тортишар, аксар жанжаллашиб ҳам кетарди. Шунақа куюнчак эди! Умри ўтиб, кейинчалик, ўзим ҳеч нарса ёзмадим, деб бироз ўкиниб юрди. «Қандолатчалар» номида насрий асарлар ёзиб, китоб чиқарди. Лекин адабиёт, матбуот заҳматию таржимонлик унга буюрган қисмат эди! Ваҳоб аканинг хизмати ҳам унутилмасдир...

ОМОН МУХТОР

## ХОЛ

## 1

Столда куйган ўқ-дори анқиб турган патрон гильзаси, кўй сўнгаги, дала харитаси, маълумот, от терисининг иси уриб қолган нақшдор юган, бир бўлак нон. Буларнинг ҳаммаси столда, деворнинг захидан моғор босган, чопилган харракда елкасини дераза рафига тираганча эскадрон командири Николай Кошевой ўтирибди. Уюшган, карахт бармоқларига қалам тутган. Столда ёзиб қўйилган аллақачонги пешлавҳалар ёнида – чала тўлдирилган сўровнома. Дағал қоғозга қисқагина сўзлар ёзилган: Кошевой Николай. Эскадрон командири. Экинчи. РКСМ<sup>1</sup> аъзоси.

«Ёши» деган катакка қалам эран-қаран қилиб «18» деб ёзилган.

Николка ёшига қараганда яғриндор кўринади. Атрофини ажин қоплаган кўзлари ва чолларга хос букчайган елкаси уни кексанамо кўрсатарди.

– Ёш бола-я, болакай, кўк кўганинг ўзи, – дейишади ҳазиллашиб эскадрондагилар, – аммо деярли талофат кўрсатмасдан иккита босмачи тўдасини тугатоладиган, эскадронни ярим йил мобайнида ҳар қандай кекса командирдан қолишмасдан жанглару олишувларга бошлаб борадиган бошқа бир одамни топиб кўр-чи!

Николка ўн саккиз ёшдалигидан ийманади. Ҳамиша «ёши» деган ёқимсиз катак қаршисига келганда қаламининг юриши секинлашиб, имиллаб қолади, Николканинг ёноқлари ўкинчдан қизғиш тортади. Николканинг отаси казак, отасига кўра у ҳам казак. Бешолти ёшларида отаси уни ҳарбий отига миндирганини худди алоқчалоқ тушдай эслайди.

– Ёлидан ушла, ўғлим! – деб қичқирарди отаси, онаси эса ошхона эшигидан Николкага жилмайиб турар, отнинг дўнг сиртига қапишган жажжи оёқларига ва юган тутган отасига тикиларди.

<sup>1</sup> РКСМ – Туман комсомол ёшлар иттифоқи.

Бу аллақачонлар бўлган. Николканинг отаси герман урушида, худди сув ютгандек, бедарак кетди. Николкадан отасига отга ишқибозлик, беҳад довьюраклик, чап оёғининг юкорисида худди отасидагига ўхшаш каптар тухумидек хол мерос қолди. Ўн беш ёшигача хизматкорликда саргардон кезди, кейин эса узун шинел сўраб олиб, станицадан<sup>1</sup> ўтаётган қизил полк билан бирга Врангелга қарши курашга жўнади. Шу йил ёзда Николка Донда ҳарбий комиссар билан чўмилаётганди. Комиссар Николканинг букчайган, қуёшдан қорайган елкасига қоқа-қоқа, контузияланган бошини кийшайтирганча дудуқланиб шундай деди:

– Сен ҳалиги... ҳалиги... Сен бахт... бахтли экансан! Ҳа, бахтли экансан! Хол – бахтнинг нишонаси эмиш.

Николка садаф тишларини кўрсатиб тиржайди-да, сувга шўнғиди. Сувдан туриб пишқирган кўйи:

– Бекор айтибсан, доводир! – деб қичқирди. – Гўдакликда етим, умрим бўйи хизматкорликдан қаддимни ростламаган бўлсаму бу киши бахтлисан, деб ўтирса!

Шундай дедию Донни қучиб турган сариқ кумлоқ томон сузиб кетди.

2

Николка истиқомат қилаётган уй Дон устидаги учирим ёқасида жойлашган. Деразаларидан ям-яшил, ёйик Дон бўйлари, қорамтир сув кўриниб туради. Бўрон эсган кечалари учирим тагида тўлқинлар шалоппайди, дарчалар энтиккандек ҳасрат чекади, Николканинг назарида сув пол тирқишларидан ўғринча сизиб кираётгандек, тўлиқиб, уйни силкитаётгандек туюлади.

У бошқа квартирага кўчмоқчи эди-ю, ниятини амалга оширмай, кузгача шу ерда қоладиган бўлди. Аёзли тонгда мўрт сукунатни

---

<sup>1</sup> *Станица* – казаклар қишлоғи.

нағалбанд этигининг жаранги билан чил-чил синдирганча Николка бұсағага чиқиб келди. Олчазор боғчага тушди-да, шабнамдан гирёнзада, оқаринқираган ұланга ястанди. Оғилдан уй бекасининг сигирни тек туришга ундаётгани, йўғон овозли бузоқнинг қистов билан мўраётгани, тизиллаб тушаётган сутнинг пақир четига жаранглаб урилаётгани эшитиларди.

Ховлида ён эшик ғижирлади, ит акиллади. Взвод командири-нинг:

– Командир уйдамы? – деган овози эшитилди.

Николка тирсакларига таянганча қаддини кўтарди.

– Мен бу ёкдаман! Хўш, яна нима бўлди?

– Станицадан чопар келди. Айтишича, Сал округидан боскинчилар кириб келганмиш, Грушинский совхозини босганмиш.

– Бошлаб кел уни бу ёкка.

Чопар қора терга ботган отини отхонага етаклади. От ховлининг ўртасида олдинги оёқлари билан мункиб тушди, кейин ёнбошига қулади-да, ўқтин-ўқтин, калта-калта хириллаганича, нафаси тикилиб, дарғазаб вовуллаётган занжирбанд итга сўнаётган кўзлари билан тикилган кўйи ўлиб қолди. Чунки чопар олиб келган пакетда учта хоч белгиси бор эди, чопар уни қирқ чақирим йўлдан отга дам бермай олиб келганди.

Николка раиснинг ундан, эскадрон билан мадад бергани етиб кел, деб илтимос қилганини ўқиғач, меҳмонхонага кириб қиличини тақаркан, тинкаси куриб ўйлади: «Бирор ёкка ўқишга кетсам бўларди, бу ёкда эса банда... Ҳарбий комиссар изза қилади, бирорта сўзингни тўғри ёзолмайсан, ахир, эскадрон командири бўлсанг, деб... Унинг устига, банда босганини айт... Яна қон тўкилади, бунақа турмуш тинка-мадоримни қуритди... Ҳаммаси меъдамга тегди...»

Йўл-йўлакай карабинини ўқлаганча бұсағага чиқди. Хаёли тептекис, катта кўчаларда чопиб кетаётган отлардек учқур эди, шуларни ўйларди: «Шаҳарга кетсам бўларди... Ўқисам бўларди...»

Ўлиб қолган от ёнидан отхона томон ўтиб бораркан, унинг чанг босган бурун катаklarидан сизиб чиқиб, қора тасмадек чизилган қонни кўриб, юзини терс ўгирди.

3

Ўнқир-чўнқир ёзлик йўл бўйлаб, шамол ялаган арава излари бўйлаб гажимдор, бўзранг баргизуб, калин хурпайган шўра ва тахож тарвақайлаб ётибди. Бу – бир вақтлар хирмонжойларга пичан ташиб борилган ўша ёзлик йўл, ғарамлар дашт бўйлаб қахрабо қатраларидек сочилиб ётибди, серқатнов йўл эса телеграф симёғочлари тагидаги дўнглик узра ястанган. Симёғоч соя жарлар орқали кузнинг хира тортган оқиш бағри томон шитоб-ла интилади, симёғочлар ёнидан ўтган ялтироқ йўл бўйлаб эса атаман эллик чоғли совет ҳокимиятидан норози Дон ва Кубан казакларидан иборат боскинчилар тўдасини бошлаб кетмоқда. Улар худди қўй сурувига дариган бўридек уч кеча-кундуздан буён йўл бўйлаб ёки йўлсиз кўриқ оша қочиб бормоқда, орқадан эса уларни қоралаганча Николка Кошевой отряди келмоқда.

Бандадагилар кўпни кўрган, пихини ёрган ҳарбийлардан бўлсалар-да, ҳар қалай атаман оғир ўйга ботади, узангига оёқ тираганча, даштни кўзлари билан пайпаслайди, Доннинг нариги томонига чўзилиб кетган ўрмоннинг мовий хошиясигача неччи чақиримлигини чамалайди.

Улар шу тариқа бўридек қочишади, Николка Кошевойнинг эскадрони эса уларнинг изидан кувади.

Ёзнинг очиқ-ёруғ кунлари, шаффоф осмон остидаги Дон даштларида калин буғдой бошоқлари кумушдек жаранглаб тебранади. Ўрим олдида сархил-сара буғдой бошоғининг мурти ўн етти яшар йигитчанинг мўйловидек қора тортган, жавдар эса одам бўйи ўсган бўлади.

Серсоқол деҳқонлар дарахтзорлар яқинидаги кумлоқ тепалардаги кумоқ пайкалларга жавдар экадилар. У яхши битмайди, қадим-

қадимдан бир ботмондан<sup>1</sup> ўттиз чоракка етар-етмас ҳосил беради, жавдарни шунинг учун экишадики, ундан қиз боланинг кўз ёшидек тиниқ қўлбола шароб тортишади: негаки азрўйи азалдан шу таомил бор, бобою бобокалонлар ҳам ичиб келишган. Дон музофоти казаклари қўшинининг туғросида ароқли бочка устида яланғоч ўтирган маст казак тасвири акс эттирилгани, чамаси, бежиз бўлмаса керак. Хуторлару станицалар куз кунлари куюқ ва ўткир хамр бўлиб гупиради, қизғиш тол четанлар узра тепаси қизил папоқлар мастона чайқалади.

Ана шунга кўра атаман ҳам бирор кун хушёр бўлмайди, шу сабабдан барча аравакашлару пулемётчилар рессорли тачанкаларда<sup>2</sup> кайфдан қийшайишиб ўтирадилар.

Атаман кадрдон кўраларини етти йил мобайнида кўрмади. Герман асирлиги, кейин Врангел, куёш тиғидан эриб турган Истамбул, тикан симли лагерь, мумланган, қўш елканли турк фелюгаси<sup>3</sup>, Кубанинг попилтириқли қамишзорлари ва ниҳоят – банда.

Агар елкаси оша орқасига ўгирилиб қараса – атаманнинг кечирган турмуши ана шу. Атаманнинг юраги жазирама ёз кунлари даштдаги балчиқлар бўйида ҳўкизларнинг айри туёқларидан тушган излар қотганидек тош қотди. Тушуниб бўлмайдиган ғалати бир алам ичини кемиради, мушакларини ўқчиқдан тириштиради, атаман пайқаб турадики, уни унутолмайди, бу дардга ҳеч қандай шароб билан бас келолмайди. Шунинг учун хушёр тортмай кунига ичадики, Дон даштларидаги ташна бағри куёш остида ағдарилиб ётган ғалла хушбўй ва тотли гулламоқда, қорамағиз юзли жалмеркалар<sup>4</sup> хуторлару станицаларда шундай қўлбола шароб тортмоқдаларки, шарқираб турган чашма сувидан ажратиб бўлмайди.

<sup>1</sup> Бу ерда: ер ўлчови бирлиги маъносида.

<sup>2</sup> *Тачанка* – икки ёки тўрт ғилдиракли енгил арава.

<sup>3</sup> *Фелюга* – кичикроқ ов кемаси.

<sup>4</sup> *Жалмерка* – хизматга кетган казакнинг рафикаси.

Тонготарда дастлабки аёз бошланди. Нилуфарнинг сербар япроқларига нукра туклар сочилди, кичкина тегирмон тошида эса эрталаб Лукич слюдага<sup>1</sup> ўхшаган ранг-баранг, юпқа-юпқа муз парчаларини кўрди.

Эрталабданок Лукичнинг тоби қочиб қолди: белига санчиқ кирди, симиллаган оёқлари оғирлашиб ердан узолмасди. Эти сўнгаларидан ажралиб кетаётгандек бесўнақай гавдасини аранг кўтарганча тегирмон бўйлаб оёқларини сургаб босарди. Тариқ жувоздан бир гала сичқон лип этиб чиққанча уриб кетди; ёшланган нам кўзлари билан юқорига тикилди: шифт тагидаги кўндокдан туриб каптар ишчанлик билан жадал бидир-бидирлаганча хониш қилмоқда эди. Бобо бамисоли кумоқ тупроқдан ясалгандек бурун катаклари билан моғор босган талх сув исини, жавдар уни ҳидини димоғига тортди, сувнинг хунук ютоққанча устунларни ялаб-юлкаётганини тинглаб турди-да, пахмоқ соқолини ғижимлаб ўйга толди.

Бобо асалари кувалари турган жойда дам олиш учун ёстанди. Пўстинининг устига қийғоч ташлаганча уйкуга кетди, оғзи нимочиқ, увизидан сизган илиқ, ёпишқоқ сўлаги соқолига илашган. Окшом қоронғуси бобонинг уйини бус-бутун чулғаб олди, тегирмон сутранг туман увалалари орасида қолди...

Уйғонганида ўрмондан икки отлиқ чиқиб келмоқда эди. Улардан бири асалари кувалари орасида юрган бобога кичқирди:

– Бу ёкка кел, бобо!

Лукич шубҳаланиб қараганча туриб қолди. У нотинч йиллар орасида ем билан унни сўрамай-нетмай тортиб оладиган мана бундай курама одамларни жуда кўп учратган, уларнинг ҳаммасини баббаробар, ёппасига қаттиқ ёмон кўрарди.

– Тезроқ юрсанг-чи, галварс чол!

---

<sup>1</sup> Слюда – шаффоф минерал.



Лукич ўйиб ясалган кувалар орасидан ўтиб борди, туси кетган лабларини оҳиста кимирлатганича, сассиз чапиллатди, меҳмонларга қийғос қараганча берирокда туриб қолди.

– Биз қизилларданмиз, бобожон... Сен биздан қўрқма, – деди хирқираб атаман беозоргина. – Биз бандани кувиб юрибмиз, ўзимизникилардан қолиб кетдик... Балки кўргандирсан, кеча шу ердан отряд ўтганди?

– Аллақандай одамлар ўтганди.

– Улар қаёққа қараб кетишди, бобо?

– Ким билсин жин урганларни!

– Тегирмонингда улардан битта-яримтаси қолмаганмиди?

– Йўқ, – деди Лукич қисқагина ва орқасига ўгирилди.

– Шошма, қария, – атаман эгардан сакраб тушди, мастлигидан маймоқ оёқларида туролмай қалқиб кетди, оғзидан шароб ҳиди буркиганча шундай деди: – Биз коммунистларни йўқотамиз, бобо... Ҳа, шундай... Бизнинг кимлигимизнинг сенга ҳеч бир дахли йўқ! – Қоқилиб кетиб, юганини кўлидан тушириб юборди. – Сенга дахлдор жойи шуки, етмиш отга ем тайёрлаб берасан, унингни чиқармайсан... Ҳозирнинг ўзида! Тушундингми? Ғалланг қаерда?

– Йўқ, – деди Лукич атрофига аланглаганича.

– Бу омборда нима бор?

– Бало-баттар, лаш-луш... Ғалла йўқ!

– Қани, юр-чи!

Чолнинг ёқасидан тутди-да, қийшайиб ерга қапишиб ётган омбор томонга тиззаси билан судраганча олиб кетди. Эшикни ланг очди. Халталарда буғдой билан тахожли арпа бор эди.

– Бу ғалла бўлмади нима, қари аблаҳ?

– Ғалла, валинеъматим... Булар супуринди... Мен буларни бир йил мобайнида битталаб йиққан бўлсам-у... сен отларга едириб увол қилмоқчисан...

– Нима, бизнинг отларимиз очидан тиришиб ўлсинми? Хўш, бу нима қилганинг – қизилларнинг тарафини олаётибсанми, ўзингга ўлим тилаётибсанми?

– Раҳминг келсин, меҳрибонгинам! Сенга нима гуноҳ қилдим? – Лукич бошидан қалпоғини юлкиб олди-да, шартга тиз чўкиб, атаманнинг сержун кўлига ёпишганча ўпа кетди...

– Айт: қизилларни ёқтирасанми?

– Кечир, жафокашгинам!.. Беҳуда гапирган бўлсам, айбимдан ўт. Вой, кечир, қийнама мени, – деб ўқирарди чол атаманнинг оёқларини қучганча.

– Қизилларга тарафдормаслигинга қасам ич... Чўқинма, тупрок ошала!

Бобо кафтларидаги тупрокқа ёш тўкканча, тиш-оғзида айлантриб кавшанди.

– Хўш, энди ишондим. Ўрнингдан тур, қария!

Атаман оёқлари увишиб қолган чолнинг турулмаётганини кўриб кулди. Етиб келган отлиқлар хомпалардан арпа билан буғдойни ташиб чиқиб, отларнинг оёқлари остига сепдилар, олтинранг донларни ҳовли юзига тўкиб-сочдилар.

5

Туман, намхуш қоронғилик қўйнидаги тонг.

Лукич соқчининг олдидан ўтиб, йўлдан эмас, ўрмондаги ўзигагина маълум бўлган сўқмоқдан пилдираганча, жарликлар оша, тонг олдидаги тетик мудроқликда сергакланган ўрмон оша хутор томон жўнади.

Елтегирмонга етиб бориб, ғовли йўлдан тор кўчага бурилмоқчи эди, кўз ўнгида дафъатан отлиқларнинг ғира-шира шарпаси пайдо бўлди.

– Ким у келаётган? – деган ташвишли хитоб эшитилди жимжитлик қўйнида.

– Менман... – Лукич чайналиб, бўшашиб, аъзойи-бадани титрай бошлади.

– Кимсан ўзинг? Нима, пропусканг борми? Нима қилиб изғиб юрибсан?

– Тегирмончиман... Шу ерда сув тегирмонда ишлайман. Хуторга зарур иш билан кетаётгандим.

– Қанақа зарур иш экан у? Қани, командирнинг олдига юр-чи! Олдимга туш! – деб кичкирди биттаси от билан бостириб келаркан.

Отнинг буғли лаблари бўйнига тегаётганини сезган Лукич оқсоқлаганча хутор томон йўл олди.

Майдондаги сополчаноқ ёпилган уй олдида тўхтадилар. Кузатувчи инқиллаганча эгардан тушди-да, қиличини шалоплатган кўйи бўсағага кўтарилди.

– Орқамдан юр!

Деразалардан чирок ёруғи кўриниб турибди. Кириб боришди.

Лукич тамаки тутунидан аксириб юборди, шоша-пиша қалпоғини олди-да, тўрдаги бурчакка қараб чўқинди.

– Манави чолни ушлаб келдик. Хуторга кетаётган экан.

Николка пару пат ёпишган пахмоқ бошини столдан кўтариб, уйқусираганча, аммо жиддий сўради:

– Қаёққа кетаётгандинг?

Лукич олдинга бир қадам ташлаб, шодлигидан қалқиб кетди.

– Жонгинам, ўзимизники экансизлар, мен бўлсам, яна ўша ғаддорлар, деб ўйлабман... Ўтакам ёрилганидан сўрашга ҳам бо-тинолмабман... Мен тегирмончиман. Митроханинг ўрмонидан ўтаётганларингда меникига тушгандинглар, мен сенга сут куйиб бергандим, кўзигинам... Ё эсингдан чиқдимми?

– Хўш, нима демоқчисан?

– Айтадиган гапим шуки, ўргилай, кеча қоронғи тушиши билан меникига ўша бандадагилар бостириб келишди, бор дон-дунимни отларига пок-покиза едириб юборишди! Мени хўрлашди... Каттаси: жонингдан умидинг бўлса, олдимизда қасам ич, деди, тупрок ошалаттирди.

– Улар ҳозир қаерда?

– Ўша ерда-да. Бир талай арақ олиб келишган экан, шимиришяпти иблислар. Менинг меҳмонхонамда, мен сиз шафқатпаноҳимга хабар бергани югуриб келдим, ҳеч бўлмаса, сиз уларнинг таъзири-ни бериб кўярсиз.

– Айт, отни эгарлашсин! – дея бобога жилмайганча харракдан сапчиб турди Николка ва ҳорғинлик билан шинелининг енгини тортди.

6

Тонг отиб боряпти.

Уйкусиз кечаларда заҳил тортган Николка пулемётли двуколка<sup>1</sup> томон чошиб келди.

– Хужумга киришишимиз билан ўнг қанотига қараб шиғиллат. Биз уларнинг қанотини синдиришимиз керак!

Шундай деди-да, ёйилиб бораётган эскадрон томон от қўйди.

Йўлдаги бир тўп мажмағил болутлардан ўтгач, отлиқлар кўринди – улар тўртта-тўрттадан саф тортишган, оралиқларида тачанкалар кетмоқда эди.

– Елдинглар! – деб кичқирди Николка ва орқасидан туёқларнинг кучайганини сезиб, айғирига камчи босди.

Даҳанада жонҳолатда ўксочар тариллади, бояги, йўлдагилар худди машқ вақтларидагидек дарҳол ҳалқа бўлиб ёйилишди.

\* \* \*

Айқаш-уйқаш ёғочлар орасидан тепаликка тўнғизтароқ ёпишган бўри югуриб чиқди. Бошини олдинга чўзганча ғингшиди. Яқин орада тарс-турс ўқлар отилмоқда, турли оҳангда увиллаган товушлар пайваст тебраниб янграмоқда эди.

«Тақ!» этиб қайрағочзорга келиб тушарди ўқ товуши, тепаликнинг нарёғидаги қаердадир, шудгордан нарида пайваст бидирлаган акс-садо эшитилади: «туқ!»

Яна ўқтин-ўқтин тақ-туқ-так! Тепалик орқасидан жавоб келарди: туқ-туқ-туқ!

Бўри турди-турди-да, эран-қаран, лапангланганча жарлиқдаги сарғайиб қолган, ўриб олинмаган кўғазорга қараб йўналди...

---

<sup>1</sup> *Двуколка* – икки ғилдиракли енгил арава.

– Бўшашма!.. Тачанкаларни ташламанглар!.. Чакалакка... Чакалакка, дейман онангни эмгурлар! – деб кичкирарди атаман узангига оёқ тираб турганча.

Тачанкалар атрофида эса ҳовлиқиб қолган аравакашлар билан пулемётчилар ён қайишларини кесмоқда, ўқсочардан узлуксиз ўт очилаётгани туфайли узилиб кетган халқадагилар тирақайлаб қочишга киришгандилар.

Атаман отини бурди, унга томон қанот ёзгандек, қиличини ўйнатиб бир киши от чоптириб келмоқда эди. Кўкрагидан чайқалаётган дурбинидан, буркасидан<sup>1</sup> атаман от чоптириб келаётган оддий қизил аскар эмаслигин пайқади-да, тизгинни тортди. Узоқдан ёш йигитнинг ғазабдан буришган мўйлабсиз юзини, шамолдан юмилаётган кўзларини кўрди. Атаманнинг тагидаги от орқа оёқларига чўккудек бўлиб ўйноқларди, ўзи эса камарига илиниб қолган маузерини юлқилаб тортаркан, шундай деб кичкирди:

– Итвачча гўдак!.. Ўйнатавер, ўйнатавер, ўйнатишни мендан кўрасан ҳали!..

Атаман яқинлашиб келаётган қора буркага қараб ўқ узди. От саккиз саржинча чопиб келиб, кулаб тушди, буркасини ирғитиб ташлаган Николка эса ўқ уза-уза, югурганча атаман томон тобора яқинлашиб келмоқда эди...

Чакалакнинг оркасидан кимдир ваҳшиёна чинқириб юборди-да, овози ўчиб қолди. Қуёш юзини булут босди, даштга, йўлга куз ва шамоллар дастидан яланғочланган ўрмонга сузиб борувчи соялар тўшалди.

«Нодон, гўдак, ҳовлиқма, шунинг учун ҳам бу ерда ажалга дучор бўлади», деб ўйларди атаман, шошқинлик билан, ниҳоят, йигитнинг обоймасидаги ўқлари тамом бўлгач, тизгинини бўшатди-да, калхат бўлиб отилди.

Эгардан оғганча қиличини силтади, зарбдан йигитнинг гавдаси шилқ этиб бўшашганини бир лаҳза ҳис этди, кейин жа-

<sup>1</sup> Бурка – енгил босма чакмон.

сад сирғалганча ерга аста кулаб тушди. Атаман сакраб тушиб мархумнинг дурбинини юлкиб олди, унинг увишиб титраётган оёқларига каради, атрофига аланглади-да, ўликнинг хром этигини ечиб олиш учун чўнқайиб ўтирди. Қирсиллаётган тиззасига оёғини тираганча этикнинг бир пойини чаққонлик билан ечиб олди. Иккинчисининг ичида пайпоқ йиғилиб қолганми, ечилмасди. Ғазаби ошиб сўкинганча этикни пайпоғи билан қўша суғуриб олди-да, оёғининг тўпикдан юқорироғидаги каптар тухумидек келадиган холга кўзи тушди. Йигитни уйғотиб юборишдан кўркаётгандек унинг совиб келаятган бошини аста-секин юзини юқорига қилганча ўнглаб қўйди, қўли оғзидан лахта-лахта бўлиб чиқаётган қонга беланди, тикилиб каради-да, шундан кейингина унинг ўхшовсизрок елкаларини ноқулай кучганча, бўғиқ овоз билан шундай деди:

– Ўғлим! Николушка! Жоним! Жигарбандим...

Тўлиқиб бораркан, қичқирди:

– Ақалли бир оғиз сўз айтсанг-чи! Нима бўлди ўзи-я?

Сўнаётган кўзларга қараганча ўзини ерга ташлади; қон қуйилган ковоқларини очиб қараркан, ихтиёрсиз, мажолсиз жасадни силки-тарди... Николка эса бениҳоя зўр ва муҳим нарсаси ҳақида сўзлаб юборишдан кўркаётгандек мўматалоқ тилининг учини ғарчча тишлаб олганди.

Атаман ўғлининг совиб бораётган қўлларини бағрига босиб ўпди-да, тер инган маузерининг пўлат милини тишлаб, оғзига ўқ узди...

\* \* \*

Кечқурун чакалакнинг нарёғида отлиқлар кўриниб, шамол ғалаговур товушларни, отларнинг пишқиришлари ва узангиларининг жаранглашини олиб келаркан, атаманнинг бошидан ўлимтиқхўр калхат истар-истамас учиб кетди. Учиб кетди-да, кузнинг хира, бўзрайган осмонида ғойиб бўлди.

## Уильям Сароян

(1908 – 1981)



Уильям Сароян таниқли америка ёзувчиси. XX аср бошларида Америка Қўшма Штатларига кўчиб келган арман оиласида туғилган. Отаси руҳоний бўлган. Уильям уч ёшида отадан етим қолади, етти ёшидан бошлаб тирикчилик учун кўчаларда газеталар сота бошлайди, узумзорларда, телеграфда, ҳар хил дўконларда ишлайди, сарсон-саргардонликларни бошидан кечиради.

Сароян асарларидаги воқеалар, қаҳрамонларнинг кечинмалари ҳаётийлиги билан ажралиб туради. У биринчи ҳикоясини 1933 йилда ёзади, бир йилдан кейин эса унинг илк китоби – «Учар трапециядаги довьорак йигит» (1934) тўплами чиқади ва ёш адибга катта шухрат келтиради.

Ўзининг кўрган-кечирганлари, Америкада яшайдиган арман оилаларининг ҳаёти Сароян ижодининг асосий мавзусини ташкил қилади. У жаҳон адабиётида ўз ўрнига эга бўлган мумтоз адиблардан биридир.

Таниқли ўзбек кинорежиссёри Шухрат Аббосовнинг кино соҳасидаги илк қадами У. Сарояннинг ижоди билан боғлиқ. У Олий кинорежиссёрлик курсларини тугатаркан, 1959 йилда малакавий битирув иши сифатида У. Сарояннинг «Филиппинлик ва маст» ҳикояси асосида илк кинофильмини яратиб, катта муваффақият қозонган.

## ФИЛИППИНЛИК ВА МАСТ

Тивит пальто кийган бақирок йигит ёмон одам эмасди, шунчаки маст эди, холос.

Олифтанамо нимжон филиппинликни ёмон кўриб қолган оқ танлилар «Орамизда туртиниб юрма», дея уни у ёқдан-бу ёққа хайдар эдилар. Тўпланганлар кўрфаз орқали Оклендга бориш учун пароход кутишарди. Агар йигитчанинг кайфи бўлмаганда унга ҳеч ким эътибор бермаган ҳам бўларди, лекин у маст бўлиб, зални бошига кўтариб шовкин соларди.

Хамманинг филиппинликка гўё раҳми келгандай бўлса-да, аммо ҳеч ким унинг ёнини олишни истамасди, филиппинлик эса юрагини олдириб қўйганди.

У одамлар ўртасида турарди, маст эса уни турткилаб, вайсай кетди:

– Сенга айтяпман, нарироқ тур. Бор, йўқол бу ердан! Мен Францияда тўрт ой жанг қилганман, мен ҳақиқий америкаликман. Бу ерда оқ танлилар орасида пишириб қўйибдим сенга?!

Филиппинлик эҳтиёткорлик билан одамлар орасини ёриб ўтиб, мастдан узоқлашишга ҳаракат қиларди: у мумкин қадар хушмуомалалик билан, чурқ этмай, ҳеч кимга тегмасдан шошилмаган ҳолда тўпланганлар орасидан ўтиб борарди.

Филиппинлик қочишга ҳаракат қилгани сайин маст туртиниб-суртиниб бўлса-да, унинг изидан қувиб келарди.

Маст энди бутунлай ҳаддидан ошиб, филиппинликни сўка бошлади: «Эҳ, сенлар, унақа-бунақалар, Сан-Франциско бўйлаб герда-йиб юрасанлар, пулни идиш-товоқ ювиб топасанлар! Ким сенларга олифтагарчилик қилишга ҳуқуқ берди?»

У болохонадор қилиб сўкинарди. Унинг оғзидан чиқаётган гаплар шундай бемазалашдики, хонимлар ўзларини гўё ҳеч нима эшитмаётганга солишга мажбур бўлишди. Катта эшиклар очилиши билан ёш филиппинлик шошилинич равишда одамлар орасини ёриб ўтди-да, пароходга биринчи бўлиб чиқиб олди. У узоқдаги бурчакка



бориб беркиниб олди, у ерда бироз ўтиргач, овлоқроқ жой қидириб топиш мақсадида яна ўрнидан турди. Маст пароходнинг бошқа томонида эди. Ёш филиппинлик узокдан унинг сўкинган овозини эшитиб турарди.

У кўзи билан хилватроқ жой ахтара-ахтара ўзини ҳожатхонага урди. Хоналардан бирига кириб олиб, эшик лўкидонини суриб қўйди. Маст ҳам ҳожатхонага кириб, у ердагилардан, филиппинликни кўрмадингларми, деб суриштира кетди.

– Мен ҳақиқий америкаликман, – такрорларди у. – Мен икки марта урушда ярадор бўлганман.

Ҳожатхонада у очикдан-очик аёллар олдида айтиб бўлмайдиган сўзлар билан сўкинарди, эгилиб, ҳар бир бўлма тагига мўралай бошлади. «Кечирасиз, узр», – дерди у керак бўлмаган одамларга, аммо ёш филиппинлик яшириниб олган бўлмага етганда, у ўша-ўша сўкинганича филиппинликнинг чиқишини талаб қила бошлади.

– Мендан қочиб қутулолмайсан, – дерди у. – Оқ танлилар бор жойда сенга пишириб қўйибдими?! Чик, бўлмаса эшикни синдираман!

– Кетинг! – деди унга ёш филиппинлик. Маст эшикни ура бошлади.

– Барибир чиқишга мажбур бўласан! – бакирарди маст. – Мен кутиб тураман.

– Кетинг! – такрорлади ёш филиппинлик. – Мен сизга ҳеч қанақа ёмонлик қилмаганман.

Филиппинликни ҳайратга солган нарса шу эдики, у ердагилардан биронтаси мастни тинчитмас ёки ҳайдаб юбормасди. Шунда у ҳожатхонада икковидан бошқа ҳеч ким йўқлигини англаб қолди.

– Кетинг! – деди у қатъий.

Маст эса ўчакишиб ҳақоратлар билан жавоб берди ва эшикни уришда давом этди. Ёш филиппинлик вужудини қамраган алам энди ғазабга айланди. У титрай бошлади, лекин рўпарасида турган мастдан кўрқиб эмас, балки ич-ичидан тошиб келаётган ғазабдан. У чўнтагидан пичоқ олди ва ўткир тиғини яланғочлаб, уни қўлида

шундай сиқиб олдики, тирноклари юмшоқ кафтига ёпишиб қолди.

– Кетинг! – шивирлади у. – Қўлимда пичоқ бор. Бирон кор-хол бўлишини истамайман.

Маст ўзининг америкалик эканини тинмай такрорларди. Йи-гирма тўрт ой Францияда бўлган. Икки марта яраланган. Бир марта болдиридан, иккинчи марта сонидан. У ҳеч қаерга кетмайди. Қандайдир исқирт, қилтиллаган, сариқтумшук, пичоқ ушлаган филиппинликдан қўрқмайди. Қани, чиксин ўша филиппинлик, ахир, у кимсан – америкалик!

– Мен сизни ўлдираман, – деди ёш филиппинлик. – Мен ҳеч кимни ўлдиришни истамайман. Сиз мастсиз. Кетинг. Илтимос, бирон кўнгилсизлик содир бўлмасин, – ўта жиддий такрорлади у.

У кема дизели ўз юрагидаги ғазаб туғёнига монанд дук-дук ураётганини эшитиб турарди. Бу ғазаб беҳуда эмасди, бошдан кечирган камситишлар, хўрланишлар, қочишлар сабаб эди. Энди эса буларга яна қутулиш истаги ҳам келиб қўшилди. У аста эшикни очди ва пичоқни ҳамон сиқиб ушлаган кўйи безори ёнидан жим ўтиб кетишга ҳаракат қилди, лекин маст унинг энгидан маҳкам ушлаб олиб, ўзи томон тортди. Камзулининг энги шарр этиб йиртилиб кетди. Филиппинлик шарт орқасига ўгирилди-да, мастнинг биқинига пичоқ солди. Пичоқ ғирч этиб мастнинг қовурғасига бориб тақалганини сизди. Маст кичқириб юборди ва дод сола бошлади, сўнг филиппинликнинг бўғзидан тутди. Филиппинликники тутиб кетди, гўё бурчакка сиқиб қўйилган боксчи мушт ургандай, устма-уст рақибига пичоқ санчди.

Маст ҳолдан тойиб, йиқилиб тушди, филиппинлик эса тиғидан қон томиб турган пичоқни қўлида маҳкам ушлаганча ҳожатхонадан югуриб чиқди. У шляпасиз эди, сочлари тўзиган, камзулининг бир энги узилган.

У нима қилиб қўйганини ҳамма тушунди, аммо ҳеч ким жойидан қимир этмади.


Қутулиш мақсадида филиппинлик кема тумшуғи томон югурди, сўнг орқасига қайтди ва кеманинг қуйруқ томонидаги бурчакка бо-

риб биқинди. Унга гапиришга ҳеч ким журъат этолмасди, чунки у нима қилиб қўйганини ҳамма биларди.

Қочишга эса унга жой йўқ эди, шунинг учун ҳам ҳали кема бошлиқлари келмасдан, тўсатдан атрофдаги одамларга бакира бошлади:

– Мен унга ҳеч қандай ёмонлик истамагандим! Нега уни тўхтатиб қолмадинглар? Одамни хўрлаш ҳам шунчалик бўладими?! Ўзингиз кўрдингиз, у маст эди. Мен унга озор беришни истамадим, лекин у мени тинч қўймади. Камзулимни йиртиб юборди, ўзимни эса бўғмоқчи бўлди. Мен унга айтдим, агар кетмасанг, ўлдираман, дедим. Наҳотки, мен айбдор бўлсам? Мен Оклендга боришим керак, акамни кўриш учун. У касал. Наҳотки, касал акасини кўришга бораётган одам шундай бўлишини хоҳлайди, деб ўйлайсизлар? Нега уни тўхтатиб қолмадинглар?





## **Нажиб Маҳфуз**

(1911–2006)



*Атоқли Миср адиби Нажиб Маҳфуз 1911 йилда Қоҳирада кичик мансабдор оиласида туғилган. 1934 йилда Қоҳира университетининг филология факультетини битирган. Кўп йиллар мобайнида турли вазирликларда кичик амалдор бўлиб ишлаган. 1959 йилда Кинони ривожлантириш Давлат ташиклотига директор этиб тайинланган.*

*Ижодини Қадимги Миср тарихига бағишланган романлардан бошлаган. «Тақдир ўйини» (1939), «Раққоса Родопис» (1943), «Фивнинг кураши» (1944) шулар жумласидан. Унинг энг машҳур йирик асарлари Қоҳира ҳаётига бағишланган «Янги Қоҳира», «Хон-Халил», «Ал-Миддак торкўчаси» каби романлардир.*

*Нажиб Маҳфузнинг 20 дан ортиқ романи, 10 га яқин ҳикоялар тўплами бор. Унинг бир қатор асарлари ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.*

*Нажиб Маҳфуз – Нобель мукофотининг совриндори.*

### **ИМКОНИЯТ**

Хувиллаб ётган бу иморатга тез-тез келиб турардим. Бу иморат ҳали яп-янги эди – ҳатто ҳали ундаги бўёқларнинг ҳиди ҳам шундоққина уфуриб турарди. У чорбурчак ерда ўрнашганди. Бир

қанча мудардан кейин унинг пештоқиға бизнинг фирмамиз номи ёзилган лавҳа пайдо бўлиши керак. Бошқармамиз бу иморатни ижарага олаётган экан, бунда менинг ҳам ҳиссам кам бўлмаган, десам, муболаға бўлмас. Мен архивда хизмат қиладиган, ҳамманинг эсидан чиқиб кетган бир ходим эдим. Мени фирма бошқарувига янги иморат қидириб топиш мақсадида атайин махсус тузилган қўмигага аъзо қилиб сайлашди. Бошқарувда бўлимлар жуда кўпайиб кетган эди – улар эски бинога сиғишмай қолди. Уларни катта шаҳарнинг бир-биридан анча олис турган даҳаларида жойлаштиришга тўғри кела бошлади. Мен ҳар куни эрталаб ишга кетаётиб, ана шу кимсасиз иморатнинг ёнидан ўтардим. Охирида қўмигага шу уйни бир кўришни таклиф қилдим. Ниҳоят, тез орада зарур бўлган расмиятчиликлар бажо келтирилди ва унинг кетидан уйнинг эгаси билан битим тузилди.

Кўч-кўч билан боғлиқ бўлган оворагарчиликлар ҳали бошланганча йўқ эди, эрталаблар мен, одатдагидек, аввалги йўлдан эски идорага қатнашда давом этардим, лекин ички бир ғурур ҳамда «бу мулкка мен ҳам дахлдорман» деган туйғу мени бу янги уйга қайта-қайта кириб чиқишга ундарди – гўё мен уни расман кўздан ўтказиб турмасам бўлмайдигандай туюларди. Қоровул мени таниб қолган эди. Бу гал ҳам у менга эҳтиром билан эшик очди. Бу содда ва самимий одам билмайдик, мен бор-йўғи арзимайдиган майда бир мансабдор бўлганим учун ҳамини ўзимни таҳқирланган ҳисоблаб эзилиб юраман. Бундан ташқари, кўп болали катта оиланинг бошлиғи эканимни ва бу оиланинг қозонига фақат байрам кунларидагина гўшт тушишини айтмаёқ кўя қолай.

Иморатнинг ховлисида қаёқдан пайдо бўлиб қолгани номаълум бир жаноб билан тўқнаш келдим. Ҳаммадан ҳам кўра менинг ғашимни келтирган нарса шу бўлдики, у иморат ичида худди хўжайиндек бақувват оёқларини гурс-гурс ташлаб комил ишонч билан одимлаб юриши бўлди. Мен унинг авзойидан бу ерга уй ижара қилиш иштиёқида келган, деб ўйладим ва мен билан саломлашишини кута бошладим. Бирок у менга парво ҳам қилгани йўқ, аксинча, у

теварак-атрофига такаббуруна нигоҳлар ташлаб юришда давом эта-  
верди. Унинг нигоҳлари ҳатто менингдек бир камсукум мансабдор-  
нинг ҳам ғазабини келтириши мумкин эди. Ҳолбуки, мен ўзимни  
бу иморатнинг бир кашфийтчиси деб ҳисоблардим ва ҳозир бу ерга  
давлатнинг вакилидай келиб юргандим. Ахир, бир неча кунлардан  
кейин давлат бу ерларнинг тўлақонли ҳукмдори бўлиб қолади-да!  
Шунинг учун мен яхшилаб унинг таъзирини бериб қўйишга шай-  
ландим. Лекин унинг бақувват гавдасига яна бир қур назар ташлаб,  
шунчаки енгил бир танбеҳ билан чекланишга қарор қилдим. Аммо  
у мендан олдин, саломлашмай, гап бошлаб қолди.

– Сиз бу иморатнинг эгаларидан эмасмисиз?

– Иморатни ижарага олган фирма кўмитасининг аъзоси бўлиш  
шарафига ноилман, – деб жавоб бердим ғурур билан.

– Жуда соз экан-да! – деди салмоқлаб у. – Мен иморат ичидаги  
хоналарни бир кўриб чиқсам, дегандим.

– Ўзлари ким бўладилар, тақсир?

– Фирма директориман, – деб жавоб берди у жўнгина.

Унинг сўзларини эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолдим, оёқ-  
қўлларим бўшашиб кетди, бутун вужудим бужмайиб қолгандай  
бўлди, бирдан кутилмаганда бу одамнинг гавдасидан электр  
қуввати чиқиб, менинг нимжон танамга урилгандай бўлди. Мен бир  
амаллаб минғирладим:

– Мени кечиринг, ҳазрати олийлари!

– Қани, мени бошла-чи... – деди у бепарволик билан.

Назаримда, само деразалари ланг очилиб кетгандай бўлди.  
Бу дарвозалар орқали менга Аллоҳнинг раҳм-шафқатлари ва  
меҳрибончилиги ёғилаётгандай туюлди. Аллоҳ ўз неъматлари-  
ни менга ҳазрати олийлари орқали инъом этгандай эди. Мен шу  
заҳотиёқ директорга хоналарни бирма-бир кўрсата бошладим.  
Йўл-йўлакай, иморатни кўқларга кўтариб мақтадим, фазилатлари-  
га қўшиб, олқишладим. Меҳмоннинг диққат-эътиборини кабинет-  
ларга, залларга, вестибюлларга қаратдим. Шунингдек, иморатнинг  
пардози ҳам дид билан қилинганини, ҳашамати ҳам зўр эканини

уктирдим. Кейин негадир дадилроқ бўлиб қолдим ва тафсилотларини ҳам бемалол гапира бошладим:

– Ишонтириб айтаманки, жаноби олийлари, учинчи қават – сизнинг ишлашингиз учун энг қулай қават. Унинг баландлиги ҳам соз, кўча шовкинларидан яхши ихоталанган, айна чоғда, агар лифт бузилиб-нетиб қолса, сизнинг чиқиб-тушишингиз ҳам бемалол бўлади.

Бир лаҳза ўтмай, иморатнинг бошқа сифатларини мақтай кетдим:

– Иморатнинг шимолий қаноти жуғрофий афзалликларга эга – уларни назардан соқит қилишнинг иложи йўқ: унинг икки томони кўча. Учинчи томонида чоғроқ бензоколонка, бу қанот – кунгай, ҳавоси ҳам ҳамиша тоза бўлади.

Мен унга энг катта хонани кўрсатиб, шундай дедим:

– Бу хона сизнинг кабинетингиз бўлади. Уни ёнидаги хона билан жуда осон бирлаштириш мумкин. Ўртадаги манави деворни олиб ташласа, жуда кенг хона бўлиши мумкин. Унда ҳар хил кенгашлар ва мажлисларни ўтказиш мумкин бўлади. Манави ердан ва қаршидаги девордан эшик очилса, бемалол котибиятга ўтиш ҳам мумкин бўлади.

Сира кутилмаганда омадим кулиб боқди – жуда ноёб воқеа. Бахтли тасодиф рўй берди – шахсан директорнинг ўзларидай одам билан танишиш бахтига муяссар бўлдим. Шунини ўйларканман, Аллоҳ менинг кўнглимга илҳом солаётгандай эди. Шу тарзда биз иморат бўйлаб қилган ёқимли саёҳатимизни охирига етказиб ҳовлига қайтиб чиққанимизда, унинг чехрасида мамнуният ифодалари зуҳур этди.

– Сен қайси бўлимда ишлайсан? – деб сўради у мендан.

– Мен архивда ишлайман, ҳазрати олийлари. Мен кичкина одамман. Ўзим ҳам кўпдан бери сиздан...

– Кейин, кейин... – деб гапимни бўлди у.

Шошма-шошарлигимдан ўзим ҳам чўчиб кетгандим.

– Мени авф этгайсиз, ҳазрати олийлари. Илтимосимни бошқа вақтда айтаман.

Директор кўчага чикди. Мен унинг ортидан эргашдим. Кўчага чиқишимиз билан газетафурушга рўпара келдик. Ҳазрати олийлари ундан журнал билан китоб харид қилдилар. Журнал билан китобнинг пули йигирма беш пиастр<sup>1</sup> бўлди. Қарасам, буни тўлаш учун директорнинг ёнларида майда пуллари йўқ экан, йирик пулга эса газетафурушнинг қайтими йўқ экан. Ҳазрати олийлари китоб билан журнални қайтариб бермоқчи бўлдилар, бироқ мен чаққонлик билан бунинг олдини олиб қолдим – дарҳол ёнимдан керакли миқдордаги майда пулни чиқариб, шоҳона валломатлик билан газетафурушга узатдим. Директор аввалига жиндай иккилангандай бўлди, кейин бу ишга кўнди, шекилли, шундай деди:

– Имкониятинг бўлиши ҳамон пулни олгани менинг кабинетга кир.

Алланималар деб миннатдорлик билдиргандай бўлиб директор кетди, мен ёлғиз қолдим. Лекин мен қалбларни ҳаяжонга солувчи янги орзу-умидлар қуюнида эдим. Қандайдир ноаниқ бир бахтга муяссар бўлишимни кутиб, ҳузурланмоқдайдим. Мен шунақа ҳолатда эдимки, биронта машина туртиб-негиб юбориши ҳеч гап эмасди. Ахир, хотиралар ва хаёллар денгизига бутун вужудим билан шўнғиб кетгандим-да! Ҳаётим тарихида янги, порлоқ бир саҳифа очилаётгани менга мутлақо равшан бўлганди. Шу пайтгача ўтган ҳаётим машаққатларга ва мусофирчиликка тўла бўлди. Мана, энди бош директорнинг ўзи билан танишиб олдим. Мен унга иморатни айланиб, кўриб чиқишга ёрдам бердим, аҳволимнинг ночорлигидан шикоят қилдим ва у илтимосимни инобатга олишга ваъда берди. Фаришталар нафаси тегиб муборак бўлган анави дақиқани айтмайсизми? Мен унга йигирма беш пиастр бериб туриш бахтига ноил бўлдим-да! Худо асрасин, илло-билло, мен бу пулни қайтариб олишни зинҳор-базинҳор ҳаёлимга ҳам келтирмайман, бирор кимсага бу тўғрида лом-мим деб оғиз ҳам очмайман. Мен амин эдим – бу харажатим бекор кетмайди, унинг эвазига бош директор жаноби

---

<sup>1</sup> Миср майда чақаси.



олийлари мендан илтифотларини аямайдиган бўладилар. Оқибатда, оғир дақиқаларда қаршимда ҳар қандай эшиклар ҳам очилади. Албатта, йигирма беш пиастр кичкина пул эмас – путури кетган ҳамёнимдаги мувозанатни тиклаб, рўзгорни яна эпакага келтириб олгунимча, кўпроқ тежамкорлик билан иш юритишимга тўғри келади. Лекин нима бўпти, буларнинг ҳаммасига чидайман, ҳар ҳолда ҳазрати олийлари билан менинг ўртамда пайдо бўлган яқинлик ришталарини ўз қўлим билан узиб ташламасам бўлгани!

Янги иморатга кўчиб ўтишимиз ҳам ниҳоясига етди ва ҳар доимгидек бизга – архив ходимларига иморат ертўласидаги хоналардан жой беришди. Камина ҳазрати олийлари билан мени боғлаб турган сирли муборак ришталар тўғрисида ўйлашдан тўхтаганим йўқ эди. У менга ҳузурига кириб, пулни қайтариб олишни буюрди. Албатта, мен унинг кабинетига киришни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ, лекин у ҳам котибиятдаги бирор одамдан пулни бериб юборгани йўқ. Шунисига шукур қиламан! Кунлар шу тарзда биринкетин ўтиб борарди. Шу аҳволда бирдан юрагимга ваҳима ва ҳадик ўрнаша бошлади – директорнинг бошида сон-мингта иши бор – шу ташвишлар билан бўлиб, мени эсидан чиқариб юборган бўлса-я! Мен бутун ҳаётимни тузатиб олишга йўл очадиган имкониятимни қўлдан чиқариб қўйган бўлсам-а?

Аллоҳдан мадад ва ғимоя тилаб, бош директорнинг қабулига ёзилишга аҳд қилдим. Бироқ унинг шахсий котибининг кабинетига йўл олганимда, унинг югурдаги йўлимни тўсди – у котибнинг жуда банд эканини айтди ва бирор илтимосингиз бўлса, менга айтаверинг, мен у кишига етказаман, деди.

– Мен бош директор қабулига кириш шарафига ноил бўладиган кунни тайин қилсалар дегандим, – дедим.

Югурдак менинг оҳори тўкилиб, уриниб қолган уст-бошимга бир назар солди-да, ичкарига кириб кетди, бир дақиқа ўтар-ўтмас, қайтиб чиқиб, нима қилишим кераклигини айтди.

– Илтимосингни аризалар ёзиладиган маҳсус қоғозда баён этиб, одатдаги йўл билан жўнатиб юбор.

У билан баҳслашиб, тортишиб ўтиришнинг фойдаси йўқлигини дарров тушундим – у ўзи пойлоқчилик қилиб ўтирган эшик каби мустаҳкам ва беписанд эди. Мен ўзимни ўзбошимчалик қурбони ҳис қилиб, бўлимимга қайтдим, лекин олдимга қўйган мақсадга эришиш иштиёқи сўнгани йўқ. Ўйлаб-нетиб ўтирмай, ёрдам сўраб архивимизнинг бошлиғига мурожаат қилдим. У жуда яхши одам эди, ёши ўтинқираб қолган, бошимизга тушадиган машаққатлар ва таҳқирларни биз билан баравар баҳам кўрар, агар кексалигини айт-маса, орамизда ҳеч нарсаси билан ажралиб турмас эди. Шу одамдан мадад бўладиган сўзларни эшитишни тиладим. Бош директор билан учрашиш ниятида эканимни билдирдим ва ундан маслаҳат сўрадим.

– Нега бунча шу учрашувга иштиёқманд бўлмасанг? – деб сўради у.

– Маошимни оширишини сўраб илтимос қилмоқчиман.

– Ҳаммамиз ҳам сенга ўхшаб, тишимизнинг кирини сўриб юрибмиз-ку!

– Ахир, мени шундай қилишга унинг ўзи рағбатлантирди-ку!

– Ростданми? Қачон, қандай қилиб?

Мен унга янги бинодаги учрашувимизни гапириб бердим. Бироз ўйланиб туриб, у бундай деди:

– Бу гаплар шунчаки айтилган гаплар. Уларга кўп ҳам эътибор беравермаслик керак. Бир айтган-қўйган-да...

Шу гапдан кейин мен қизишиб кетиб, бунақа тасодифдан воз кечиб бўлмаслигини қаттиқ исбот қилишга киришдим. Бунақа имконият яна қайтиб бўладими-йўқми? Ахир, бу менинг ҳаётимдаги яккаю ягона илинжим-ку! Аммо бўлим бошлиғимиз мени шахдидан қайтаришда давом этаверди. Бошини сарак-сарак қилиб, бунақа ишдан қайтишни маслаҳат берди у. Мен эса ортиқ ўзимни тўхтатиб туролмадим ва унинг қулоғига шивирлаб, сўнгги далилимни айтдим.

– Мен сизга бир сирни айтиб қўймоқчиман. Негаки, мен билан – сиз тўғри ва ҳалол одамсиз, оғзингизда гап туради, бировга

айтиб қўймайсиз. Ҳазрати олийлари мендан йигирма беш пиастр қарздорлар!

Қария ишонқирамай менга қаради, мен эса яна қизишиб, гапимни тасдиқладим:

– Гапимга ишонавер, жинни-пинни бўлиб қолганим йўқ.

Директорга қанақа қилиб пул берганимни ҳамма тафсилотлари билан гапириб бердим.

– Авваллари ҳам бош директорни учратганинг бормиди? – деб сўради бўлимимиз бошлиғи гумонсираган оҳангда.

– Йўқ.

– Бу одамнинг директор эканини сен қаёқдан била қолдинг?

– Унинг директор эканига менинг заррача шубҳам йўқ.

– Сенинг содда-гўллингидан фойдаланиб бирор одам устингдан куладимикан ҳазиллашиб?

– Бундай бўлиши мумкин эмас. Истасангиз, мен сизга унинг шаклу-шамойилини айтиб берай.

Бироқ у менинг гапимни бўлди.

– Нима фойдаси бор? Мен уни бир неча йил аввал кўргандим. Ўшанда ҳам узоқдан, бирровгина кўриб қолгандим, холос.

– Ҳар нима бўлганда ҳам унинг бош директор эканига ишончим комил.

– Хўп қизиқ бўлган экан-ку!

– Менинг ҳам аҳволимни тушунинг-да! – дедим баҳсимизга чек қўйиб. – Маошга қўшиб беришни илтимос қилиб, бош директорга аризани қандай ёзиш кераклиги тўғрисида бирон маслаҳат беринг.

– Хўп, майли. Аризангни махсус қоғозга ёз-да, бевосита бошлиғинг сифатида менга топшир. Мен уни тасдиқлаб, имзо чекиб бераман, кейин уни девонхона бошлиғига олиб борасан. У ҳам аризангни тасдиқлаб, имзо чекиб беради. Сўнгра уни бош инспекторга топширасан, у ҳам тасдиқлаб бергандан кейин аризани бош директорнинг девонхонасига жўнатасан. Лекин сенга бир маслаҳатим бор – Худо хайрингни берсин, йигирма беш пиастр ҳақида биронта одамга оғзингдан айта кўрма.

Мен ҳафсала билан аризани ёздим ва уни ўзимнинг бевосита бошлиғимга тутқаздим. У менга хайрихоҳлигини намойиш этиб, дарров кўл қўйиб берди. Кейин аризани девонхона бошлиғининг котибига элтдим. У аризани столи устида бир уюм бўлиб тўпланиб ётган бошқа аризалар ичига кўшиб қўйди-да, яна ўз иши билан шуғулланаверди.

– Аризамни девонхона бошлиғига топширишни қачон ихтиёр этасиз? – деб сўрадим.

– Бунинг сенга дахли йўқ, – деб жавоб берди у кўзларини қоғозлардан олмай.

– Менга қаранг, бу ариза одатдаги аризалардан эмас. У бошқача ариза. Айтмоқчиманки, мен уни айна жаноб бош директор ҳазрати олийларининг кўрсатмаси билан ёзганман.

У менга ғалати қараш билан қаради-да, масхараомуз оҳангда сўради:

– Ҳазрати олийлари сенинг қариндошингми?

– Рост гапиряпман, ҳазиллашаётганим йўқ.

– Ариза у кишига тегишли вақтда топширилади, бу сенга маъқул бўлмаса, аризангни олиб кетавер.

– Ўргилай, жаҳлингиз чиқмасин. Жавобига қачон келиб учрай?

– Аризанг топширилгандан кейин келасан.

– Худо хоҳласа, аризам қачон топшириларкан?

– Аризанг вақти-соати билан тегишли фурсатда топширилади.

«Ишинг битди, туёғингни шиқиллат», деган маънода у менга орқасини ўгирди, мен ичимда ҳамма қоғозбозларни чангитиб сўкиб, ўз бўлимимга қайтиб кетдим. Бу қоғозбозларни ишга тайинлайдиган ҳам сўкишларимдан бенасиб қолгани йўқ. Лекин, албатта, бош директор ҳазрати олийлари бундан мустасно эдилар. Ўзимизнинг бўлим бошлиғига мен тўғримда девонхона бошлиғининг котибига бир оғиз илтимос қилиб, айтиб қўйишини сўраганимда, у рози бўлмади. Бу йигитнинг мутақаббирлиги ва тарбия кўрмаганини баҳона қилди. Кунлар ўтиб борар, мен эса сабр-тоқат билан кутишда давом этардим.

Бир куни эрталаб бир ходимимиз билан аллақандай қоғозни тўлдираётганимизда, у мендан шивирлаб сўраб қолди:

– Бош директор сендан йигирма беш пиастр қарзмиш. Шу ростми?

Юрагим орқага тортиб кетди, дархол бу гапни унга ким айтганини сўрадим. У кейинги пайтда архивда миш-мишлар оралаб қолганини, бу миш-мишлар унинг ҳам кулоғига етиб келганини айтди. Ё Аллох, ўзинг шафқат қил! Мен, даставвал, бошлиғимиздан гумон қилдим, бироқ у болаларини ўртага қўйиб, бу тўғрида бирор кимсага оғиз очмагани тўғрисида қасам ичди. Шундан кейин хотинимдан гумон қила бошладим – мен билан бирга ишлайдиган ходимларнинг хотинлари орасида унинг дугоналари бор. Лекин хотиним ҳам ҳаммасини рад этди – билмадим – рост гапирдимми ёки қўрққанидан шунақа дедими? Юрагим оғу тушгандек хавотирдан санчиб оғрий бошлади ва нечукдир истехзоли нигоҳлар хайрат билан мени таъқиб қилаётгандай туюлди. Шунинг учун бу ишлар ёмон оқибатларга олиб келмасидан олдин отимни қамчилаб қолмасам бўлмайди. Девонхона бошлиғининг котиби хузурига бордим. У менинг саломимга алик ҳам олмай, ранжиган кайфиятда бармоғи билан менинг аризамга ишора қилди, мен хурсанд бўлиб, аризани олдим-да, шу заҳоти бош инспекторнинг котиби хузурига югурдим. Мен унинг қўлига аризани тутқазиб, унинг муҳимлигини тушунтириб беришга оғиз жуфтлагандим ҳамки, у мендан олдин айтадиганини айтишга улгурди.

– Аризангни қолдириб кетавер.

Унинг жаҳлини чиқармаслик учун эшик томон йўл олдим ва ба-рибир, эшикка етиб бормай сўрадим:

– Жавобига қачон келай?

– Келмай қўя қолсанг ҳам бўлаверади.

Ночорликдан дадиллашгандай бўлдим ва яна сўрадим:

– Нечук? Қандай қилиб келмай қўя қолай? Унда аризам нима бўлади?

Шунда у гўё сурбетлигимга Аллоҳни гувоҳ қилмоқчи бўлгандай, кўзларини шифтга тикди, бу орада хонага тўпланган одамларнинг

кўпчилиги менга «Хўп» деб ишимга боришимни маслаҳат бера бошлади. Кўркув мени аллақачон ўз асоратига олганди. Бироқ шу пайт югурдак бола ёнимга келди-да, ўзини менга жуда хайрихоҳ кўрсатиб, аста кўлтиғимдан олиб, ташқарига бошлади ва эшикдан чиқишимиз ҳамона бош инспекторнинг девонхонаси ўз почтасини тўғридан-тўғри бош директор девонхонасига жўнатишини тушунтирди.

– Хат жўнатилганини мен қаёқдан билсам бўлади?

– Ўн кунлардан кейин келиб, хабар олинг – бош инспектор идорасига хатларни жўнатиш билан шуғулланадиган амалдор ҳаммасини айтиб беради. У сизга хатнинг қачон ва қайси рақам билан жўнатилганини маълум қилади. Ўшаларга қараб, бош директор идорасига юборган аризангиз тақдирини билиб оласиз.

Ўзимнинг ожизлигимни яшириш мақсадида жиндай мактандим:

– Хотиржам бўлаверинг, бош директор идорасида мени шунақа иззат-икром билан қарши олишадикки, бунақаси сизнинг хузурингизга келадиганларнинг ҳали етти ухлаб тушига ҳам кирмаган.

– Аллоҳ қувватингизга қувват қўшсин, илоҳим! – деб дуо қилди мени дастёр йигит.

Мен «Бўшашма! Ишнинг хотимаси яқинлаб қолди. Бу кунларда тортган азобларинг бекор кетмайди. Улар туфайли сенга жаннат йўли очилади. Зулматдан кейин ҳамиша ёруғлик келади. Эртами-кечми менинг қалбим Парвардигорнинг зиёларидан мунаввар бўлғай!» деган юпанч билан бўлимимга қайтдим.

Аммо истехзоли нигоҳлар аввалгидай шафқатсизлик билан мени таъқиб қиларди. Энди улар аввалгидай яширинча эмас, очиқдан-очиқ қарардилар. Бир хизматдошим мендан сўради:

– Қачон, қаерда, қандай ажаб шароитда бош директорга йигирма беш пиастр қарз беришни уддалагансан?

Бошқаси яна ҳам эзди:

– Бош директор ҳали қарзини бермадимми?

Бир куни кулоғимга шундай гап чалинди:

– Бу ўша бош директорга қарз берган гадоми?

Мен сабр-тоқат беришини тилаб, Аллоҳга илтижолар қилдим – Худонинг меҳр-муҳаббатига ишончим ҳали метиндай мустаҳкам эди. Нух пайғамбарнинг ота-оналаридан эшитган беҳисоб таҳқирлари эсимга тушди. Орадан икки ҳафта ўтгач, бош император идорасига – хатларни жўнатиш билан шуғулланадиган амалдорнинг олдига бордим. Менга аризам бош директорнинг идорасига қачон ва қайси рақамлар билан жўнатилганини маълум қилди. Мен мулойимлик билан сўрадим:

– Бош директор идорасидан жавобни қачон олсам бўларкин?

У тушуниб бўлмайдиган даражада энсаси қотиб жавоб берди:

– Бу фақат Парвардигорнинг ўзига маълум.

Ҳар нима деганимизда ҳам аризам бош директорнинг идорасига етиб борди-ку, демак, ҳадемай у мени эсига олади, қабулига чақириб қолиши ҳам мумкин ёки лоақал илтимосимни бажо келтирар. Яна орзу-хаёлларнинг қудратли тўлқини устимга ёпирилди: ҳадемай мени хизматда бир поғона кўтарадилар, маошимга қўшиб бериладиган ҳақ, ниҳоят, бола-чақамни бемалолроқ боқишимга имкон беради.

Бўлимимизга келадиган жўнатмани кўтариб архивга қайтиб келаётгандим, кўққисдан аллақандай амалдор саволга тутди:

– Ростдан ҳам сен ўша...

Бунақа ҳазил-мазахлар аллақачон жонимдан тўйдириб юборган эди, шунинг учун унга гапини тугатишига қарамай, ўшқирдим:

– Унингни ўчир, нодон!

У ханг-манг бўлганича, ғўлдираб тинди:

– Сен росмана жинни бўлиб қолибсан-ку, оғайни.

– Кўзимдан йўқол, аблах, бўлмаса, оёғимдаги бошмоқ билан бошингни уриб ёраман! – деб бақириб бердим унга.

Шу заҳоти одамлар бизни ажратиб қўйишди. Уларнинг ичида яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам бор эди. Бир кундан кейин мени интизом судига чақирди. Раис менга шудай деди:

– Сен тафтишчини ҳақорат қилишда ва унга қўл кўтаришда айбланасан.

Мен камсукумлик билан жавоб бердим:

– Ўзи камбағалгина одамман, у бўлса менинг устимдан кулмоқчи бўлди. Мен уни қувиб солдим. Бор гап шу, бошқа ҳеч нарса бўлгани йўқ.

Амалдор «Мен ундан юборган мактубингга жавоб олдингми-йўқми?» деб сўрамоқчи эдим, холос», деб изоҳ берди, унинг айнан шундоқ қилмоқчи бўлганини бирга ишлайдиган ўртоқлари ва архивда ишлайдиган яна икки киши тасдиқлаб, гувоҳлик берди. Охир-пировардида, мен ҳам унинг гаплари тўғри эканига ишониб қолдим. Унинг гапларини нотўғри тушунганим ва ўзимни нотўғри тутганим ўзимга ҳам аён бўлди.

– Менинг устимдан кўплар кулади. У ҳам мени масхаралаб, кулмоқчи деб ўйлабман, – дея ўзимни оқламоққа тиришдим. Шунда раис мендан сўради:

– Нима сабабдан сенинг устингдан кулишади?

Саволни эшитиб, дамим ичимга тушиб кетди. Бир нечта гувоҳ бўлса, бир-бирларига гап бермай, оғиз кўпиртириб, қарз воқеасини хикоя қила кетишди. Ниҳоят, ортиқ чидаёлмай, ўшқириб бердим:

– Ёлғон! Ҳаммаси ёлғон! Буларниг ҳаммасини улар ўзлари тўқиб чиқаришган. Ҳаммаси – бўҳтон.

Бошқалар ҳам бақириб-чақира бошлади, бир-бирлари билан тортишиб кетишди. Муштлашув бошланиб кетишига сал қолди. Ниҳоят, таъбим тирриқ бўлиб, суд залидан чиқиб кетдим. Орадан бир неча кун ўтгач, бўлим бошлиғи мени ҳузурига чақириб, маънос оҳангда деди:

– Суд сенга иш ҳақингдан беш кунлик ишлаган пулинг микдорида жарима солишга қарор қилди.

– Шунақа ҳам адолатсизлик бўладими? – деб зорландим. – Ахир, шундоқ ҳам рўзғоримни зўрға учма-уч эплаб турибман.

– Янаги гал кўзингга қараб муомала қилгин.



– Хўп, мен хато қилган ҳам бўлай, лекин хатони кечирिश мумкин-ку! Сиз нима деб ўйлайсиз – қарз воқеаси ҳазрати олийларининг қулоқларига етиб бормаганмикин?

– Бизнинг бошқармамизда ҳеч ким бунақа гапни унга етказишга журъат қилолмайди, – дея таскин берди бошлиғим.

Бошимга тушган шунча ғаму кулфатларга қарамай, Аллоҳга бўлган ишончим заррача камайгани йўқ. Ўзимга ўзим шудай дердим: «Эгамнинг қудрати зўр! Худди Юсуф алайҳиссаломни зиндондан олиб чиққандай, у мени ҳам бу кулфатлардан фориғ қилади». Бу кўргиликлар бошимга ёпирилгани сари қалбимда бахт ҳақидаги орзуларим мустаҳкамлана борди, мен унинг яқинлигига астойдил ишонардим. Анча кутганимдан кейин ҳазрати олийларининг идораларида почтани қабул қилиб оладиган амалдорнинг ҳузурига аризамнинг оқибатини билиш учун бордим. У жуда кўрс жавоб берди – нима учун бунчалик кўрслик қилаётганига ақлим етмади.

– Маълумотларни пайшанба куни бераман.

Бугун душанба эди – интизом судида кўрадиганимни кўргандан кейин анча ювош тортиб қолгандим, шунинг учун лом-мим демай, унинг олдидан чиқиб кетдим. Ишимга қайтиб бориб, қўлимдан келгани шу бўлдики, бўлим бошлиғимизга дардимни айтиб зорландим. У мени архивимиз тафтишчисининг олдига олиб борди. Тафтишчи идорада ишлайдиган ўша амалдорнинг қариндоши экан. У қариндошига қўнғироқ қилиб, аризамни суриштириб беришга рози бўлди. У бир неча муддат гўшакни қулоғига тутиб, жавобни эшитиб турди – қариндоши нималар деяётгани бизга эшитилмасди – кейин гўшакни қўйиб, бизга юзланди.

– Афсуслар бўлғайким, илтимосинг қайтарилипти.

Бу янгилик менга орқамдан берилган қақшатқич зарбадай бўлиб туюлди – у бир лаҳзада ҳамма орзу-умидларимни чилпарчин қилиб, чиппака чиқарганди. Мен орзу-умидларим харобаси остига кўмилган жасаддай эдим. Лекин шундоқ бўлса-да, сўрадим:

– Бош директор ҳазрати олийларига аризам кўрсатилганмикин?

– Албатта-да! Айни бош директорнинг ўзлари рад жавоби беришни буюрганлар.

– Бўлиши мумкин эмас! У киши мени ўз хузурларига чакиради, деб жуда кутган эдим-а!

Тафтишчи ғалати нигоҳ билан менга бакрайиб қолди. Бошлиғим билан бирга бўлимга қайтиб келдим. Қайтарканман, тўхтовсиз равишда бир гапни такрорлардим:

– Ишонмайман! Ишонмайман!

– Ҳамма илтимосларнинг ҳам қисмати муқаррар тарзда шунақа бўлади, – деб тасалли берарди қария.

– Ахир, унга ариза ёзишимни унинг ўзи буюрганди-ку?

– Сен бирон-бир ҳазилкаш одамнинг макрига учрагансан. Мен сенга айтиб эдим-ку!

– Йўғ-е, ундоқ эмас.

– Ундоқ бўлса, эсидан чиқиб кетган бўлса керак. Директорнинг ташвиши кўп бўлади...

– Энди нима қиламан?

– Нима қилардинг? Худога тавалло қиласан-да...

Аммо ўжарлигим яна кўзиди. Директорнинг кун тартибини – қачон ишга келиш, қачон ишдан кетишини ва умуман, унинг ҳамма одатларини синчиклаб ўргана бошладим. Мен қатъий аҳд қилдим – на бировнинг дағдағасидан кўрқаман, на идоралардаги кўр-кўрона тўсиқларни тан оламан...

Директорнинг машинаси бошқарма биноси олдида тўхтади. Дарбон ва дастёрлар полициячи кўриқчилар билан бирга икки қатор бўлиб саф тортишди. Мен бинонинг эшиги ёнидаги кимошди савдосига қатнашишга таклиф қилувчи катта эълоннинг ортига яшириниб олгандим. Бино томондан ғала-ғовур эшитилди ва директор ўз аъёнлари куршовида пайдо бўлди. Улар менга яқинлашишлари ҳамано мен «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм...» дея хитоб қилдим-да, директор қаршисида тиз чўкиб, ундан хайр-эҳсон тиламоқ учун яшириниб турган жойимдан сакраб чикдим.

Кимдир қичқирди:


– Бу – телба... Эҳтиёт бўлинг, ҳазрати олийлари!

Бирдан ҳамма саросимага тушиб қолди. Шовқин-сурон кўтарилди. Нима бўлганини ҳатто англамай қолдим. Оёғим остидаги замин бир томонга қийшайиб кетгандай бўлди – мен ўнлаб бақувват қўллар чангалида қолдим.

Шу воқеалардан кейин нима ҳам дея олардим? Менинг ишим бўйича жиддий тергов олиб борилди. Терговда менга сиёсий жиноятчи сифатида қарашди. Бу қарашнинг ногўғрилиги терговда аён бўлиб қолгандан кейин мени ойликни ошириш тўғрисидаги илтимосимни рад этгани учун ўч олиш мақсадида директорга хужум қилишда айблашди.

Турмада мен дурадгорлик касбини ўргандим. Энди шўрлик болаларимни боқиб катта қилиш учун дурадгорлик қилиб юрибман.





## *Габриэль Гарсиа Маркес (1928–2014)*



*Колумбия адабиётининг йирик вакилларида бири, Нобель мукофоти совриндори Габриэль Гарсиа Маркес адабиётда «сеҳрли реализм»ни юқори поғонага олиб чиққан, десак, муболага бўлмайди. Асосан воқеалари хаёлий Макондода кечадиган асарларида Маркес инсоннинг руҳий оламини, ботинини фусункорлик ҳамда танқидий реализм қалами остида тадқиқ этади. Адибнинг «Ёлғизликнинг юз йили», «Бузрукнинг кузи» романлари, «Ошкора қотиллик қиссаси», «Тўкилаётган япроқлар» қиссалари, «Улуғ Онанинг жанозаси» ҳикоялар тўплами ҳамда бир туркум ҳикоялари ўзбек тилига ўғирилган.*

### **УНУТИЛМАС КУН**

Қафас битиши билан ўз одатига кўра Балтасар уни том бўғотига осиб қўйди. У нонушта қилишга ўтирган пайтдаёқ дунёда энг ажойиб қафас яратилгани ҳақидаги шов-шувлар чор-атрофга ёйилганди. Уйи теграсида қафасни томоша қилишга иштиёқмандлар қуршови қалинлашиб боравергач, Балтасар уни устахонасига киритиб қўйишга мажбур бўлди.

– Соқолингни олсанг бўлармиди? – сўради Урсула ундан. – Худди маймунга ўхшаб қолибсан.

– Нонуштадан кейин соқол олиш яхшимас, – деди Балтасар.

Унинг юзига икки ҳафтадан бери устара тегмаган, калта ва қаттиқ сочлари патак бўлиб кетган, башараси худди нимадандир қўрқиб турган боланикига ўхшарди. Бироқ унинг киёфасидаги бу ифодалар алдамчи эди.

Февралда Балтасар ўттизга тўлди, Урсула билан ноқонуний ва бефарзанд никоҳда яшай бошлаганига эса тўрт йил бўляпти. Ҳаёт синовлари унга жуда эътиборли ва жасоратли бўлишни ўргатди. У айна пайтда ўзи тайёрлаган қафас кимлар учундир дунёда бекиёс бўлиб туюлишини ҳали билмасди. Ахир, қафассозлик ҳунари унга болалиқдан ёд бўлиб кетган. Фақат сўнгги ижод маҳсули аввалгиларидан бироз қийинроқ битди, холос.

– Бўлмаса, ётиб дамингни ола қол, – деди аёл. – Бунақа соқол билан одамларга кўриниш – уят.

У мутеълик билан осма беланчакка чўзилди. Лекин ҳозирок ўрнидан туриб, қафасни қўшниларига опчиқиб кўрсатиш нияти ҳам йўқ эмасди. Урсула қафасга энди эътибор берди. У Балтасар икки ҳафтадан буён дурадгорлик ишларини ташлаб, фақат шу қафас устида ишлагани, кечалари алаҳсираб, тузукроқ ухлолмагани, ҳатто соқол олишга ҳам қўли тегмаганидан норози эди. Бироқ тайёр қафасни кўриши билан норизолик кайфияти ўз-ўзидан йўқолди. Балтасар ухлаб ётганида Урсула унинг кўйлаги ва шимини дазмоллаб, беланчак қаршисидаги курси суянчиғига осилди ва қафасни хонадаги стол устига келтириб қўйди. Кейин эса жимгина унга тикилиб қолди.

– Шунга қанча пул олишинг мумкин? – сўради эри уйғониб кийина бошлаганида.

– Билмадим, – жавоб қайтарди Балтасар. – Ўттиз песо<sup>1</sup> сўрайман, ҳеч бўлмаса, йигирма песо беришар.

– Элликта сўрайвер, – деди Урсула. – Ахир, сен шуни деб икки ҳафта ухламадинг. Кейин унинг катталигини қара. Биласанми, умримда бунақа катта қафасни кўрмаганман.

<sup>1</sup> Лотин Америкасида: пул бирлиги.

Балтасар соқол ола бошлади.

– Элликта беришади, деб ўйлайсанми?

– Дон Хосе Монтъел учун бу пул нима деган гап! Қафас ҳам шу пулга арзийди, – деди Урсула. – Олтмишта сўрасанг ҳам бўлавереди.

Уй одамнинг нафасини бўғадиган даражада рутубатли, буям етмаганидай, ундаги иссиққа чидаш ҳам амри маҳол эди. Балтасар хавони янгилаш учун эшикни қия очиши билан хонага бир тўда бола отилиб кирди.

Янгилик ҳамма ёққа ёйилганди. Ўз ҳаётидан хурсанд, аммо касбидан анчайин зада бўлган доктор Октавио Хиральдо сурункали хасталикка учраган хотини билан нонушта қиларкан, Балтасар ясаган қафас ҳақида ўйларди. Улар ёз кунлари ички ровон олдидаги стол устига анвойи гуллар билан тўла туваклар ва иккита қафасдаги канарейкани кўйишарди. Докторнинг хотини кушларини шу қадар яхши кўрардики, ҳатто табиатан уларга душман бўлган мушукларни кўрарга кўзи йўқ эди. Доктор касал хотинининг ёнидан чиқиб, қафасни кўриш учун тўппа-тўғри Балтасарнинг уйига келди.

Балтасарнинг уйи одамлар билан тўла эди. Стол устида уч қаватли айлана гумбаз кўр тўкиб турарди. Қафас ичида кушлар учун махсус емак ва ётоқ бўлмалари йўлақлар билан беркитилган, улар ораси эса панжара билан тўсиб кўйилганди. У ана шу кўринишда муз фабрикасининг кичкина шаклини эслатарди. Доктор қафасни кўл теккизмасдан қизиқиб томоша қиларкан, бу санъат асари у эшитганидан ҳам кўра нафис, хотинини хурсанд қилиш учун олиб беришни орзу қилган қафасдан ҳам беқиёс даражада гўзал эканига ич-ичидан амин бўлди.

– Ҳақиқий хаёлот маҳсули бу, – деди у нигоҳи билан издиҳом орасидан Балтасарни излаб топаркан ва унга меҳр билан қараб кўшиб қўйди: – Сендан иқтидорли меъмор чиқиши мумкин эди.

Балтасар дув қизариб кетди:

– Раҳмат, – деди ерга қараб.

– Бор гап-да, – деди доктор. Унинг товуши худди лотин тилида гапираётган роҳибнинг овозини эслатарди. – Унга ҳатто куш со-

лишнинг ҳам кераги йўқ, – деди у қафасни томошабинларга сотиб олишни тавсия қилаётгандай айлантриб кўрсатаркан. – Уни дарахт шохига илиб қўйсанг, бас, ўзи сайраб беради.

У қафасни жойига қўяркан, бироз тараддудланиб унга тикилиб турди ва:

– Яхши, уни олганим бўлсин, – деди.

– У аллақачон сотилган, – деди Урсула.

– Дон Хосе Монтъелнинг ўғлига, – қўшиб қўйди Балтасар, – ўшанинг буюртмасига кўра ясаганман.

Доктор самимият билан Балтасарга юзланди:

– У сенга қафаснинг андозасини берганмиди?

– Йўқ, у шунчаки иккита тўрғай сиғадиган, худди мана шунга ўхшаган каттакон қафас ясаб беришимни сўраганди.

Доктор яна қафасга разм солди.

– Бу тўрғай учунмас-ку!

– Тўрғай учун, дўхтир, – эътироз билдирди Балтасар столга яқинлашиб. Уни болалар қуршаб олганди. – Ҳамма томони ҳисобга олинган, – деди алоҳида бўлмаларини кўрсатиб. Кейин эса у панжарани секин чертиб қўйганида, атрофни майин оҳанглар тутиб кетди.

– Яхши, лекин у сенга андозасини бермаганди-ку! Аниқ бир нима демаган. Фақат тўрғай учун катта қафас ясаб беришни илтимос қилган, холос. Тўғрими!

– Тўғри, – деди Балтасар бош ирғаб.

– Унда ҳаммаси равшан, – деди доктор, – тўрғай учун каттакон қафас – бошқа масала. Манави қафас умуман бошқа гап. Ахир, бу ўша буюртма асосида ясалган қафас эканини ким тасдиқлайди?

– Бу ўша, – кажбахслиги тутди Балтасарнинг, – уни ўзим ясаганман-ку!

Доктор унинг ўжарлигидан елка қисди.

– Сен яна бошқасини ҳам ясаб беришинг мумкин-ку, – деди эрига қатъиятли тикилиб Урсула ва докторга юзланди: – Сизга жуда ҳам зарурми?

– Мен хотинимга бугун етказишни ваъда қилганман, – деди доктор.

– Минг афсус, дўхтир, – бош чайқади Балтасар, – сотилган нарсани яна сотиб бўлмади.

Доктор яна елка қисди. У бўйнидан оқаётган терни рўмолча билан артаётиб умидсизлик билан қафасга тикилди. Кейин эса, узоқда кўздан ғойиб бўлаётган кемага қараётгандек, номаълум бир нуктага тикилиб қолди.

– Улар сенга қанча тўлашди?

Балтасар жавоб бермай Урсулага қаради.

– Олтмиш песо, – деди у.

Доктор яна анча пайт қафасга тикилиб турди.

– Жуда зўр, – хўрсинди у, – хайратланарли даражада зўр.

Кейин эса, эшик томон йўналди. Тушунарсиз илжайганича рўмолчасини силкиди ва ана шу лаҳза унинг хотирасида умрбод мухрланиб қолди.

– Монтъел жуда бой-да, – деди хонадан чиқаётиб.

Аслида Хосе Монтъел бошқалар ўйлаган даражада бой эмасди, бироқ бойиш учун у ҳамма нарсага тайёр эди. Унинг кулоғига ғайриоддий қафас тўғрисидаги узук-юлуқ гаплар етиб келган бўлса-да, бунга эътиборсизлик билан қараганди. Хосе Монтъел ширин хуррак отаётган паллада унинг аёли ўлим ҳақидаги мудҳиш хаёллар исканжасида, эшик-деразаларни беркитиб, нимқоронғу хонада кўзлари очиқ ҳолда қимирламай ётарди. Монтъел ғайритабиий шовқиндан уйғониб кетди. Эшикни очганида уйи атрофида оломонни, ўртада эса қўлига қафас тутганича юзида бойлар эшигини илинж билан қоқадиган фақирлардагина бўладиган камтарона илтифот акс этган, яқиндагина соқолини қиртишлаб, бошдан-оёқ оппоқ кийинган Балтасарни кўрди.

– Ахир, бу мўъжизанинг ўзи-ку, – қувончли хайрат билан кичкириб юборди Хосе Монтъелнинг рафикаси Балтасарни уйга бошлаб кираркан. – Умримда бунақасини кўрмагандим.

У Балтасарнинг ортидан ҳаш-паш демай ёпирилиб келаётган кишиларнинг ичкарига кирмаслиги учун ғижиниб эшикни беркитди ва қўшиб қўйди:



– Яхшиси, ичкарига олиб кира қолинг, бўлмаса, анавилар меҳмонхонамизнинг тўс-тўполонини чиқариб юборишади.

Балтасар илгари ҳам Хосе Монтъелнинг уйида бир неча марта бўлганди. Унинг маҳорати ва ўз ишини ғоятда пухта бажаришини билганлари боис уни бу ерга бир неча марта майда-чуйда дурадгорлик ишларига ёрдам бериш учунгина таклиф қилишганди. Лекин ҳамма вақт ҳам бойларнинг хизматида бўлавермасди. Баъзи пайтлардагина улар ҳақида, уларнинг жиззаки ва хунук хотинлари ҳақида, кундан-кунга уларни таъқиб этаётган мудҳиш касалликлар, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жарроҳлик операциялари ҳақида ўйлар, кўпинча бу тоифага ачиниш билан қарарди. У бу хонадонга кирган чоғида оёғи ўзига бўйсунмай қолганини, ҳар бир қадам унга азобдай туюла бошлаганини пайқади.

– Пепе уйдами? – сўради у қафасни стол устига қўяркан.

– Ҳали мактабдан қайтмади, – жавоб қайтарди Хосе Монтъелнинг хотини, – лекин ҳали замон келиб қолади, – ва кўшимча қилди: – Монтъел ювиняпти.

Ҳақиқатда эса Монтъелнинг ҳозир ювинишга вақти йўқ ва шу боис тезроқ нима бўлаётганини кўриш учун тез-тез комфорали спирт билан баданини артаётганди. У шу қадар эҳтиёткор одам эдики, ғашга тегадиган шовқини билан оромини бузмаслиги учун вентиляторни ҳам ёқмай ухларди.

– Аделаида, – кичқирди у, – нима шовқин бўляпти?

– Бу ёққа кел, қара, қанақанги ажойиб нарса, – чақирди хотини.

– Нима бу?

– Пепе айтган қафасни олиб келдим, – жавоб қайтарди Балтасар.

Аёл унга асабий тикилди:

– Ким дедингиз?

– Пепе, – такрорлади Балтасар ва Хосе Монтъелга юз бурди. – Менга Пепе буюртма берганди.

Аслида ҳеч нарса бўлмаганди, бироқ Балтасарнинг назарида худди ҳаммом деворидан дарча очилгандай туюлди. Хосе Монтъел битта лунгида ётоқхонадан чиқиб келди ва ғзаб билан бақирди:

– Пепе!

– Ҳали қайтгани йўқ, – деди хайкалдек қотиб турган хотини пичирлаб. Шу аснода бўсағада Пепе пайдо бўлди. Унинг киприклари онасиникига ўхшаган қайрилма эди. Ўн икки ёшли болакайнинг юзида сокин бир саросима акс этарди.

– Бу ёққа кел, – чақирди уни Хосе Монтъел, – манавини сен буюрганмидинг?

Болакай индамай бошини эгди. Отаси унинг сочидан чангаллаб ўзига қаратди:

– Гапирсанг-чи?

Бола жимгина лабини тишлади.

– Монтъел... – журъатсизгина шивирлади хотини.

Хосе Монтъел чангалини бўшатиб, пешонаси тиришганча, Балтасарга ўгирилди:

– Яхши иш бўлмапти, Балтасар, – деди у. – Ишга киришишдан илгари мен билан маслаҳатлашишинг керак эди. Келиб-келиб шу гўдакнинг гапига кирасанми?

У гапираётганида юзи бирданига жиддий ва сокин тус олди, қафасга қиё ҳам бокмай, кўтариб Балтасарга узатди:

– Бунга ҳозирок олиб кет ва истаган одамингга сотиб юбор. Сендан илтимос, мен билан бу ҳақда мутлақо тортишма, – у Балтасарнинг елкасига қоқиб тушунтира кетди: – дўхтир айтган, менга асабийлашиш мумкин эмас.

Болакай тошдек қотиб қолган, Балтасар эса унга талмовсираганча қараб турарди. Шу пайт бола бўғзидан итларнинг ириллаганига ўхшаш товуш чиқариб, ўқариб юборди ва ўзини полга ташлади.

Онаси уни юпатмоқчи бўлганида Хосе Монтъел унга бефарқ қараб тураверди:

– Қўявер, – деди у, – майли, бошини полга уриб ёрсин, кейин ярасини тузланган лимон билан артиб қўйсанг, бу хархаша янаям ширинроқ бўлади унга.

Бола бир томчи ёшсиз ариллар, онаси эса унинг қўлидан ушлаб олганди.

– Тегма, – унга буюрди яна Монтъел.

Балтасар болага маъносиз тикилди. Соат тўртга яқинлашиб қолганди. Бу пайтда Урсула уйда пиёз тўғраётиб, алмисокдан қолган аллақайси қўшиқни хиргойи қилмоқда эди.

– Пепе, – деди Балтасар ва жилмайганича унинг қўлига қафасни тутқазди. Бола бир зумда оёққа қалқди ва икки қўли билан қафасни оларкан, Балтасарга қандай миннатдорлик билдиришни билмай, сўзсиз тикилиб қолди. Унинг кўзларида бир томчи ҳам ёш кўринмасди.

– Балтасар, – гап қотди Хосе Монтъел зўраки мулойимлик билан, – қафасингни олиб кет, дедим сенга.

– Ҳозироқ қайтариб бер, – буюрди аёл ҳам ўғлига.

– Ўзингда қолаверсин, – деди Балтасар ва кетишга чоғланаркан, Хосе Монтъелга ўгирилиб қўшимча қилди: – ахир, буни мен фақат ўғлингиз учун ясаганман.

Хосе Монтъел унинг ортидан меҳмонхонагача эргашиб борди.

– Майнавозчиликни йиғиштира, Балтасар, – дея унинг йўлини тўсиб талаб қилди уй эгаси. – Анави матоҳингни олиб кет бу ердан ва бунақа тентакликни бас қил! Барибир сенга бунинг учун сарик чақа ҳам бермайман.

– Кераги ҳам йўқ, – деди Балтасар, – мен уни Пепега совға қилиш учун ясаганман. Бундан ҳеч нарса тама қилмайман.

Балтасар шундай дея ўзини эшик оғзидаги ҳангоматалаб оломон орасига урди. Хосе Монтъел меҳмонхона ўртасида турганича, унинг ортидан бўғилиб қичқирар, юзи докадай оқариб, кўзлари қонга тўлганди.

– Тентак, – бақирди у, – савилингни ҳозироқ йўқот. Сенга ўхшаганлар уйимни оёқости қилишига йўл қўймайман. Жин урсин сенларни!

Билярдхонада Балтасарни олқишу қийқириқлар билан кутиб олишди. У шу пайтга қадар шунчаки илгари ясаган қафасларидан кўра яхшироғини ясаганман, холос, дея хаёл қилар, унинг назарида ушбу қафасни аслида ҳам Пепенинг йиғламаслиги учун унга туҳфа

килиши лозимдек туюлар ва булар ҳаммаси арзимас нарсалар бўлиб кўринарди. Энди ўйлаб қараса, кўпчилик учун арзирли тарафларни ҳисобга олмаган экан.

– Демак, эллик песо беришди, дегин?

– Олтмиш песо, – деди Балтасар.

– Ў-ху, оғзинг кулоғингда бўларкан-да, – деди кимдир, – сендан бошқа ҳеч ким Дон Хосе Монтъелдан бунча пул ундирилмаган бўлса керак. Бунақа ютуқни бир ювмасанг бўлмайди.

Унга пиво келтиришди, у эса шу ердагиларнинг ҳаммаси учун пиво буюрди. У умрида маст бўлмаган, ўша оқшом илк бор кўлига қадаҳ олиши эди. Кечга бориб унинг кайфи тамоман ошди ва ажаб-товур режалари ҳақида алжирай бошлади: «Ҳар бири олтмиш песодан мингта, кейин яна миллионта қафас ясаса, нақ олтмиш миллион песо бўларкан. Иложи борича кўпроқ қафас яшашим ва бойлар қирилиб битмай туриб уларга пуллаб олишим керак, – дерди у ҳеч нарсанинг фарқига бормай. – Уларнинг бари касал ва ҳадемай ўлиб кетишади. Уларнинг ҳаёти шу қадар аянчлики, ҳатто ўйлашга ҳам арзимамайди».

Муסיқа қурилмаси қарийб икки соат тинмасдан унинг ҳисобидан «сайради». Ҳамма Балтасарнинг соғлиғи, унинг бахти ва омади, бойларнинг эса тезроқ ўлиб кетиши учун ичди. Ярим кечаси, соат бирга бориб у билирдхонада ёлғиз ўзи қолиб кетди.

Урсула устига пиёз сепилган гўштли қовурдоқ билан уни кечки соат саккизгача кутди. Кимдир унга Балтасарнинг билирдхонада хурсандчиликдан ичиб маст бўлиб қолгани ва ҳаммани пиво билан сийлаётганини айтганида, ишонмади. Зеро, Балтасар умрида бир марта ҳам ичкиликни оғзига олмаганди. У ухлагани ётганида тун ярмидан оққан, бу пайтда Балтасар ҳамон сутдек ойдин дўкон ёнида, очиқ осмон остида, тартиб билан стол ва стуллар териб қўйилган майдончада ўтирар, икки юзи лаб бўёғининг излари билан тўлиб тошган, ўрнидан кўзғалолмайдиган аҳволда бўлса-да, юмшоққина тўшакда ётиб ухлаш ҳақида хаёл сурарди. У бугун шунчалик кўп пул сарфладики, қарзини бошқа куни тўлаш шарти билан соатни

гаровга қўйишга мажбур бўлди. У кўп ўтмай кўчанинг ўртасида судралиб кета бошлаганида кимдир оёғидаги туфлисини ечиб олаётганини пайқади, бироқ арзимаган нарсани деб ҳаётидаги энг гўзал тушни йўқотиб қўймаслик учун бунга парво ҳам қилмади. Эрталабки ибодатга ошиқаётган хотинлар уни кўриб, ўлик дея гумон қилишди ва ўтакалари ёрилди.





## *Нодар Думбадзе*

*(1928 – 1984)*



*Грузинларнинг машҳур ёзувчиси Нодар Думбадзе жуда кўплаб гўзал романлар, қиссалар ва ажойиб ҳикоялар муаллифидир. Унинг асарлари ўзининг чуқур лириزم ва драматизми, ўлмас юморлари ҳамда комедик жиҳатлари билан бошқа ёзувчилардан ажралиб туради. Ёзувчи асарларида қаҳрамонларни турли миллат вакиллари-дан танлайди. Улар борлиқнинг бир бўлаги сифатида ёзувчи асарларида иштирок этишади. Ёзувчининг тили ва услуби ўқувчи учун содда ва тушунарли. Нодар Думбадзе ўқувчи тушунмайдиган ва мураккаб сўзларни ўз асарларида танламайди. Қаҳрамонлар тилидан сўзлаётганда, соддалик ва уларнинг характери-ни очиб берадиган жиҳатларни илғай олади.*

*Адибнинг «Абадият қонуни», «Оқ байроқлар», «Мен, бувим, Илеко ва Илларион» романлари, шунингдек «Кукарача» қиссаси ва бошқа бир қатор ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилиниб, китоб ҳолида чоп этилган. Ушбу асарлар аллақачонлар ўзбек ўқувчиси қалбидан мустаҳкам жой олиб улгурган. Шунинг учун ҳам адибнинг асарлари қайта-қайта наишр этилади.*

### **HELLADOS**

- Жамол – скрипка!
- Янгули – мишиқи!
- Жамол – чўчка!

- Янгули – ипирисқи грек!
- Жамол – сассиктака!
- Чивинботир!
- Эшшак!
- Чувринди!
- Безори!
- Тбилисилик ландовур!
- Шени деда ватире, Янгули!
- Имана су ине простикаси инека, Жамол!

Янгули – сухумилик грек Христа Александридининг ўғли. Чўпдай озғин, елкалари туртиб чикқан, киррабурун, кўзлари чаросдек коп-қора, кўллари узунлигидан тиззасига тушиб турадиган ўн тўрт ёшли бу бола ён-атрофдаги тенгқурлари учун нақд асроилнинг ўзи эди. Муштлашишда ҳеч ким унга бас келолмасди. Ана-мана дегунча бирваракайига икки-уч болани ерга чалпак қилиб қўяверарди. Мушукдай чакқон, қайишдай чайир бола эди у. Қишин-ёзин олди очик қора сатин кўйлак кийиб юрарди.

Янгули отаси билан Венециан кўчасида, Чалбаш дарёсининг бўйида яшарди. Онасини эслолмайди – чақалоқлигидаёқ етим қолган. Ота-боланинг бор-йўқ давлати бир парча томорқа, биттагина сигир ва эшакдан иборат. Ошкўк, сут-қатик сотиб кун кўришади.

Янгули ҳеч қаерда ўқимасди. Отасининг юмушларига қарашар, аҳён-аҳён эшакда қўшниларга сут-қатик тарқатарди. Ўзига ўзи инъом этган бор вақтини кўчада ўтказарди. Темирйўл кесиб ўтиладиган жойда мактабдан қайтадиган болаларни пойлаб турар, биттама-битта уларнинг чўнтақларини тимирскилаб, тамакими, сарик қаками, соат занжирими ёхуд рангли қаламми – нимаики бўлса, барини шипшийдон қилиб олиб қўярди. Эртасига эса ўша нарсаларни яна ўша болаларнинг ўзига арзонрокка пуллар, сўнг тушган ақчага улар билан кимор ўйнаб, ношуд шерикларининг бор-будини обдон шиларди-да, чўнтақларини қаппайтириб уйига қайтарди.

Худонинг берган куни аҳвол шу эди...

Ўн тўрт ёшли бу золим Венециан кўчасида истиқомат қилувчи барча устидан, жумладан, холаваччам Кока устидан ҳам танҳо ҳукмронлик қиларди.

Хулласи калом, Янгули даҳанинг тан олинган сардори эди.

Бизнинг танишувимиз ўттиз саккизинчи йилнинг кузларида бошланган. Нина холам мени Тбилисидан олиб келган куннинг эртасигаёқ бутун Сухумига номи кетган мусиқа муаллими Елена Михайловна Навродскаянинг уйига бошлаб бориб, ўзини таппа унинг оёқлари остига ташлади:

– Етимчага раҳмингиз келсин! Онаси скрипкага олиб борарди... Оллонинг иродаси экан, бир кунда онасидан ҳам ажралди, скрипкасидан ҳам жудо бўлди... Шу болани тарбиянгизга олинг... Қанча сўрасангиз ҳам майли...

Навродская эшитиш қобилиятимни текширди, ҳар турли ноталарни ўқитиб кўрди, бармоқларимни кўздан кечирди, иягим остидаги қадоқни сийпалади. Сўнг бироз иккиланиб турди-да, нариги хонадан скрипка кўтариб чиқиб, уни созлашни буюрди. Холам типирчилаб қолди, аммо топшириқни туппа-тузук уддалаганимни кўриб сал хотиржам бўлди.

– Энди Бетховеннинг «Сурка»сини чал! – Елена Михайловна шундай дедию оромкурсига ястанганча чалишимни кута бошлади.

Бетховеннинг номини эшитиб, холамнинг авзойи бузилди.

– Муҳтарам Елена Михайловна, балки бошқа, мундоғроқ композиторни танлаган маъкулмикин? – деди у рўмолчаси билан пешонасидаги терни артиб.

– Ие, «Сурка»ни чалолмайдими ҳали? – дея хайратдан Навродскаянинг қошлари чимирилди.

Ҳаётимдаги орзиқиб қутилган дақиқалар етиб келди. Олти ёшимдан буён мени эзиб-янчиб келаётган шафқатсиз мусиқа жабрзулмидан биратўла ва бир умрга халос бўлиш имконияти туғилган эди. Шу тобда биргина «Йўқ!» деган афсунгар сўз оғзимдан чиқса, бутун азобларим барҳам топган бўларди. Аммо... холамнинг ёлворгандай мўлтираб қараб туришими, Навродскаянинг таажжубланганга



ними ёхуд ўн уч яшар боланинг гурурими – билмадим, ишқилиб, аллақандай сеҳрли куч мени камончани қўлга олишга мажбур қилдию... хона ичи «Сурка»нинг содда ва бемисл оҳангларига тўлиб кетди...

Нихоят, куйни чалиб бўлдим. Холамнинг кўзларида лик-лик ёш, Навродскаянинг чеҳраси эса ял-ял ёнарди.

Елена Михайловна рози бўлди...

Уйга қайтатуриб, темирйўл кесиб ўтиладиган жойда, кўприк устида ўтирган болага кўзимиз тушди. У бир парча ғишт билан зўр бериб ёнғоқ пўстини ишқаларди.

– Салом, Нина Ивановна! – деди у.

– Салом! – деди холам қуруққина қилиб.

– Кока қаерда?

– Мактабда-да, қаерда бўларди? Ҳамма сенга ўхшаган бекорчи-ми?

– Ким бу бола?

– Ишинг бўлмасин! – деб жавоб берди холам елкамга никтаб.

Янгули чўзиб хуштак чалиб қўйди. Биз йўлга равона бўлдик.

– Ҳе-ей, скрипка!

Мен ўгирилиб қарадим.

Янгули тилини чиқазганча бир кўзини қисиб, худди скрипка чалаётгандай, ўнг қўлини чап билагига ишқади. Жон-поним чиқиб кетди.

– Маймун! – деб кичкирдим узокдан мушт ўқталиб.

– Эртага бизниқига кир, мушт ўқталишни ўргатиб қўяман! – деди у хахолаб.

– Қачон безорилигинг қолади, а? – Холам куйиниб бошини сарак-сарак қилди.

– Ким бу?

– Грек бола, Янгули. Отаси уйимизга сут опкеб туради... Унга яқинлаша кўрма! Безори у... Куну тун кўчага танда қўйган.

Мен яна бир бор ўгирилиб қарадим. Янгули ёнғоқ ишқалаганча масхараомуз тиржайиб турарди.

Холам мени жойлаштирган ўн учинчи мактаб темирўл кўтармасининг нариги томонида бўлганидан деярли ҳар куни Янгулига дуч келишим муқаррар эди.

Қарийб бир ойгача у менга мутлақо эътибор бермади. Ўзининг одатий машғулоти – атрофига ўртоқларини йиғволиб, ошиқ ташлаш ёки қимор ўйнаш билан андармон бўлиб юраверди. Аммо ҳар гал мен яқинлашганимда Янгули болалардан бирортасига ташланиб қолар – гоҳ телпагини кўзига бостириб қўйса, гоҳ ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, юмшоқ жойига тепар эди. Шунда негадир нигоҳини мен томондан узмасди.

Айни пайтда, мен ҳам ўзимни на Янгули, на унинг ўртоқлари зиғирча ҳам қизиктирмайдигандай тутардим. Аслида эса ҳозирок болаларга қўшилиб кетгим келиб турар – уларга ўзимнинг нималарга қодирлигимни кўрсатиб қўйишни истардим. Бироқ маҳаллада янги одам эдим, ён атрофимда Кокадан бўлак ёр-дўстим йўқ эди, бинобарин, Янгулининг каллакесарларига яқинлашишга юрагим дов бермасди. Аммо ўртамиздаги бетараф майдон тобора қисқараётганини, вишиллаб ёнаётган пилик пистонга яқинлашиб қолганини, бир кунмас-бир кун портлаш юз беришини кўнглим сезиб турарди.

Орадан роппа-роса бир йил ўтгач, ана шу кун келди...

Елена Михайловна ичкарида бошқа бир шогирди билан машғулот ўтказар, мен даҳлизда навбат кутардим.

Доира стол устида аквариум турар, унинг ичида сув ўтлари, бири биридан чиройли чиғаноқ ва тошлар оралаб тилла балиқчалар сузиб юрарди. Балиқлар оғзини кап-кап очиб, пуфакчалар чиқараверганидан негадир уларнинг қорни оч, деган хулосага келдим. Дарров чўнтагимдан қоғозга ўроғлиқ бир бўлак кора нон билан пишлокни чиқардим-да, апил-тапил ушоқлаб, аквариумга сепдим. Балиқчалар аввалига ҳуркиб кетиб, тошлар ортига беркинишди, кейин, гўё ниятим ёмонмаслигини сезгандай, бирин-кетин пана жойларидан чиқиб, емишга ташланишди.

Мен сув ичида кўтарилган олтин қуюнни завқ билан томоша қила бошладим. Аквариум бамисоли жажжи океандек жўш

уриб, бурқирарди. Аста-секин тўлқин босилди. Нафси ором олган балиқчалар сув ичида яна у ёқдан-бу ёққа хотиржам суза бошлашди. Айримлари аквариумнинг шиша деворига яқин келишардида, худди менга миннатдорлик билдиргандай, думларини хиёл қимирлатиб, жилпанглаб кўйишарди. Тўсатдан балиқчалардан бири – энг каттаси тўнкарилиб қолди. Кейин яна биттаси шундай бўлди. Ҳаял ўтмай аквариумдаги жамики балиқчалар қорнини осмонга қилиб, орқаси билан суза бошлади. Қўлимни сувга тиқиб, жониворларни ўнглаб кўйишга ҳарчанд уринмайин, улар яна лип этиб тўнкарилиб қолишарди. Шундагина ножўя иш қилиб кўйганимни англаб етдим. Ҳаш-паш дегунча аквариум ичидаги ҳаёт сўнди. Заҳарланган балиқчалар сув юзасига қалқиб чикди... Даҳшатдан юрагим орқага тортиб кетди. Скрипка солинган ғилофимни кўтариб секин жуфтакни ростламоқчи бўлиб турувдим – э, воҳ! – ичкаридан шогирдини кузатиб Елена Михайловна чиқиб келди.

– Кир! – деб мурожаат қилди у менга. Қоққан қозикдек туравердим.

– Кира қол! – деди у яна елкамдан эшик томон сал ниқтаб. Турган жойимдан жилмадим.

– Нима бало, дарсингни қилмадингми? – Елена Михайловнанинг овози ўзгарди. Миқ этмадим. У менга таажжубланиб қаради, сўнг нигоҳи нигоҳимга эргашиб, аквариум томон оғдию... фақат балиқшуносларгина тасаввур қила оладиган ҳодиса юз берди. Елена Михайловнанинг тиззалари қалтирай бошлади, бир зумда лаблари кўкариб кетди, аранг бориб оромкурсига ўтирдию титроқ овоз билан менга сўз қотди:

– Сен нима қилиб кўйдинг, ярамас?!

– Билмабман, Елена Михайловна... Қора нон билан пишлоқ сепдим, холос...

– Заҳарлабсан! – деди у инграб. Кейин, худди биров арзанда боласини бўғизлаб кўйгандай, иккала кафтини юзига босиб хўнграб юборди.

Бир нималар деб ғудранганим, ўзимни оқлаганим, аламзада аёлни юпатишга уринганим эсимда. Қани энди нафи тегса. Аёл ўрнидан

туриб, аквариум ёнига борди. Сувдан жонсиз балиқчаларни битта-ма-битта олиб, ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўпиб, яна аквариумга ташларкан, йиғи аралаш нукул:

– Азизларим, олтинларим, нуридийдаларим... Сизларни захарладилар, ўлдирдилар! – дея саннарди.

Кейин у менга юзланди. Кути ўчган, ияги титрар, кўзларидан дув-дув ёш қуйиларди. Қўққисдан Елена Михайловна юзимга тарсаки тортиб юборганди, ағдарилиб тушишимга сал қолди.

– Жўна бу ердан, ваҳший! Иккинчи қадамингни босма!.. Йўқол!

Шапалоқ оғриғини ҳам, бўғзимга қадалиб турган алам ёшларини ҳам базўр ичимга ютиб, хонадан чиқдим.

Эсанкираган, шармандаю шармисор, чала ўлик бир ахволда уйга қараб жўнадим. Темирйўл кесиб ўтиладиган жойда, одатдагидек, Янгулининг тўдаси уймаланарди. Беихтиёр бошим ўша томонга оғди – ҳозир уйга боришдан нима фойда! Болаларга яқин қолганда қадамимни секинлатдим-да, атайин энгашиб, ботинкамнинг ипларини титкилай бошладим.

– Ҳе-ей, скрипка!

Янгулининг овозини дарров танидим.

– Нима дейсан?

– Бу ёққа кел!

– Ишинг бўлса – ўзинг кел!

Янгули ўзидан ҳам баттар таажжубланган ўртоқларига бир қараб қўйди-да, аста мен томонга юра бошлади.

– Кимлигимни билмайсанми ҳали? – деб сўради у кишининг гашига тегадиган бир оҳангда.

– Биладан, – дедим кўзларига тик қараб.

– Бўлмаса, нега чақирганда келмайсан?

– Ким бўлсан мени чақирадиган? – дедим яна беписандлик билан, аммо, ҳар эҳтимолга қарши, скрипка солинган ғилофни ерга қўйдим.

Янгули ўйинни ҳам унутиб, бизни қуршаб олган болаларга яна бир-бир қараб чиқди.

– Янгули, кимлигингни бир кўрсатиб қўй! – деди болалардан бири.

– Сол, Янгули! – дея кўшимча қилди иккинчиси.

– Бир шапалоккина! – деб маслаҳат берди учинчи бола.

– Олдин зўрлигини бир кўрайлик-чи! – Янгули шундай деб, юзимни бир сийпалаб кўйди.

– Кўлингни торт! – деб бақирдим унга.

– Ол-ла! – дея хайрон бўлди Янгули.

– Уни қаранглар-а!

– Попирисни чиқаз! – деди Янгули бирдан кўлини чўзиб.

– Чекмайман!

– Пулни ол!

– Пулим йўқ.

– Чўнтақларингни ағдар!

– Ўзинг ағдар!

Болалар пичирлаша бошлашди. Янгули довдираб қолди, аммо дарров ўзини босиб, скрипкага кўл чўзди.

– Торт паншахангни! – деб бақирдим скрипка устига энгашиб. Лекин Янгули ўзғирлик қилди – ғилофни очиб, асбобни менга узатди.

– Қани, бирорта куй чалиб болаларни хурсанд қилгин-чи!

– Чалмайман!

– Нега бўлмаса бу даҳмазани кўтариб юрибсан? Эси йўқ эшак-мисан?

– Бер скрипкани!

Янгули асбобни орқасига яшириб, бир қадам тисарилди.

– Петя, Фема, Курлик, Панчо, Тена! Умрларингизда скрипка овозини эшитганмисизлар! – деди у болаларга мурожаат қилиб. Улар бараварига чулдирашди.

– Радиодан эшитганман! – деди Петя.

– Бўла қол, Янгули, бир кўрсатиб кўй!

Скрипкамнинг овозини ҳаммадан олдин ўзим эшитдим: Янгули қулочкашлаб туриб скрипка билан бошимга туширди.

«Зи-и-нғ... қарс» этган товушдан сўнг асбоб иккига бўлинди. Унинг қорни, худди шартта чопиб ташланган кўлдай, нозик симларга осилганча лапанглаб турарди.

Болалар хахолаб, ерга думалашди.

Юрагим гўё тўхтаб қолгандай бўлди, миямга қон урилди, кулоқларим битиб қолди. Мен ҳеч нарсани эшитмас, сезмас эдим, фақат қорнини чангаллаб кулаётган болаларни, пачоқ бўлган скрипкани ва Янгулининг туртиб чиққан озгин иягини илғардим, холос. Бирдан бор кучим билан ана шу ияк остига мушт солдим.

Эс-хушимни йиғиб олганимда Янгули кўприк устида ўтирар, менга хайратомуз тикилганча ўнг қўли билан иягини ишқаларди. Болалар чурқ этишмасди.

Шартта бурилиб, уйга жўнадим.

Ўша куни кечқуруноқ қўшнимиз ва Янгулининг ўнг қўли ҳисобланмиш Петя мажакланган скрипка билан ғилофни уйимизга олиб келиб, остонага ташлади-да, қуённи сурворди.

Фигони фалакка чиққан холам аввал Петяни, сўнг Янгули Александридини, охирида ўзимни бисотида бор ёмон сўзлар билан қарғашга тушди:

– Ҳа-а, ер ютсин сени, Петя касофат! Илойим, бўйгинанг гўрда чирисин! Сен ҳам бир, кўкатфуруш отанг ҳам бир! Сенлар скрипканинг қадрига етасанларми? Паганиними, Страдиварими, арракашми – сенларга барибир! Энг аввал сенинг гўштингни қиймалаш керак эди. Янгули Александриди! Ҳайф сенга мусиқа! Эшакнинг ханграшини эшитиб катта бўлган бола мусиқани тушунармиди! Ҳаммасига уйимдаги янги безори айбдор! Мана шуни оёғидан осиш керак! О, опажоним Анико! Ўзимнинг ташвишим етмаётувдимики, яна манови ғурбатни бошимга бало қилиб ташлаб кетдинг-а! Нима гуноҳ қилдим, эй Парвардигор!

Ўша куни мусиқа оламидаги саргузаштларимга нуқта қўйилди. Ҳаётимда янги давр – яшаш учун кураш даври бошланди...

Эртаси куни Янгули билан Петя бизни мактаб дарвозаси олдига қарши олишди. Юрагим шув этди, аммо, гўё кеча ҳеч нарса бўлмагандай, ёнидан бепарво ўтиб кетдим.

– Скрипка! – Петянинг овози эди бу.

Тўхтадим.

– Гаплашволишимиз керак! – деди Янгули ёнимга келиб.

– Нимани гаплашамиз?

– Бу ер нокулай, – дея у мактабдан чикиб келаётган ўқувчи ва муаллимларга ишора қилди.

– Қаерда бўлмаса? – деб сўрадим.

– Темирийўлнинг нарёғида, кўприк остида.

– Ихтиёринг.

Янгули йўл бошлади, Кока иккаламиз унга эргашдик. Петя эса орқада келарди («Қочиб кетмаслигимиз учун», деган ўй кечди кўнглимдан).

– Тамом бўлдик! – деди саросимага тушган Кока. У мендан икки ёш кичик, бунинг устига, Янгулининг тарсакилари ёдидан кўтарилмаганди.

– Кўркма! – дедим унга тасалли бериб, лекин ичимдан ўтганини ўзим билиб турардим. Темирийўл кўтармасидан пастга тушаётганимизда Кока қочиб кетмоқчи бўлди, базўр билагидан ушлаб қолдим:

– Қаёққа? Шарманда бўлгинг келяптими?

– Сен уни билмайсан! Иккаламизниям дабдала қилади! – деди Кока ялинчоқ овозда.

– Қилса қилар! Ўлдирмайди-ку ҳарқалай!

Кока худди курбонликка аталган бузоқдай чор-ночор яна менга эргашди.

Янгули темирийўл кўприги остида тўхтаб, атрофга аланглади. Ҳеч ким йўқ эди.

– Мана, келдик. Хўш, нима демоқчисан? – дедим.

Янгули бироз индамай турди, кейин аста сўз бошлади:

– Кеча мени болаларнинг олдида шарманда қилдинг... Қаттиқ урдинг, кўкқисдан... Ўрнимдан туролмадим, шунинг учун ҳам сен насибангни олмадинг... Турмоқчи бўлдим-у, туролмадим...

Янгулининг бундай очик, самимий гапиришидан анграйиб қолдим.

– Мен – раҳбарман, маҳалланинг хўжайиниман, шундай бўлиб қоламан... – дея давом этди у.

– Бўлсанг бўлавер, лекин мени тинч кўй, – дедим мен ҳам ўшандай самимийлик билан.

– Мендан катта бўлганинга – майли эди! Лекин мендан ёшсан, шунга қарамай, кўл кўтардинг... Бунақаси кетмайди. Подада серка битта бўлиши керак – ё сен, ё мен!

– Айтдим-ку, менга ҳеч нарса керак эмас! – деб такрорладим.

– Йўқ, ургочи гап бу... Муштлашамиз!

– Майли, – дедим рози бўлиб.

– Фақат ҳалол муштлашамиз!

– Ҳалол деганинг нимаси?

– Петя билан Кока аралашмайди! Сўкишиш йўқ! Тош билан уриш йўқ! Йиқилганга тегилмайди!

– Бўпти!

– Агар бугун сени енгсам, эртага кечаги болаларнинг олдида яна бир марта ураман. Шу билан тамом.

– Кўрамиз ҳали ким кимни енгади...

Янгули қора сатин кўйлагини ечди. Кенг, таранг кўкрагини кўриб, сесканиб кетдим. Бу ҳам майли, чап тўшининг устига кўкиш рангда нақшланган лотин ҳарфларидаги ёзув мени негадир буткул довдиратиб кўйди: «Hellados»<sup>1</sup>.

Янгули Петяга грекчалаб бир нималар деди. Петя миқ этмади.

Янгули яна такрорлади. Петя истамайгина иккала чўнтагидан иккита каттакон тошни чиқариб, бир четга улоқтирди. Янгули Кокага қаради. Кока шоша-пиша қоқ-курук чўнтақларини ағдариб кўрсатди.

– Бошладик! – деди Янгули.

– Бошладик! – дедим мен ҳам.

Олишув икки-уч дақиқагина давом этди.

Мен муштларимни тугиб, Янгули эса беш панжаси билан урарди. Мен уранда овоз чиқмас, аммо Янгули ҳар туширганда атрофдан қарсиллаган акс садо келарди. Петя Янгулига грекчалаб далда берар, Кока эса менга грузинчалаб бидирларди:

---

<sup>1</sup> *Hellados* – Эллада (юнон).



– Калла қил, Жамол, калла қил!

Муштлашганда калла қилиш нималигини ўзим ҳам биламан, бироқ Янгулига яқинлашиб бўлмаётганди: унинг чайир, терлаган гавдаси ҳар гал сирғалиб кўлимдан чиқиб кетаверарди.

Яна бир қарсиллаган товуш эшитилдию бурнимдан тизиллаб қон отилди. Қонни артгунимча Янгули тағин бир марта туширди: натижаси шу бўлдики, кеча худди Янгули ағдарилгандай гуп этиб ерга қуладим, фақат битта фарқи бор: ҳозир мен турадиган ҳолдаман, аммо Янгули кеча ўрнидан туролмаганди.

Нима бўлганда ҳам бугунги олишувнинг якуни маълум: мен ютқаздим. Янгули бироз кутиб турди, муштлашишни давом эттириш ниятим йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, шошмасдан кўйлагини кия бошлади. Нигоҳим яна кўксигадаги ғалати сўзга тушди: «Hellados».

– Эртагача! – деди Янгули. Устки лаби шишиб кетганини, чап қоши ёрилганини шундагина пайқадим.

Янгули билан Петя тепага кўтарилиб, темирйўл ёқалаб кетишди. Кока иккаламиз пастда қолдик.

– Ҳечқиси йўқ, у ҳам оладиганини олди! – дея Кока менга тасалли берган бўлди.

– Эртага барибир уни енгаман! – дедим.

– Олдин бир ойнага қараволсанг бўларди! – деди хўрсиниб Кока.

– Юзим ёмон шишибдими?

– Кўпчиган хамирнинг ўзгинаси! – деди Кока четга қараб.

– Ў-ў, ярамас!

Бу гал холам индамади. Юзимга авайлаб хўл латта босди. Эртасига эрталаб худди ўшандай хотиржамлик билан қатик тўла хурмачани Христо Александридининг бошига уриб синдирди, баайни Янгули скрипкани менинг бошимга уриб синдиргандай. Кейин, совет пионерини ваҳшийларча калтаклагани учун безори ўғлингни қамокда чиритаман, дея унга обдан пўписа қилди.

Эртасига мактабга бормадим – юзимдаги шиш ва мўматалоқларни даволадим. Учинчи куни темирйўл кесиб ўтиладиган жойда

Янгулидан бошқа деярли бутун маҳалланинг болалари тўпланиб турганини кўрдик. Улар бизни хуштак ва таҳкирлар билан кутиб олишди.

– Қалай, Скрипка, тавбангга таяндингми?

– Энди уни тинч кўярсан? Ё ўлгинг келяптими?

– Бу ер сенга Тбилиси эмас!

Бутун тўда ўтган кунги мағлубиятимни эшитиб бўлганди.

Уларнинг гап-сўзларига эътибор бермай сўмкамни аста ерга кўйдим, ўзим ҳам ўтириб, Янгулини кута бошладим.

– Келяпти! – деб қичқирди кимдир бирдан.

– Ҳозир кўрамиз томошани! – деди яна биров.

– Салом! – Янгули ҳамма билан сўрашди, кейин менга кўзи тушиб бақа бўлиб қолди.

– Мана, Янгули, лаҳм гўшт ўз оёғи билан келди. Тезроқ еяқол! – деди Петя уни гижгизлаб.

– Шундоқ еяверасанми, икра ё сарёғ биланми?

Янгули амирона ишора билан ҳамманинг овозини ўчирди, сўнг бамисоли қабила оқсоқолидай ўз қавмига юзланиб, тарихий нутқ ирод этди:

– Болалар! Менким, Янгули Александриди, сизлар сайлаган сардор, сизларга, Венециан кўчасининг хур фарзандларига мурожаат қиламан! Рўпарангизда тблисилик рангпар лақма билан унинг жи-яни – ватан ва қабила хоини, мишиқи Кока турибди. Мана бу рангпар келгинди бизнинг меҳмондўстлигимиз ва мурувватимиздан баҳраманд бўлиш ўрнига – Худо сийлаган еримизни, денгизимизни, жамики дарёларимиз, олтин ва кумушларимиз, ўтлоқларимизни ўзиники қилиб олмоқчи...

– Бас қил майнавозчиликни! – дедим унинг гапини бўлиб. – Муштлашамиз!

Янгули менга тикилиб турди-да, сўзида давом этди:

– Ҳозир сизларга рангпар гўштан қандай қилиб қовурдоқ тайёрлашни кўрсатиб кўяман.

– Олифтагарчилик қилма! Бошлаймиз!

– Хўй мишиқи! – Янгули Кокага мурожаат қилди. – Югур, «Тез ёрдам»га қўнғироқ қил, беш дақиқадан кейин келиб холаваччангни олиб кетсин. Унгача беҳуш бўлади.

Болалар ҳузур қилиб кулишди.

– «Тез ёрдам» бугун сени олиб кетади! – шундай деб, ўрнимдан турдим.

Томошабинлар давра олишди.

Янгули Петяга икки оғизгина пичирлади. У камарини еча бошлади. «Нахотки, камар билан урса?» деган ўй ўтди кўнглимдан.

Петя камарни Янгулига узатиб, даврага қайтди. Янгули тўпланганларга виқор билан бир назар ташлаб чиққач:

– Мен бу рангпар билан икки кўллаб муштлашмайман. Бунга битта кўл ҳам кифоя. Петя, чиқ бу ёққа, кўлимни боғла! – деди.

Атрофдан «Қойи-ил» деган хитоблар эшитилди, менинг эса юрагим орқага тортиб кетди. Бу қанақа найранг!

Петя ўртага чиқиб, Янгулининг чап кўлини гавдасига кўшиб боғлаб кўйди.

– Масхаравозликни бас қил! Чиқаз кўлингни! – дедим.

– Йўқ, сен билан икки кўллаб муштлашиш менга уят!

Болалар тагин завқланиб кулишди.

– Э-э, унақада муштлашмайман! – Мен сўмкамга энгашдим.

– Кўрқяпсанми? – деб сўради Янгули.

– Йўқ, кўрқаетганим йўқ, хохламайман. Чиқаз кўлингни! Барибир бугун калтак ейсан!

– Бошла, кейин афсусланасан! – Янгулининг жаҳли чиқа бошлади.

– Солсанг-чи, нимани кутяпсан! – деб шивирлади менга Кока.

Бош чайқаб туравердим. Ахийри бўлмагач, Янгули яқин келиб, тарсаки тортиб юборди. Юзимдан олов чиқиб кетди, лекин кўлимни қимирлатмадим. Янгули яна урди, кейин яна. Сезиб турибманки, бор кучи билан урмаяпти. Унинг тарсакилари рақибига зарба беришдан кўра ўйинқароқ болага пўписа қилишга ўхшарди. Жавоб қайтармаётганимни кўриб Янгули кўлини туширди. Мен шартта

бурилиб, бир оғиз ҳам гапирмай, жанг майдонини тарк этдим. Болалар индамай йўл бўшатишди.

– Хў Скрипка! – Бу Петянинг овози эди, шу заҳотиёқ чарсиллаган товуш ҳам эшитилди. Янгули Петянинг юзига тарсаки тортган эди.

Оркамга қарамадим – мен йиғлардим, болалар кўзёшларимни кўришларини истамасдим.

Йиғлардим-у, лекин бугунги олишувда ғолиб чикқанимни ичичимдан ҳис этардим.

Тонготар, ҳали ғира-шира пайтда мен Александридилар дарвозаси олдида турардим. Христо эшакка тўқим урар, Янгули эса унга ёрдамлашарди. Мени кўриб ёнимга келди.

– Ҳа, арз қилгани келдингми? – деди у отаси томон бош ирғаб. Христо орқа ўгириб турганидан мени кўрмасди.

– Ким кепти? – деб бақирди у ишидан кўз узмай.

– Ўртоғим.

– Янгулининг вақти йўқ, бозорга боради! – Христо ўгирилиб мени кўрдию ҳайрон бўлди: – Ие, ярашдингларми?

– Ярашдик! – деб жавоб қилдим.

– Ҳа, мана бу бошқа гап! Икковинг ҳам зўр йигитсан-ку! – Христо суюниб кетди. – Кир бу ёққа!

– Раҳмат, шошиб турибман... Қачон қайтасан?

– Кечки пайт, – деб жавоб берди Янгули.

– Кўприк тагида кутаман!

Шундай дедиму изимга қайтдим.

\* \* \*

У келди, индамай эшагини бир четга боғлади-да, кўйлагини ечиб тўқим устига ташлади, шунда яна кўксидаги афсунгар сўзга кўзим тушди: «Hellados».

Бугунги олишувимизга фақат эшак шоҳид бўлди. Муштлашиш узоқ давом этди. Ҳар қанча уринмайин, Янгули ўзғирлик қилди – биринчи зарбани у берди. Мен йиқилмадим, фақат чайқалдим, холос.

Иккинчи марта ҳамла қилганида чакқонлик билан гавдамни орқага ташладим, қўли бурним ёнидан шувиллаб ўтиб кетди. Аммо у шу қадар шиддат билан қулоч отгандики, мувозанатини йўқотиб, мункайганча бир қадам олдинга ташлади. Шунда... Ҳув, ўша биринчи бор муштлашганимизда бўлганидай, озгин ияги ўнгимга келиб қолди. Мен ҳам ўша ияк остига қаттиқ мушт солдим. Янгули йиқилди, бир муддат кимир этмади. Энди ўрнидан туролмайди, деб ўйлагандим. Аммо у бирдан сапчиб турди-ю, яна менга ташланди. Унинг очиқ панжаси билан менинг муштим нишонга бир вақтда тегди. Кўзим тиниб, чўккалаб қолдим, беихтиёр кафтларимни юзимга босгандим, бурнимдан тизиллаб қон оқаётганини сездим. Сал ўзимга келиб қарасам, Янгули ҳам чўккалаганча ёрилиб кетган лабларидаги қонни артяпти. Бир амаллаб қаддимни ростладим. Янгули ҳам ўрнидан турди.

Биз бир-биримизга узоқ тикилиб қолдик. Пишиллаб нафас олаётганимизни ҳам иккаламиз ҳам эшитиб турардик. Мен Янгулининг яна ҳамла қилишини кутардим, аммо, таажжубки, муштлашишга менда на хоҳиш, на кайфият қолганди. Бироқ энди ҳеч қачон Янгули менга зўравонлик қилолмаслигини ҳам билиб турардим.

– Бас! – деди Янгули кутилмаганда.

– Бўпти! – Мен ҳам рози бўлдим. – Лекин эртага болаларнинг олдида муштлашамиз! – дея қўшиб қўйдим ҳар эҳтимолга қарши.

– Кераги йўқ. Зўр бола эканингни болаларга ўзим айтаман. Лекин билиб қўй, биринчиликни сенга бермайман!

– Кераги ҳам йўқ!

– Хоҳласанг, иккинчи бўла қол.

– Менга ҳеч нарса керак эмас! Сенинг йўлинг бошқа, менинг йўлим бошқа! – Мен кетишга чоғландим.

– Тўхта! Бунақаси кетмайди. Ҳар куни муштлашавермаймиз-ку, ахир. Ке, келишволайлик: эртадан бошлаб фақат сўкишамиз. Ким қойиллатса – ўша ғолиб!

– Майли, розиман.

Мана, яна болалар куршовидамиз. Бу гал ўртамизда даханаки жанг авжигга чикқан.

- Жамол – эшакмия!
- Янгули – кўкатфуруш грек!
- Тбилисилик мишиқи!
- Эшакбоқар!
- Тўнғиз!
- Чириган бодринг!
- Тошбақа!
- Итбалиқ!
- Медуза!
- Овсар!
- Паганини!

Бисотимдаги ҳақоратбоп сўзлар тугади. Янгули кутиб турарди – навбат меники эди.

- Бўла қол, ютқазасан! – деб турткилади Кока.
- Менда бошқа йўк!
- Онасига ўт!
- Йўк, онани аралаштириб бўлмайди!
- Шени деда ватире, дегин! Уят жойи йўк бунни!
- Ўрчисчасига нима дегани?

– Сен грузинчасига айтавер! У барибир тушунмайди! – Кока хол-жонимга қўймасди.

– Янгули, шени деда ватире! – грузинчалаб шундай дедиму жавобини жон ховучлаб кутиб турдим.

- Имана су ине простикаса инека, Жамол!

Сездимки, Янгули ҳам онамга тил теккизди, аммо бу сўзлар шу қадар хушоҳанг, шу қадар ёқимли эшитилдики, гўё у гўзал бир кўшиқни бошлагандай бўлди назаримда. Мен яна такрорладим.

- Шени деда ватире, Янгули!
- Имана су ине простикаса инека, Жамол!

Бу ҳол ярим йилча давом этди. Сўнг эҳтиросларимиз аста-секин сўнди. Иккаламизнинг ҳам ҳақорат луғатимизда биттаю битта жумла қолди, ҳар учрашганимизда мен: «Шени деда ватире, Янгули!» дердим, у бўлса: «Имана су ине простикаса инека, Жамол!» дерди.

\* \* \*

Офтоб чарақлаб турарди. Кока иккаламиз мактабдан қайтардик. Темирийўл кесиб ўтиладиган жойда, одатдагидек, Янгули ўртоқлари билан ивирсиб ўтирарди. Мени кўрдию шартта ўрнидан туриб, истикболимга юра бошлади.

– Янгули, шени деда ватире! – дея ўзғирлик қилдим.

У тўхтаб, маъюс нигоҳ билан узоқ тикилиб турди.

– Шени деда ватире, Янгули! – деб такрорладим яна.

Янгули бошини эгди, кейин бурилиб, аста... уйи томон кета бошлади. Мен донг қотиб қолдим.

– Кўрдингми куён бўлганини?! Энди хўжайинлик қилолмайдди! – дедим Кокага.

– Йўқ, энди бошланди! – Кока мийиғида кулиб қўйди.

– Қанақасига?

– Шунақасига-да. У сени енгди, Жамол!

– Нега сўкинмади бўлмаса?

– Кеча ойингни суриштирганди: ким, қаерда... Мен нима дейин... Шунақа, шунақа... ҳалиги... Йўқ... ўлган, дедим. Шунинг учун ҳам сўкмади-да сени...

Ғалати бўлиб кетдим.

– Аҳмоқ, овсар! Нега кеча шуни менга айтмадинг?

– Қайдам...

– Янгули! – деб қичқирдим орқасидан. Аммо у анча узоқлашиб кетган, овозимни эшитмасди. Ё эшитса ҳам, эшитмаганга олдим...

Шу ондан бошлаб Янгули ўн баравар улғайгандай бўлди менинг назаримда. Орамизда ғанимлик бўлмаганидек, яқин дўст ҳам бўлолмадик у билан. Учрашиб қолганимизда бир-биримизга жилмайиб, қўл силкиб қўярдик, холос. Аҳён-аҳён отасининг ўрнига

уймизга сут ёки қатик олиб келганида уч-тўрт оғиз гаплашардик. Шунда ҳам суҳбатимиз сут-қатикнинг баҳосию эшакдан нарига ўтмасди.

Ўша куни Янгули сут опкелди. Ҳовлида унга кўзим тушдию... таниёлмай қолдим. Башараси мўматалоқ бўлиб кетганди.

– Нима бўлди? – деб сўрадим ажабланиб.

Ақл бовар қилмасди – бу атрофда Янгулига ким кўл кўтариши мумкин?! Ёки бирорта каттароқ ёшдаги одамнинг ишимикан бу?

– Ҳеч нарса? – деди у четга қараб.

– Афтингга бир қарагин...

– Ҳечкиси йўқ! – дея жилмайди у.

– Янгули, ким урди? Агар кучинг етмаган бўлса, бирга борамиз! Янгули бош чайкади.

– Эшагингни боғла, хозирок борамиз! – деб сут солинган хурмачани зинага қўйдим.

– Кераги йўқ, унга барибир кучимиз етмайди! – деди Янгули синик кулимсираб.

– Нега етмас экан?! Иккаламизниям-а?

– Иккаламизниям, бутун Венециан кўчасиниям...

– Ким экан у муштумзўр?

– Отам!

– Отанг?

– Отам.

– Нима гуноҳ қилувдинг? – дея унинг шишиб кетган чаккасига авайлаб қўлимни текказдим.

– Сабаби бор-да...

– Нима иш қилиб қўйдинг?

– Уч кундан кейин Сухумига Грециядан пароход келади. Бу ерлик греклар Элладага қайтишяпти. Отам ҳам...

– Хўш, нима кипти?

– Кетмоқчимасман... Отамнинг гапига караганда, бизнинг ватанимиз, она тупроғимиз ўша ерда... бизни аждодлар руҳи чақираётганмиш, бу нидога қулоқ солиш шартмиш...



– Нега бирга кетмоқчимассан? – деб сўрадим астойдил таажжубланиб.

Янгулидан анча вақтгача садо чикмади. Нукул эшагининг қулоғини силарди. Силаб турганида кулоқ кафтига ётар, аммо кўйиб юборди дегунча, худди суҳбатимизни эшитолмай қолишдан қўрққандай, дарров яна диккайиб оларди.

– Қандоқ тушунтирсамикин... – деб гап бошлади у ниҳоят. – Онам йўқ, хатто эслолмайман ҳам. Отам уззукун томорқада ёки тирикчилик ташвишида... Мен кўчада, Венециан кўчасида катта бўлдим... Менинг ватаним, менинг Элладам бу – Сухуми, кўча, Чалбаш; бу – Кока, Петя, Курлика, Фема, Қора денгиз, кўприк... – У бир ютиниб олиб давом этди: – Бу – Мида... қолаверса, сен...

Миданинг исмини менинг олдимда Янгули биринчи марта тилга олаётганди. Аммо мен Мида – бир абхаз кишига турмушга чиққан грек аёлининг қизи эканини, Сухумида ундан гўзал қиз йўқлигини, Янгули уни яхши кўришини билардим.

– Тушундингми энди?

Аъзойи баданим жимирлаб кетди. Бунақа сўзларни умримда биринчи марта эшитаётгандим.

– Бу нима бўлмаса? – Мен Янгулининг кўкрагини очиб, баланд овозда ўқидим: – Hellados.

– Бу – нақш, Жамол. Ватан – ичкарироқда, нақд юракнинг ўзида! – Янгули кўлини кўксига кўйди.

Ўпкам тўлиб, томоғимга аччиқ бир нарса қадалди, унга яна бир нималар демоқчи эдим-у, аммо Янгули эшагини нўхтасидан етаклаб, ҳовлидан чиқиб кетди.

Орадан уч кун ўтгач, эрта тонгда ҳовлимизга эшагини етаклаб Янгули яна кириб келди.

– Отам ҳамма нарсани сотди: сигирниям, уйниям, бошқа лашлушларниям. Эшакни ҳеч ким олмаяпти. Биламан, сизлар уйда эшак сакламайсизлар, урф-одатларингга тўғри келмайди. Лекин чакки қиласизлар. Бундан беозор жонивор йўқ дунёда – меҳнаткаш, беминнат дастёр... Нима қиламан буни энди? Греklarнинг ҳаммаси

кетяпти... Кўчага хайдаворолмайман-ку... Қўркма, бунга парваришнинг кераги йўк. Бир тутам хашак бўлса кифоя... – Янгули тутилиб-тутилиб гапирар, тўхтовсиз эшакнинг бўйнини силарди.

– Сен-чи? Сен ҳам кетяпсанми?

– Кетяпман... Эшакни опқоласанми?

– Бўпти!

– Лекин хайдаворма!

– Йўк, йўк!

– Нина Ивановнага ҳам айтиб қўй, хайдамасин!

– Албатта айтаман.

– Кока ёрдамлашади... Эшакка кўп нарса керакмас. Бир тутам хашак...

– Ташвишланма, Янгули.

– Исми Аполлон.

– Биладан.

– Авайлайсанми?

– Хотиржам бўл.

– Майли, мен кетдим... Пароход кечқурун жўнайди...

– Борақол...

– Хайр, Жамол!

– Кечқурун портга чиқаман, Янгули!

Биз кучоклашдик. Янгули анча вақтгача мени бағридан бўшатмади. Кейин шартта бурилиб, гўё аллақандай мудҳиш ва ёвуз нарсадан қочгандай, чопиб чиқиб кетди...

Кечқурун портга бутун Сухуми кўчиб чикди.

Ҳамма ёқ гулга кўмилган, оркестр жаранглар, одамлар кўшиқ айтиб, рақсга тушишарди. Вағир-вуғур орасидан «Раҳмат», «Хайр», «Омон бўлинглар», деган сўзлар қулоққа чалинар, аммо кўз ёшлари ундан ҳам бисёр эди.

Сухумиликлар ўзлари билан эт-тирноқ бўлиб кетган кадрдонлари – греклар билан хайрлашишарди. Греклар аллақачон нукрадай оппоқ «Посейдон» кемасига чиқиб олишган, ўша ердан туриб қўл

силкишар, грекча, русча, грузинча, арманча лафзда бир нималар деб кичкиришарди.

Мен болаларга кўшилиб, соҳилдаги панжара деворга қапишганча, нигоҳим билан Янгулини излай бошладим. Ва уни топдим. Эгнида ўша ўзи ёқтирадиган олди очик қора сатин кўйлак.

– Янгули, Янгули! – дея кичкиришга тушдим қўл силкитиб. Янгули кузатувчиларга узоқ, жуда узоқ разм солди ва бирдан мени кўриб қолди. Иккала қўлини баланд кўтариб, нидо берди:

– Жамол, эго агапо имана су!

– Жамол, ойингни яхши кўраман!

У грекча нимадир деб бақирди-ю, аммо менга қўшиқ айтгандай туюлди. Тагин шу нарсани сездимки, назаримда, кемадан қочиб кетмасин дебми, отаси уни билагидан маҳкам ушлаб турарди. Яна унинг қўшиғини эшитишга, яна унга мўлтираб туришга бардошим етмади. Кемага терс ўгирилдим-да, йиғлаганча уйга жўнадим.

Орадан бир кун ўтиб, Келасури дарёсининг қуйилиш жойида денгиз тўлқинлари бир боланинг жасадини соҳилга чиқариб ташлабди. Тўғрироғи, уни кекса балиқчилар сувдан тортиб олиб, қумга ётқизишибди. Сўнг мурданинг кимлигини аниқлаш учун шу атрофда ўйнаб юрган болаларни чақиришибди.

Марҳумнинг башараси шу қадар дабдала бўлиб кетган эканки, уни ҳеч ким танимабди.


Уни мен танидим. Чап тўшининг устидаги «Hellados» деган сеҳрли ёзувни кўргандан кейин танидим.

Нафасимни ичимга ютганча соҳилдан, сўнг темирйўл бўйлаб, кейин Венециан кўчасидан тўхтовсиз югуриб, телбаларча уйга отилиб кирдим.

– Ҳа, нима бўлди?! – Холамнинг капалаги учиб кетди.

– Нина хола... Янгули қайтиб келди...

Сўнг холамнинг олдида чўккалаб, оёқларини кучоқлаганча хўнграб йиғлаб юбордим...



## *Карлос Фуэнтес*

*(1928–2012)*



*Мексикалик ёзувчи, дипломат ва сценарийнавис Карлос Фуэнтес Панамада дипломат оиласида таваллуд топади ҳамда кейинчалик уларнинг оиласи Вашингтонга кўчиб ўтади. Унинг ёшлик йиллари Монтевидео, Рио-де-Жанейро, Вашингтон, Сантьяго, Буэнос-Айрес сингари йирик шаҳарларда ўтади. 1944 йилда бобоси ва бувисиникида қўним топиб, 1965 йилгача улардан Мексика тарихи ва халқ оғзаки ижодига оид беқийёс манбаларни ўрганади, Мехико миллий университети ва кейинчалик Женева халқаро алоқалар институтида олган сабоқлари туфайли отаси каби дипломатик фаолият олиб боради.*

*«Ниқобланган кунлар» деб номланган дастлабки ҳикоялар тўпламидан сўнг ёзувчига «Тумансиз ёруғлик сарҳади» романи катта шухрат олиб келди. Шундан сўнг у бутун ҳаётини адабиётга бағишлади. «Артемио Крусни ким ўлдирди?», «Аура», «Бизнинг заминимиз», «Гидранинг боши», «Узоқдаги оила», «Кекса гринго» сингари романлари орқали ёзувчи дунёга танилган. Асарлари жаҳоннинг ўнлаб тилларига таржима қилинган.*

*Унинг номи Борхес, Астуриас, Кортасар, Карпентьер, Маркес, Лъоса, Вальехо, Неруда, Амаду, Пас, Рульфо каби ёзувчилар қаторидан муносиб ўрин эгаллаган.*

## ЧАК МЎЎЛ

Филиберто якинда, арафа ҳафтасида ажал топди. Акапулкода чўкиб ўлди. Уни амалидан четлаштириб, ишдан бўшатишганди. Бу йиллаб қон-қонига сингган мансаб ҳирсига дабдурустдан тушган заҳмдек уни денгиз соҳилига судради. У гўё ҳеч нарса бўлмагандек немис пансионига ўрнашиб, оғизнинг сувини келтирадиган, оқ му-салласга бўккан қарам ва сосискаю гўштнинг тотли мазасини туйиш, арафа шанбасида Ла-Кебрадада мириқиб рақсга тушиш, шу асно Плайи-де-Орнос тунининг қоқ белида, кимсан, юқори жамоа табақасидан эканини кўрсатиб қўйиш жазавасида келганди. Ёшлигида сузишга уста, ҳозир эса қирқни уриб қўйганда, устига-устак, мансабдан айрилган аламли тунда чўмилиш, олисга сузиш нима бу? Фақат ақлдан озганлик, бошқа нарса эмас.

Эски мижоз – чўкиб ўлган мурдани фрау Мюллер пансионга қўймади. Аксига олиб, бугун оқшом диққинафас айвонда бал режалаштирилган, нариги дунёдаги дастлабки тунни сават, бўҳча ва лашлушлар орасида тобутда ўтказган шўринг қурғур кўкимтир-оқиш мурда автобус бекатида сахарги рейсни кутарди. Тонг-сахар мурдани жўнатиш ишларидан хабар олгани келганимда, Филибертонинг тобути кокос ёнғоғи уюмига кўмилиб ётганини кўрдим. Ҳайдовчи, йўловчилар ғимирлаб қолишмасдан, ичкарига олиб, жойлаб қўйсак, маъқул бўлармиди, барибир нохуш нарса-да, яшириб, ўраб қўйиш керак, деди.

Акапулкодан жўнаганимизда енгил шабада эсиб турганди. Тьерра-Кемадага етиб келиб-келмай, куёш найзага келиб, теварак-атрофни тандирдай қиздира бошлади. Нонушта пайти чўчка қолбасасини тановул қилиб, чала пиширилган тухумга қўл уришдан аввал ёдга тушиб, Филибертонинг Мюллер пансионидан олинган матоҳлари – икки юз песо, Мехикода чиқадиغان қанақадир ярим қонуний газета, қачо ўйнаш учун қарта, пансионга келиш учун сотиб олинган чипта (нега фақат бир томонга?) қаторида олганим – дафтарни варақлай бошладим. Юпқа муқоваси мрамар рангда, ялтироқ, арзонгина катак дафтар эди у.

Автобуснинг тарақа-туруқи ва чанкокни енгиб, мархум дўстимдан бироз хижолатланиб, унинг битикларини ўқий бошладим. Миямга дастлаб келган нарса – идорадаги ишимиз ҳақида ёзганмикин, нималарни ёзди экан, деб турсам, айни шундан бошлаган экан. Нега у шунчалар тез ўзгариб кетди? Ҳаш-паш дегунча, тубанликка кулади, вазифасини унутди, иш қоғозларига бефарқ, гап-сўзида алжираб қолди. Шулар ҳақида бирон нарса ёзганмикин? Наҳот зўрға эришган хизмат пиллапоясидан кечди, лоақал нафақа ҳақида ўйлаб кўрмади?

*«Нафақа масаласи билан шугулландим. Хўжайин яхши одам. Олдидан хурсанд чиқдим, таъбим қаҳва қўмсаб қолди. Ёшлигимизда бориб турадиган, ҳозирда умуман бош суқмай қўйган томонга юрдим. Йигирма ёш бошқа экан, қандай мазза эди у даврлар, қанақанги ўйнаб-қулардик! У пайтларда биронтамиз ҳақида биров гинг деб кўрсин эди, тамом, баробар ташланардик, кўксимизни қалқон қилиб уни ҳимоя қилардик, бироқ кейин билсак, айнан ўша боланинг миси чиқиб қолар, келиб чиқиши нотайинроқми-ей, хуллас, баъзи қилиқлари қуюшқонга сиғмай қоларди. Сир эмаски, баъзилар, айниқса, назарга тушмай юрадиган болалар тез ўринларини топашади, яна бир нарса аниқки, бўҳронли ҳаёт уммонини сузиб ўтишида қўл келадиган дўстлик ришталари, дарҳақиқат, шу ерда, коллежда қарор топади. Тақдир ўйинини қарангки, айни шунинг тескариси юз берди. Айримлар қандоқ бўлса, шундоқ қолди, ўсанлар эса биз кутгандан-да юксакларга парвоз қилди. Биз эсак, энг ишонган бандалар ярим йўлда қолиб кетдик, кутилган ҳаёт имтиҳонларида синдик. Ўртамизда шундай жарлик пайдо бўлдики, омадлилардан ҳам, омадсизлардан ҳам узилдик. Мана, бугун яна шу қадрдон ерда ўтирибман, тўғри, ўриндиқлар энди янги, худди сув сотадиган автоматларга ўхшаб ўзгарган, ҳамма нарса бошқача, ўзимиз-чи, бир «шахсий маълумотлар»имни варақлагим келиб қолди.*

*Қанча-қанча тенгдошлар кўз ўнгимдан ўтади – тамоман ўзгарган, у кунларни унутган, роҳат-фарозатда кун кечиради...*

Қадам олишлари ҳам меникидан ўзгача, худди мана шу қаҳвахона-дек таниб бўлмас даражада ўзгарган, шаҳар ҳам бундан мустасно эмас-ку. Улар мени энди танишмайди, йўқ, танишни хоҳлашмайди. Бир-иккитаси балки пўрим қўллари билан елкамга дўстона қоқиб қўйишар, салом-алик, тамом-вассалом. Улар билан ўртамизда гўёки жар сингари шаҳар четидаги бойлар клубининг ўн саккиз погонаси ётибди. Саҳифама-саҳифа варақлаб кетяпман. Йиллар занжири, орзу-умид, бахтиёрлик нашидаларига тўла даврлар, унга эш холда на умид, на бахтиёрлик касб этган беҳуда йиллар. Эҳ, қанийди имкони бўлса, куйинаман мен, ўтмишига панжсаларингни тиқсанг-у, айқаш-уйқаш ётган болалик бошиқотирмаларини тартибга келтирсанг. Яшик тўла ўйинчоқлар қаёқда қолди, елим, гипс ва бўрдан қилинган, қоғоздан ясаладиган тойчоқчалар, қалай аскарчалар, ёғоч шамширлар, қани улар? Турли кийимлар кийиб ясанишчи, ҳаммасини атайин, ёлгондакам қилардик. Лекин кўнгил кўчаси деб нимани хоҳласак қилавермасдик, нима мумкин-у, нима мумкин эмас, хаддимизни билардик. Ёки биз нималардандир маҳрум эдикми? Ёхуд, билъакс, меъёридан ортиқча нарса инъом этилганмиди бизга? Туриб-туриб ёдимга Рилке тушади. Шиддат билан ўтган ёшлик интиҳоси ўлим дейишади, кетган ёшлик балки барча сирасрорларимизни олиб кетар. Яхшиси, ортга ўгирилма, туз ҳайкалга айланиб қоласан. Бор-йўғи беш песо. Шундан иккитаси атиги чойчақа).

«Пепе нафақат тижорат ҳуқуқи билан шугулланади, балки топган иши ҳар балони назарияга айлантириш бўлиб қолибди. Бугун бутхонадан чиқаётиб чақириб қолди, икков президент саройи томон сайр қилдик. Ҳеч нарсага эътиқоди қолмаган, ўзини тўхтатолмайди: ярим квартал юриб-юрмай, янги назария ихтиро этади. Эмишки, мексикалик бўлмаганда, Масихга ишонмаганда, қўявер эмиш, ҳаммаси аён бўлиб турармиди? Испанлар келади-да, сенга чормих қилинган жойида қовурғаси остидаги жароҳатдан оқиб турган қонга беланган, жони узилган Худога кўнгил қўй,

дея уқтира бошлайди. У, ахир, қурбон келтирилган, Гўлготага кўтарилган. Савол берасан, сенинг дунёқарашингга, урф-одатингга, асли табиатингга яқинроқ, табиийроқ яна нима бўлиши мумкин? Энди тасаввур қил, Мексикани буддачилар ёхуд мусулмонлар босиб олдилар. Бизнинг ҳиндулар ошқозон хасталигидан ўлган одамга топинадиларми? Шу миянгга сигадами-а? Тангрига эса ўзини қурбон қилганлар барибир оз, кўксидан юрагини сузуриб беришни талаб этади, шунда қандай қилиб Уитцилопочтлни қувиб солмайсан! Маъно-мазмунига кўра қайноқ, азиз, қурбонталаб урф-одатларга асосланган христианлик кўҳна ҳинду эътиқодининг узвий давоми эмасми? Бироқ унинг шафқат, яқинларга меҳр-оқибат сингари қирралари мос тушмайди. Бизнинг Мексикада ҳамма нарса битта нарсага бўйсундирилган – одамга ишониш учун уни ўлдирishi керак».

«Пепе менинг ёшлик чоғимданоқ ҳиндулар санъатига қизиқишимни билади. Ҳайкалчалар, бут, санамлар, сополарни тўплайман. Ҳафта охирида Тлаккала ёки Теотиуаканада бўламан. Шу боис ҳам у қулай вазиятдан фойдаланиб, менга мўлжаллаб ишлаб чиқаётган навбатдаги назариясидан бирини айнан шу қизиқишим билан боғлабди. Анчадан буён Чак Мўўлнинг дурустроқ нусхасини излаб юрганим ҳам сир эмас, шундан бўлса керак, Пепе бугун менга Лагунилдаги бир дўконда Чак Мўўлнинг тош нусхаси сотилаётгани, нархи ҳам эвида эканини хабар қилди, якшанба кuni ўша ёққа жўнамоқчиман».

«Ишхонадаги битта ҳазилкаш шоввоз графиндаги сувни қизартириб қўйипти, натижада мўътадил машгулотлар жараёни бузилди. Мен иложсиз бошқарма бошлигига хабар бердим, у эса кўзларидан ёш тирқирагунча кулди, нақ бўғилиб қолаёзди. Айбдор эса воқеа ривожидан бажонидил фойдаланиб, кун бўйи бадбахт графин тўғрисида ҳазил қилишини қанда қилмади. Менинг Ч. қандай экан!... »

«Бугунги якшанба тўла-тўкис Лагунилга бориши билан ўтди. Чак Мўўлни худди Пепе айтган дўкончадан топдим. Унга гап йўқ, таби-



ий катталикда, сотувчи қанча имонини ютмасин, ҳаққонийлигига бироз шубҳам йўқ эмас. Тош-ку оддий, бироқ ҳайкал ўта улугвор, туриши нафис, жуда бежирим. Бемаъни савдогар сайёҳларни ишонтириш учун қорнига қизил томат қайласини суркаб қўйинти, гўё ҳайкал бўлса ҳам қони билиниб турганмиш».

«Чак Мўўл, мана, ниҳоят, уйда. Уни келтириши тушовидан қимматроққа тушиди. Олиб келиб ертўлага туширдим, хонада коллекциялар кўплиги учун унга жой йўқ. Ҳайкал дегани иссиқлик, қуёшни суяди, доимо бошига нур тушиб турса, уларнинг табиати шунақа, шундай ясалган. Қачон кирсам, ертўланинг гира-ширасида сўнги нафасини олаётгандай, афти бужмайиб бўғилаётгандай турибди. Дўкондор аҳмоқ эмас-да, тепасига чироқ осиб қўйган, у эса ҳайкал юзидаги дагалликни ниқоблаб, менинг Чак Мўўлимни ёқимтой кўрсатган. Шундай қилмасам бўлмайди, шекилли».

«Саҳармардонда турдим, канализация тиқилибди. Эҳтиёт-сизлик туфайли оиҳонадаги жўмрак очиқ қолипти, сув тошиб, ертўлани босибди. Чак Мўўлга сув, нам ҳеч гап эмас, ёмони – жомадонлар дабдала бўлган. Ўчакишгандай, бугун иш куни, ишга кеч келдим».

«Ва, ниҳоят, канализацияни тозалаш учун келишиди. Жомадонлар майшайиб қолибди, Чак Мўўлнинг таг қисмини могор босган».

«Босинқираб бақирганча, соат бирда уйғониб кетдим. Миямга даъфатан босқинчилар деган фикр урилди. Васваса, бошқа гап йўқ».

«Инграш, зорланиш тунлари давом этяпти. Бу нима бўлиши мумкин, ақлим бовар қилмайди. Асаблар таранглашяпти. Худо ургандек, канализация яна тиқилди, ертўлани сув босди».

«Устадан дарак йўқ, нима қилишни билмай бош қотган. Шаҳар сув оқовачилари паиша кўриб бекор ўтиришади, сув уларнинг тўпиғига чиқмагандан кейин шу-да. Илгари қувур тиқилибди, сув

*босибди, деган гап йўқ эди, яқиндан бери шу аҳвол. Инграниш, тунги оҳ-воҳ тўхтади, шунга ҳам шукур».*

*«Ертўладан сувни ҳайдашди, Чак Мўўлни силлиқ, ёпишқоқ, яшил-кўкимтир парда қоплаган. Ҳамма ёзига яра тошигандай ҳароб, фақатгина тош кўзларига жин урмаган. Яқшанбадан ташқари тозалашига вақт йўқ. Пене уйни ўзгартиринг, яна сув тошиқини юз бериб турмасин, энг тепадаги қаватга кўчинг, деб маслаҳат берипти. Тўғри, бу қошона менга ортиқча, саройдек катта, устига-устак, биринчи қават бўлгани учун қоронғуроқ, одам маънос тортасан, порфириан асрида қурилган уйларнинг ҳаммаси бир гўр, бироқ у ота-онамдан қолган ягона ёдгорлик, қандоқ ундан кечаман? Кейин ертўлада жойлашган биргина мусиқа автоматли газакхонаю настки қаватдаги устахоналарга чопишининг ўзи бўладими, оёқдан қоласан-ку киши».*

*«Чак Мўўлнинг могор пўпанагини шпатель билан қирмай тозалаб бўлмади. Унга ёпишган мох тошга айлангандай қотиб кетибди. Бир соатдан ортиқ уринтирди, кечки олтида тозалаб улгурдим. Ғира-ширада тоза бўлганини пайпаслаб зўрга билдим. Қўлимни юргизганим сари кафтим ва бармоқларим юмишқоқ жойларга тегаётгандек бўларди. Бармоқларимга ишонмасдим, бу тошми ёки хамирми? Дўкондор мени туширибди. Колумбова асригача ясалган деган ҳайкали гипсдан бошқа нарса эмаскан, мана, намгарчиликдан адоийи тамом бўлди. Ҳозирча қанор қопчиққа ўраб қўйдим, эртага тепага олиб чиқмасам бўлмайди».*

*«Қопчиқ ерда ётибди. Тавба! Бу ёзи қандоқ бўлди? Чак Мўўлни ушлаб кўрдим. Сал қотибди, лекин тошга айланганича йўқ. Ростини, ёзгим ҳам келмай қолди, нега десангиз, унинг танаси, ишонинг-ишонманг, тирик одамнинг ўзи, резинага ўхшаб боссанг, ўрнига қайтади; ярим ётиқ жуссаси ичидан чулдираган овоз келяпти. Ётишдан олдин яна ёнига тушидим. Қўлига жуун чиқибди...»*

*«Ҳеч қачон бундай аҳволга тушмаганман. Ишда камчиликка йўл қўйганим бор, векселларни кафолатсиз олиб қўйган вақтларим бўлган, хўжайин танбеҳ берган. Ишхонадагиларга бемулозамат муносабат қилган бўлишим мумкин. Дўхтирга учрамасам бўлмайди, шекилли, ишқилиб, галлюцинацияга учраган бўлмасам. Яхшиси, қарғишига учраган Чак Муўлдан кечин керакка ўхшайди»*

Шу ергача Филибертонинг хати одатдагидек ҳарфлари йирик-йирик, текис, яхши келаётганди. Авваллари ҳам неча марта кўрганман, унинг хуснихатини яхши биламан. 25 августдан, чама-си, бошқа одам ёзган. Ёш болага ўхшаб ҳарфларни зўрға чизган, гоҳо асабийлашган, ёзув чаплашиб кетган, тушунарсиз дудмал жойлари ҳам кўп. Уч кунли танаффусдан сўнг кўлёзма давом этган:

*«...ҳаммаси шундай табиийки, ҳайрон қоласан киши; шундан кейин мавжуд нарсаларга ишонинишга уриниб кўр. Ахир, бу мавжуд, мавжуд бўлганда ҳам мен ишонган нарсалардан минг чандон ишончлироқ. Алҳол, графин мавжуд экан, унинг мавжудлигига ишонарканмиз, демак, қитмир ҳазилкаш унинг ичидаги суюқликни қизартириб қўйиши мумкинми, мумкин!... Фараз қилинган сигара аниқ тутаяпти, цирк ойнасидан ҳақиқий даҳшат боқиб турибди, ўз кўзинг билан уни кўриб турибсан... Ахир, эртами, кеч ўлганларнинг барчаси ҳам шундай эмасми? Агар кимдир тушида жаннатга тушишига сазовор бўлса, жаннатда буни тасдиқлаш учун унга гул беришса, уйгонса-ю, ўша гулни қўлида кўрса, нима бу? Реаллик, дейлик, бир кун юзлаб-минглаб бўлакчаларга бўлиниб кетди, у ёқда бош, бу ёқда дум ётибди, аммо кўринишида битта, яъни бошиқалардан ажралиб чиққан танаси жам бўлиб турибди. Озод, эркин, тушовсиз уммон чинничаноққа солиб қамаб қўйилгандагина мавжуддир. Уч кун илгари мен учун мавжуд бўлган нарса бугун йўқолиши арафасида – бу фақат ҳаракат акси, белгиси, аломати, одатланилган нарса, хотира, кундаликдаги ёзув, бошқа нарса эмас. Кейин Ер одамларга чексиз қудратини эслатиб қўйиши учун тўсатдан бир силкинади*

ёхуд қазо, ажал одамнинг ҳаётда ўлимни ёдидан фориғ қилгани учун келган жазодан бошқа нарса эмас, энди бошқа раҳм-шафқатсиз борлиқ – башорат қила бошлаймиз – чуқур, яширин нарса уйқудан уйғотиши ва ўзлигимизни намоён қилиши учун силкийди. Нима бу, яна хаёлот ўйиними? Юмишқ танали ўлик Чак Мўўл бир тунда рангини ўзгартди, сап-сарик, деярли олтинранг бўлиб қолди, бу билан менга беназир илоҳийлигини эслатиб қўйди. Ҳозир эса у сўлгин, тиззалари титрамоқда, нигоҳида эса табассум, ҳатто илтифотли мурувват акс этган. Кеча ярим тунда турткидан уйғониб кетдим, гўё ёнимда кимдир нафас олаётгандай, кимнингдир томири ураётгандай туюлди. Кўзим ярқ этиб очилиб кетди. Чиндан ҳам нарвондан оёқ товуши эшитиларди. Босинқираяпман, дейман, ухлашга уринаман, фойдаси йўқ... Қачон кўзим илинди, билмадим, уйғонсам, ҳали тонг отиб улгурмаган экан. Атрофимни даҳшат қамраб олганди; хушбўй смола ва қон ҳиди анқирди. Гаранг аҳволда ётоқхонани кўздан кечирарканман, иккита ловуллаб ёнаётган бурчақлардаги тешикчалардан липиллаб тушаётган нурни кўрдим.

На ўлик, на тирик ҳолатда чироқни ёқдим. Бу Чак Мўўл эди – тик турарди. Ранги сап-сарик, юзида табассум, қорни олдинда. Учбурчақ бурнининг тепа қиррасига зич ёпишиган гилай кўз тешикчалари мени тамоман сеҳрлаб қўйди. Пастки жағи олдинга туртиб чиққан, тепа лаби қимтилган, улкан бошидаги тўртбурчақ, ялт-юлт қалпоқчасигина ҳаётдан нишон бериб турибди. Чак Мўўл каравотим томон юрди, шунда шаррос ёмғир қўйиб юборди».

Эсимда, Филибертони август охирларида ишдан четлатишганда, бошлиқ у ҳақда ахборот берганди. Ўшанда унинг томи кетган, сал бўлмаса, ўғирлик қилиши ҳам мумкин экан, деган гап чиққанди. Мен бунга ишонмаганман. Лекин унинг сув ресурслари вазирига алжираб, саҳрони ёмғир билан суғоришга бел боғлагани ҳақида ёзиб юрганини, юқори идораларга сувнинг ҳиди бўлиши мумкинми, дея хат йўллаганининг гувоҳи бўлганман. Унинг бу хатти-ҳаракатига тушуниб етолмай хайрон, охири ёзда тинимсиз ёққан ёмғир мия-

сига таъсир этган, деган фикрга келганман. Яна бир томони борки, ярми чанг босиб, доимо қулф турадиган уйда, на хизматқору, на оиласиз ёлғиз яшаш, барибир, ўз мухрини босган ва мия айнишига олиб келган бўлса керак. Сентябр охирида Филиберто мундоқ ёзган:

*«Истаса, Чак Мўёл жуда ёқимтой бўла олади... чак-чак-чак – сеҳрли томчи... Муссонлар ҳақида, тропик ёмғирлар, ашаддий чўлсаҳролар тўғрисида ҳар хил гаройиб ҳикояларни билади; ҳар қандай ўсимликнинг афсона бўйича асосчиси у эмиш: тол – унинг адашган қизи, нилуфарлар – ошиқ ўғиллари, қуманжир – қайнона. Энг чидамаганим – ҳид, вужудининг гайритабиий ҳиди, вужудки, моддий бўлмай, кийилавериб ягири чиққан, алмисоқдан қолган қапакиннинг ўзгинаси. Чийиллагандай хандон отиб қулгани, Ле-Плонжон уни қандай топгани, у туфайли нариги дунёлик кишилар билан юзма-юз кўришгани ҳақида гапириб берди. Унинг руҳи кўзада макон тутган экан, ёгин-чачин деганиям фақат ўша ерда бўлармиш; яхшиямки, вужуди тош, унинг зигирчасини учирши куфроний шаккоклигу қонга беланган жиноятдан бошқа нарса эмасмиш. Худди шуни ёддан чиқармаслигим керак, акс холда Чак Мўёл ҳеч қачон кечирмайди. Санъат асари дахлсиз экани унга аён».*

*«Дўкандор доғули томаты суркаб қўйган қорнини тозалаши учун унга ишқалагич бердим. Сув ва ёмғир илоҳи Тлалог билан қондошлиги тўғрисидаги саволим мутлақо ёқмади, аччигини чиқарди, бундай пайтда ўхшовсиз тишлари ўткирлашар ва хунук йилтилларди. Хонамга чиққанининг дастлабки кунлари кечаси ертўлага қайтарди, кечадан буён менинг жойимда ухлай бошлади».*

*«Қуруқ мавсум бошланди. Кеча залда (ҳозир ўша ерда ётяпман) олдинига яна ўша бўғиқ хирилдоқ эшитилди, кейин даҳшатли гумбур-гумбур янгради. Чиқиб, ётоқхона эшигидан мўраладим: Чак Мўёл плафону мебелларни синдирибди. Қўллари қонталаш чақа,*

*эшик томон силжиётганди, эшикни зўрға ёпишга улгуриб, ваннахо-  
нага яшириндим... У ҳарсиллаганча зўрға настга тушиди, сув сўради.  
Куну тун жўмрак очиқ туради, уй тамом зах тортиб кетди. Ке-  
часи нима бўлса, барини ёпиниб ётаман. Неча марта залга сув  
оқизма, дейман барибир».*

*«Бугун зални сув босди. Ноиложликдан келган жойингга обо-  
риб ташлайман, дея нўписа қилдим. Ё Раббим, қўрғошиндек оғир  
билагузук таққан қўли билан туширган тарсакисидаги қаҳру газаби  
нақ одам боласи ёхуд ҳайвон овозидан тамоман фарқли қаҳқаҳасига  
жо бўлган қаҳридан мутлақо кам эмасди. Ҳа, у мени батамом ен-  
гиб бўлди, адо бўлдим. Яширишининг нима ҳождати бор? Аввалбош-  
да ҳамма нарса ўз йўсинида оддий, жўн эди: менинг ўз Чак Мўўлим,  
нима хоҳласам, шуни қиладиган ўйинчоғим бор эди, энди билсам,  
болаларча хаёл қилган эканман, болалик эса – ким шундай де-  
ган, эсимда йўқ – қанақанги тотли меваки, уни йиллар еб бўлибди,  
гафлатда қолибмиз... Кийимларимни аллақачон зўравонлик билан  
олиб қўйган, мох босди, дегунча халатимни ҳам илиб олади. Чак  
Мўўл, барча бўйсунушии шарт деб ўрганган ва дунё тургунча шун-  
дай бўлади, деб ишонади. Уни бошқариши йўл бўлсин, биргина имко-  
ним қуллуқ қилиш, холос. Ёмғир қуйиб турмаса, (унинг мўъжизавий  
кучи қаёқда қолди?) жаҳли чиқаверади».*

*«Кечаси тунда Чак Мўўлнинг уйдан чиқишини бугун билдим. Ҳар  
оқишом қоронғу тушиди дегунча кўҳна ҳазин қўшиқни гингиллайди, бу  
қўшиқ умуман ашула пайдо бўлишидан олдинроқ бино бўлгандир-  
ов. Ва бирдан кутилмаганда қандай бошланган бўлса, шундай  
ўчади. Бир куни эшикни қоққан эдим, очмади, юрак ютиб кирдим.  
Ётоқхона (баттол менга ташлангандан бери кирганим йўқ) даб-  
дала, ҳаммаёқ пачоқ. Анов уйни босган хушбўй ладан билан қоннинг  
ҳиди худди шу ердан анқиётган экан. Эшик ортида ит, каламуш,  
мушукларнинг гажилган суяклари. Мана, Чак Мўўл кечалари қорин  
гамини қандай ейди. Ана, тонг отардаги ваҳимали увиллашларнинг  
сабаби!»*

«Феврал. Ҳалиям қурғоқчилик. Чак Мўёл ҳар бир қадамимни кузатади. Мажбурлаб телефонда газакхонага буюртма беришимни талаб этади: энди унга ҳар куни гуручли жўжа гўшти келтиришяпти. Менда маош йўқ, жамғармам охирлаяпти. Хуллас, қутилган натижа рўй берди: пули тўланмагани учун биринчи санадан чироқ ва сув ўчирилди. Бироқ Чак икки квартал наридаги очиқ колонкани топди, энди мен у ёққа кунига ўн-ўн икки марта қатнайман, у эса юқори айвондан кузатиб туради. Агар қочгудек бўлсанг, кулингни кўкка совураман, дея дўқ уради, ахир, у чақмоқ маъбудди. Фақат кечалари уйдан чиқиши, кезинишидан хабардорлигимни билмайди... Чироқ йўқ, хоҳласам-хоҳламасам, соат саккиздаёқ ётиб оламан. Чак Мўёлга аллақачон ўрганиб, мослашиб кетишим керак эди, ҳеч иложи йўқ: учинчи кун деганда, тунда у билан нарвонда тўқнашидик, муз қўллари, жундор жуссаси, қайта жонланган жирканч танаси текканда, додлаб юборай дедим».

«Мабодо шу кунларда тезроқ ёмғир ёгмаса, Чак Мўёл яна тошга айланади. Кейинги пайтларда қийналиб ҳаракатланяпти, кўпинча чалқанча узоқ вақт қимир этмай ётади, каззоб – каззобда. Дамини олгач, яна қутуради, топгани мен, ботириб тирноқлайди, ишқилиб, бир томчи бўлса ҳам танамдаги суюқлигимни сўрса. Дўстона суҳбатлар, кўҳна асотирлардан сўзлашиш мутлақо тўхтаган. Менга нисбатан қаҳри ошиб борса боряптики, камайгани йўқ. Бўлаётган ишларга қараб туриб, бир хулосага келмасликнинг иложи йўқ: мусаллас ертўласи бўм-бўш, ичиб соб қилди, халати барини шундай берилиб сийпайдик, бошинг қотади, хизматкор ёллаш керак, дейдим-ей, совун ва пардоз матоҳларини талаб қиладими-ей... Одамзод нуқси юқиб қолмадимикин? Абадий тош қотган юзида кексалик аломати пайдо бўлгани-чи? Балки истиқболим бичилаётгани шумикин? Мабодо, Чак одамга айланса, борингки, абадийлиги бир дақиқага жам бўлиб, балки кулга айланар, бебақо хок бўлиб қолар. Унда менга яна таҳдид – мени шундоқ қолдириб кетмайди: қандай емирилаётганини кўришимни истамайди, илгарироқ даф қилади».

*«Бугун Чакнинг тентираб таишқарига чиқишидан фойдаланиб қочишим мумкин. Акапулкога ёки ундан ҳам нарироққа кетаманда, жой топиб, унинг ўлимини кутаман. Бошқа илож йўқ. У тез қарияпти, тук-мўйлари оппоқ, жуссаси, танаси ишяпти. Ўзимни ўйласам-чи: ёлғиз маза қиламан, уммонда чўмиламан, кучкуватимни тиклайман. Тўрт юз песо пулим бор. Фрау Мюллер пансионига бораман, ҳам арзон, ҳам қулай. Кечдим, ҳамма нарса Чак Мўўлга бўла қолсин. Кўрамиз, қанча чидаркин, унга сув ташийдиган малай борми?»*

Филибертонинг кундалиги шу ерда тугади. Ўқиганларимга қайтиб, мулоҳазаларга берилишни истамай, ўриндиққа яхшироқ жойлашдим-да, мудрай бошладим. Куэрнавакадан ўтганда уйғондим, Мехикога етгунча калаванинг учини топишга, бўлиб ўтган ишлар чарчоқ натижасими ёки руҳий зарба сабаблими, ҳеч бир қарорга келолмадим. Кеч соат тўққизда сўнгги станцияга етганда ҳам оғайним қай асосда томи кетиб, мияси заҳарланди, деган саволга жавоб тополмадим. Юкчи енгил машина ёллаб, Филибертони аввал уйига олиб боришга, кейин эса кўмиш маросимига тайёргарлик кўришга қарор қилдим.

Қулф тешигига калит солиб улгурмасимдан эшик ўзи очилди. Остонада эгнида халат, бўйнига шарф ўраб олган сариқ юзли ҳинду турарди. Башараси шундай хунук эдики, кўнглинг айнийди. Ундан арзон-гаров атирнинг ҳиди анқир, юзига упу сурганига қарамай, чуқур ажинлари билиниб турар, лабларига лаб бўёғи суртилган, сочи бўялганга ўхшарди.

– Узр, Филибертонинг уйи ...

– Ҳаммасидан бохабарман. Жасадни ертўлага олиб кираверишсин.



# Офоқ Масъуд

(1957)



*Озарбойжонлик адиба ва драматург Офоқ Масъуд 1957 йили Боку шаҳрида тугилган. Ўндан ортиқ роман, пьесалар ва бир қанча ҳикоялар муаллифи. Ижодини 1977 йилдан бошлаган. «Учинчи қават», «Шанба оқишони», «Йўлак», «Ёлғиз», «Оломон», «Озодлик» каби китоблари нашр этилган. Г. Г. Маркес, Т. Вульф, Х. Кор-тасар, Х. Л. Борхес асарларини озарбойжончага таржима қилган. Озарбойжон Миллий академиясининг «Гумай» мукофоти совриндори, Озарбойжонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. Озарбойжон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги бадий таржима маркази раисаси, «Хазар» жаҳон адабиёти журнали бош муҳаррири.*

## ИНСПЕКТОР ВАЙСМАН

Ғулом Ҳусайнли Фанлар академияси ҳовлисига қадам қўйди-ю, кутилмаган манзарадан саросимада қолди. Чамаси, шаҳарни мўр-малахдай босиб кетган, дуч келган муассасаю дўкон ва емакхоналар пештоқига ҳар турли лавҳаларни осиб, кўча-кўйда беғамгина кавшаниб юрадиган, юзлари кип-қизил ажнабийлар, ниҳоят, бу даргоҳга ҳам бошини тикқан кўринади. Асрий сарвзор қўйнида жойлашган, ранго-ранг гулхоналари кўзни қувонтирадиган муқаддас илм масканида, одатан, қалин-қалин жилдларни қўлтиклаб олган олимлар салмоқланиб сайр этиб юришарди. Энди эса бежирим асфальт йўлкаларда тумшуғига хорижий давлатларнинг байроқчалари қадалган ҳашамдор қоп-қора машиналар тизилишиб ту-

рарди. Улар ялт-юлт этиб кўзни қамаштирар, улкан гулдасталарни кучоқлаб олган илмий ходимлар ўзларини қўярга жой тополмасди. Бу ҳолни кўриб Ғулом Ҳусайнлининг кураклари орасида совуқ тер томчиси ўрмалади... Серрайиб туриш ноқулай эди, у тез-тез юриб, остонада уймалашиб турган одамлар орасидан ичкарига кирди. Бироқ фойеда ҳам сохта тантанавор манзарага дуч келди. Ҳовлида хукмрон бўлган байрамона кўтаринкилик гўё опичлаб ичкарига олиб кирилганди.

Иккинчи қаватга чиқиладиган мармар зинапоя тепасига ажнабий тилда бир нималар ёзилган оппоқ матолар, мовий байроқлар осиб қўйилган.

Ғулом Ҳусайнли бу ерда хис-ҳаяжонини аранг жиловлаб турган тарихчи, филолог профессорлар даврасига тушиб қолди. Уларнинг кўзлари алланечук ғамгин эди. Лекин бўлажак тадбир тўғрисида баланд-баланд товушда сафсата сотишар, тилёғламалик билан кимнидир мақташар, бир-бирига кулоқ солмасдан савол беришар, жавобини эса ҳеч ким эшитмасди – эшикдан баайни ҳазрати Хизр кириб келишини ҳамма интиқ бўлиб кутмоқда. Бир кишидан нақд ҳаммомдан чиққан оқавадек зах ҳиди анқир, булбулигўёлик қилаётган бу кимса шу тобда, куппа-кундуз куни чириб, пўпанак босиб бораётганга ўхшарди.

Ғулом Ҳусайнли профессорларнинг бакир-чақирини эшитмаслик учун ўтган кунларни – нутилмас жўшқин йилларини эслаб кетди. У вақтда эндигина академиянинг аспиранти бўлганди. Ўшанда бу даргоҳ унга мухташам илм ибодатхонасидек кўринар, у кезларда ҳали ёш бўлган ҳозирги илмий ходимлар институт директорларига ёки сўроқ белгисидек букчайиб қолган академикларга тақлидан салмоқ билан одим отишга ҳаракат қиларди. Хотиралар Ғулом Ҳусайнлини тўлқинлантириб юборди, у мижжаларида пайдо бўлаёзган ёшни яшириш учун фойенинг нақшинкор устунларини, шифтларни талмовсираб томоша қила бошлади.

Нафсиламрини айтганда, ўтган кунлар ҳали унчалик узоқлашиб кетмаган. Аммо, Ғулом Ҳусайнлининг назарида, бугун барҳаёт ўша

профессорлар авлоди ниҳоятда абгор бўлиб қолган, гўё академиянинг товуш ўтказмайдиган қалин деворларини қулатиб, вайрон қилиб бесўнақай бир трактор ўтиб кетгану одамларни ҳам эзиб-янчиб юборганди.

Академиянинг ўзи ҳам ўзгариб кетган. Ҳийла чўкиб, торайиб қолганга ўхшайди. Йўлақлари ҳам аввалгидек чароғон эмас, хира тортган. У ҳозир Ғулом Ҳусайнлига тасодифий йўловчилар билан тўлиб-тошган бесаранжом вокзал перронларини эслатди...

Ҳамма нарса аянчли, хору зор, ташландиқ.

Иккинчи қаватдаги мажлислар залига кирилгандан кейингина профессорларнинг жағи тинди. Бу зал аллақачон таъмирталаб бўлиб қолган, ниҳоятда афтода эди. Ғулом Ҳусайнлининг ён-верига жойлашиб олган илм аҳли саватчаларга солинган гуллар билан безатилган сахнани, тобора гавжумлашиб бораётган қиёфада кузата бошлади.

Ғулом Ҳусайнли ҳам сахнадан кўз узмасди, аммо у шу тобдаги дабадабозликка қараб негадир «Қалам» адабий шўъбасида ўтаётган ночор кунларини, очин-тўкин кечаётган ҳаётини ўйларди. Қадрдон «Қалам» шўъбаси шарти кетиб, парти қолган эски троллейбусга ўхшарди: ўйдим-чуқур йўлларда ҳар ёнга ташлаб оғиб кетса ҳам, давр синовларига мардонавор дош бериб, талай йиллардан буён ўзининг камтарона йўналишини ўзгартирмасди...

Шўъба аъзоси бўлмиш қаламкаш биродарлари бир-бир хаёлидан кечди. Ўтган ҳафта Шоирнинг таваллуд куни нишонланди, аммо «чақалок» байрамни қизитиш ўрнига – советди: тўмтайиб бўзарди, дардини сиртига чиқармади, Сўз қудрати ҳақида лом-мим демади; ундан кейин нутқ ирод қилган калтатой Фараж ҳам калавасининг учини йўқотиб қўйди – бир нималарни минғирлаб, тезгина минбардан тушиб кетди; охирида Оғаали тасаввуф дурдоналарини дунёвий адабиётга алмаштирмайман, деб икки оёғини бир этикка тикиб олди, сўнг кутилмаганда Садайннинг юзига шапалоқ тортиб юборди... Ғулом Ҳусайнли ана шунга ўхшаган нохуш воқеаларни

эсларкан, сочлари орасида чумоли ўрмалаб кетди – хижолатдан боши терлади.

Гўё аҳли замон ҳушидан айрилган, дунё остин-устун бўлган, ҳамма нарса пул билан ўлчанадиган, ҳеч кимни қорин дардидан бошқаси қизиқтирмай қўйган эди. Ҳатто муқаддас маскан саналмиш, ғаразли мақсадлардан ниҳоятда узок ҳисобланган академия ҳам нафси аммора йўлида аллақандай ажнабийлар билан ҳамкорлик қилишга мажбур. Қадрдон «Қалам» шўъбаси эса на одамларга, на адабиётга бир чақалик фойда келтирадиган абадият қонунларини тадқиқ этиш билан овора! Баландпарвоз даъволар шу замонда кимга керак, ахир?! Ундан кўра кўрпага қараб оёқ узатган маъкул эмасми? Барига ўзи, ўзининг ўжарлиги сабабчи. Адабиётга мутаассибларча сажда қилади, шу боис боши балодан чикмайди. Фақат ўзи қийналса гўрга эди, шўъбанинг барча аъзолари, ёр-дўстлари ҳам елкасига офтоб тегмай ўтиб кетяпти. «Балиқ бошидан...» деган нақл бекорга айтилмаган экан.

Ажабланарли жойи шундаки, Фулом Ҳусайнли балчикқа ботиб қолганини жуда яхши билади, жонҳолатда ундан халос бўлишга интилади, аммо қимирлаган заҳоти ботқоқ баттар комига тортиб кетаверади. Ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. У гўё ёмон туш кўриб, алахсираб ётган одамга ўхшарди – уйғониб уйғонолмас, ухлаб ором нелигини билмасди; бир чигалликдан қутулса, иккинчиси рўпарасида кўндаланг бўлаверарди. Хуллас, адабиёт қурбонлик талаб этар, уни унча-мунча нарса билан рози қилиб бўлмасди.

«Хўш, абадият қонунларининг кимга кераги бор ўзи? – деб баъзан ўтирган жойида хуноб бўларди у. – Бу сўфиёна васвасалардан нима фойда?!»

Аслини олганда, ўзи ҳам, дўстлари бўлмиш калтатой Фараж, Шоир, Денгиз ва шўъбанинг бошқа аъзолари ҳам қандайдир шубҳали мазҳабнинг мутаассиб муридига ўхшарди. Сиртдан қараган одам уларни жинни-пинни бўлса керак, деб ўйламоғи тайин.

Бошқа ёзувчилар эса кечаю кундуз тадбиркорлик билан пухта режалар тузиб, қандай қилиб фаровон турмуш кечириш тўғрисида

бош қотирар, китобларини чет элларда бостириб пул топиш пайида эди. Булар-чи, тамаки тутунига тўлиб, димиқиб кетган хоналарида бадий сўз кудрати, бирон бир асрнинг фазилатлари тўғрисида, теран рамзий маънолар ҳақида томоқлари хириллаб қолгунча баҳслашар, бирор сўзнинг маънодошини қидириб антак-тентак бўлар, сўнгра кўзлари косасидан чиққудек бир алфозда бу кашфиётларини бир-бирига айтиб маъқулларди... Ҳақиқатан ҳам, бундай йиғинлар адабий кечадан кўра, яширин мазҳаб аъзоларининг махфий учрашувига кўпроқ ўхшаб кетарди.

Мана шуларни ўйлаганда Ғулом Ҳусайнлининг юраги ҳар гал ғалати ҳапқириб тушади. Лоп этиб қаламкаш дўстларининг дилбар мисралари, мумтоз шоирларнинг шохбайтлари хаёлига келади. Булар уни нафақат маънавий ҳалокатдан, балки росмана ажал чангалидан ҳам асраб қолган. Ўлим – ҳақ, ҳеч ким ундан қочиб қутулолмайди. Лекин ўлим бошқа, ўз жонига қасд қилиш бошқа нарса. Худкушлик ўйига борган онларида Ғулом Ҳусайнли мардлик қиялман деб, аслида номардлик қилмоқчи бўлганини дафъатан ҳис этар, сўнгра эс-ҳушини йиғиб олиб, шум ниятини қоғоздек ғижимлаб, кераксиз коралама нусха каби улоқтириб юборарди...

Бугунги дабдабаю асъасалар аввалгиларига ўхшамасди. Шу тобда академияда ҳукмрон бўлган муҳит, уддабуронлик намоёиши кўнгилни айнитиб юборгудек даражада эди. Беихтиёр аллақачон таъмирга муҳтож бўлиб қолган шўъба биноси, унинг ғалвирдек илма-тешик томи, бечораҳол ходимларнинг озиб-тўзиб кетган қиёфалари бир ёндаю адабиётни тирикчилик манбаига айлантириб олган семизқуртлар яна бир ёнда намоён бўлади...

Нимадир қилиш, ниманидир ўзгартириш керак. Эҳтимол, Адабиёт Қалъасининг булутларга қадалиб турган бирор арконини қулатиш керакдир? Шўъбани ҳам булут босган, булут остида инграб ётибди. Зоҳиран батартиб академиянинг мажлислар залида ҳам оқимтир булутлар кўзга ташланади. Худди кафанга ўхшайди.

Зал одамлар билан лиммо-лим тўлди.

Ғулом Ҳусайнли кейинги ўн йил мобайнида бу ерга қадам босмагани; академия аъзоларининг таркиби деярли янгилашибди. Йиғилганларнинг кўпчилиги ёшлардан иборат, кекса ёки ўртайшар кишилар ҳам бор, лекин аксарият янги одамлар Ғулом Ҳусайнлига нотаниш эди. Улар амалдор устозларига тақлидан қатор оралаб кеккайиб юришар, киборлар мисоли тишларининг оқини кўрсатиб бир-бирига таъзим бажо келтирар, қандайдир ҳужжатларни олдинги қаторда ўтирган зотларга қўлма-қўл узатишарди.

Аҳли илм орасида бир неча таниш академик ҳам кўзга чалинарди; улар аллақачон кексайиб, букчайиб қолган. Академия казо-казолари ён тарафдаги пастак эшиқдан энгашиб кириб, чумоли галасидек тизилганча, эҳтиёткорлик билан сахна ёнидан ўтди-да, қатъий тартиб бўйича биринчи қатордан жой олди, ҳандалакдек вазнсиз каллаларини ҳар ёнга буриб паст товушда ўзаро минғирлаша бошлади. Чамаси, улар бошқалар тушунмайдиган хос бир лаҳжада сўзлашарди. Ғулом Ҳусайнлининг эсида: улар бундан ўттиз йил илгари ҳам худди ҳозиргидек рангпар ва бужмайган кўринарди. Ўтган йиллар мобайнида янада букчайиб, янада захил тортиб, замон ва макондан четда қолиб кетишибди.

Нихоят, анжуман бошланди. Саҳнада академиянинг вице-президенти пайдо бўлди – миқтидан келган, ўртайшар бир гумбаз; у шодлигидан лаб-лунжини йиғиштиролмас, гўё анови «янгилик»ни тезроқ айтмаса, нақд юраги ёрилгудек эди. Саҳнага чикқач, театр коидасига кўра, номаълум нуқтага тикилиб ҳийла сукут сақлади-да, сўнг вазмин оҳангда сўз бошлади. Афтидан, моғор ҳиди анқиб турган эски сахнада вице-президент ўзини нокулай ҳис этарди. Шу боис ғайритабиий равишда овозини баланд кўйиб гапиришга ҳаракат қилди. Нутқининг ўрталарида алломалигини писанда қилиб мураккаб илмий истилоҳдан фойдаланмоқчи бўлди-ю, оддийгина найрангбозликни ҳам эплай олмади – дудукланиб қолди, қийшанглаб нодонлигини хаспўшлашга уринди. Боз устига, биринчи қаторда қотиб ўтирган кекса академиклар уни баттар саросимага солиб кўйди. Ғулом Ҳусайнли ҳам ўз фаолияти давомида мана

шундай лоқайд нигоҳларга кўп бора дуч келган. У димоғдор вазирларнинг кабинетларида, юқори мансабларга қўққайтириб қўйилган амалдорларнинг ҳузурида адабиёт шўъбасининг оғир иқтисодий аҳволи, томдан чакки ўтаётгани, йўлақларда елвизак ўйнаётгани, бир четга уйиб қўйилган бебаҳо қўлёзмалар пўпанак босиб, яроқсиз ҳолга келаётгани тўғрисида гапиравериш чарчаган. Унинг дийдиёларини чўянбашара кимсалар қилт этмасдан эшитарди, Ғуломбой эса битта гапни тўтиқушдек такрорлайверарди, баъзан тутилиб қолар, жаҳли чиқар, ичида ўзини сўқарди. Гоҳо асаблари чатнаб, чакка томирлари бўртиб кетар, охири овоз чиқариб бир нималар деб дўнғиллардию каловланиб ташқарига отиларди. Барча таваллолари яна-тагин ҳавога совурилганини остонадаёқ хис этарди.

Ўлик кўзларнинг бундай лоқайдлиги бирпасда ҳар қандай иштиёқни сўндиради, унга дуч келган одамнинг қўли ишга бормай қолади.

...Вице-президент дарҳол ўзини қўлга олиб, шакаргуфторлик билан нутқини поёнига етказди. Кейин ажнабий сармоядорларнинг гумашталари саҳнага таклиф қилинди. Баландпарвоз мактовлардан довдирабоқ қолган вакиллар саҳнага чикди. Оврўпача олақурок шим кийган икки йигит бирин-кетин ўз тилида бир нималар деб чулдиради. Юз-кўзини сепкил босган, қотмагина маллатоб йигитчани Ғулом Ҳусайнли зимдан кузатди. Маллатоб ажнабий Олмония элчихонасининг бир ходимига жуда-жуда ўхшарди; беш-олти ойдан буён Ғулом Ҳусайнли салмоқдор китоб нашр этишга буюртма олиш илинжида инспектор Вайсман ҳузурига зув-зув қатнайди. Ўша инспекторнинг юзини ҳам сепкил қоплаган, аммо суҳбатдошидан ҳазар қилаётганини башарасидаги сепкил ҳам яширолмасди.

Элчихона шаҳар марказидаги муҳташам бинонинг қуйи каватида жойлашган. Мана шу балконлари ойнаванд бинода бир вақтлар хокисор Халқ шоири истиқомат қиларди. У ниҳоятда одамохун эди.

Ҳозир иморатнинг деворлари қайта сувоқдан чиқарилган, негадир кулранг тусга бўялган, олисдан хўмрайгандек кўринади, товуш ўтказмайдиган ойнаванд эшиклари доим ёпиқ туради. Худди ўлим лагерларига камалган маҳбуслар мисоли оёқ учида юрадиган элчихона ходимларининг тунд башаралари Ғулом Ҳусайнлига болалик чоғларида кўрган олачалпоқ фильмлардаги фашистларни эслатарди.

«Олмон адабиёти антологияси»ни тайёрлашга қарор қилган шўъба номидан элчихонага расмий хат билан мурожаат этилди. Бироқ ҳозирча олмончадан бир мисра шеър ҳам озарбайжон тилига ўтирилмаган. Хавфсизлик юзасидан деворлари зирҳланган элчихона қабулхонасида ҳар гал Ғулом Ҳусайнлини чиройли бир озарбайжон қиз кутиб олади. У ойнаванд тўғарак стол ёнида алчайиб ўтиради, уят-пуютни билмайди, аллақачон олмонлашиб улгурган; она тилида зўрға чайналиб гапиради, дудмал жавоблари кишининг энсасини қотиради. Устига устак, учлари ўткир туфлиси билан гоҳ оёққа тепиб, гоҳ ўткир тирноқлари билан юзни чимдиб олаётгандек туюлади. У сизга гумонсираб қарай-қарай, товуш ютадиган юмшоқ тўшама қопланган йўлак бўйлаб маллавоё ходим ўтирган хонага бошлаб боради. Инспектор билан учрашувга қадар кечадиган бу савдолар Ғулом Ҳусайнлининг таъбини ҳар гал тирриқ қилади.

Аллақандай ваҳимали электр асбобига ўхшаган Вайсманнинг хапдори ҳиди анқиб турган хонасига кириб, унинг рўпарасида икки-уч дақиқа мулзам бўлиб ўтирганидаёқ Ғулом Ҳусайнли бу ерга бекор келганини англайди, ичидан зил кетади. Лаънати расмий хатни хаёлан юз марта майда-майда қилиб йиртиб ташлайди, лекин энди Вайсманнинг бақрайган совуқ кўзларидан қочиб қутулишнинг иложи йўқ.

Ўша хат юзасидан инспектор Вайсман яна бир неча марта Ғулом Ҳусайнлини ҳузурига чорлади. Инспекторнинг хонаси вазнсизлик ҳолатида муаллақ осилиб турган фазовий кеманинг каютаси каби тор, димиқиб кетганди. У қилдан қийиқ ахтарадиган безбет



терговчига ўхшаб суҳбатдошини эринмасдан сўроқ қилади; «Агар Олмония элчихонаси антология чоп этиш учун маблағ ажратса, пул қай йўсинда, нималарга сарф этилади?..» деб қайта-қайта сўрайди. Одамнинг жонини ҳиқилдоғига келтиради. Антология харажатларига ажратиладиган пулдан ҳали дарак йўғ-у, ўтган ҳафтадан бери Вайсман ҳар кеча Ғулом Ҳусайнлининг тушига киргани кирган. Боз устига, тасқара бир қиёфада намоён бўларди: гоҳида маҳаллий кампирларнинг этаклари ер супуриб юрадиган рўдапо кўйлагига бурканиб, сап-сарик тук қоплаган қўллари билан Ғулом Ҳусайнлининг бўйнидан кучоқлаб, юзини юзларига босганча эркаланиб озарбайжон тилида бир нималар деб чулдираса, гоҳида полициячилар либосида рўпарасида ўтириб олиб, Ғуломнинг башарасига қизил чирокни тўғрилаб кўзларини камаштирар, шеър-пеърни эслатадиган аллақандай маттни олмон тилида ўқиб берар эди. Кейинги марта кўрган тушида Ғулом Ҳусайнли Вайсман олқишлаб турган эшакдек тозидан зўрға қочиб кутулди. Сўнг чағир тошлоқ бўйлаб югуравериб ўпкаси бўғзига тикилди, яланг оёқлари тилиниб кетди; қандайдир илонизи сўқмоқлардан ўтиб, тонг маҳали ҳолдан тойиб ерга қулади ва шу заҳоти яна устига кутурган ит ташланди...

Ғулом Ҳусайнли қора терга ботиб уйғонди, безгакка чалинган бемор мисоли вужуди дағ-дағ титрарди; қалин кўрпани устига тортиб ўраниб олди. Энди элчихонасига қадам босмайман, у ерларни елкамнинг чуқури кўрсин, деб қасам ичди; Вайсманни эса ашаддий бир душмандек хотирасидан батамом ўчириб ташлайди. Афсуски, орадан икки соат ўтар-ўтмас шўъбага бордию зинапояда қисилиб-қимтиниб, мунғайиб турган, саратонда сувсиз қолган гуллардек сўлиб-сарғайган ходимларга кўзи тушиб, беихтиёр элчихонанинг қадимий қалъа дарвозасига ўхшаш оғир-вазмин темир қопқаларини, товуш ўтказмайдиган қалин ойналарни, Вайсманнинг малла башарасини яна эслади, яна ундан умидвор бўлди...

Профессорлардан бирови алам билан бош чайқаб, аста энгашиб ёнида ўтирган шеригининг қулоғига ниманидир шивирлади. Уларнинг садақа тилаб ўтирганидан Ғулом Ҳусайнлининг кўнгиллари айниб кетди. «Намунча ялтоқланади? Одам боласи шу қадар ҳам тубанлашадими?..» – унинг юраги дук-дук урар, асаблари чарсиллар эди. Ўзини босиб ўтиришга ҳаракат қиларди-ю, лекин эпполмасди.

Нима учун кўплаб китоб, сценарий ва йирик таржима асарлар муаллифи бўлган Ғулом Ҳусайнли келиб-келиб қандайдир чаласавод ажнабийга ҳовучини чўзиб тиланчилик қилиши керак? Вайсман ким бўпти – Олмониянинг гадойтопмас бир киндигида туғилган, оиласи ҳам электр асбоблари жамулжамига ўхшаса, ажаб эмас, ўзи амал-тақал қилиб бирорта ўқув юртини тамомлаган бир кўппак, холос! Нега ана шу галварснинг бемаъни савол-сўроқларига чидаши керак экан? Ундан кўра, ер ёрилиб, ерга кириб кетгани минг марта афзал эмасми?! Дод, минг додким, ўша лаънати даргоҳ остонасига бош уриб боришга мажбур. Инсоний ор-номусини топтаб, бетини қаттиқ қилиб элчихонага бориб келганидан сўнг ҳар гал яна навбатдаги учрашув тўғрисида бош қотиради. Бундан ортиқ ҳақорат бўлмас...

Умр бўйи ўзларини олиму фузало ҳисоблаб келган, раҳбарликни ҳам ўрнига қўйган, уюм-уюм илмий асарлар яратган калондимоғ профессорлар нима учун сочлари оқарган бир вақтда бетайин, енгилтак ажнабийлар қаршисида думларини лик-лик ўйнатяпти?

Оғир ўй-хаёлларга ғарқ бўлиб ўтирган Ғулом Ҳусайнли қандай қилиб диққинафас академияни тарк этганини ҳам сезмай қолди. У ғир-ғир шабада эсаётган сўлим кўчалар бўйлаб оҳиста одимлаб борарди.

Бу гал Вайсман хонасида ёлғиз эмас экан, ёнида баланд бўйли, истараси иссиқ яна бир олмон ўтирарди. У нимаси биландир машхур бастакор Штраусни эслатарди. Улар Ғулом Ҳусайнлига бир қараб олгач, ўзаро олмончалаб паст овозда ғўнғирлай бошлади. Олмон тилини билмагани учунми ёки кейинги вақтларда Вайсман тўғрисида кўп ўйлагани сабабми, Ғулом Ҳусайнлининг назарида олмонлар уни калака қилаётгандек туюлди. Иккинчи олмоннинг кўз қорачиғида, қизларникидек қирмизи лабларининг буржида истехзо аломатлари пайдо бўлди.

Вайсманнинг қиёфасида яхшиликдан ном-нишон ҳам кўринмасди. У юм-юмалоқ иткўзлари билан Ғулом Ҳусайнлининг қопқора мўйловини, тугунчаси ғалвайиб турган, эрталаб апил-тапил боғланган бўйинбоғини, оҳори тўкилган қўйлагининг шўр босган ёқасини бирма-бир кўриқдан ўтказди; оппоқ бармоқлари эса зўр ҳафсала билан столга тахлаб қўйилган хужжатларни силаб-сийпаларди. Бу силлиқ жаноблар кўзини лўк қилиб ўтиргани сари Ғулом Ҳусайнли ўзини ноқулай ҳис этар, юзи қип-қизариб, сочларининг остидан ҳам тер чиқа бошлаган, боши ғув-ғув айланар, алланечук қичишар эди. Ногаҳон бугунги учрашувга келишдан олдин туфлисини ярақлатиб артганини эслади. Одатда кўчага чиқаётиб оёғидаги пойабзалга қиё ҳам бокмасди. Бу гал негадир «Дўст бошга, душман оёққа қарайди», деган нақлга амал қилди. Оёғидаги пойабзал ярақлаб турган бўлса-да, учлари пачоқ. Ғулом Ҳусайнли буни бир ойча муқаддам шаҳар марказидаги олмонларнинг дўконидан сотиб олганди. Мана, бир ой ўтар-ўтмас, аввалги ҳашамидан асар ҳам қолмади. Баттар бўлсин. Аслида, хотин кишининг гапига аҳмоқ эргина кулоқ солади. Унинг хотини ҳам арзонроқ пойабзал харид қилгин, деявериб кулоқ-миясини еб қўяди, бир ойдан сўнг эса тумшуғи пачоқ, пошнаси емирилган туфлини кераксиз буюмдек қўли юпқароқ бирор қариндошига инъом этиб юбораверади...

Вайсман ҳамон ёқимтой олмон билан шивир-шивир қилиб музокарани давом эттирарди. Афтидан, улар рўпарада бир одам мунтазир бўлиб ўтирганини ҳам эсларидан чиқариб юборган кўринади. Зеро, бирортаси Ғулом Ҳусайнли тарафга қиё бокмасди... Ниҳоят, боядан бери Вайсман сийпалаб ўтирган жилдни очиб, ҳужжатларни кўздан кечира бошлашди; баъзан оламшумул сир сақланаётган қутичадан илон чиқиб қолгандек кўзларини ола-кула этиб юборишар, шунда қоғозлардан кўз узиб Ғулом Ҳусайнлига ёвқараш қилиб кўйишар, гўё ҳар хил белгилару сўроқ-ундов аломатлари билан тўлиб-тошган ҳужжат асл нусхасига – Ғулом Ҳусайнлининг башарасига таққосланар эди. Ғулом Ҳусайнли ўтирган жойдан Вайсманнинг ботинкаси баралла кўринарди: пойабзал яп-янги бўлса-да, нариги олмоннинг ботинкасидан сипороқ; худди икки жуфт ботинка дўкон пештахтасидан унга тикилиб тургандек... Ҳар иккала олмоннинг билаклари хивичдек ингичка, бўйни қилтириқ, касалманд кишиники каби сарғимтир эди. Ғулом Ҳусайнли уларнинг бошқа тана аъзоларини ҳам кўз олдига келтирди; оёқлари товукникига ўхшаса керак, деб ўйлади. Сўнг бирдан фикри равшанлашди: ха-а, гап бу ёқда экан-да, олмонларнинг пойабзали қилтириқ оёқларга мўлжалланган, ундай оёқ мўрт пойабзални йиртмасдан, пошнасини емирмасдан бир йил судраб юриши мумкин... Инспекторларнинг кўйлаклари ҳам яп-янги эди: ёқалари асл ҳолида тикрайиб турибди, ҳали дазмол нималигини билмайди, демак, тоғорага тушмаган, ювилмаган. Уларнинг кийим-боши аслида янги эмас... Ғулом Ҳусайнли хаёл суриб ўтириб рўмолчаси билан бўйнидан оқаётган терни артиб олди... Аммо баданга ёпишиб турган бу шўрлик кийимкечак чинакам ҳаётдан беҳабар, шу боис эскирмайди, йитмайди...

– Бу нима?!

Туйқус берилган саволдан Ғулом Ҳусайнли чўчиб тушди. Вайсман қоқшол қўлида унга таниш ҳужжатни тутиб турарди. Бу антология нашрига мўлжалланган харажатлар ҳисоб-китоби эди. Вайсман, айниқса, мана шу қоғозни жуда ёмон кўрарди. Ҳар гал савол-жавоб ҳужжатлар орасидан ажратиб олинган мана шу ҳисоб-китобдан

бошланар, Ғулом Ҳусайнли эса ижикилаб изоҳ берарди. У ёд бўлиб кетган гапларни тўтиқушдек такрорлашга киришди: «Биз антология нашр этмоқчимиз, озарбойжон китобхонларини олмон адабиёти билан таништирмоқчимиз, шу йўсин олмон-озарбойжон маданий алоқаларини ривожлантиришга муносиб улуш қўшмоқчимиз» ва ҳоказо. Босиқ, паст товушда гапирди, ўзини зиёлидек тутди, оврўпаликлар каби кулимсираб турди, дона-дона қилиб сўзлади, иборалар орасида сукут сақлади, ишқилиб, жиззаки элчихона ходимининг жинини қўзитмасликка ҳаракат қилди. Бирок у гапираётган пайтда Вайсман қоғоз ушлаб турган қўлини пастга туширмади, киприк қокмасдан, юм-юмалоқ қўзларини лўқ қилиб ўтираверди. Боз устига, нариги олмоннинг лабларида яна захарханда аломати зоҳир бўлди. Ғулом Ҳусайнли расмий хат моҳиятини батафсил изоҳлагач, оғир жиноятнинг ашёвий далилидек, боядан бери Вайсман қўлидан қўймай турган ҳужжат ҳақида тушунча берди. Гапираётиб, булар ҳозир менга бир бало бўлишини кутяпти, деб ўйлади негадир. *Хўш, менга нима бўлиши мумкин?* Ғулом Ҳусайнли бирдан тўхтаб, ўйлаиб қолди. Вайсман эса ҳамон ҳисоб-китоб ёзилган қоғозни тутганича унга қараб ўкрайиб турарди. Сас-садосиз таъна-дашном Ғулом Ҳусайнлининг суяк-суягидан ўтиб кетди. У яна терлай бошлади. Аъзойи баданидан қуйилиб келаётган тер юпкагина чит қўйлагини бирпасда жикқа хўл қилди. Терлаб-пишиб кетганини сезиб ўзидан уялди, асабийлашди, натижада баттар терлай бошлади. Бир неча ой муқаддам шоша-пиша, бухгалтер билан антология харажатларини ҳисоб-китоб қилганини эслади. Шу нарса бошга битган бало бўлди-ку, деб ўйлади ижирғаниб. Ундан воз кечсам, қутуламанми? Ғулом Ҳусайнлининг назарида, олмонлар унинг терлаб-пишиб хижолатдан қовурилаётганини мароқ билан томоша қилиб ўтиргандек туюлди. Кутилмаганда Вайсман Ғулом Ҳусайнлининг изоҳларидан қониқиш ҳосил қилгандек қўлини пастга тушириб, ҳисоб-китоб ёзилган қоғозни жилддаги ҳужжатлар орасига авайлабгина тикди-да, бошқа варақни олиб ёқимтой олмоннинг олдига қўйди. Ғулом Ҳусайнли узоқдан турибоқ ўзлари олмон

тилида тузган – антологияга кириши режалаштирилган ёзувчилар рўйхатини дарров таниди.

– «Кристиан» сўзи нотўғри ёзилибди. Олмончада бу атокли от «Хh» ҳарфи билан ёзилади, сизлар «К» билан ёзасиз...

Штраусга ўхшаган ёқимтой олмон чучуқроқ тилда сўзлар экан. Ҳечкиси йўқ, ажнабийлар талаффузидаги нуқсон кечиримли. Муҳими, у озарбойжонча гапирди. Аммо нутқида ҳийла қусур сезилади. Хусусан, ундош товушларни олмонча йўсинда халқумидан чиқариб, тишларининг орасидан ўтказиб ўқдай отиб юборса, юмшоқ унли товушларни қаттиқ оҳангда талаффуз этарди. Болалик чоғларидан қулоқларига ўрнашган майин, муסיкий товушлар худди бир арава шағалдек Ғулом Ҳусайнлининг устига ағдариларди.

«Штраус» гапини тамомлаб зўраки жилмайди, лекин бу жилмайиш мамнунликни эмас, қахр-ғазабни ифодаларди.

– Қолаверса, бизга тақдим этилган ҳужжатда қайд этилишича, китобнинг юз нусхаси ҳар хил идораларга совға қилинарган. Буни нима деб тушуниш керак?

«Йўқ, энди чидаб бўлмайди! – дея хаёлан эътироз билдирди Ғулом Ҳусайнли ғазабини аранг жиловлаб. – Нима, булар мени муттаҳам деб ўйлаяптими?!»

Ёқимтой олмон бирдан Вайсманга ўхшаб Ғулом Ҳусайнлига ўқрайиб тикилди; Ғуломбойнинг юраги товонига тушиб кетди гўё, тиззалари билинар-билинамас қалтирай бошлади, томоғига муштдек бир нима қадалиб қолди. Ажабо, у ҳеч қачон бундай аҳволга тушмаган эди. Лекин одамнинг тиззаси қачон қалтирашини яхши билади... Вой, аблахлар-эй, одам боласини шу қадар хўрлаш керакми?!

Йиллар давомида сўлиб-сўниб қолган тўфон бирдан кўкрак қафасини ларзага келтириб юборди.

– Нима демоқчисиз ўзи? – деди Ғулом Ҳусайнли ўсмоқчилаб. Гулдирак янглиғ овозидан ўзи ҳам илҳомланиб кетди. Бир жуфт амалдорвачча бақрайиб ўтирган бу хонада, дарҳақиқат, унинг то-

вуши момогулдиракдек янграган эди. – Балки ўша идоралардан ишончнома ҳам келтириб беришим керакдир? Нима бало... – деб бирдан айтмоқчи бўлган гапини унутгандек тўхтаб қолди. – Сиз... мени ким деб ўйлаяпсиз ўзи?!

Ғулом Ҳусайнли хаяжон гирдобига тушган, ҳикилдоғига қадалиб қолган муштдек бир нарса ҳамон товушини бўғиб турар, шу боисми, сўзлари олмонларга деярли таъсир этмасди. Улар кўзларини лўқ қилиб, қилт этмай ўтирарди. Ҳаддан зиёд хаяжонланганиданми ёки ўзи айтган сўзлар таъсириданми, Ғулом Ҳусайнлининг кўз олди коронғилашиб қолди.

– Одамни яна қанча хўрлаш мумкин?! Сизлар берадиган ўша ҳисоб-китобли пулни ўмариб кетаманми?! Нима, мени ҳеч нарсани тушунмайдиган аҳмоқ деб ўйлаяпсизларми?! Сиз...

У дийдасида ёш айланаётганини сездию ажнабийлар олдида йиғлаб юбормаслик учун сапчиб ўрнидан турди.

Бу димикқан бинода йўқ бўлиб кетишни, инсоний шаънини ер билан яксон этишни истамади – яна бирпас турса, йўлакларга тўшалган қалин гиламлар қадам товушларига қўшиб уни ҳам ютиб юбориши ҳеч гап эмасди гўё!

Югуриб кўчага чикди.

Кўча гавжум эди. Енгил-елпи кийиниб олган одамлар қаҳвахоналардан таралаётган мусиқа садолари остида сайр этиб юришарди.

У ҳаллослаб бориб муюлишдан бурилди-да, Фавворалар майдонига чикди. Энди эслаб кўрса, ҳали кўзларида ёш ҳалқаланиб ўрнидан тураётган пайтда олмонлардан бирининг лаби титраб кетган, сўнг лоқайд башарасида қониқиш аломатлари пайдо бўлган экан. У бунни кўз қири билан кўрган, яққол ҳис этган эди.

Худо билсин, бир инсоннинг хор-зор бўлишини, икки қўлини тос кўтариб майдондан чиқиб кетишини лўттибоз амалдорваччалар қанча кутган экан! Мана, энди улар муродига етди.

«Худди росмана урушга ўхшайди-я!» деди ичида Ғулом Ҳусайнли.

У тамаки тутатиб чекди. Ўша лаънати учрашувни тезроқ унутишга аҳд қилди.

Кўчаларда бамайлихотир айланиб юрди: бировнинг бошига каради, бировнинг оёғига... Гоҳ-гоҳ мийиғида кулиб кўярди: бош ёки оёққа қараб дўст ким, душман ким – билиб бўлмайдикун, биродар!

Кўча-кўйда одамлар кийиб юрган пойабзалларни Ғулом Ҳусайнли олмонларнинг ўша пойабзал дўконида кўргандек эди. Уларнинг барчаси Вайсманнинг ботинкасидек ярқиради, ғашни келтириб ғирчилларди.

Ҳамма олмон туфлисини кийиб олган, мана, ўзи ҳам ўшанақа бошмоқни судраб юрибди. Ғулом Ҳусайнлининг юраги сикилди, тезроқ уйга кетгиси келди – ажнабий пойабзалларини ортиқ томоша қилишни истамасди.

У сигаретини ундукага отиб юбориб, қадамини тезлатди.

«Энг ажабланишли жойи шундаки, мана шу бемаъни ҳодисанинг ҳам қандайдир маънисини бор, – дея йўл-йўлакай хаёлидан ўтказди Ғулом Ҳусайнли. – Вайсман ҳар қанча пасткаш бўлмасин, лекин у ҳам ўзича ҳақ...»

## 5

Орадан бир ҳафта ўтгач, Ғулом Ҳусайнли шахсан элчи жанобларининг номига мактуб йўллаб, сафоратхона ходими уни нечоғлиқ хўрлагани, сарсон-саргардон этганини батафсил баён қилди.

Кейинги ҳафтада элчихонадан жавоб келди. Элчихонанинг маданий ишлар бўйича вакиласи фрау Зибек уни суҳбатга таклиф этган эди.

«Улар ким билан ўйнашаётганини билган бўлса керак!..» Бу фикр Ғулом Ҳусайнлига ҳийла таскин берарди. Адабий мушоҳадалардан, жиддий далил-дастаклардан иборат мактуб ҳар қандай фаҳм-фаросатли одамни бефарқ қолдирмайди.



...Белгиланган куни элчихонага етиб борди. Ҳар эҳтимолга қарши, Вайсман билан «Штраус»нинг хурмача қилиқлари, олмонларнинг эътиборсизлиги ҳақида мухтасаргина, аммо сермазмун нутқ қораламасини ҳам ҳозирлаб олганди.

Қабулхонага кираверишда ойнаванд тўғарак стол ортида алчайиб ўтирган, аллақачон олмонлашиб улгурган анови озарбойжон қиз телефонда ким биландир шивирлашиб гаплашаётган экан. Унга кўзи тушган заҳоти гўшакни кафти билан тўсиб:

– Қулоғим сизда, – деди.

– Мен соат ўн учга таклиф этилганман, – деди Фулом Ҳусайнли ич-ичидан ғурурланиб. Аслида, шу чокқача мана шу қизга ҳам тилёғламалик қилишга мажбур эди; энди ҳаммаси бошқача бўлади – эски тераклар кесилиб кетган.

– Ким таклиф этган?

– Фрау Зибек.

Қиз нариги телефон гўшагини кўтариб, бир тугмачани босди ва ким биландир олмон тилида қисқагина гаплашиб, гўшакни жойига қўйди.

– Сиз тўрт дақиқа кечикдингиз, – деди у кейин. – Ҳозир фрау Зибек бандлар. Қайта учрашув тайин қилинишини сўраб элчихонага ариза билан мурожаат этишингиз мумкин...

Фулом Ҳусайнли чап томон деворга осилиб қўйилган соатга қаради.

Дарҳақиқат, соат ўн учдан тўрт дақиқа ўтган эди...



## МУНДАРИЖА

<b>Иван Бунин.</b> Муза. ( <i>Тоҳир Қаҳҳор таржимаси</i> ).....	3
<b>Сомерсет Моэм.</b> Тиланчи. ( <i>Алишер Отабоев таржимаси</i> ).....	13
<b>Жек Лондон.</b> Бир кунлик кўналға. ( <i>Холида Аҳророва таржимаси</i> ).....	19
<b>Ҳерманн Хессе.</b> Мармартарош. ( <i>Мирзаали Акбаров таржимаси</i> ).....	38
<b>Лу Син.</b> Телба хаёллар. ( <i>Ўктам Усмонов таржимаси</i> ).....	72
<b>Стефан Цвейг.</b> Нотаниш аёл мактуби. ( <i>Мирзаали Акбаров таржимаси</i> ).....	85
<b>Жеймс Жойс.</b> Эвелин. ( <i>Алишер Отабоев таржимаси</i> ).....	112
<b>Жуброн Халил Жуброн.</b> Бўронда қолган қуш. ( <i>Маҳкам Андижоний таржимаси</i> ).....	119
<b>Умар Сайфиддин.</b> Элчи. ( <i>Жаҳонгир таржимаси</i> ).....	133
<b>Андре Моруа.</b> Қайтиш. ( <i>Назира Юсупова таржимаси</i> ).....	147
<b>Николай Гумилёв.</b> Саройнинг сўнгги шоири. ( <i>Ойгул Суюндиқова таржимаси</i> ).....	154
<b>Рюноске Акутагава.</b> Ўргимчак толаси. ( <i>Дилишод Нуруллоҳ таржимаси</i> ).....	159
<b>Уильям Фолкнер.</b> Куёш заволи. ( <i>Олим Отахон таржимаси</i> ).....	164
<b>Ясунари Кавабата.</b> Анор. ( <i>Абдувоҳид Умиров таржимаси</i> ).....	188
<b>Эрнест Хемингуэй.</b> Фрэнсис Макомбернинг омонат бахти. ( <i>Учқун Назаров таржимаси</i> ).....	192

<b>Михаил Шолохов.</b> Хол. <i>(Ваҳоб Рўзиматов таржимаси)</i> .....	229
<b>Уильям Сароян.</b> Филиппинлик ва маст. <i>(Анвар Ёқубхўжаев таржимаси)</i> .....	243
<b>Нажиб Махфуз.</b> Имконият. <i>(Озод Шарафиддинов таржимаси)</i> .....	248
<b>Габриэль Гарсиа Маркес.</b> Унутилмас кун. <i>(Рустам Жабборов таржимаси)</i> .....	264
<b>Нодар Думбадзе.</b> Hellados. <i>(Низом Комилов таржимаси)</i> .....	274
<b>Карлос Фуэнтес.</b> Чак Мўёл <i>(Тилаволди Жўраев таржимаси)</i> .....	296
<b>Офок Масъуд.</b> Инспектор Вайсман. <i>(Набижон Боқий таржимаси)</i> .....	309

**Б 71** **Бир кунлик қўналға** [Матн]: жаҳон адиблари ҳикоялари /  
тўплаб нашрга тайёрловчилар: У. Бўтаев, Н. Бўтаева. – Тошкент:  
«O‘zbekiston» НМИУ, 2018. – 328 б.

ISBN 978-9943-25-537-1

**УЎК 82(100)**  
**КБК 84(0)**

*Адабий-бадший нашр*

## **БИР КУНЛИК ҚЎНАЛҒА**

*Жаҳон адиблари ҳикоялари*

Муҳаррир *С. Саидмуродов*  
Рассом-дизайнер *Ш. Қурбонов*  
Техник муҳаррир *Т. Харитонов*  
Кичик муҳаррир *Г. Ералиева*  
Мусахҳих *Д. Хусанова*  
Компьютерда тайёрловчи *Н. Аҳмедова*

Наشريёт лицензияси АИ № 158. 14.08.2009.

Босишга 2018 йил 9 апрелда рухсат этилди. Бичими 60x84<sup>1/16</sup>.  
Офсет қоғози. «Times New Roman» гарнитурасида офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 19,07. Нашр табоғи 17,43.  
Адади 3000 нусха. Буюртма № 18-297.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O‘zbekiston»  
нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)